

# ADABIYAT FOLIOVI

1997

2

---

АДАБИЙ-ИЖТИМОЙ ЖУРНАЛ

---

66-ЙИЛ ЧИҚИШИ

*БОШ МУХАРРАП:*

Уткир ХОШИМОВ

*МАХРАП ХАТБАТИ*

Омон МУХТОР, Баҳодир МУРОД АЛИ, Мурад МАНСУР,  
Икром ОТАМУРОД, Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН,  
Алипазар ЭГАМНАЗАРОВ.

МУАССИСЛАР:  
УЗБЕКИСТОН ЕЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ,  
ФАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ АДАБИЁТ ВА САНЪАТ  
НАШРИЁТИ

# Сиздан келган х а т л а р

Мен китобхонман. Атоқли ёзувчиларимизнинг деярли ҳамма асарларини уқиб, уз вақтида ҳузур қилганман.

«Шарқ юлдузи»нинг 6 (1996) сонини олиб, унда босилган асарларни уқиб, таниш ёзувчиларимизни янгидан танигандай бўлдим. Улар ақлу заковатига яна бир бор тахсинлар айтдим.

Азиз зот Алихонтўра Соғунийнинг «Темур тузуқлари» таржимаси «Гулистон»да чиққандан ва у кишининг Шарқий Туркистондаги олиб борган улкан ишларидан хабардор эдик. Эндиликда забардаст бу сиймонинг тиббиёт соҳасидаги билимдонлиги ва амалиёти ҳам юқори поғонада эканлигининг гувоҳи бўлдик.

Суз устаси Абдулла Қаҳҳорнинг «Ташвиш» пьесасидаги гаплар узига хос тил-забонга эгалиги билан ёзувчини танитиб турибди.

Тўхтасин Жалолов бизга жуда кўп асарлари билан таниш. Унинг «Отаўғил ва Зурафо» қиссаси менга «Меҳробдан чайн»ни эслатди.

Улмас Умарбековнинг, афсус, умри қисқа экан-да, унинг истеъдодига гап йўқ.

«Шарқ юлдузи» журнали ушбу асарларни эълон қилиб, утган адибларимиз руҳини шод этди. Журнал таҳририяти келгусида ҳам шундай савобли ишларни русбга чиқаришига тилакдошман.

Абдуқайом НУРМАТОВ,  
шахсий нафақахур.  
Фарғона тумани, Миндон қишлоғи.



*Шукур Холмирзаев*

# АРБОБ АРМОНИ

Воқси ҳикоялар

## Ўлдирса — мард ўлдирсин

«Хорижда анчайин сиёсатчилар, арбоблар ҳақидаям асарлар ёзилади. Нега бизда ёзилмайди?».

Суҳбатдан.

Шукурвой, биз каби раҳбарларнинг номимиз ҳарқанча баланд ё паст саналмасин, орқамиздан ҳар қанча мақтов ёки ғийбатлар бўлмасин — биз кечагача қарам раҳбарлар эдик. Кимга, дейсизми? Албатта, Москвага.

Аммо бу ҳолни гоҳ билдирардик, гоҳ узимизча яширардик. Москвалик арбобларга очиқ-ойдин хушомад қилган пайтларимизу сал тескари борган дамларимиз ҳам бўларди.

Мен ушанда район партия қўмитасининг биринчи котиби эдим. Ўзим ёш, ғайрат бор, саводдан ҳам қисмаган, хуллас, шу маънода раҳбар эдик.

Тагин бир жиҳатни қайд этишим керак: ўзимдан улуг арбобларнинг айтганларини кўпдан бажо келтириб юрсамда, хушомад бобида оқсар эдим. Албатта, бу борада хол қўярдим-да, кетидан хўрсиниб юрардим: ана кетдим-мана кетдим, деб. Аммо тагин ўша аҳвол содир бўларди, яъни сут билан кирган — қон биланми, жон биланми чиқади, деганла-

ридек, кунгилда борини айтиб юборганимни сезмай қолардим.

Энди қарангки, каминага область партия қумитасининг раҳбарлари Московдан келишайтган бир-икки вакилларни кутиб олишни топширишди. Билсам, кимсан — ЦеКа КПСС-нинг аъзоси ўртоқ Ломиновский келаётган эканлар. Ҳаяжонга тушиб денг, дарҳол ҳозирлик кўра бошладим. Меҳмонхонамизнинг хос хонасини қайта жиҳозлатдим. Кейин дастурхон — таомнинг ҳам ғамини еб, айрапортга чиқдим. У кишининг ёнида тагин бир раҳбар — аёл киши бор экан. Кутиб олиб, мошинага ўтқазиб, шаҳарга жунатдик.

Меҳмонхонага келдик. Менинг назаримда, у кишилар меҳмон бўлишларидан олдин далани бир айланишни исташар, балки идорага бирров киришар, деган фикр ҳам бор эди.

Йўқ: улар кўча четларидаги санобарларни биров томоша қилган бўлишди-да, тўғри меҳмонхонага йўл олишди. «Ҳа, майли, йўл босиб келишган. Ҳордиқ чиқаришсин. Иш қочмас», деб ўйладим.

Хосхонани, яъни лукс хоналарни кўздан кечириб, ювина бошлашди. Бунгаям бирон соат вақт кетди. «Ҳа, шунча йўл босиб келган меҳмонлар ювинишади-да», деб кутдим. Совуй бошлаган биринчи овқатни — шўрвани қайта иситтирдим. Изидан палов ҳам кутиб турибди.

Ниҳоят, стол теварагидан жой олишди. Шунда сездимки, улар самолётда қиттак-қиттак қилишган. Шунинг учун коньякни очиб, оз-оздан қўйдим.

Улар ичиб, чека бошлашди.

— Шўрвага қаранглар, азиз меҳмонлар!

Улар табассум қилишди-да, тагин ўзларининг, афтидан самолётда бошлашган суҳбатларини давом эттиришди.

Мен безовта бўла бошладим: ўшанда пахта-терими айни авжида, табиийки, бу ўртоқлар ҳам ана шу масалада, яъни, теримни тезлатиш учун келишган.

---

#### МУАЛЛИФДАН

Амриқо ёзувчиларининг Э. Хемингуэй билан тенг турадиганларидан бири — Ричард Олдингтон (унинг энг машҳур асари — «Все люди — враги» деган романидир): «Ҳар қандай кимсанинг ҳаётидан ҳам камида битта ибратли ҳикоя ёзиш мумкин», деган эди. Камина ҳар гал шу гапни, аниқроғи, ҳикматни эслаганда, 54 йиллик комфирқасининг аъзоси, ҳамон фирқа дафтарчасини кенгайиб қолган костюми киссасидан қўймайдиган волидам кўз олдимга келар, чаласавод, аммо вақти-замонида кўпларга нафи теккан шу зот ҳақида бирон-бир нарса ёзишни ўйлардим.

Кейин қарасам, тугилиб ўсган юртимда ҳаёт йули ҳақида ҳикоя эмас, кисса ёзиш ҳам мумкин булган арбоб шахслар куп, куп утган экан...

Ниҳоят, Сурхон вилоятида энг саводли ва маданиятли арбоблардан бири, мен жуда ҳурмат қиладиган кишим, ҳозирги кунда Вилоят Қасабалар Уюшмасининг раиси бўлиб турган инсон — Ҳимойиддин Шарафуддинов ҳақида бир эмас, бир туркум ҳикоялар ёзишга аҳд қилдим ва уларнинг бир қисмини битиб, вилоят газетида ҳам бостирдим. Кейин ўйлаб қарасам, бу воқеа ҳикояларни жумҳурият матбуотида ҳам бемалол эълон этса буларкан.

Мен тушунардим: юқоридан келадиган ўртоқлар бизнинг пахтани билишмайди. Билишмайди-да... Аммо уларнинг тахминий мулоҳазаларига ям қулоқ солишга мажбур эдик.

Лекин мен, ахир мен далага чиқишим керак. Кечаси обкомга ҳисоб бераман!

— Азиз ўртоқлар... ўртоқ Ломононский, таом совуб қолди,— дедим яна.

Улар менга яна жилмайиб қўйишди-да, тавба, тагин ўзларининг Ўзбекистонга ю бизнинг районга мутлақо алоқаси булмаган суҳбатларини давом эттирдилар.

«Вей, бу инсонлар нега келишар экан?» деб ўйладим. Биламан бунинг сабабини. Аммо...

— Азиз ўртоқлар, таомни егандан сўнг, балки далага чиқишни истарсизлар? — дедим.

— Дарвоқе, пахта қалай? Ун тўртинчида планни бажаришларинг керак, — деди ЦеКа вакили.

Ана шунда бизники тутди:

— Йўқ, бажара олмаймиз, — дедим.

— Как это так?

— А вот так. Биз — Шимолий зонамиз, пахтамыз ингичка толали. Бу пахта кеч очилади.

— Сиз вақтлироқ очилтирасиз-да, — деди аёл.

— Фақат шу иш қўлимдан келмайди, — дедим.

— Қўлингдан шу иш келмаса, нега секретарь бўлиб юрибсан? — деб қолди Ломононский. Сўнг дабдурустдан телефонни тортиб, дастакни кўтарди. — Менга обком секретарини топ! — деди камутаторга.

Бироздан кейин камутатордан жавоб қайтди. У кишиям далада эканлар.

Шунда Ломононский шундай деди:

— Сенга жавоб. Обкомда гаплашамиз.

Шу боис ушбу киришеуз ила ҳикояларни севимли журналим «Шарқ юлдузи»га тавсия этдим.

Бу асарларнинг бадийи саняси бир хил эмас. Қолаверса, уларнинг купи қаҳрамон тилидан баён қилинадики, бу қалтис йўл бўлиб, асар қаҳрамони кўпроқ узига «ёнбосиб», яъни, узини кўтариброқ ҳикоя қилиши мумкин.

Чамада, шундай уринлар ҳам учрайди ва мен бундан зигирча хижолат тортмайман.

Гап шундаки, шу кунларда яхши гапнинг, яхши ишлар, фазилатларнинг қули бўлиб қолаётганимни сезиб юрибман, бундан киши билмас уксиёпман ҳам; гап шундоқ экан, асарни ёзиш жараёнида (у киши ҳикоя қилганлари билан мен ёзганман) Ҳимойиддин аканинг яхши тарафларига ургу берган бўлсам, нима қипти!

Майли, шу усулда шундай арбоблар ҳақида ёзишни ихтиёр қилган бошқа адиблар бошқача, масалан, қаҳрамонларнинг нуқсонларини ҳам курсатиб ёзаверсин.

Яна бир гап: журналга битта каттагина бадийи ҳикоямни ҳам ўқишга берган эдим, таҳририят марҳамат қилиб, уни ҳам ушбу воқеи ҳикояларга тиракб юбориптики, уларга миннатдорчилик билдириш билан бирга, ўқувчиларга: «Ана бу — бадийи асардир», дейман.

Тошкент, 1996.

— Хуп, — дедим мен. — Гаплашиш бўлса — гаплашамиз, уртоқ Ломононский.

Ўрнимдан тургандим, аёл айтди:

— Утиринг. Хизматингизни қилинг!

Мени, Шукурвой, улар «хизматкор» деб билишар экан.

— Йўқ. Хизматни қилиб бўлдим. Сизлар бунинг қадрига етмадингизлар. Аксинча мени... мени камситдинглар! Ахир сизлар меҳмонсизлар-ку? — дедим.

Улар бир-бирига қарашди. Кейин Ломононский нима дейди денг?

— Курамиз, ким меҳмон эканлигини.

Жоним ҳалқумимга келди.

— Ҳой, уртоқлар! — дедим. — Қачон бир-биримиз билан тенг бўлиб гаплашамиз?

Ишонасизми, Ломононский нима деганига?

— Атом урушидан кейин.

Каллага келмайдиган гап!

Аммо бу гапда жон бор экан.

Энди уйлаб кўринг: СССРнинг тарқалиши — қайси атом урушига тенг эмас?

— Билмадим, уртоқ Ломононский, — дедим. — Инсон табиатан ўзини ўлимга маҳқум этмайди!

— Нима, озод бўлишни истамайсанми? Нима, мустақил бўлишни истамайсанми?

Вей, бунақа гаплар ўша вақтларда ман-ман деган сиёсатчиларнинг ҳам хаёлига келмасди!

Тўғри, буни истардик, албатта. Аммо шундай бўлиши ақлга сиғмасди.

Шунинг учун СССРнинг тарқатилиши — бир атом урушига тенг экан, деяпман.

Энди бир нарсага эътибор қилинг: азиз меҳмон Озодлик, Мустақиллик ҳақида гапириб қолди, демак, улар бизнинг кўнглимиздаги яширин истакни тушунишар эканда!

Албатта, ука!

Ахир, улар ҳам тарихни ўқиган!

Ҳе, Туркистон Мухториятининг тор-мор келтирилиши тарихини биларсиз?

Яқинда ўқиб қолиб, тепа сочим тикка бўлиб кетди, хайронлар қолдим.

Эсингизда бўлса, 1918 йилнинг бошида Лениннинг имзоси билан «Шарқ мамлакатлари мусулмонларига!» дейилган Манифест эълон этилади. Унда шарқдаги ҳар бир республиканинг суверен бўлиб кетишга ҳаққи борлиги битилган.

Хуш, ушанда бир ёндан жадидлар, бир ёндан руҳонийлар бўлиб, Туркистон Мухторияти эълон этилади. Қурултойлариям ўтади. Ҳукумат сайланади. Ва Чўқаев Туркистон президенти, деб эълон қилинади.

Шунда қарабсизки, бу ҳақиқатни — «аксилинқилобчилар

фитнаси» деб, ҳукумат аъзоларини қамоққа олиш буюрилади. Ҳукумат аъзолари Қўқонга қочишади.

Сунг бу ҳукуматни камситиш учун — «Қўқон мухторияти» деб ном берилади-да, у ерда ҳам Мухторият арбобларини қамоққа олиш бошланади.

Бу иш, албатта, Қизил Армия гарданига юклатилган бўлади. Шунда президент Мустафо Чўқаев Сталинга кўнғироқ қилади. Сталин ўша кезлар — Жугашвили, деб аталар, Миллатлар палатасининг раиси экан.

Чўқаев шундай дейди:

— Ўртоқ Иосиф Виссарионович, маълумингиз, жаноб Лениннинг имзоси билан Эълон қилинган тантанали манифестда Туркистоннинг ҳам Мустақил давлат бўлиб, Россия Федерациясидан ажралиб кетишга ҳуқуқи бор, дейилган. Биз, туркистонликлар шу улуг ваъдаларингга ишониб, Мухторият эълон қилдик. Буни Туркистон мусулмонларининг Қурултойи тасдиқлади.

Аммо ўша кундан буён биз — ҳукумат аъзолари тазйиқ остига тушиб қолдик. Ниҳоят, Қўқонга қочишга мажбур бўлдик. Сиздан илтимосимиз шулдирки, Туркистон мустақил бўлиши муносабати билан Қизил Армия қисмлари — хорижий қўшинга айланганини эътиборга олиб, ул қўшиннинг биздан чиқиб кетишига ёрдам берсангиз.

Сталин шу заҳоти жавоб қайтаради:

— Жаноб Чўқаев, сизлар Туркистонни Мустақил давлат, деб эълон қилган экансизлар, бизнинг қаршилигимиз йўқ. Ва Қизил Армия қўшинларини хорижий қўшин деб атаётган экансизлар, бунгаям қаршилигимиз йўқ.

Аммо, жаноб президент, Мустақил давлатда ўзининг Армияси бўлади. Сизда шундай Армия бўлмаса, босмачиларингиз бор. Демак, жаноб Чўқаев, сизга маслаҳат шу: ўша қўшинларингиз кучи билан бизнинг Қизил Армияни Туркистондан ҳайдаб чиқаринглар.

Хайр, жаноб президент.

Шукурвой, мана сизга Туркистонга берилган озодлигу унинг натижаси.

Ўша телефонда сўзлашувдан кейин Қўқон уч кун ёнади... Ёндиришади... 30000 (ўттиз минг) одам ўлдирилади.

Хўш, мен нима демоқчиман?

Бизнинг Мустақиллик ва Озодликни ишташимизга бўлган кейинги муносабатларнинг асл илдизи ўша кунларга бориб тақалади.

Ва бу ҳолни шубҳасиз, акангизнинг азиз меҳмонлари ҳам яхши билишаркан...

Акс ҳолда ўша гаплар ўртоқ Ломоновскийнинг оғзидан чиқиб кетмас эди.

Ҳе, укавой, ҳоким миллат вакилларининг қарам миллат вакилларига бўлган муносабати бундан бошқача бўлмас экан. Яъни, мени — райком котибини оёқ учида курсатиб ўтиришгандек.

Биз Мустақилликнинг қадрига етмаяпмиз ҳозир. Начора? Иқтисодий қийинчиликлар бор.

Қолаверса, инсоф билан айтиш лозимки, Мустақиллик бизга қарийб текинга тушди.

Шу тўғрида бир куни шоир Усмон Азим билан ҳам гаплашиб қолдик. У айтди: «Ҳимойиддин ака, Мустақилликни Президентимиз кутилмаганда эълон қилиб юборганларидан кейин мен икки кун ўғлимни етаклаб Қизил майдонга чиқдим. Бошқа бировни кўрмадим. Одамлар ҳеч нарса содир бўлмагандай юришибди.

Ахир, шу кунларни кутиб яшаган эдик-ку? Қанча қонлар тукилган эди?»

Мен шоирга аниқ жавоб беролмадим. Аммо шундай бир ўхшатиш қилдим: «Усмонжон, чўққига чиқмоқчи бўлсангиз интиласиз, интиласиз. Чиққандан кейин утириб қоласиз, хордиқ оласиз. Умуман, мақсадга етишгач, унинг қизиғи камаяди...»

Айтмоқчи, мен чалғиб кетдим.

Ўртоқ Ломоновскийнинг айтган гапидан кейин аста чиқиб кетдим-у, бир неча кун райком котиблигидан бўшатишимни кутиб юрдим.

Ҳақиқатан ҳам бир ой утар-ўтмас бизнинг бошимизга гурзи келиб тушди, «Правда»да уриб чиқишди. Шарафутдинов манмансираган, такаббур ва ҳоказо деб.

Йўлдош Муқимовни биласиз? Ушанда «Правда»нинг Ўзбекистон бўйича муҳбири эди.

Ушанда «Правда»да ёмонотлиқ бўлган раҳбар соғ қолмас эди. Ҳа, текшир-текшир бўлиб кетди.

Оллоҳга шукрки, омон қолдик. Бунинг устига сал вақтдан кейин... вилоят Ижроия қўмитаси раисининг биринчи муовини бўлиб кўтарилдим... Кейин Тошкентга бордим-у, эшитдимки, Ломоновский Ўзбекистон Олий Кенгаши Раисининг уринбосари бўлиб Московдан келибди.

«Ҳа, яна учрашар эканмиз-да. Ҳимойиддин, дадил бўл. Бир бошда бир ўлим», деб қўйдим.

Уша куни Олий Кенгаш мажлислар залида учрашиб қолдик.

— Ў, ўртоқ Шарафутдинов! — деди. — Мана, мени қарган эканмисан, Московдан тушиб келдим.

— О, йўқ, ўртоқ Ломоновский, — дедим. — Қадим Туркистондек бир мамлакатнинг раҳбаридан бири бўлиб келибсиз, бу менимча, пастга тушиш эмас. Бу кўтарилишдир... Қолаверса, ўзингиз уйингиздек билган бу юртнинг аҳволини, жумладан, пахтани ҳам энди яхшироқ биласиз...

У мийиғида кулиб қўйди. Кейин сўради:

— Хўп, дўстона ишлаб кетоламизми?

— Дўстона бўлмасаям... нега яхши ишлаб кетолмас эканмиз? — дедим. — Талашадиган молимиз йўқ. Мунозаралар ўз йўлига... Қолаверса, ўша суҳбатимиздан кейин мен ўйлаб кўриб, унчалик ҳайрон бўлмадим. Мени тушунгандирсиз?



У яна мийигида кулди-да, жиддий тортди.

— Ўша учрашувимиздан кейин обкомда бирон нарса дейишдимми сенга?

— Йўқ. Аммо дейишларини кутган эдим...

У миқ этмади.

Шундай қилиб, ишлайвердик. Хўш, пахта етиштиравердик. Планлар бажарилаверди.

Оқибатда экологик аҳвол ўзингиз билган даражага етганда, Худонинг қудратими бу, СССР бўлинди: биз кутилмаганда Мустақил бўлиб олдик.

Фалакнинг гардишини қарангки, худди ўша кунлар эди, яна Тошкентга йўлим тушди. Кўпчилик эдик. Меҳмонхонада энди жой олиб жойлашаётсам, телефон жириглайди. Трубкани кўтарсам, таниш овоз:

— Ҳимойиддин, сенмисан?

— Мен, — дедим.

— Мен Ломоновскийман, — деди у. — Қўшни хонадаман. Кир, гапим бор.

— Хўп бўлади, — дедим.

Борсам, бурчақда уч-тўртта чамадон турибди. Столда емак. Ҳар хил ичимликлар. Ломоновский бағрини очиб, мени қарши олди.

Буни кутмагандим, саломга яраша алик деганларидек, мен ҳам кучоқни очдим.

Қарасам, ичкари хонадан ўша таниш жувон ҳам чиқиб келди-да, эҳтиром билан қўл узатди менга.

Тасаввур этингки, Шукурвой, улар мезбонга-ю, мен меҳмонга айланиб қолдим.

Табиий, мен бунақа муомаланинг сабабини тушунар эдим. Аммо барибир ичимда: «Тавба, — деб ўйладим. — Одамзод шундай тенг бўлар экан-ку, бир-бирига? Нега бир халқни бошқа халқ устидан ҳукмрон бўлишига, демак, камситишига қараб турасан, Худойим? Ахир, яна кунларнинг бирида уларни бир-бирига тенг қилиб қўяр экансан-ку?

Шу йўл билан уларни синайсанми ё?»

Хуллас, бир ҳақиқатни қайта кашф этдим. Инсонлар Оллоҳ олдида бир-бирига тенг бўлганларидек, бир-бирлари олдида ҳам тенг бўлишлари лозим.

Энди мен Ломоновскийни ҳам қайта кашф этган эдим. Шундай қилиб, анча гурунглашиб қолдик, жуда нормал, шўх, мард одам экан у...

Энди, Шукурвой, битта мулоҳазам бор, сиз ҳам тарихни ўқигансиз, биласиз, бир замонлар — Бобур давридами, Темур давридами, балки Исмоил Сомоний даврида, ҳарқалай, биз ҳам қандайдир даражада мустабид бўлган чоғда, демак, бизнинг аждодларимиз ҳам қарам халқ вакилларига мана шундай қараган бўлиши керак.

Нима дедингиз? Гапнинг қисқаси, Ломоновский ниҳоят:— Биз Русияга кетяпмиз, — деди. — Сени яхши кўраман... Яхши кўраимиз. Сен ҳам бизни, мени... ёмон кўрма.

Бунинг сабабиңи айтиб ўтирсам, самолётдан кечга қоламан...

— Мен тушунаман, — дедим.

Кунглимиздаги гапларни сўзсиз тушуниб турардик. Кейин у мени кучоқлаб ўпди. Мен ҳам уни ўпдим. Кейин тост айтдик.

— Кел, дўст киришайлик. Дўст бўлишиб қолайлик, — деди Ломононский.

— Албатта, — дедим.

— Сизларнинг дўстликларинг учун, — деди жувон.

Шундан кейин, инсон ғалати экан-да, Шукурвой, Ломононский нима деб сўради, денг?

— Ҳимойиддин, нима бўлиб область Ижроия кўмитаси раисига биринчи ўринбосар бўлиб қолганингни биласанми?

— Билмайман, ўртоқ Ломононский, — дедим. — Аммо омадли раҳбар эканимни биламан. Қаердаки, лавозимдан кетишим аниқ бўлиб қолса, янги лавозимга кўтарилиб қоламан.

— Билиб қўйки, сенинг омадинг — феълингда, номусингда, биз каби кечаги оғалар билан кўрқмасдан гаплаша олишингда, қолаверса, меҳнаткашлигингда, — деди. — Гап шундаки, дўстим, сени ўша лавозимга мен тавсия этган эдим.

Мен лол қолдим. Тилимга бир гап келди: «Ўлдирса, мард ўлдирсин» экан-да.

Бу гапни ҳар йўригда ишлатишим мумкин...

Энди, Шукурвой, ҳикоям давомида ўзимни ошириб юборган бўлсам, узр.

Инсонмиз, инсоний ожизликларимиз бор-да...

## Васваса

Н. район фирқа кўмитаси биринчи котиби, бугунги кунда ҳордиқ олаётган Эрмамаатов ҳикоя қилади:

— Шукурвой, Шарофутдиновнинг тилидан деб, ўзингиз ёзган ҳикояни эшитдим. Айтиб қўйганингиздек, ҳикояда тасвирланган воқеалар тўғри-ю, номларини ўзгартирибсиз. Ихтиёр сизда. Ёзувчилар шундай қилишини биламиз. Мен эсам, ошнам, борини айтаман. Сўзларимни ўзгартирманг. Ўлай агар, Пайғамбарнинг олдида гапиргандек гапираман.

Хўп, Ҳимойиддин Шарофутдиновни билардик. Кўп ўқишшли, саводли, одамшаванда ҳамда мард деб эшитардик. Ўзим ҳам уч-тўрт марта ўтиришларда кўргандим. Ростини гап, ичимда тан бергандим ҳам. Шу билан бирга, рашким ҳам келган.

Хуллас, у киши «Ленинград» колхозида раис бўлиб турганида, колхознинг кўрсаткичлари баландлиги учунми, у одам-

нинг ақл-фаросати устунлиги учунми баъзи яқинларимиз у кишини менга мақташ билан бирга, масалан «У йигит усади, қўрқамиз-да, жойингизни олиб қўймаса», деган гапларни айтишарди.

Бундай гаплар раҳбар одамни ҳаяжонга солади. Раҳбарлик ҳам касалликка ўхшайди...

Лекин унча эътибор қилмай, районимизда олди колхозни бошқараётганидан хурсанд эдим.

Шундай кунларнинг бирида яқин дўстим (мен ҳам номини айтмайман) дангалига деб қолди:

— У одам тадбирли, тадбири билан сени енгади.

— Бу нима деганинг?

— Балога балоғардон бўла олади у!

«Бу уккағар балоси қандай бўлар экан?» деб кутиб юра бошладим.

У одамни обком секретари Ҳайитбой Азимов яхши кўради. Бизнинг дачага кўнмасдан, унинг меҳмонхонасига бориб ётарди. Биламан: у киши шоир эди, Шарофутдинов эса шеърни тушунади. Ана шунинг учун районга келган Саид Аҳмад, Асқад Мухтор, Ҳамид Гулом, Акмал Пулатлар ҳам Шарофутдиновнинг колхозига бориб, учрашувларда иштирок этишарди.

Айтмоқчи, Шарофутдинов электр токи билан ишлайдиган мойжувоз қурдириб, колхозчиларни ёғ билан таъминларди, сиз ҳам келиб кетган экансиз.

Энди, ука, шундай кишилар (ҳам) райком секретаридан ўтиб, колхоз раисига борса, одамнинг ҳамиятига тегар экан. Ёки йўқми?

Ҳа, балли.

Шунда денг, фалокат содир бўлди: сел келиб Дашнободни хароб қилиб кетди. Бу гапимнинг маъноси шуки, Дашнобод қишлоғини ичар сув билан ҳам, экин-тикинга қўйиладиган сув билан ҳам таъминлаб турган каналнинг ўн саккиз километрини ювиб кетди!

Хаёл қиласизми, бу, беш минг одам сувсиз қолди, экин-тикин қуриди дегани бўлади.

Кўрқиб қолдик!

Шунда Шарофутдинов телефон қилди:

— Аҳвол шу-шу, — деди.

Мен бир-икки соат бурун обкомга телефон қилиб қўйган эдим. У ердан иккинчи секретарь Пономарёв билан вилоят Сув бошқаруви бошлиғи Девушев келишди.

Учовлашиб бордик колхозга.

Сел келиши, сел ювишини кўрганман. Аммо бундай балони кўрмаганман.

Даҳшат шундаки, тоғнинг бағридаги канални ювиб кетган эди. Тоғнинг бағридаги!

Мундан минг йиллар бурун ўтказилган канал кетган эди: ўрни теп-текис. Тўғри, баъзи жойларда изи, ўзани қолган, аммо ундай жойлар бир-бир ярим чақиримдан ортмас эди.

Ўрис уртоқлар ўйлашиб, ҳисоблашиб «ярим йилда бу канал тикланади», деб диагноз қўйишди.

Бунинг учун тоғнинг бағри портлатилиб, бульдозерлар кучи билан ерни очиб, кейин сув ўтказиш мумкин.

«Ўртоқ Шарофутдинов, қолган гапни кейин айтамыз», деб кетдик.

Хаёлимда бир ўй: «Ҳимойиддин нима қилар экан?»

Эртаси эшитсам одамларни тўплаяпти экан. Нега? Сабабини билмайман. Яна эшитдим. Бир ярим минг одамни тўплаб: «Аҳвол шундай-шундай», деб маслаҳат солибди.

— Энди нима қиламиз?

Шукурвой, тарихдан биласизки, Ўрта Осиёда ирригация ишлари, айниқса, Кушонлар империяси даврида тараққий қилган. Уқиганим бор, пойтахти ўзимизнинг Шўрчи яқинидаги Далварзинтепада бўлган. Бу давлатнинг юқори чегараси Тошкент бўлган. Яна фактдирки, Тошкентдаги Бўзарик, Қонқус, умуман, Чорвоқдан келадиган барча анҳорлар (каналлар) уша пайтда қазилган.

Айтмоқчи, бу ҳақда Пиримқул Қодиров ўзининг «Олтин камар» деган романидаям аниқ қилиб ёзиб қўйган.

Ҳа, тарих ўз йўриғида. Сиз билан биз бугунги куннинг одамимиз.

Энди денг, тоғнинг тик бағридан, яъни зовдан, зовнинг ҳам кафтдек тик бетидан сув ўтказилганини сиз эшитгансиз, кўргансиз. Қандай қилиб ўтказишган-а?

Тоғнинг, яъни тик тоғнинг бағрига қозиқ қоқишар эканда, қозиқларнинг устига шох-шабба ётқизиб, кейин тупроқ тортиб, сўнгра сувни ўтказар экан.

Тавба!

Аждодларимиз бизлардан анча эсли бўлишган экан-да. Мен бу тарихни Мустақил бўлганимиздан кейин ўқиб, маъзига тушуниб етдим.

Ҳимойиддин — Ҳимойиддин экан: ўша пайтдаям биларкан.

Шундай қилиб, бу масалада райкомдаям, обкомдаям бошимиз қотиб турган пайтда Шарофутдинов иш бошлаб юборди. Худди уша усулда — икки минг юз йилги усулда!

Халқни шунинг учун тўплаган, унинг маслаҳатини олган экан.

Ишонмайсизми, аммо факт: бир ҳафтада канал тикланди.

Ҳамма ҳайрон: как, дейишади оғаларимиз, ўзбекларимиз ёқа ушлайди.

Ахир, икки ярим йилда битиши мўлжалланган иш бир ҳафтада битиб турса?!

Афсона-да бу!

Эшитган эдим: Наманган канали қурилишида бўлган экансиз. Уша қурилишда ҳам оғаларимиз ҳамда ирригация тарихини билмайдиган мутахассисларимиз шундай мўлжаллашган экан: «Катта Наманган канали (икки ярим) йилда

қуриб битказилади. Бунинг учун Наманган устидаги тоғни портлатиш керак. Сўнгра бульдозерлар билан ўзан очиш керак», деб диагноз қўйишган экан.

Фалакнинг гардишини қарангки, ушанда бизнинг собиқ раҳбаримиз Ҳайитбой Азимов (шоир Азимий) Наманганда райком секретари экан. Кейинроқ бу ишлар тўғрисида «Ёзилмаган асарлардан парчалар» деган китобчангизниям ўқидим. Дуруст.

Ҳа, бекорга Шароф Рашидовдан табрикнома олмади, Шарофутдинов! Шароф ака, раҳматли, билгич одам эди.

Ўзингиз ҳам ёзгансиз-ку, Катта Наманган канали очилишида Шароф ака бўлганлар — йигинни очиб бериб, эскича усул билан икки ярим ойда канални қазганларни қўтлаганлар.

Э-э, ахир ўша пайтларда, яъни пойтахтимизда бўлган Кушонлар империяси даврида қазилган-ку Ўрта Тўқай сув омбори: Наманганнинг қон томири.

У омбор қай усулда қазилган?

Албатта, ирригация такомил топган ўша пайтдаги усулда қазилган!

Ҳатто «Косонсой» деган сўзнинг изоҳини тарихдан топиб айтганингиз ҳам эсимда: — Кушонсой экан.

Ким тушунтирган бу сўзни? Пугаченковами, Ремпелми? Ишқилиб шулардан бири: балки Массондир...

Ҳа, мен сал чалғиброқ кетдим.

Ўзимизнинг Шарофутдиновга қайтайлик...

Бу гапларни шунинг учун айтаяпманки, бутун Ўзбекистонда, демак, Ўрта Осиёда сувни юритиш ишларини анчагина унутиб қўйган эканмиз.

Ҳимойиддин бўлса...

Ука, гапнинг тўғриси!

Унга тан бермасдан бўладими?

Ҳавас қилмасдан-чи?

Аммо, Шукурвой, сиз тўғри гапни яхши кўрасиз, шунинг учун борини айтаман, ҳали эслатдим-ку, «Қандай қилиб балога балоғардон була олади?» деб.

Балоғардон бўлди у!

Мен, албатта, қувондим. Обкомдаги катталар олдида ҳам, Дашнобод халқи олдидаям юзимиз ёруғ бўлди.

Аммо, кейин унга рашким кучайса бўладими! Бу ўлгур кейин ҳасадга айлана бошлади.

Мен бу одамни ҳам севиб; ҳам севмай бошладим.

Албатта Шарофутдиновни обком ҳам табриклади, ЦеКа ҳам. Мундайроқлари ҳам.

Мен ҳам, албатта... Ахир балодан қутулдик-да!

Тагин канал янгиланди. Балки яна минг йиллар турар...

Ушанда Ҳимойиддиннинг тоғдан келган пайти эсимда: соқоли ўсиб кетган, уйигаям бормаган экан!

— Раҳмат, ўртоқ Шарофутдинов, — дедим. Бизлар расмий гаплашардик.

Кейин бўлса, менинг жаҳлимни чиқарадиган гаплар бошланди: нима дейсанки, бош секретаримиз икки ярим йилда битади, деган ишни — Шарофутдинов бир ҳафтада бажарди.

Демак, Шарофутдинов зўр экан-да!

Мен буни билардим, лекин мақтов бошимга калтак бўлиб тушишини кутмагандим.

Шундай қилиб, боринги, бу одамни Сариосиёдан кетказиш миямга уриб қолди.

Шунда Шарофутдинов кўтарилиб, ижроқўм раиси бўлди.

Мен: «Ана, ўрнини топди», дея юрагимга тасалли бердим.

Бирон ҳафтадан кейин қарасам, менга келадиган ҳожатманд одамлар у кишига кирадиган бўлишибди!

Гўё мен билан иш битмайдигандек.

Туғри, ишончли дўстлардан эшитдим: «Шарофутдинов: «Бош котибимизнинг вақтлари тигиз бўлгани учун мен қабул этаяпман», дер экан». Аммо менга жуда малол келди.

Бунга денг, ҳали айтганимдек — Шарофутдинов ҳақидаги гийбатлар ҳам қўшилди.

Шу билан қарабсизки, Эрмаматов Шарофутдиновнинг душманига айланиб қолди.

Ҳе, тавба!

Одамзод жуда ожиз бўлар экан-да!

Туғри, бу гаплар кўнглимда эди, сиздек укалар сўрасаям ростини айтмас эдим.

Тавба, дейман яна: бу одам шунча иш қилганига райкомнинг — яъни бизнинг обрўйимизни шунча кўтарганига мукофот эди бу: унга ғайирлигим ошгани.

Шукурвой, мен сизга рост гапираяпман! Сиз ёзувчи сифатида биларсиз ахир: мунчалик рост сўзлаган кам-ов!

Шундай қилиб, ишлай бошладик.

Шунда обком секретари бўлиб Нуриддин Муродов келиб қолдилар.

Ука, кўп обком секретарларини кўрдим, аммо мундайичакинини кўрмадим.

Биласиз, бу одам асли наманганлик эдилар. Хуш, Шоймардон Қудратов билан дўстлигиниям биласиз.

Сиз бир маҳаллар Шоймардон Қудратов ҳақидаги кинога суз ёзгансиз. Шу сўзингизда Шоймардоннинг «Муродов — менинг тутинган отам», деган гапини келтиргансиз.

Ҳаммамизга отадай одам эди, раҳматли. Айтмоқчи, у кишининг номини ўзининг совхозига қўйиш учун Шоймардоннинг Москвагаям бориб келганиниям биласиз.

Шу киши бизга катта бўлиб келдилар. Мен Шарофутдинов билан кутиб олдик. Айлантирдик районни, муаммоларни айтдик.

Маълум бўлиб қолдики, «Ўзбекистон» колхозининг аҳволи ёмон. Раиси ишни эплолмаган. Халқ норози. Раиснинг кабинетини ёпиб, эшигига миҳ қоқиб ташлашибди.

— Уртоқ Нуриддин Муродович, Шарофутдинов ўша колхозга раис бўлиб борса ёмон бўлмасди, тадбиркор у. Колхозни кўтариб берарди бизга, — дедим.

Шу йўл билан бир эмас, икки қуённи урди акангиз: ҳам иш ўнгланади, ҳам рақибдан қутулаамиз.

Уртоқ Муродов рози бўлдилар. Ҳимойиддин «Ўзбекистон»га раис бўлиб кетди.

Олдин ҳам билардим: колхоз ўтириб қолган эди, планлар бажарилмаса, даромад бўлмаса...

Айтмоқчи, Ҳимойиддин раис бўлишидан олдин отасининг олдига борган экан Уста Шарофутдиннинг. У киши бетоб бўлиб ётган экан «Раис бўлайми? Нима қилай?» депти. Отаси раҳматли: «Арбобларни пайғамбарлар сийлаган. Улар бир нарсани билиб қилишади», деб оқ фотиҳа берган экан.

Оббо, энг муҳими ёддан кўтарилибди: ижрокўм раисини колхозга раис қилиб юбориш — осон иш эмас. Лекин райкомнинг бош котиби шуни истаб турса...

Шунда раҳматли Нуриддин Муродов Шарофутдиновга: «Бир йил ишлаб берасиз», деган эди.

Шарофутдинов бир йилга раис бўлиб кетган эди!

Мен албатта, колхознинг ўнгланишини истардим. Шу билан бирга Ҳимойиддиннинг бир ерда ишқал чиқариши, ишқилиб беобру бўлишини ҳам кутар эдим.

Ҳеч бало бўлмади: колхоз ўнгланди!

Муродов бир сўзли киши эди: роппа-роса бир йилдан кейин Ҳимойиддинни чақириб олди.

Ўша кезлар Бойсун учун уддабурро бир секретарь керак бўлиб турган эди. Муродов: «Бойсунга биринчи бўлиб борасиз», деди Шарофутдиновга.

У нима дейди денг?

— Колхоз ҳали оёққа туриб олгани йўқ. Тагин бироз ишлайин!

Хўш, менинг ўшандаги аҳволимни тасаввур этасизми? Мен уни — «Ўрнимни олади», деб юрган одам эдим-ку? У бўлса секретарь бўлмайман, деб турибди.

«Тан бердим-е, мард йигит экансан», дедим.

Шундай қилиб, Шукурвой, унга бўлган кеким, рашким тарқалиб, кейинчалик оға-ини бўлиб кетдик. Мана, Худо шохид, кўнглимни сизга очиб гапирдим. Бу ёғини қандай ёзиш ўзингизга боғлиқ.

## Маҳаллий «патриот»

Саид Аҳмад ака билан Бойсунга бордик. Унгача Қумқўрғонда, Шерободда, Термизда бўлган эдик. Раҳматли Менгзиё Сафаров йўл бошлаб юрган эди. Бизнинг уйда бир кун

бўлгач, Ҳимойиддин акадан одам келди. «Дачага борар экан-сизлар», деди.

Ушанда Бойсун район партия комитетининг саркотиби Ҳимойиддин ака эди. (Дарвоқе, обкомимизнинг Бош котиби Нуриддин Муродов Ҳимойиддин акага айтган сўзида турган, «Ўзбекистонда» бир йил ишлагандан кейин трестга олиб, кейин Бойсунга юборган эди: ижроқўм раиси этиб. Сўнгра фирқа қўмитасига бош бўлдилар).

Тушунарсизки, саркотиб — гарчи мафкура ишлари билан шуғулланишга мутасадди эса-да, бу ишга масъул учинчи котиб, мафкура котиби бўларди. Аммо у шахс — кўпинча нари борса, динга қарши курашарди. Демокчиманки, вилоятнинг жилови — Бош котибнинг қўлида бўлганидек туманлардаги ҳоким — фирқа қўмитасининг раҳбари эди.

Хуллас, Саид Аҳмад ака билан фирқақўмнинг роҳат боғчасига бордик. Домланинг ҳурмати учун хоналар яхши жиҳозланган, дастурхон ҳам тўкин эди. Кечаси алламаҳалгача утирдик. Бош котибдан дарак бўлмади: яъни Шарофутдиновдан.

Мен Саид Аҳмад аканинг олдида сал-пал хижолат ҳам тортдим. Аммо ўтиришга чақирган бир дўстимиз: «Катталарнинг иши шу», деб бизни овутди. Саид Аҳмад ака ҳам бу гапни тўғри тушунди.

Шундай қилиб утирсак, хизмат қилиб турган киши: «Шукур ака, сизни биров йўқлаяпти», деди. Чиксам, кўзлари жонсарақ бир киши турибди.

— Кириг, марҳамат, — дедим.

— Кирмайман. Сизга айтадиган икки оғиз гапим бор, — деди.

— Хўп, — деб ётоққа бошладим.

У киши ўзини таништирди:

— Мен Мачайданман. Исм-памияям капитан Болтаев. Ўзим ёзувчиман.

— Ёзувчисиз?

— Ҳа. Лекин сизларга ўхшаб тўқиб ёзадиган ёзувчи эмасман. Мен борини ёзаман.

— Жуда яхши.

— Сиз Ҳимойиддин Шарофутдиновни биласизми?

— Оз-моз биламан.

— Нима учун тўғри дачага келмасдан, уйингизга обордингиз Саид Аҳмадни?

— Нима бўпти?

— Йўқ, нима учун?

— Нима демокчисиз?

— Демокчиманки, Шарофутдиновнинг устидан ёзгани келгансизлар.

— Кечирасиз, менинг меҳмоним зерикиб қолди.

— Бўлмаса, эшитиб қўйинг: бу одам ижроқўм раиси бўлиб келганидан кейин биринчи иши — шаҳар ўртасидан



ўтган йўлни тузатиш бўлди. Узингиз ҳам бойсунликмисиз? Кўргансиз: кўчанинг сатҳи тротуардан етмиш сантиметр паст эди: кўча — кўл бўларди! Бойсундан Термизга жўнаган машина Дарбанд орқали ўтар, то Катта ўзбек трактига кўшилгунча бир соат вақт кетарди: бу одамнинг раҳбарлигида тўғри йўл очилди. Дарбанд четда қоп кетди. Дарани биласизми? Қора дарани?..

— Хўш ака, мақсадни айтинг, — дедим мен. — Тушундим, Шарофутдинов Бойсунга келгандан кейин анча ишлар қилипти... Хўш, нима демоқчисиз?

— Мақсад шулки, сизнинг бир яқин акангиз у одамнинг изидан тушган: у одамни яхши биласиз: уям — мендай ёзувчи. Аммо нотўғри гапни кўп ёзади.

— Ким экан у?

— Биласиз, шуни Саид Аҳмадга ҳам айтиб қўйинг. Унинг гапига ишонмасин... Шошманг, яна бир гап бор: мен Шарофутдинов билан илгариги секретарь Эсергап Муҳаммадиевни Меҳнат Қизил Байроқ орденига тавсия этдим. Халақит берманглар.

— Хўп.

Шундан кейин у кирза этигини дўқиллатиб кетди. Мен устознинг ҳузурига кирдим.

Кеч ётдик.

Бизга алоҳида-алоҳида хона беришганди. Ширин уйқуда ётсам, биров эшикни қоқади. Турсам, ўша акамиз... номини айтмайман!

Кўришдик. Кейин мен бет-кўлни чайган бўлиб, у кишини меҳмонхонага таклиф этсам, у киши: «Йуқ, — деди. — Шу ерда гаплашамиз...»

— Хўп... Хўш?

— Аҳволим чатоқ, Шукуржон. Ҳимойиддин Шарофутдинов мени қаматади.

— Нима бўлди ўзи?

Унинг, яъни Н. акамизнинг кўзига ёш келмади, аммо нигоҳида ёшдан ҳам изтиробли бир даҳшат қотиб қолган, афтидан у қамалишини бўйнига олиб қўйган эди.

— Ука, айб узимда десам ҳам бўлади. Аммо мен районнинг манфаатини кўзлайман. Уни биринчи планга қўяман. Нимаики қилган бўлсам, шу район, шу халқ манфаати деб қилиб келяпман...

— Нима қилдингиз?

— Район учунми? Бунинг тарихи узун... Бойсун райони тугатилганда уни тиклаш учун бутун зиёлиларни, бутун халқни оёққа қўйганлардан бириман... Ишонмасангиз, Тоҳир Усмоновдан сўранг, бошлиғимиз эди.

— Ҳимойиддин Шарофутдинов нима учун қаматмоқчи сизни?

— Тўхматчи деб...

— Тўхмат қилдингизми?

— Ҳар ҳолда бир-икки киши билан ўрисча ёзган бўлсак

ҳам экспертиза аниқлаб берди: менинг айтиб турганим аён бўлди.

— Нималар девдингиз?

— Энди ука, Нуриддин Муродов билан Ҳайитбой Азимовга Шарофутдиновни кутариш лозим бўлса, бошқа район қуриб кетганмиди? Нега Бойсунга юборади? Ижрокўм раиси қилиб. Эсергап Муҳаммадиев ҳақидаям шундай дейиш мумкин.

— Ким экан у?

— Кечирасиз ака, гапларингизда маҳаллийчилик йўқми? — деб сўрадим.

Н. ака бошини эгиб қолди-да:

— Йўқ эмас, — деди қизариб. — Ахир қачонгача узоқ областлардан келганлар бизга раҳбарлик қилишади? Тошмиров — жуда зўр одам. Эшитганмисиз? Бир йиғинда Шароф акаям ўтирган эканлар. Тошмиров болтадан тоймас одам: «Ўртоқ Шароф Рашидов, нима учун Сурхондарёнинг узидан обком секретари чиқмайди?» деб савол берибди. Шароф ака жавоб беришга қийналиб турган пайтларида, Тошмировнинг ўзи жавоб берибди: «Сурхондарёнинг хотини обком секретари туғмайди, деб қўя қолинг...»

Мен бу гапни эшитган эдим. Балки шунинг учун наманганлик Нуриддин Муродовнинг ёнига Ҳайитбой Азимовни кўшиб гапирган эди.

Айтиб қўйишим керакки, бошқа вилоятларимиздаям бу «касаллик» бор-у, лекин бизнинг Сурхон вилоятида бу касаллик анча газак олган эди.

Яна бемалол айтишим мумкинки, Н. акамиз ана шу касални авж олдирувчи маҳаллий «патриот»лардан бири эди.

Бу «патриот»лар шу даражага бориб етардики, ҳатто қўшни тумандан ҳам бирорта арбоб бизга бошқарувчи бўлиб келса, унияма кўролмаслик бошланар, демак унинг изидан иғво, бўҳтон тарқатилар ва кетказилмагунча қўйилмас эди.

Шундай қилиб Н. акамиз шерободлик Эсергап Муҳаммадиеву сариосиёлик Ҳимойиддин Шарофутдиновнинг Бойсунга бек-тура бўлиб келишган кунидан бошлаб, уларнинг изига тушган экан.

— Ҳўш, Н. ака, нималарни ёздингиз? — деб сўрадим, буни билиш мен учун қизиқ эди. Н. ака уйланиб қолди. Кейин:

— Ёздик-да, ука, «Сам ты дурак» деганларидай... «Олтин бузоқча»ни ўқигансиз-ку? — деди.

— Демак, асоссиз?

— Асос... асос ҳам бор эди. Масалан, бир афирист, савдогар, кўзбўямачини турмадан озод қилди Шарофутдинов... Эшитгандирсиз: С. деган буларди. Ишламаган жойи йўқ. Бутун СССРда кезиб пул топиб келди-ю, Қўштегирмон сойи устига ўз ҳисобидан куприк қурдирди.

— Шу иш ёмон бўлганми, Н. ака? Мен ҳам ўша сойдан

кўп утганман. Қурилган ўнлаб кўприкларни сел олиб кетарди.

— Тўғри-ю... С. ўша пулни қаердан топган?

— Ахир нима қилган бўлсаям, ўзига том-тош қурмапти, мошина олмапти. Эл учун кўприк қурдирипти...

— Сиз бошқа позициядаги одамсиз, биламан... Умуман, сизда шундай оғишлар бор.

— Лекин Н. ака сизнинг гапингизда логика...

— Э, логикани нима қиласиз? — У бош эгиб қолди яна. Кейин кўзлари киртайиб: — Менгаям ёқади ўша бола, — деди. — Лекин у қай йўл билан пул топади...

— Бўпти, — дедим. — Яна қандай фактларни ёзгансиз?

— Фактлар... — Н. ака ўйланиб жавоб берди. — Фактларнинг энг зўри шундан иборатки, Муҳаммадиев облфинга кетиб, Шарофутдинов биринчи бўлганидан кейин Бойсуннинг анча раҳбарларини ўзгартирди. — Кейин у киши ўзича куйиниб давом этди: — Начайлик милисани бўшатди. Прокурорни, суд раисини. Уларни олиб, ўзининг одамларини қўйди.

— Ўзининг одамлари деганингиз — ўзининг қариндошлари деганингизми?

— Йўқ, мен суриштирдим... У кишилар областнинг ҳар жойидан келишган экан. Аммо Шарофутдиновнинг одамлари эди. — Кейин бирдан жаҳли чиқди. — Ахир, бу азбука-ку, ука: ўша одамлар ўзига яқин бўлмаса, келтириб қўярмиди?

— Буни обком ҳам билармиди?

— Обком билмаса, ҳадди сигадами? Қолаверса, Нуриддин Муродов ҳам Ҳайитбой Азимов ҳам, Кузмин бобоям — Шарофутдиновнинг огалари-ку!

— Сиз билан гаплашиш қийин, Н. ака.

— Балки ошириб юбораётгандирман. Аммо раҳбарларнинг кўпини ўзгартиргани — факт!

— Кечирасиз, ўша меҳмон раҳбарларда талант-паландан ҳам бормиди?

— Албатта... Аммо — Шарофутдиновнинг танишлари эди. Қолаверса, кечирасиз, ўзингиз ҳам уни...

— Менга қаранг, — дедим, — Н. ака, сиз ҳали кўприк қурган С. деган йигит ҳақида гапирдингиз: унинг кўприк қургани жиноят дейишгача боряпсиз. Ахир, жиндак холис бўлиб фикр юритайлик: ўша йигитни қамагач, уч йилга кестирган кимлар?

— Узимизникилар.

— Сиз билан ҳамфикрларми?

— Мени чалғитманг...

— Йўқ, ўшандай олийҳиммат йигитни қамаганлар қандай одамлар бўлади-ю, қамоқдан озод қилган одамлар қандай бўлишади?

— Уф, мени чарчатдингиз.

— Хўш, мақсадга кўчайлик.

— Демак, сиз Шарофутдиновнинг ўз ҳамтовоқларини келтириб Бойсунга эга қилганини тан олмайсиз?

— Ҳа... Шунинг учунки, Н. ака сиз жуда маҳаллийчи бўлиб фикр қиялпсиз.

— Булса бордир. Мен Бойсунни...

— Хуш, ўзингиз инсоф билан айтинг: шундан кейин Шарофутдинов район учун дуруст ишлар ҳам қилдими?

Н. ака:

— Ҳа, — деди бирдан. — Қилди... Мен тан оламан. Объектив гапириш керак. Шу гапни, шу кишига етказишингизни илтимос қиламан, Шукуржон.

— Хўп бўлади.

Н. ака жиддий тортиди.

— Буям факт, — деди-да, ўйланиб давом этди. — Хуш. У одамнинг бир хоббиси бор экан. Биринчидан, йўлга қарар экан, тузатар экан. Иккинчидан кўприкларга, боғларга... Қорадара йўлини биласиз-ку? Оқдара билан Қорадарадан ўтиб, Шўрчига етгунча ҳар қандай машина бир сувдан қирқ икки марта утади... Шўрчига бир неча соатда етиб борарди. Бу орада амортизация, бензин, одамларнинг вақти кетар эди.

— Раҳмат, — дедим. — Капитан Болтаевга қандай қарайсиз?

— У келдими? — ҳаяжонланиб сўради Н. ака. — Келган, яширманг! У аблаҳ одам.

— Нимаси «аблаҳ?»

— Аҳмоқ демоқчиман.

— Нимаси «аҳмоқ?»

Н. ака яйраб, тиззаларига урди.

— Муҳаммадиев билан Шарофутдиновга Бойсундаги хизматлари учун Меҳнат Қизил Байроқ ордени олиб бераман, деб ҳовлиқиб юрипти. Бу тўғрида Шароф Рашидовга хат ҳам ёзипти... Ахир, соғ одамнинг ишими бу?

— Кулгили-ю...

— Кулгили. Упкаси йўқ одам-да у!

— Майли, тушунарли. Фактлардан гапирсангиз, мен ҳам билсам.

— Хуш, сизгаям адабиётдан дарс берган Хуррам Холиқов бошлаган ишни адоғига етказди!

— Нима иш эди у?

— Марказга водопровод тортириб келди-да. Бу гоё — аслида Холиқовники!..

— Хуш?

— Хуллас, тоғдаги булоқлардан чиқиб, ер остига кириб кетаётган сувларни жамлаб, қувурлар ёрдамида Бойсунга келтирди. Тўғри, бу ишда Эсергап Муҳаммадиевнинг ҳам ҳиссаси бор... Сув ўзининг босим кучи билан келди: на насос, на электр қуввати...

— Раҳмат, Н. ака, энди мақсадни айтсангиз... Ҳа, дарвоқе, қамаламан дедингизми?

— Ҳа, қамаламан. Бу келгинди Шарофутдинов менинг бошимга етади...

- Шу гапни сизга айтдим?
- Айтилиши шартми?
- Тушунмадим?
- Биз ёзган аноним хатни мен диктовка қилганим...
- Ахир, айтдим-ку?
- Хуфия хатними?
- Ҳа.
- Хуш?
- Энди унда ёзилган гаплар...
- Экспертиза...
- Аниқлади. — Бироз жимиб, кўшимча қилди. — Бўйнимга қўйишди. Мен номардлик қилмадим.
- Тан олдингиз?
- Ҳа. Кейин партбилетимни опқўйди... Шарофутдинов. Ярамас! Биласиз-ку партбилет кетдими — тамом... Ишдан ҳам кетдим ҳисоб! Қамоқ тайин...
- Қийин бўпти сизга, — дедим.
- Жуда қийин... — Н. аканинг чеҳрасини тагин бояги интиҳосиз изтироб эгаллади. — Ёрдам беринг, ука.
- Қандай қилиб?
- Билетимни оберинг. Тамом... Сизни ҳурмат қилади. Сўрасангиз йўқ демайди. Сизларни Худо етказди...
- Мен у кишига айтиб кўраман, — дедим.
- Мен кутаман!
- Шу ердами?
- Йўғ-е, у одамга кўриниб бўладими?.. Тагин айтингки, мен у одамнинг энг содиқ кишиларида бири бўлиб қоламан: райондаги, халқ орасидаги барча гаплардан хабардор қилиб тураман.
- Ҳимойиддин ака ҳали келмадилар дачага.
- Ҳа. Шунинг учун вақтли келдим-да... Биласизми, Бойсунимизда 369 та ҳовуз бор. Ҳар қуртлар бўладики, бармоқдек келади. Касалнинг уяси... Ушаларни ювдириб юрипти... Айтмоқчи, Будён булоқниям тозалатди. Дарбандга кетди, деб эшитиб эдим, Дарбанддан сув тортилиши керак-да Хўжабулғон адирларига...
- Биладан.
- Бу гапларимниям ўзига айтинг. Сизга тан берипти денг...
- Хўп.
- Мен телефонингизни кутаман, ука. Мана, номерим. Қимир этмай утираман.
- Н. ака хонадан чиқиб, боғ оралаб кетди. Бироздан сўнг Саид Аҳмад акаям уйғонди.
- Ҳовуз бўйида айланиб юрганзимизда, бояги учрашув-суҳбатни ичимга сиғдиролмай у кишига айтдим.
- Саид Аҳмад ака анча ўйланиб қолди-да:
- Болам, ўша одамни опқолиш керак, — деди. — Ким бўлмасин, бола-чақаси бор... Қолаверса, бизнинг қадами-миз Бойсунга етиб, бир ғарибнинг илтимоси тушиптими,

унга ёрдам бериш керак. Ҳимойиддин кекчи йигит эмас, уни авф этсин. Эгилган бошни қилич кесмас...

— Бу принципиал масала экан.

— Оламда шундай «принципиал» ишлар ўтиб кетдики, Саид Аҳмад неча йил ўтириб чиқди. Мени ҳам туҳматчи — Совет ҳукуматига туҳматчи деб айблашган эди.

— Сизники...

— Биламан.

— Тушундим.

Соат етти яримларда Ҳимойиддин ака қелди.

Кўришдик. У киши ҳорғин эди. Узр айтган бўлди. Кейин нонушта қилдик.

Бизга Термиздан Менгзиё Сафаров машина олиб келиши керак эди. Уям етиб келди.

Ана шунда Ҳимойиддин ака роҳат боғчани айланишни таклиф этди.

Айланиб юриб, мен Саид Аҳмад акани Менгзиёга топширдим-да, ўзим:

— Икки оғиз гапим бор сизга, — деб Ҳимойиддин акани четга тортдим.

Токлар орасига утгач Н. ака билан учрашганимиз-у, суҳбатю унинг мақсадини айтиб бердим.

Кейин Саид Аҳмад аканинг ҳам сўровини айтдим.

Ҳимойиддин ака бирпас нари-бери юриб, ток шўраларини кўрди-да:

— Бўпти, — деди. — Кечқурун менинг уйимга келсин. Ишдан кейин.

— Раҳмат, Ҳимойиддин ака.

— Лекин у одам яхшилиқни билмайди.

— Сиз буни қаердан биласиз?

— Унинг кўнгли тор.

— Тушундим, — дедим. — Балки бу гал кўрар.

— У ёғи мени қизиқтирмайди, — деди Шарофутдинов. — Фақат битта илтимос бор: идорага келганда мен яхши кутиб оламан, албатта...

— Нима қилсин у?

— Мендан эркакчасига узр сўрасин. Чин кўнгилдан сўрамайди-ю, майли-да...

— Хўп.

Боғдан қайтгач, мен кўнғироқ қилиб, бу гапни Н. акага айтдим.

— Жоним билан!.. Оёғига йиқилиб узр сўрайман!— деди.

— Дўст бўлиб қолинглар, Н. ака, — дедим.

— Албатта.

Шундай қилиб, биз — Саид Аҳмад ака, Менгзиё Сафаров, мен — учовлон бир мошинага, Ҳимойиддин ака ўзларининг хизмат мошинасига ўтириб, Дарбанд насос станциясини кўргани кетдик. Кейин Сайроб орқали яна орқага — Бойсун этагидан ўтадиган йулга тушиб, Қорадараю Оқдара орқали Боботоққа жунадик.

Чамаси, бирон ойлар утиб қолган эди. Тилла Менглиев мени «Тошкент» меҳмонхонасига таклиф этди. Мен Эркинбой, Усмон ва бошқа таниш укалар билан бордим.

Утириш маҳали Ҳимойиддин Шарофутдинов ҳам кириб келдилар. Гап орасида у кишини қўшни хонага имлаб чақириб, сўрадим:

— Нима бўлди?

— Сизларни кузатиб идорага қайтиб келсам, Н. акангиз коридорда ўтирипти. Кабинетга кирдик. Сейфдан партбилетини олиб, қўлига бердим. Олди-да, индамай чиқиб кетди.

— Уйингизга бордимиз?

— Йўқ.

— Узр ҳам сўрамади?

— Қайда...

— Яна бирон гап ўтдимиз?

— Ўтгани шуки, кейинчалик мақтаниб юрипти. «Мана, Шарофутдиновнинг қўлидан нима келди? Ўзи кабинетиغا чақириб билетимни берди, холос...» Бор гап — шу.

Аммо, ҳурматли ўқувчи, сиз ишонмайдиган тагин бир гапни айтиб ўтишни лозим деб биламан: орадан бирон йилча ўтди, йўлим тагин туғилган юртга тушиб, Бойсунда юрганимда Н. акани учратиб қолдим. Гап орасида:

— Сиз у кишининг уйига боришингиз, узр сўрашингиз керак эди, — дедим.

Н. юзимга бақрайиб:

— Нималар деяпсиз, Шукуржон? — деди.

— Вей, Ҳимойиддин Шарофутдиновни, партбилетингизни... Эсланг, ахир...

— Тавба, сиз биров билан адаштиряпсиз мени...

— Хўп, — дедим.

Кейин кулиб қўйди.

— Узингизниям қонингизда бошқа юртлар қони бор-да, келгиндиларга ён бериб юрасиз.

Кейин мачайлик мухбир капитан Болтаевни учратдим. У киши олазарақ кўзларини жовдиратиб:

— Уртоқ Холмирзоев, Сизга нима деган эдим? Эсергап Муҳаммадиев билан Ҳимойиддин Шарофутдиновга Меҳнат Қизил Байроқ ордени олиб бердим, — деди.

Кейин билсам, орден масаласи бундан беш йил бурун ҳал бўлган экан.

## Сабоқлардан бири

Шуқурвой, менинг ижтимоий фаолиятим жуда эрта бошланган эди: ун уч ёшимда колхозда ҳисобчи эдим. Кейин

комсомолга ўтдим. Кейин райком комсомолда бош котиб бўлиб ишлай бошладим.

Ўшанда комсомолнинг обрўси баланд эди.

Кейин Шарғун кўмир конига партком котиби этиб юборишди. Партком котиби деяпман-у, ўша чоғлар — бу катта лавозим эди: Марказкўмнинг вакили саналарди.

Ўшанда йигирма тўрт ёшда эдим. Саломатхожи опангизга уйланган, тўнғичим Акрамни кўрган эдим. Шахтанинг бошлиғи Виктор Ильич Томишев деган киши экан. Мени яхши қабул қилди. Кейин бўлса, ота-боладай бўлиб кетдик.

Онт ичаман: ўшанда — «бу ўрис, бу украин, бу қозоқ» деган гапни билмасдик. «Бизлар — Совет кишиларимиз!» Кейинчалик ҳалигидай — айирмачиликлар келиб чиқдики, социализмнинг тагига сув кета бошлагани ҳам ўша — оғаларимизнинг бизга юқоридан қарай бошлаши-ю, бизнинг бу ҳолга реакциямиздан бошланди, чоғи.

Қисқаси, Шарғунга бориб, Томишевдан кейин бошқа кончилар билан ҳам танишдим: улар ишчи синфининг вакиллари эди.

Кейинроқ Бойсунда кўмир кони ёпилди-ю, бир неча юз хўжалик бойсунлик кончилар Шарғунга кўчиб келишди: демак, ўзимиздан ҳам ишчи синфи вакиллари қўшилди.

Биз ҳамшаҳарларингизга сойнинг у бетидан серунум ер ажратиб бердик. Улар кўнган жойларни — «Бойсунобод» деб аташди.

Хуллас, иш бошладик. Менинг бир «касалим» бор эди: қайси соҳада ишласам, уни миридан сиригача билишга қизиқардим. Мақтаняпти демасангиз, бир фактни айтаман: обком бош котибларидан, масалан Абдувоҳид Каримов: «Энг кучли иқтисодчиларимиздан», деб менга сўз берарди. Абдуҳолиқ Каримов: «Яхши ветврачларимиздан», деб мени минбарга чиқарарди. Солижон Мамарасулов эса: «Сўз — зоотехник Шарофутдиновга», дер эди.

Биласиз, асли касбим — агрономлик. Энди денг, кончилкни ҳам ўргана бошладик.

Шу тариқа кўмир қазилаётган горнинг ён деворларига устунлар қўйиб, тепасига тўсин босиб, кейин сетка тортиш-ниям ўргандик.

Хўш, кондан чиққанда шахтёрдан фарқимиз бўлмас эди. Шунинг учун Виктор Ильич мени яхши кўриб қолган эди. Шуни айтишим керакки, у киши ҳам ўзини оддий кончилардан ажратмас эди: ҳар қандай қора ишдан тортинмас эди.

Тагин бир гапни айтишим лозим: ишим ўзимга ҳар қанча ёқмасин, кончилар билан алоқам ҳарчанд дўстона бўлмасин, кон ҳам рисоладагидай эса-да, кўнглимга ваҳима тушиб турарди: ишқилиб бирон кор-ҳол бўлмасин-да!

Сиз ўша конни кириб кўргансиз. Узингизни қандай ҳис этгансиз?..

Раҳмат, мен ҳам кўпда хавотир билан шифтларга боқар-



дим. Ён томонларни кавлаб, кўмирини олгач, уни ёпиб таш-  
лаётгандаям юрак уриб турарди: тепадан босиб тушса...

Собиқ агроном учун — кенг далаларда усган йигит учун  
тор кон ичида бундай ҳолатга тушиш — табиий бўлса керак.

Ана энди денг, аяган кўзга чўп тушар деганларидек, ўша  
кор-ҳол юз берди: 54 нафар кончимиз кўмир кавлаётган  
жойда шифт упирилиб, босиб тушди-да! Юқоридаги қатлам  
бўшроқ ҳамда нам ўтган экан.

Ўша вақтларда эса... Бизнинг кондаги кўчки ҳам ваҳима  
бўлиб кетди! Дастлабки кун ваҳимага асос бор эди: кончи-  
ларга бориладиган йўл бекилган, демак, уларнинг талайи  
тош-тупроқ қатлами остида қолган эди! Уларни қутқариш  
учун иш бошладик: дарҳол оператив штаб тузилди. Штаб  
бошлиғи — биз! Дарҳол қутқарувчилар гуруҳини чақирдик,  
уларни горноспасатели дейишади. Уч кун ухламадик! Худога  
минг қатла шукур, 54 кончидан 53 тасини чиқариб олдик.  
Бариси эсон-омон! Фақат бир қримлик йигит — Куркаяков  
деган дўстимиз ўн тўрт метрлик қатлам остида қолган экан.  
Мурдасини...

Шундай қилиб, ваҳималар босилиб, кондан омон чиққан-  
лар бизни, бир-бирини табриклаб, йиглаб-сиқтаб туриш-  
ганда, Тошкентдан текширувчи комиссия учиб келди.

Текширди, кўрди, билди ва биздан 7 кишини Марказқўм-  
га олиб кетишди. Биз ҳайрон. Етиб бордик. Тепа қаватга  
олиб чиқишди. Чоғроқ бир хонага кирдик: мен ЦКнинг Шар-  
ғундаги ишончли одами саналсам ҳам, район партия комите-  
ти тарафидан тайинланган эдим, шунинг учун бу даргоҳга  
биринчи қадам босишим эди.

Бир пайт тўрдаги эшикдан иккинчи котиб Ломонос  
чиқиб келди. Изидан тагин икки киши кириб, кўндаланг  
қўйилган стол олдидаги столчанинг икки тарафидан жой  
олишди. Иккинчи котиб тўрга ўтиб, бизни ҳам ўтиришга  
таклиф этди.

Биз хона деворлари бўйлаб қўйилган стулларга ўтирдик.  
Анави иккиси қўлларига ручкаларини олиб, ёзишга чоғла-  
нишди. Ломонос бизни бир-бир кўздан кечириб, Томи-  
шевга бош ирғаб қўйди: шахтанинг бошлиғи ЦКнинг аъзоси  
эди.

Шундай қилиб, сўроқ бошланди:

— Қани, шахтада нима бўлди? Бизга маълум-у ўзларин-  
гиздан ҳам эшитмоқчимиз.

Виктор Ильич ўрнидан туриб, воқеани бир бошдан баён  
этди. Кейин менга сўз берилди. Мен ҳам шахта бошлиғи-  
нинг гапларини изоҳлаб, тўлдириб ҳикоя қилдим.

Назаримда, иккинчи котиб бизнинг сўзларимизни унча-  
лик диққат билан эшитмади.

— Қани, нима бўлиб одам ўлди? — деб сўради ниҳоят.

— Айтдим-ку, — деди Томишев. — Қалин қатлам остида  
қолган эди. Докторларнинг аниқлашича, обвал бўлган заҳоти  
ўлган экан.

- Нима учун обвал бўлди?  
 Виктор Ильич гангиб қолди. Кейин:
- Бўлди-да, — деди жаҳл билан. — Бу — бахтсиз ҳодиса!  
 Бундай кўчкилар бошқа конларда ҳам бўлиб туради. Масалан, Бойсунтоғдаги шахтадаям бўлди...
- Нега сизлар буни прогноз қилмадинглар? Ахир, сизлар шахтанинг эфаси, мутахассислар-ку?
- Ўртоқ Ломоносов, — деди Томишев оқариб кетиб. — Бундай ҳолни прогноз қилиш унча-мунча башоратчининг ҳам кўлидан келмайди. Биз эсак, оддий мутахассислармиз...
- Мутахассислар башоратчи бўлолмайдимми?  
 Виктор Ильич:
- Кечирасиз, мен гапимни тугатдим, — деб жойига утирди. «Иккинчи» менга қаради.
- Хўш, ўртоқ парторг, сиздан сўрасак?
- Мен ҳам айтадиганимни айтиб бўлдим, — дедим ўрнимдан туриб.
- Йўқ, айтмадингиз.
- Нимани айтмабман?
- Обвал учун бош айбдор — сиз эканингизни айтмадингиз! — Кейин бирдан дўқ қила кетди. — Бу фожеа учун партия ташкilotи жавоб беради... Вассалом! Шунинг учун сизни ўша ерга қўйиб қўйганмиз. Сиз — бизнинг ишончли кишимиз эдингиз: ишончли оқламадингиз... Шунча вақтдан бери обвал булмаган шахтада, сизнинг даврингизда бўлдимки, бу — сизга катта минусдир!
- Ҳа, энди бу гапингиз тўғри, — дедим. — Аммо ўртоқ Ломоносов, менинг ўрнимда бошқа парторг бўлганида ҳам шу иш содир бўлиши мумкин эди.
- Узингизни оқламанг.
- Хуп.
- Шунда денг, Томишев сапчиб туриб кетса бўладими!
- Ўртоқ, шу иш учун шу йигитни жавобгар қилмоқчимисиз? — деди. — Агар қурбон керак бўлса, мен тайёрман. Мен ҳам ЦКанинг вакилиман...
- «Иккинчи» чўчиб тушди.
- Сизга нима бўлди, Виктор Ильич?
- Жонимдан тўйиб кетдим, — деди-да, ке-тди. — Минг бир шахтада ишладим. Ҳар бир шахтада ҳам чэпэлар бўлиб туради. Бу — табиий ҳол.
- Қизишманг, ўртоқ Томишев.
- Рухсат этинг, гапимни тугатиб олай... Агар рухсат этмасангиз, ҳозироқ «Биринчи»га кираман!  
 Ломоносов паст тушди, кулимсиради.
- Яна қандай доводларингиз бор? Қулоғим сизда.
- Энг муҳимини айтдим: бундай ҳоллар бўлиб туради. Тўғри, ўлим ҳам бўлади. Аммо ҳамма вақт шунақа ваҳима кўтарилади бу ерда.
- Нега кўтарилмасин, инсон улганидан кейин? — Ломоносов ҳам кўтарилди.

— Инсон тўғри йўлда қоқилиб ҳам ўлиши мумкин, ўртоқ Ломоносов.

— Биз шахтада ўлгани тўғрисида гапираяпмиз.

— Ўртоқ секретарь, шахталарда неча марта одам ўлди-ю, бу ерда нима қилинди?

— Тушунтириб айтинг.

— Хўш, уша шахталардаги иш технологияси ўзгартирилдими? Ёки ҳали айтганингиздай башоратчилар жалб этилдими? Йўқ, ҳеч нарса қилинмади-ю, кон раҳбарларидан биттаси ишдан ҳайдалди ёки партиядан ўчирилибди... Шу билан — олам гулистон! Ахир, бу йўл эмас-ку!

— Нима қилиш керак, сизнингча? Одам ўлдирибсизлар, деб бошингизни силайликми?

— Ҳа-ҳа, — деб яна авж олди Томишев. — Бизнинг мана бу ерда ишдан қолиб келиб, айбдордек ўтирганларнинг ҳам бошини бир эмас, ўн марта силасангиз арзийди... Ахир, биз 53 кончини қутқариб қолдик! Бу осон бўлмади. Эшшақдай ишладик. Уч кун уйқу нималигини билмадик. Айтиб қўяй сизга, агар биз шундай жонбозлик билан ўзимизни аямасдан ишламаганимизда, тагин неча кишини қурбон берардик? Тасаввур этишга ҳаракат қилинг...

«Иккинчи» ёнидаги ёзувчиларга бир нималар деди-да:

— Да... Наҳотки? — деб сўради.

— Ахир, айтиб бердик-ку, бўлган воқеани?

Котиб столга муштлади.

— Бу гапларни айтганингиз йўқ!

— Узр, биз қуруқ фактларни айтдик... Ўзларингиз юборган комиссия аъзолари эса бизнинг аҳволимизни ўз кўзлари билан кўриб келишди... У ёғини сўрасангиз, бизни олиб келиш аётганда, кончилар комиссия аъзоларига: «Буларга благодарности камлик қилади! Орден бериш керак», деб қолишди. Вакиллар эса оддийгина топшириқни бажаргандек кўринишди бизга. Ахир бориям шу-да: улар — бу ишнинг натижасини яхши билишади. Яъни кимдир қурбон бўлади. Вассалом... Бу ҳол бизнинг иш принципимизга айланиб қолган. Шундай экан, буни бузиш учун қайси комиссия аъзоси журъат этади? Йўқ, ўртоқ Ломоносов! Менинг умрим...

— Бас, — деди иккинчи котиб, — сунг ўрnidан туриб тўнғиллади. — Рост, шундай камчиликлар юз бериб туради. Бизга информацияни ҳамма вақт ҳам тўғри етказишмайди...

— Сизларга керагини...

— Виктор Ильич!

Сунг ёнидаги мулозимларини имлаб турғизди-да, кафтларини столга босиб:

— Дам олиб туринглар, — деди. Кейин анавиларни ҳам эргаштириб ўша эшикдан чиқиб кетди.

Сунг, ўн минутлардан кейин тагин ёрдамчиларининг қаторида ЦеКанинг саноат, қурилиш бўйича котиби Анисимкин билан қайтиб кирди-да, бизга Марказқўм номидан ташаккур эълон қилди, қўлларимизни бир-бир қисди.

Сунгра менга кулимсираб қўйиб, Виктор Ильичнинг қўлтигидан олди. Хонани бир айлангач, унга нима деди-нима қўйди, хуллас, ярашгандек бўлиб, бизга тагин қўл бериб, хўшлашди:

— Оқ йўл! Муваффақият тилайман... Кончиларга салом айтинглар! Марҳум кончининг оиласига яхши қарашинглар. Уни ҳурмат билан дафн этинглар...

Шундай қилиб, дорнинг остига бориб, пошшони мот қилган Афанди ҳолатида юртга қайтиб келдик.

Келсам, уйда янгангиз йўқ. Суриштирсам, уғлимиз Акрамни қўшнимиз Полинага ташлаб, ўзлари туғруқхонага кетибди. Туғруқхонага борсам, қиз кўрибмиз.

Бу ҳикоя охири нуқул яхшилик билан тугайдиган Америка видеоларини эслатади-да? Аммо мен бошқа нарсани айтмоқчиман. Шукурвой, бу воқеаю сафар натижаси менга катта сабоқ бўлди. Биринчидан, Томишев бобони қайтадан кашф этдим. Тўғри, «Гап келганда, отангни аяма», деган ҳикмат минг бор ҳақ эканига, бу нарса — инсонлар тақдири қил устида турганида, уни ҳал этиш қудратига эга эканига ақлим етди.

Тўғри, феълимда ўзимга хос адолат туйғуси, авторитетларга ҳадеб бош эгавермаслик жиҳатлари бор эди. Бироқ бу сафарнинг натижаси шу жиҳатларни цементлади.

## Бу йўллар — кўп қадим йўллар

Маҳорат, нега мунча кеч келдинг?  
Сенга етишгунча емирилиб бўлдим.

Р. ҲАМЗАТОВ

— Шукурвой, сизларнинг Ёзувчилар уюшмангиз бўлинди. Эшитиб, ҳайрон бўлдик: «Ёзувчилар ҳам бўлинадими?» деб. Билсак, бир гуруҳ адиблар: «Бу Союз худдики ҳужаликлардаги партия ташкилоти каби оғалар сиёсатини юргизадиган уюшма эди: қанчалаб адибларни қурбон қилди бу Союз», деб кетишган экан.

Аммо сўқир одам ҳам биладики, энг ажойиб ёзувчилар ҳам шу Союз-уюшма даврида етишиб чиқишди: биз — адолатпарвар, элсевар деб атаган Ойбек, Шайхзода, Абдулла Каҳҳорлар ҳам шу Союзда етишдилар.

Демоқчиманки, бизнинг раҳбарият ҳам, табиий, Масковга қўлоқ солиб, унинг сиёсатини ўтказса-да, ич-ичида, қалб-қалбида ватанпарвар, элсевар бўлишга ҳаракат қилишарди: бунинг йўлини топишарди...

Сиз ҳозир менинг экологик мавзудаги ҳикоямни эшитиб, пахта ҳақида савол беряпсиз: «Пахтага муккасидан кетган

эдинглар. Президентимиз пахта майдонларини қисқартирмагунча, демак, ушаларнинг буйруғини бажаргансизлар», дедяпсиз.

Йуқ, ука, унчалик эмас! Одамзоднинг табиати шундай экан. У яшар экан, яшамоқ учун барча шароитларни яратмоққа ҳам маҳкум булар экан.

Масалан, шу пахта сийсатини олайлик...

Келинг, мен ўз ҳаётимдан, яъни Деновга ўтганимдан кейинги баъзи воқеаларни ҳикоя қилайин.

Шундай қилиб, Бойсундан Деновга ўтказишди. Деновда ҳалиги айтганимдек, майда-чуйда маҳаллийчилик мавжуд экан-у, биз ушаларни бартараф этишга ўтказилган эканмиз.

Дарҳақиқат, мени бошлаб келган катта раҳбарлар иштирокида бўлган йиғиндаёқ ўша «майда гаплар» жуда-а авж олгани аён бўлиб қолди.

Ҳа-ҳа, сизнинг Н.акангиздек шотирлар жуда гуллаб гапиришди. Менинг айтган гапим шу бўлди:

— Уртоқлар, бу катта шаҳарда етмишдан ортиқ миллат вакили яшайди. Яшасинлар! Лекин бир-бирларини камситмасинлар!.. Хуш, бу шаҳри азим киндигида қанча раҳбар бўлса, барчаси ўз жойида қолади, ишлайверади. Яъни, мен бирортасини ҳам ўзгартирмайман!.. Бойсунда яхши ният билан қилган ўзгаришларим менга маломат бўлиб ёғилди. Демак, биргаликда ишлаймиз... Аммо бу ерда мавжуд бўлган гуруҳбозлик, маҳаллийчиликнинг этагидан тутиб иш қиладиган раҳбарлар билан йўлдош бўлишимиз қийин. Шуни мутлақо билиб олинглар...

Билиб олишдими-йўқми, буни билмайман. Аммо эшитишди!

Шундан кейин идорада ўтириб, шаҳарнинг ул-бул томонини, харитасини ўрганган бўлдим-да, ишни объектларни қуришдан бошладик.

Энг узоқ қишлоғи — Синага жўнадим. Бу учинчи куни бўлаётган гап! Синани биласиз... Балли. Сумбулбулоқ ҳам ўша ерда. Бордим. Кўрдим. Бундаин гузал масканни топиш қийин-ов!

«Сийна» деганича бор экан, кўкрак дегани-да. Шундай... Тепада — тоғлар, уртада адирлар. Қуйида — пахтазор. Лекин дārҳол кўзимга ташландики, боғзорлар кам. Ҳолбуки бу ерлар жуда боғбоп ерлар экан.

Айтмоқчи, ўшанда — Бойсунда сизлар билан хўшлашганимиздан кейин Менгзиё Сафаров сизларни тўғри Синага олиб келган экан. Аммо Саид Аҳмад аканинг «Сумбул» деган ҳикоясидаги бир нуқта мени ажаблантирди.

«Сумбул»ни биллак баравари гудда новватга ўхшатади. Ахир, сумбул ўлгир — юқоридан пастга қараб ўсадиган гиёҳ. Унинг барглари кашничнинг япроқчаларига ўхшайди. Банди отнинг ёлидай. Лекин қора! Балки ана шунинг учун сумбулни қизларимизнинг сочига ўхшатишар шоирлар?..

Хуллас, Сина ажойиб бир макон экан. Табиийки, мени бу

ердаги колхознинг раиси Асад Ҳидоятов кутиб олган эди. Худо раҳмат қилсин уни, кўп олийжаноб одам эди.

Сумбулбулоқни ҳам кўриб чиққанамиздан кейин, Ҳидоятов уйига таклиф қилди. Чой устида сўрадим:

— Боғларингиз нега кам?

— Йўғ-е, райкум бобо, сиз кўрмаган боғларимиз ҳам бор. Кўрсатамиз...

Шукурвой, бу гапларнинг тагида ётган сирни тушуниб турган бўлсангиз керак: колхоз раиси мендан қурққани учун боғини «кўп» деяпти.

Аммо сизга очигини айтишим керак, биз бу масалада тўйиб бўлгандик. Лоф эмас, энг ашаддий амалпараст колхоз раисиям, совхоз директориям ими-жимида боғни кўпайтирарди. Ҳўш, алмашлаб экишнинг пайида бўларди. Полиз-сабзавот кўп бўлсин, дерди...

Бошқача бўлишиям мумкинми? Ахир, халқ ейиши керак: қуруқ пахта озиқ бўлмайди! Бунинг учун қиёсни беш-олти сотих томорқаси бор деҳқондан олишингиз мумкин: унда ҳамма нарса бўлади. Чунки рўзғор — ғор дегани.

Бироқ аксар раҳбарлар бу ишларни мумкин қадар яширинча қилишарди.

Энди, Ҳимойиддин акангизга келсак, боғ, сабзавот етиштириш, хўш, яна ҳалигидай йўл, кўприк қуриш деганларингиз — унинг хоббиси эди! Ахир, мен агроном ҳам эдим! Қолаверса...

— Боғингиз... Яъни ўзани тозалаб минг йил бурунги наҳрни очибсиз. Кўп яхши. Энди шунинг сувидан ҳам фақат пахта учун фойдаланишни ўйлайсизми?

— Ҳа, энди, пахта — миллий ифтихоримиз, — деди раис кўзларини бақрайтириб.

— Рост айтасиз, — дедим. — Миллий ифтихоримиз... Лекин сизга керак бўлмаса, халқингизга керак-ку боғ-роғ, сабзавот, полиз, картошка?

— Албатта, — деди раис. — Лекин уям етарли.

— Етарли эмас.

У бирдан бошини эгди.

— Ҳа, етмайди.

— Ҳўш, уни кўпайтиришнинг иложи борми?

Раис менга мўлтиради.

— Агар указани бўлса...

— Указани бўлмаса-чи?

— Билмайман.

— Уртоқ Ҳидоятов, — дедим. — Минг гектар ерга пахта эккан экансиз-а?

— Ҳа.

— Ҳўш, шунинг икки юз гектарини боққа ажратсак, нима дейсиз?

— Сиз мени синамаяпсизми, райкум бобо?

— Асло.

— Қанийди, — деди-да, мунғайиб қолди. — Қанийди...

Шундай кунгай бетлар бор. Узум деганингиз энди жуда битади-да... Сув тепада. Шундай тушса, бас...

— Сувни туширинг. Экинг, — дедим.

Раис менга яна бақрайиб қолди.

— Кейин мен кетар эканман-да?

— Кетмасликнинг бир чораси бор, — дедим. Бу нарсани аллақачон ўйлаб, пишитиб қўйган эдим. — Қолган саккиз юз гектардан оладиган пахтангиз минг гектардан оладиган пахтангиздан кам бўлмаслиги керак. Шундай қилиш қўлингиздан келадими?

Хидояттов тагин менга бақрайиб қараб қолди-да:

— Ҳаракат қиламиз, — деди.

У одам ҳамон менга ишонмас эди.

— Шундай қилинг, — дедим. — Узимиз ҳам ёрдам берамиз.

Ана шундай қилиб, иш ке-етди, Шукурвой!

Табиийки, бу ердаги иш бошқалардан пинҳон қолмади. Бунинг устига каминаи камтарин акангиз қайси манзилга бормасин, ўша ердаги хўжалик раҳбарлари билан шу тахлитда келишди: барчаси бизнинг фикримизга қўшилди.

Шундан кейин, яъни, районни ўрганиб, тегишли топшириқларини бериб чиққанимдан кейин райкомда кенгайтирилган бюро бўлди-да, қилган ишларимни очиқ айтдим.

Тўғри, бу «ташаббус»га қаршилар ҳам бўлди, улар кейинчалик ҳам тек утирмадилар...

Аммо бизнинг ташаббус маъқулланди: Деновда пахта майдонлари етти юз (700) гектарга қисқартирилди. Худонинг қудрати билан денг, ҳосилдорлик аввалги экин ерининг ҳосилидан паст бўлмади. Бу ёқда алмашлаб экиш учун ерлар кўпайди, боғлар кўпайди, сабзавот, полиз экинлари кўпайди.

Битта цифр айтаин сизга: ўша йили, яъни 1976 йили Денов райони 77000 тонна пахта, 50000 тонна сабзавот, полиз маҳсулотлари берди.

Битта нарса эсимдан чиқипти: Синанинг тепасида пионер лагери ташкил этишни раисга буюрган эдим: лагерь ташкил бўлди. Ҳозир ҳам бор!

Шундай қилиб, ишларимиз юришиб кетиб, даромад кўпайиб денг, ободончилик соҳалариям жилишиб қолди: йўллар яхшиланди, хиёбонлар текисланди. «Гулистон» посёлкаси қурилиши бошланди... Тагин сут заводи ишга тушди. Ёғ заводи ислоҳ этилди: доғланган ёғ ишлаб чиқара бошлади.

Шу йили бошлиғимиз Шароф Рашидов олтмишга кирар эди: биз кўнглимизда мана шу ишлар билан у кишининг туғилган кунига совға қилмоқни ҳам ўйлардик.

Пахта терими охирлаб қолаётган кунларнинг бирида Шароф ака Деновга келиб қолдилар.

Обкомнинг биринчи котиби Абдувоҳид Каримов у кишига йўлдош бўлиб, тўғрироғи бошлаб келди. У кишининг келишини эшитиб, гапнинг рост, кўнгилга сал хавотир

тушган эди: ахир етти юз гектар ерни пахтадан чегириб олганмиз...

Аммо Шароф аканинг кайфияти баланд эди. Бунга сабаб Раъно Узоқованинг туғилган қишлоғидан ўтаётган вақтларида, у ердаги техникум ўқувчилари йўлни тўсиб, Шароф акани ўзларининг залига таклиф этишган, у ерда Шароф Рашидов — Ўзбекистон ҳукуматининг бошлиғи сифатида эмас, балки оддий ёзувчи сифатида суҳбат қурган эдилар. Шароф акага ёзувчилик бобида ҳар хил саволлар берилган, кейин Шароф ака ҳузурда узимизнинг олим — ёзувчимиз Тоштемир Турдиев опахон шоирамиз Раъно Узоқова ҳақида гапириб берган. Шароф ака жуда ҳаяжонланиб, Раъно Узоқовани — «Биринчи ўзбек совет шоираси» деб атабдилар. У киши ҳақида ўзлари ёзган илк мақоланинг сарлавҳаси ҳам шундай эканини айтиб, Тоштемир Турдиевга шоира ҳақида маълумотлар жамлаш ва китоб қилишни маслаҳат бердилар.

Шундай қилиб, Шароф ака Деновга келганларида, кайфиятлари баланд эди. Далаларни кўрдилар. Каминанинг юраги гурсиллаб уриб турипти... Ниҳоят, чой устида сўраб қолдилар:

— Ҳўш, Ҳимойиддин, пахтангиз дуруст. Ундан бошқа ишлар ҳам қиялмасизларми?

Мен урнимдан туриб ахборот бердим: боғ-роғлар масаласида алоҳида тўхталдим-да, ҳалиги 700 гектарни айтиб қўйдим. Айтиб қўйдим-у, «Бир қошиқ қонимдан кечасиз. Бошим ҳам», дегандай туриб қолдим.

Э, у киши бир валломат одам эди.

— Раҳмат, Ҳимойиддин. Мен тушундим, — дедилар.

Бизнинг бошимиз осмонда!

Ана шундай эди, Шукрвой, бу тупроқдаги раҳбарларнинг, нима десам экан, аҳволи!..

Кейин Сариосиё районига ўтадиган бўлдилар. Дўстингиз, менинг ҳам дўстим — укам Тилла Менглиев ўшанда Сариосиёнинг биринчи котиби эди. Йўлда кутиб олди. Айтмоқчи, бу орада битта қизиқ воқеа бўлди.

Йўлда «Москва» колхозидан ўтиларди. Район пахта планини бажариб бўлиптики, у колхоз ҳануз бажаролмас эди. Ана шу ерда тўхтадик.

Шароф ака раисдан:

— Нега планни бажаролмаяпсиз? — деб сўрадилар.

Раис боёқиш жимиб қолди-ю, мен ўртага тушдим:

— Шароф ака, Хидир полвоннинг 16 та фарзанди бор. Шуларнинг ташвишиям битта колхознинг ташвишича чиқди.

Ҳаммамиз қараб турибмиз: Шароф ака нима дер экан деб? Ахир, мен ҳам иримига яраша, баҳоли қудрат ҳимоялаш учун шу гапни айтдим-да.

Шароф ака нима дейди денг?

— Сизга раҳмат, раис. Мен Тошкентга борай, телестудияга айтаман. Улар сиз ҳақингизда кино қилишади... Мос-



ковдан кўрсатамиз: бизнинг кўп фарзандли ўзбеклар қандай эканини кўриб қўйишсин...

Раис таъзим қилиб қолди.

(Кейинчалик кино олинди. Чамамда ўн марталаб намойиш этилди телевизордан. Масковдан ҳам.)

Ана шунақа одампарвар раҳбаримиз бор эди!

Хуллас, Тилла Менглиев чегарада кутиб олди. Сўнг гап-сўз орасида ўртоқ Каримов сўраб қолдилар:

— Қани, икки дўст, бугун неча процентдан пахта берасизлар?

Менглиев иккимиз бир-биримизга қарадик.

Каримовнинг ўзи айтди:

— Икки процентдан.

Мен тек туropolмадим:

— Шароф ака, сиз табаррук одамсиз. Сизни алдаш — гуноҳ бўлади. Биз икки процентдан пахта беролмаймиз, — дедим.

Тилла Менглиев мендан ҳам ошиб тушди:

— Биз кеча берганча пахта берамиз. Балки камроқ ҳам бўлар, — деди. Яна Шароф акага қарадик:

— Ўртоқ Каримов, бу йигитларни ёмон йўлга бошланг. Припискага... — деди.

Шукурвой, иккимизнинг ҳам бошимиз осмонга етди!

Шундай қилиб, Шароф ака Тошкентга кетдилар.

Биз бюрога тўпландик. Одатда шундай бўларди, ҳалиям шундай: масалан, Ислом Каримов юртимизга келиб кетсалар ҳам, у киши билан бўлган мулоқотлар, уларнинг маслаҳатлари, хуллас барча гап-сўзлар фаолларга етказилади.

Бюрода руҳимиз баланд эди. Чунки Шароф акадан дакки-дашном эшитмадик. Аксинча, бизнинг 700 гектарни пахтадан «қийиб» олганимизга «қаршилик» билдирмадилар.

Мен ана шу ҳақдаям гапириб, тутган йўлимиз тўри экани, тадбиркорлик билан иш обораётганимизни айтдим.

Бир ўринда полвон раисга дакки бердим:

— Ҳой, Хидир ака, қачонгача сизнинг 16 та болангизни рўкач қилиб, жазодан қутқазиб кетамиз?

Бўлди кулги.

Энди, Шукурвой, сизнинг ҳали берган саволингизга қайтсак: «Пахтага муккаларингдан кетган эдинглар...»

— Бу — модний гап, ука. Мен сизга борини айтдим. Ҳатто Ўзбекистон ҳукумати бошлигининг ҳам бу масалага муносабатини айтдим...

— Хўш, шундан кейин бу борада яна ижобий силжишлар бўлдимиз? — деб сўрасиз.

Булиб турди-ю, кўпроқ бизга боғлиқ бўлмаган салбий силжишлар устун келарди. Мана сизга битта мисол: ўша учрашувлардан кейин, яъни роппа-роса 14 йил ўтгандан кейин — 1988 йили Тошкентда ўтган агросаноат ходимларининг республика кенгашида сузлаган нутқимиздан бир парчани ўқиб берсам:

— «Областимизда, — мен ўшанда область ижроия қўмитаси раисининг биринчи муовини, агросаноат комитетининг раиси эдим: бу сўзларим «Совет Ўзбекистони» даям эълон қилинган, — пахта тайёрлаш топшириғи 34 минг тоннага камайтирилди. 7 минг гектар еримиз озуқабоп, сабзавот, полиз экинлари учун ажратилди. Хуш, шулар билан муаммо ҳал бўлди, дейсизларми? Йўқ, Пахта билан банд бўлган майдонлар аввалгидек 74 процентда қолди. Буниси ҳам етмагандек, Госплан беш йиллик охирида яна 25 минг тонна пахтани планимизга қўшиб қўйди. Демак, алмашлаб экиш учун кўзланган майдонларга яна чигит экишга мажбур эканмиз...»

Мана сизга юқоридан келадиган «указани» лару ўзимизнинг раҳбарларимиз аҳволи...

Мен бировларга адвокатлик қилаётганим йўқ: фактларни айтаяпман, холос.

Демак, шундай хулосага келиш мумкинки, бу йўлдаги интилишлар, курашлар кеча ёки ўтган куни бошлангани йўқ: улар анча олдин, тахминан 30 йиллар бурун бошланган эди.

Ҳа, Гафур Ғулом айтганларидек: «Бу йўллар кўп қадим йўллардир».

## БУЛУТ ТЎСГАН ОЙ

Тўхтасин огага бағишлайман.

Ҳикоя

I

Ёмғир шундай куч билан қўя бошлдики, бекат айвонида туришининг иложи қолмади. Бунинг устига, гувуллаб шамол эсар, ёмғирни букиб-қайириб айвон остига ҳам урар эдики, устунлар орқасига яшириниш ҳам фойда бермади. Мен плашнинг ёқасини кўтариб, шляпа гардишини пасайтириб, ресторанга қараб чопдим. Ресторанга кирверишдаги айвонча остида ҳам ёмғирдан қочганлар кўп эди, «Ке, шамоллаб-нетиб қолмайин. Барибир кечки овқатга етолмайман», деб ойнаванд, залворли эшикни очиб, ичкарига кирдим. Табиий, димоғимга ичимлик, сигарет ҳиди урилди, қулоғимга жазавали ғарб мусиқаси эшитилди. Мен шляпамни силкитиб, ёқамни тушириб, устки кийимларни олиб қолдиган киши томон бораётган эдим, шундоқ рўпарамдан — афтидан қўлювгич хонадан чиқиб келишаётган новча, норғул йигит билан этаги ерга теккудек узун, қора барқут кўйлакли жувонга кўзим тушди.

Йигит... менга таниш, ҳатто «ака» даражасидаги қадрдоним Таваккал эди; эғнида тўйга кийиб борса арзийдиган

тим қора костюм-шим, оёғида пошнаси баланд, учли туфли (шунинг учун бўйи тагин ҳам баланд кўринар), ҳийла сийраклашиб қолган жингалак сочлари ялтирар (нам қўли билан сийпаган бўлса керак), тилла тишлари ярқираганча қулиб келар, жувоннинг тирсагидан тутиш ёҳуд унга бирон дилдорлик кўрсатиш, чамаси, хаёлига келмас, жувон эса, бошини ҳийёл эгиб ва кулимсираб келарди.

Мен тескари қарамоқчи бўлдим-у, улгуролмадим.

— У, писател! — деб бақириб юборди Таваккал. Мен табассум қилиб, четландим. У келибоқ мени бағрига олди. Упишдик. Оғзидан ҳушбўй ароқ ҳиди келар, юзи шишинқираган, кўзлари филтилар эди. — Бу киши — бизнинг земляк! — деб аёлга қаради «земляг»им, кейин уни унутгандек, менга тикилиб давом этди: — Қалай энди? Келин яхшима? Кичкиналар кўпайиб қолдима?.. Кўринишингиз дуруст. Класс! Эй, бу одам — яхши ёзувчи! — деди яна аёлга кўзи тушиб. — Менинг юртдошим!

Мен ҳам аёлга қарадим, у синиққина кулимсираб бош ирғади. Каминаям бош ирғади. Шунда Таваккал:

— Э, танишмайсизларми? — деб кулди. — Бу киши бизнинг хоним. Отингиз... нимаиди?

— Гули, — деди жувон (унинг қизариб кетганини тахмин қилдим). — Гулсара.

— А-аа, Гулсара, Гулсара, — деб тагин баралла кулди Таваккал. — Қани, залга марҳамат, Қувватжон!

Мен уст-бошимга ишора қилган бўлиб:

— Шунчаки кирувдим, ёмғирдан қочиб, — дедим. — Дачага кетишим керак.

— Дачага? Ҳ-ҳ, ўзимиз обориб қўямиз!.. Қани, пилашти ечинг! Ҳў, швейсар, бақа қара! — Таваккал шляпамни олди. Мен ноилоҳ ёмғирпўшимни еча бошладим. — Оббо, Қувватжон-е, учрашганимизни қаранг. Худо бор... Қаршидан жўнаётганимда сизни эслаб эдим. Честни айтаман...

— Мен ҳам сизни эслаб тураман, — дедим.

— Ёлғон! Битта телефон қилмайсиз. Қаршининг чегарасидан утиб кетасиз.

— Яқин-орада юртга борганим ҳам йўқ.

— Мен кеча келдим. Геялогия вазирлигига чақиришган эди... Эй, Гулсара, Мустақилликкача ўзимизда геялогия министрлиги йўқ экан! Бор-у, Масковга буйсунара экан. Ўзбекистонга буй-сун-мас экан. Вей, қисталоқлар-е.

— Ҳалиям карьердамисиз? — деб сўрадим, шунчаки гапга гапга қовушсинг учун.

— Ҳа-а, — дея яна олтин тишларини ярақлатиб кулди. — Каттаси буп кетдик мраммар карьерининг... — У плашни ҳам швейцарга берди-да, кифтимдан олиб, иккинчи қаватга ўрлаган зинпояга бошлади. — Гул, Гулсара, ортда қолманг... Э, сиз олдинга ўтинг! Утинг, хоним.

Аёл оғриниб тўхтади.

— Юраверсангиз-чи.

— Шундайми? Майли. — У кулиб қўйиб, икки зинапояни битта қилиб босди. — Ишларим авж, укабой. Мармар қиммат бўп кетди. Ҳа-ҳа-ҳа. Крошкеси — капейка эди.

## 2

Уларнинг столи ўнг томондаги ойна-девор остида, зал баралла кўринадиган жойда экан. Дастурхон тўкин, стол чегида — вазада лола ҳам бор экан.

Мен столнинг бери ёғидаги пичоғу санчқиси ишлатилмаган жойга ўтира қолдим. Биламан, улар бу жойга нисбатан турга, яъни, столнинг у ёғига ўтказмоқчи бўлишади. Ҳақиқатан ҳам шундай ҳаракатлар қилиб, натижа чиқаришолмагач, аёл ўз жойига — ойнага яқин курсига, Таваккал унинг ёнига ўтириб:

— Хўп, йигит ўлмайлик, бало кўрмайлик, — дея ишшайганча фотиҳа ўқиворди-да, бирдан ўнгу сўлига қараб, худдики тўйхона баковулидек бақариб юборди: — Уй, аписанка! У-у, жонидан, бақа бир кел. Давай, заживо... Накрой! Это — мой гост! Нима дедингиз, хоним?

Хоним қисиниб елкасини қисди. Мен эсам (чин кўнгилдан):

— Шу бўлади-ку, — дедим. — Э, аломат йигитсиз-да, Таваккал ака.

— Мендан нима кетяпти? — хахолаб кулди у. — Икки мошин крошка, холос! Отамдан қолган бўлмаса... Тўғри, лекин Темур бобомдан қолган. — Кейин жиддий тортиб давом этди: — Эй, Қувватжон, ўзимиздаги мармар конларининг тўқсон пойизи Темур бобо замонида очилган экан. — Кейин яна кулди. — Ҳозир бўлса, шундоқ йўлнинг ёқасига бир кетмон уринг, қарс этиб мармарга тегади. Очилиб ётибди-е.

Гулсара «қойил» дегандай бошини сараклатди. Мен ҳам қошларимни кўтариб:

— Зўр, зўр, — дедим.

— Гулсара, борасизми? — Таваккал, афтидан, илгари бошланган суҳбатни давом эттириб сўради: — Хўп денг, хоним... Бир айлантирай! Тахтақорачага опчиқаман! Қаламқаш гуллар очилиб ётипти! Сапсарга ўхшайди-ю, кичкина... — Кейин менга қараб, бемалол кулди. — Булар билмайди, шаҳарлик-да... Да, кечирасиз, бивший кишлоқисиз! Туркистон ҳам кишлоқ-да энди, Тошканга нисбатан? Шу-шу... Ух, маладес, маржа хоним! — У столни тозалаётган официант жувоннинг белидан ушлаб қўйди.

У эса:

— Всегда мы ради вам обслуживать, — деди табассум қилиб.

— Таваккал ака, келсангиз, фақат шу меҳмонхонага кўнасизми? — деб сўрадим яна йўлига.

— Ҳа. Бу ер — марказ, — деди Таваккал. — Бечоралар яхши кутиб олишади. Беш-ўн сўм устига берсанг, бас-да,

уртоқ ёзувчи... — Кейин яна кулди-да, уйчан тортиб сўради:— Уй ичлари тинчма, Қувватжон? Ёзган асарларингизни ўқий олмаяпмиз. Иш кўп-да, ука. Лекин эшитиб турамиз. Мен сўраб тураман, честни...

— Сўраб турасиз-ку, бу ерга келганда унутасиз? — деб қолди хоним.

— Ҳў, биру нўл, — деди у. — Лекин шу гал барибир сизни топмоқчи эдим, Қувват. Битта маслаҳатлик гап чиқиб қолди...

— Марҳамат, — дедим.

— Кейин... Пирниси, коньяк! Ладна, пуст «Напалиён!» Слишиш? Вот та-ак...

Мен нима қилишни билмасдан сигарет тутатдим. Энди икки кишилишиб стол тузаётган официантлардан бири дарҳол кулдон опкелиб қўйди.

Шу пайт залнинг тўридаги саҳнада мусиқачилар (кирганимизда, дам олишаётган эди, шекилли) гумбир-гумбир қилиб созларини чала кетишди.

— О-оҳ, яна бошлади бу аблаҳлар, — деди Таваккал. — Бориб тинчитиб келайми?

— Нега? — деди Гулсара. — Бировларга ёқади, заказ қилишводди-да.

— Э-э, Мустақил бўпмизам ўзбекча қўшиқ айтишмайди бу хумпарлар!

— Айтишмаса, чалишар.

— Чалади.. — дедим мен ҳам. — Ҳечқурса, «тановар»ни билишади. Тагин «Чингизхон» деганиям бор.

— Темур дегани-чи, Темур? — пихиллаб кулди Таваккал.— Тўхтанглар, ҳозир заказ қиламан. Адин момент! Бир жиннисини чиқарай шуларни. «Чингизхон»ни биласан, унинг дабдаласини чиқарган «Темур»ни билмайсанми, дейман.

— Чингизхонними ё чингизийларними? — майингина кулумсираб сўради хоним. Сездимки, бу гапни мунозара учун эмас, шунчаки, гапириш учун айтди.

Ўзи, умуман, бундай жойларда шунақа гапириш маъқул. Чунки мақсад ўзи — маънили-бемаъни бўлса-да, валақлашиб ўтириш, қолаверса, ичиш-да.

— Ҳў-ў, яна биру нўл! — деди Таваккал. Кейин: — Штрапни тўлаймиз, — деб кулди. — Айтмоқчи, Қувватжон, бу кишини мен Қаршига таклиф этаяпман. Тўғрироғи, Шаҳрисабзга...— Кейин бирдан гамгин тортиб кулумсиради. — Хотин йўқ, тўғруқхонада ке-етди, ука. Олти бола билан қолдим. — Кейин яна кулди. — Э, кун ўтаяпти... У ёғини айтсам, мен ҳам қарийб етимликда қатта бўлганман. Тўғри, қариндошлар кўп эди, бобойдан мерос қолган мол бор эди... Так што, хоним бемалол кириб боришингиз мумкин уйга... Кимсиз? Мармар конини текширишга борган — ревизор! — У яна қаҳ-қаҳ отиб кулди-да, столни безаб бўлган официантканинг кифтини силаб қўйди. — Улма, аканг айлансин! — Сўнг ниманидир эслагандек бирдан буюрди: — Давай, налей ты сама!

— Конишно, конишно, — деди у томбойчка устидан оппоқ-кина сочиқ олиб, ўша билан коньяк шишасини ўради. Сўнг уни очиб, Гулсаранинг рюмкасига энгаштирган эди, у чийиллаган каби:

— Нет-нет, — деди. — Я ж вам сказала?

— Ах, да, извените.

Таваккал хонимга чимирилиб боқди.

— Нимага коньяк ичмайсиз-а?

— Менга тўғри келмайди.

— А-а, майли... Давай нам коньяк! Қувватжон, би-ир ўтирайлик!

— Раҳмат.

### 3.

Шундан кейин суҳбатимиз шўх ирмоқнинг оқиш мақомида давом этди. Ирмоқ нишоблардан тез энса, ўрларга аста кўтарилади, чўнқирларни тўлдирар экан, секинлаб ҳам қолади. Гурунгимиз ҳам шунга ўхшаб — гапга гап уланиб, аммо равон бир изга тушмасдан давом этаркан, қадаҳ сузига етганда, кончи дўстимиз:

— Қани, бир тос айтинг, Қувватжон! Зўр бир гап айтинг! Биз шуни қолдирмай олайлик! — деди.

Мен хижолат бўлиб, қадаҳини (унга яҳудий арағидан қуйилган эди) жойида аста айлантираётган Гулсарага қараб олдим: ундан узр сўрагандек.

Кейин яна қийналиб қолдим: нима дейман, ахир? Қуриб кетсин бу ёзувчилик ҳам... Ана шунинг учун кўпинча тўйларга боришдан ҳам тийиламан ёхуд борсам ҳам панада ўтириб, чиқиб кетаман. Сўз беришади-да, тантанали қилиб. Шунда тўйчи «ака» «яқининг» бўлсаки, хўп-хўп. Акс ҳолда оёғинг тортмай, урфни оёқости қилмайин, деб келган тўйингни эгасида йўқ сифатларини ҳам тўқиб чиқариб айтишга тўғри келади.

— Қани, эшитовуз, — деди Гулсара мусиқа тиниши билан. Ва Таваккал (энди) унинг кифтини силаб қўйди.

— Сизларнинг шундай чиройли бўлиб ўтиришларингни кўриб, хурсанд бўлдим, аввало шуни айтишим керак, — дедим. — Таваккал акани ўрта ҳисобда йигирма йиллардан буён биламан, гарчи кам учрашиб турсак-да... Гулсарахон, бу инсон — бир қоп ёнғоқ мисолидир. Дали-ғули, мард. Хуллас, Темур бобо юртининг валламат йигитларидан...

— Да-да, бу масалада тараф йўқ экан, — деб Таваккалга илиқ табассум қилди хоним.

Таваккал ҳазилакам бир қувлик билан кўзларини дўлайтириб:

— Ана шунақамиз, хоним, — деди. — Айтинг; Қувватжон. Сизнинг ёзганларингизам рост... Йўқ, ҳестни айтаяпман. Хоним, кўпроқ ўрисча китоб ўқигансиз-да, билмайсиз... Китобларидан бераман...

— Ҳа, энди, барибир «тўқувчи»миз-да, — дедим мен. — Айтмоқчи, ўрис ёзувчилари ҳам яқин-яқингача, масалан «асарлар» деб эмас, «сочинение» деб айтишарди... Хўп. — Қадаҳни сал кўтардим. — Ана шу аҳилликларинг давом этсин. Хўш, мени дастурхонларингга таклиф этганларинг учун миннатдорчилик билдириш билан бирга айтмоқчиманки, мана шу — ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат орамиздан ҳеч қачон кўтарилмасин.

— Воҳ! — деб юборди Таваккал. — Бу тўрдан кейин пужерни тўлдириб ичсаям арзийди!

— Раҳмат, — деди Гулсара менга. Ичиб бўлиб, қазикартадан газак қилганимиздан кейин хоним сўради: — Кечирасиз, писател ака, ўзийиз шунақа камтармисиз ёки камтар бўлиб кўринишни яхши кўрасизми?

Менга ҳеч ким бундай савол бермаган, қолаверса, бу саволда ҳарқалай, такаббурлик бор эди.

— Хоним, мен пьесалар ҳам ёзганман, — дедим. — Табиийки, ўша жараёнда рўл ўйнайман. Айтишларича, образларим ростми-ёлғонми — ўз гапларини гапиришар эмиш.

— Так-так?

— Қозонда бори чўмичга чиқади, деганларидек, инонинги, мен қандоқ бўлсам, образларим ҳам шундоқ чиқади, деб ўйлайман; яъни, рости ҳам, ёлғони ҳам ўзиники, ўзлигидан келиб чиққан бўладики, уларни, жумладан, мени ҳам риёкор, деб айтиш қийин... — шундай деб, дафъатан толиққанамни туйдим. Кейин дангалига кўчдим. — Сиз қандай тушунсангиз, ихтиёр ўзингизда.

— Браво, — деди у.

— Ҳа, маладес, Қувватжон, — деди Таваккал ҳам. — Қизиқ гаплар... Эй, яна бошлашди-ку буги-бугини! Шошманг, пул тўлаб бўлсаям тинчитаман.

— Ундан кўра, ўзбекча музика заказ қила қолинг, — деди Гулсара бояги табассумида.

Таваккал ўрнидан ирғиб турди.

— Ест! — Кейин бирдан хонимга тепадан ўткир тикилиб, сўради. — Ўйнайсизми?

Гулсара елкасини қисди.

— У-ў, адин момент! — деб юборди Таваккал. — Ана бу бошқа гап! Кеча ўзим ҳам сезиб эдим... Кухнага кириб чиқаётганингизда оёқ олишингиз галати бўлиб кетиб эди. «Жигарпора»ни эшитаётганда.

Гулсара бошини эгиб кулди. Таваккал қаторлар орасидан лўкиллаб юриб, сахна томонга кетди.

— Кеча танишдик оқайиз билан, — деди Гулсара «акам»нинг орқасидан сезиларли фахр билан қараб олгач. — Мани безорилардан қўтқардилар... — Кейин кулиб ҳамда гижиниб, давом этди: — Шундоқ кетивоссам, рўпарамдан иккита даванги кевотти. Тротуарда эдим. Тўғри келишаверди. Ман четланиб, йул бердим. Утишди-ю, вай, сезмиш қолдим, қўлим бир силкинди. Қарасам, сумкам йўқ. Биттасини-

нг қулида, ҳеч нарса кўрмагандай кетишвотти. «Ҳой, шу кунингдан ўлганинг яхшимасми?» деб бақирдим. Чопиб бо-ришга кўрқаман. — У яна бошини эгиб кулди. — Вайсовур-дим: «Бўйингга қара, иплос! Келиб-келиб хотин кишини ту-нийсанми?» — Шу пайт Таваккал кафтларини бир-бирига ишқаган ҳолда қайтиб келди. «Ест, гатоп!» деб утираркан, Гулсаранинг охириги сўзларини эшитганда, бирдан тилла тишларини кўрсатиб ишшайганча, уни рағбатлантириб бош ирғади. — Уша пайтда кўриниб қолдилар... Бу ёғини ўзингиз айта қолинг, — деди Гулсара.

— Ҳа, — дея сезиларли мамнуният билан давом этди Таваккал. — Таксидан тушиб, меҳмонхонага бораётсам... бир аёл киши пиртиволда қарғанаепти. Полвонлар менга яқинла-шиб қолган. — У маза қилиб, аммо ёлғондакам кулди. — Хонимнинг овозлари жуда-а ёқиб кетди-да!

— Раҳмат, — деб кўйди Гулсара.

— Без бе!.. Кейин, укабой, акангизни биласиз, ёшлик даврлари эсга тушиб кетди. Ўзи, кўпдан бери қўл қичиб, қаерга ишқашни билмай юрган эдим...

Мен бош ирғадим. Гулсара тагин овозида фахр билан:

— О, ёмон эканлар бу киши, — деди. — Ну, парен... Қайтамга мен кўрқиб қолдим.

— Э, хоним, ёшсиз-да, — деб талтайди Таваккал. — Ун-дайларнинг учта-тўрттасига бас келолмасак, мундай қилиб юрмас эдик... Биттаси-ўрисми, татарми, билмайман. Аммо биттаси — ўзбек эди, ана шундан бошладик.

— Вой, ман улдириб қўядилар, деб кўрқдим, — дея яна луқма ташлади Гулсара.

— Йў-ўқ, — деб тагин кулди кончи. — Оч биқинига урамиз-да... Йўғасам, товон тўлаш бор. Ҳа-ҳа-ҳа... Товон тўлаганмиз ҳам, а, Қувватжон?

— Жуда, — дедим. — Қиммат тўлагансиз... — Гулсара эшитишга иштиёқи борлигини англадиган назар билан боқди. — Ўзингиз айтиб беринг, — дедим Таваккалга.

— Ҳе, эски гап у, — деди Таваккал. — Келинг, эсла-майлик!

— Йўқ, нега энди? — озорланди Гулсара.

— Бўпти, айтиб бераман, — деди Таваккал. — Олдин яна биттадан олайлик. Ҳозир «Тановар» бўлади... — У узун қўллари-ни бемалол узатиб, шишалардан қуяркан, мен аста сўра-дим:

— Кейин нима бўлди? Ҳалиги давангилар билан... мушт-лашувингиз?

— Э, биз мушшлашмадик. Уларда куч қайда? Ароқ энгиб ташлаган алкашлар экан. Битта-битта билан чўзилтириб кўйдим. Кейин ўзбек болага: «Сумкани кўтар», дедим.

— Ҳа, бу кишига қолса, сумкани кўтартириб, уйимгача оборардилар.

— Кечирадилар, хоним.

— «Кўйинг, йўлига кетсин», дедим.



— Лекин кейин номардлик қилдингиз-а? — деб чиндан ҳам ачиниш ва хижолатли нигоҳ билан унга боқди Таваккал.— Ўпкаласам арзийди! — дегач, яна аслига — шўхчанлигига қайтди. — Гап шундаки, мени уйларига олиб кирдилар, раҳмат. Чой, кофе дамлаб бердилар, раҳмат. Аммо...

— Таваккал ака, — деди Гулсара оғриниб.

— Йўқ, тўғриси айтишим керак-да?

— Хўп. Айтинг-айтинг.

Таваккал қўлларини ёзиб, жуда ҳайрон қолганини билдирди:

— Ётишга қўймадилар... Мен бечора мусопирди. Гастинсага ҳайдадилар. «Вой, мусулмон, тегмайман сизга», дейман. Ишонмайдилар... Шунақа бўлди, Қувватжон.

Мен бундай гапларга ҳайрон қолмаслик лозимлигини тушунсам-да, уялдим ва Таваккалнинг «ўзига ишончи» анчагина ошиб кетганини дилимда қайд этдим.

Кейин бу «очиқ гаплар» хонимга қандай таъсир этганини билиш учун унга қарадим...

Эътибор этаманки, илк бор тикилиб қарадим. Зеро одатим шу: бундоқ давраларда йигитлар аёллари билан ўтирадими, бошқа таниш жувонлар биланми — эркалар билан гаплашардим-у, аёлларининг саволларига жавоб берардим, холос.

Аммо хотинларга тикилиб қараш... Бу — ўзбеки одатданми, табиий андишаданми — билмайман.

Гулсарага тикилиб қарасам, у қандайдир асабий эдики, ниманидир кутаётгандай, ўша кутгани содир бўлса, шартта туриб кетворадиганга ўхшарди.

— Қани, олдик-е! — деб юборди шунда Таваккал. — Майли, бу ёғига худо пошшо!.. Айтмоқчи, мен Гулсара учун ичман... Қувват, сиз ҳам хоним учун ичинг. — Ниҳоят, ийманиб жилмайди. — Мен «номард» дедим бу кишини. Аслида хурсандман, худо урсин-а... Чесни айтаяпман. Гул, сиз учун!

— Қуллуқ-куллуқ, — деди у.

Мен ҳам эркин нафас олдим.

— Раҳмат сизга, Таваккал ака, — дедим. — Гулсарахон, омон бўлинг. Бизнинг ёзувчилар орасида бир гап бор: «Фейлинг узгармасин» дейдилар. Ўрисчасига: «Надо быть самым собой». Шундоқ...

— Тушунолмай қолдим, — деб яна ёлғондакам ишшайди Таваккал. — Акамни остонадан ҳатлатманг, демоқчимисиз?

Мендан олдин Гулсара эътироз қилди:

— Йўғ-е.

— О, раҳмат сизга, — дедим. — Ўзи, одатда, бунинг акси бўлади.

— Ана! — деди Таваккал яна талтайиб. — Демак, мен индамайгина чиқиб кетиб, тўғри иш қилган эканман-да?

— Жуда, — деди Гулсара ва ҳаммамиз кулиб юбордик. Хонимнинг ҳурмати учун ўрнимиздан турдик. Гулсара ҳам ўрнидан қўзғолди-ю, «Тановар»га қулоқ тутиб, тек қолди.

Зал овруполашган гумбир-гумбирга тўлиб, ул-бул столдан, худди ўзлари буюртма қилгандек ўзбек йигитлару аёллар кўзгала бошлаган эди.

Таваккал шоён хурсанд бўлиб:

— Олдик! Кейин — уйин! — дея қадахни шартта бўшатдида, курсисини орқасига қитирлатиб суриб, четга чиқди. Гулсара идишини лабига тегизиб, жойига қўйди.

#### 4

Гулсарани мусиқачилар ўтиришган сахнанинг пастадаги бўш жойга боради, деб ўйлагандим. Чунки, одатда, ўша ерда ўйин тушилар, зеро столларидан туришганлар ҳам ўша томонга боришмоқда эди.

У эса шундоқ ёнимизда, қаторлар орасида туриб олдида, эни атиги бир-бир ярим газ келадиган оралиқда бирдан шох ташлай кетди. Хаёлимга Мукаррам опанинг рақси келиб, «ундан ўрганган» деган фикр келди.

Бироқ дастлабки ҳаракатлариданоқ ўзича ўйнай бошлаганига иқрор бўлдим. Маълумингиз, «Тановар» — тантанали, шўх, устига яна — жўшқинликни талаб этадиган ва булар жамисининг намойишидан иборат бир куйдирки, бунинг ифодаси ўлароқ ўша машҳур раққосамизнинг ўйинлари мукамал бир намуна сифатида қолган... Гулсара ўйин мазмунини ўзича талқин қила бошлаган, яъни тантаналар ичида гамнок ва ғариб бир кимсанинг қалбини-да ифодалар, юзю лабларидаги синиқ табассум ҳам бу мазмунга бағоят мос тушмоқда, қора барқут кийган хонимнинг рақс этаётган жойи ҳам — кутилмаган жой бўлгани сабабми — залдаги нигоҳларни ўзига қаратмоқда эди.

Ажабо, баъзан шундай тўлиқиб-тўлганиб айланиб кетардики, столлардан бирига урилиб кетар-а, деб кўрқиб ҳам қолардим. Йўқ, у худди шундай тор жойда ўйнайвериб ўрганиб кетгандек эди. Аста-секин залда чапак чалина бошлади. Кейин рақсга мос жуфт қарсакка утилди.

Таваккал анграйиб қолган, кўзлари ўқрайиб боқар, афтидан, хонимни таний олмас эди.

Бир маҳал елкамга биров туртди. Қарасам, залнинг бошлиғи, бу ерга кирадиган киши борки — танийдигани, новча, келишган, кўнғироқ сочли йигит Ҳусанбек экан. У «жим, ўртоғингизга халал берманг», деди-да, имлаб чекинди. Мен Таваккалга қарадим, унинг кўзлари ҳамон Гулсаранда эди.

— Таваккал ака, мен бир минутга... — дедим.

— Нима? А-а, хўп-хўп. — У мениям унутган каби, анави ажабтовур раққосанинг сеҳрига тушиб қолгандек эди. Мен аста кўзғолар эканман, Гулсаранинг савол аломатли нигоҳига кўзим тушди ва биргина бармоғимни кўрсатиб, «бир минут» маъносини англадим. У ўйинга мос ҳолда бош ирғаб, айланиб кетди.

Қаторлар адогига етиб, Ҳусан билан кўришдим. У, одатдагича, менинг узатган кўлимни тирсагидан ҳам ушлаб:

— Бу кўринмай кетдингиз? — деди. — Ёзувчилар Союзингиз кучиб кетгани учунми ё бозор иқтисоди таъсир қилди-ми?

— Кейинги гапингиз тўғри, — дедим.

— Бу коммерсант билан кўпдан танишмисиз?

— Юртдошим.

— Жа баевоё йигитга ўхшайди.

— Ҳа, танишмасмисиз?

— Йўқ. Нукул менинг дежурлигимда келмайди. Кейин эшитиб қоламан... Аммо анави жувонни бир марта кўрганман. Ҳў, стенканинг орқасида ўтиришган. Жа казо-казолар билан... Синглисинингми, жиянинингми туғилган кунийди. Ушанда йиглаб ўйновди... Жа таъсир қилувди менга. Иккита япон ўн минут суратини олишган...

— Арзир экан, — дедим. — Юринг, таништираман. Дусти-миз билан ҳам...

— Йўқ, бир вақти келади... Сиз ҳам энди танишдингизми? Кечирасиз, актрисамасми?

— Ў, билмайман, Ҳусанжон.

— Қойил... Айтинг, тез-тез келиб туришсин. Бизга яхши бўлади.

Шунда куй тугади-ю, Гулсара столга бурилди. Чапак чалвориб ўрнидан турган Таваккал, билҳол мени эсладими, ала-нглаб қараб, кўлини чўзган ҳолда:

— Ҳў, Қувват, нима қилиб турибсиз у ерда? — деди-да, дастурхонни кўрсатди. Гулсара ҳам менинг боришимни кутган каби ўрнига утирмасдан қараб турарди. Зал гувиллаган чапакка тўлиб кетган, муסיқачилар эса яна «Тановар»ни чалишга тушишган, у ер-бу ердан «раққоса»ни ўйинга таклиф этган овозлар ҳам эшитилар эди.

Мен Ҳусаннинг кўлини қисиб:

— Узр, — дедим.

— Кечирасиз, безовта қилдим, — деди у. — Лекин ман у йигит билан танишаман.

— Арзийди.

— Ҳой, вақт бўлганда, кириб туринг. Ҳечқурса, насияга меҳмон қилармиз.

— Раҳмат.

## 5

Мен қайтиб борганимда, Гулсарани йўтал тутган, ойна-деворга юзланиб, курси қошига илиғлик турган чарм сумкасини кавлар эди. Рўмолча олиб, оғзига босганча жойига ўтирди.

— К-кечирасизлар.

— Ничаво, — деди Таваккал. — Мен сиздай ўйнаганимда, чўзилиб қолардим. — У шунчаки шод эмас, жуда ҳам

магрур кўринар, илло ресторан аҳлининг ярмиси десам ҳам бўлар, бу — барваста, бўйинбоғининг тугуни пастлаб — ёқаси ҳийла очилиб кетган ва эгасига қандайдир эркин тус берган ҳамда ҳар бир ҳаракатидан куч-қуввату ёвқурлик ёғилиб турган йигитга ҳавасу ҳасад билан тикилишар, шубҳа йўқки, Таваккал бу нигоҳларнию мазмунларини ўқиб турар эди.

— Сув, ҳой мусулмон, сувдан беринг...

Онт ичаман: Гулсарага сув узатишни столга келган пайтимдаёқ ўйлагандим-у, истиҳола қилгандим: биласиз-ку, соф қишлоқи йигит (ўзим ҳам қишлоқдан чиққанман) бу каби табиий дилдорликни ўзича — «қишлоқ даражасида» тушуниши мумкин...

— А?.. Э, сувдан бошқа нима бор!.. — дея ҳовлиқиб, «кока кола»дан фужерни тўлдириб узатди Таваккал.

Гулсара энтикиб-энтикиб бир неча қултум ичди. Жувоннинг аҳволини кўриб тушунишди шекилли, уни рақсга таклиф этаётганлар ҳам, чапак чалаётганлар ҳам дастурхонга ўнгланишди. Муסיқачилар ҳам бир пасдан кейин бошқа куйни чала кетишди... Гулсаранинг ўйинию «Тановор»нинг бир неча дақиқа давом этган сеҳри-жодуси тотли ширинлик таъми каби огизларда ва кунгилларда қолди, ҳа, жуда бахтли онлар ўтиб кетдики, мен ҳамон «Тановар» куйини эшитсам, Мукаррама опага тақлид қиладиган хиромон эмас, азадор каби қора барқут кийган Гулсаранинг рақси кўз олдимга келади: у туғма бир истеъдод экан.

Гулсара вишиллаётган ичимликни ойнага қараган ҳолда калта-калта сипқориб тугатди-да, бизга, кейин атрофдагиларга шошиб кўз ташлади. Бирдан:

— Кетсак-чи? — деди Таваккалга. — Э, узр, Қувват ака... Мен сал хижолат...

— Гап йўқ, — деди Таваккал. — Уйингизга борамизми?

Аёл қизғин табассум қилди.

— Дача эсийиздан чиқдимиз?

— А-аа! Искелироз! Всё... Дачага! Қувватжон, қаршилик йўқми, ука?

— Вей, нега... Фақат йўл узоқ, қайтиб келишларинг бор... Лекин ётиб қолишларинг ҳам мумкин, — дедим. — Ҳозир бизнинг боғимизда ёзувчилардан кўра каммерсант кўпроқ... Шунақа бўп қолди. Уларсиз дача узини боқолмайди...

— Ҳа, — деди кесиб Таваккал. — Ёзувчиларнинг аҳволи яхшимас ҳозир. Биламиз.

— Билар экансиз, ёрдам қилмайсизми? — деб қолди шунда Гулсара. — Пул — сиз учун хазон-ку.

У яйраб кулиб юборди.

— Соддамиз-да, жўнмиз-да, хоним. Кечаги кун билан бугунги куннинг фарқига бормаймиз! Гап битта!.. Қувватжон, сиз дачанинг ишотини берасиз менга.

— Раҳмат, Таваккал ака, — дедим. — Гулсарахон, сизгаям раҳмат. Менинг куним ўтаяпти... Уюшмамиз, хуш, Адабий

жамғармамиз раҳбарияти уч-тўртта адибга мурувват қилиб, путёвка нархини кўтаришмаган.

— А-а, дуруст-дуруст... Хўп, турдикми?

— Ҳа, — деди Гулсара ва яна энтикиб нафас олдики, бу ерда унга ҳаво этишмаётганим аён бўлди. Кейин қандайдир гижиниб, қўшимча қилди: — Официанткага айтинг, столдаги таомлардан олиб, тугун қилсин.

— О, мумкин эмас! — деб юборди Таваккал. — Мени уялтирманг, хоним. Биз свежийсидан заказ қиламиз... А-а, дачада ўтирамиз. Дўрмонда, а?.. Ҳа, эшитганман... Ҳой, маржа хоним, а ну-ка камне! Ке, аканг айлансин.

Мен бундай исрофгарчиликни ҳазм қилолмасдим. Бунақа «тантйобуваччалик» ҳам ёқмасди. Адибларга теккан касалликми бу: бунақа тўкин дастурхонни кўрсанг, хурсанд бўласан-у, кейин бир буханка нон учун дўконлар қошида навбатда турган хотин-халаж, чол-кампириллар кўз олдинга келади. Баъзан томоғингдан ҳеч нарса ўтмай ҳам қолади...

Мен плашим билан шляпамни кийиб, пастда кутажагимни айтдим ва улар рухсатини сурамасдан жилдим. Ойнабанд эшикдан чиқаётганимда, яна Ҳусанжон билан тўқнаш келдим. У менинг тирсагимдан ушлаб:

— Кетасизларми? — деди.

— Ҳа. Дачага борадиган бўлдик.

— Чёрт побери, ўшанда ўйнагандан кейин ҳам шунақа йўталиб қолувди.

— Уйнаганда, ўпка шишади.

— Да-да.

## 6

Ёмғир ҳамон тинай демасди. Шамол эса шаштидан тушганга ўхшар, бироқ туриб-туриб авж қилиб қолар, шунда беихтиёр тескари қараб оларди, киши.

Қунишиб-йўртишиб бекатга етдик. Бир замонлар «такси» тўхташи гумон бўлган майдончада кўзини «кўкартирган» мошиналар ҳам, «шахсий»лар ҳам энди йўловчи кутишар, бироқ нархи осмондалиги боис уларга яқинлашиш мушкул эди.

— Такси, такси! — деб бақирди Таваккал, худди «Эшмат! Тошмат!» деб чақиргандай. Шундай рўпарамизда турган «Жигули»нинг эшиги очилиб, бир йигитча чиқиб келди. — Бўшмисан? — сўради Таваккал сенсираб.

— Бўш-бўш. Утиринглар... — дея йўл бошлади ҳайдовчи. Сунг, яқинлашиб келган таксичига ўшқирди. — Ани мой клиент!.. Келинглр.

Мен орқа эшикни очиб қўйиб, олдинги ўриндиққа ўтириб олдим. Таваккал билан Гулсара орқада жойлашишди. Шофёр машинани жилдириб, сўради:

— Катга борасизлар?

Мендан аввал Таваккал (шангиллаб) жавоб қилди:

— Дача писателга!  
— Ү-ўу. Окахон, тудасуда тўлайсиз-да.  
— Ҳайдайвер. Мана шу — ёнингда ўтирган одам...  
— Таваккал ака, — дедим.  
— Хуп... Хуш, хоним, энди қалай? Ойнани очиб қўяйми бироз?

— Ҳа.

— Сиз албатта Қашқадарёга боришингиз керак! — деди Таваккал қатъият билан. — Унинг тоғларида ҳаво шундай тозаки, бир қўйнинг гўштини бир кунда еб қўясиз... Ҳа-ҳа-ҳа! Биз еймиз-а, Қувватжон?

— Ҳа, ундай ҳавода иштаҳа очилиб кетади, — дедим. — Лекин Гулсарахон, борсангиз, зиён қилмайсиз... Таваккал акага бемалол суяниш мумкин.

— Нега «мумкин?» Шарт! — деди Таваккал. — Ҳозир как раз ширвоз қўзилар сўйиляпти... Қувватжон, бултур ҳам ўтмадингизм-а, Қаршидан?

— Утдим-у, поезд билан, — дедим. — Автобус ҳам ёмонмас экан.

— Мошина нима бўлди, мошина?.. А, бензин қимматлашиб кетди!

— Мошина сотилди.

— Кечирасиз, Қувват ака, қанақа китобларингиз бор? — сўраб қолди шунда Гулсара.

— Бор, — дедим.

— Дачада борми? Биттасига автограф ёзиб берасиз... Уқийман, албатта. Китобни яхши кўраман. Мана, окангиз кўрдилар, уйимда кичкина кутубхонам бор. Лекин кўпи ўрисча... Ҳим, тарбиямиз шундоқ бўлган-де.

— Ничаво! — деди Таваккал. — Энди, қолганини ўзбекчалаштириб юборамиз. Ҳа-ҳа-ҳа!

— Раҳмат.

— Лекин ўйинингизга беш кетдим, Гулсара. Ресторанни ром қилиб олдингиз аммо... Э-эй, тангрим, кунларимиз қандай мазмунсиз ўтади, Қувватжон. Ейсан, ичасан, бировни уришасан, бировининг бошини силайсан.

— Бировини алдийсан, — деб қўшди Гулсара.

Таваккал тагин хаҳолаб юборди.

— Албатта! Алдамаса бўладими?... Умуман, «рақобат» дегани ўзи алдашга йўл очар экан. Ким айёр бўлса — марра ўшаники.

— Эсиз алданганлар.

— Э, ачинманг, хоним! Ҳаётнинг ўзи шу экан... Шундаймасми, Қувватжон?

— Шундаймаслигини ўзингиз ҳам яхши биласиз, — дедим мумкин қадар беозор оҳангда.

Таваккал бир сония жимиб қолди-да, тагин қаҳ-қаҳа отди.

— Сиз ҳақсиз, ука! Ҳақиқатан буни ўзимам биламан... Лекин ҳамма бир-бирини алдай бошлагандан кейин... Нима дедингиз, хоним?

— Нима дейин?

— Сизникиям тўғри.

— Кечирасиз, Кувват ака, — деб яна гап қотди Гулсара. — Писателларнинг дачаси бор, деб эшитардим. Шу ёқда — тоққа яқинлигиниям биламан... Лекин, у қанақа дача ўзи? «Дам олиш уйи»га ўхшайдимми? Боя бизнесменлар ҳам куп дедийиз. Демак, санаторий типиди?

— Фарқ қилади, — дедим. — Унинг номи тўласича: «Ёзувчиларнинг ижод ва истироҳат боғи» дейилади. Уч қаватли иморат... Ҳали кўрасиз. Яхши. Кўпчилик хоналари бир кишилик. Яшаш, ишлаш учун шароит бор... Ҳм, уч-тўрт гектарлик боғимиз ҳам бор. Ёзда салқин бўлади. Тошканда ҳарорат қирққа чиққанда, у ерда ўттиз беш-ўттиз олтидан ошмайди.

— О, яхши экан. Ёзда Тошкандда нафас, обумий қолади... Биласиз-ку, ўзийиз?

— Ҳа.

— У ерда, энди, фақат ёзасизларми? — сўради Таваккал. — Ё бошқа иш ҳам бўладими?

— Ёзадиган — ёзади, ёзмайдиган — ҳордиқ олади. Илгарди яхши эди: бир йилда бир ой текин йўлланма бериларди ёзувчига... Ҳозир йўқ.

— Понятно, — деб кўйди Гулсара. Кейин яна сўради: — Бизни бегона деб...

— Ҳ-у, йўқ. Унақанги темир қоидалар бизда йўқ... Умуман, Уюшмамиздаям илгаритдан қандайдир демократия бор эди. Муҳим гаплар китоб саҳифаларига чиқмасаям, у ерда айтиларди... Уйлашимча, социализмдан бизга қолган энг дуруст мерос — шу боғ билан бугунги Уюшма бўлса керак...

— Э-э, ёзувчиларингиз ҳам бир-бирини жуда қаматишган экан, — деди Таваккал.

— Ҳа, — дедим. — Афсуски, шундай бўлган... Давр, сиёсат тақозо қилса, ҳар қандай жамиятда ҳам шундай бўлар экан, Таваккал ака.

— Ҳозир қалай, ҳозир?

— Ҳозир — яхши... Лекин яхши асарлар яратилмаяпти, ҳисоб. Янги турмуш тарзига тушиш мушкул. Унинг моҳиятини билиб, адабиётнинг мақсади билан уйғунлаштириш қийин кечаяпти... Келинлар, бошқа мавзуда гаплашайлик. Бу — инжиқ мавзу... Ёмғир тинди дейман?

— Ҳа, — дедим. — Узи-ку ёққани тузук, — деди шофёр. — Бу йил қиш бўлмади ҳисоб.

Сунгра суҳбатимиз об-ҳаво мавзуйига ўтиб, сайр-саёҳатларга бориб тақалганда, биз ҳам ижод боғига етиб бордик. Дарвоза очиқ, аммо машина чироқларини йироқдан кўрган қоровул чиқиб турган экан, мени таниб, четланди.

Ўтиб кетдик.

Иморат олдидаги майдончада «дэу» тамғали автобус турарди. Ундан кимлардир тушаётган экан, «спортчилар» деб

уйлагандим, ўхшашмади. Лекин уларнинг раҳбарлари дача маъмурияти билан келишгани, демак, тунаш учун тушишаётгани аниқ эдики, мен:

— Таваккал ака, сизларга номер олиш қийинга ўхшаб қолди, — дедим.

— О, биз қолмаймиз... Мен кетаман, — деди Гулсара. Таваккал ҳам шошилинч:

— Ундай бўлса, албатта кетамиз, — деди-да, ҳайдовчининг елкасига қулини қўйди. — Укабой, кутасиз энди... Биз биров ўтириб чиқамиз.

— Ока, унақа воқтим йўқ, — деди шофёр. — Ночорликдан чиқовуз-де, бир-икки соат ишлаб қолайлик, деб. Такси заказ қилишларинг мумкин.

— Эҳ-ҳе... Мана, сенга икки юз сўм — закалад. Бир соатдан кейин қайтиб келасан. Агар биз сени алдасак, мана шу ёзувчи акангни ушлайсан.

— Ҳа, — дедим.

Шофёр гудраниб қолди:

— Ман энди қатга бордим... Бўпти. Қайси номердасиз, домла? Ман ровно бир соатдан кейин шўтта бўламан.

— 37-номер, — дедим. — Учинчи қават, ўнгда. Бемалол кираверинг.

Меҳмонлар қайсидир вилоятдан келган ҳаваскор ансамбли экан, уларнинг ғала-ғовури, чилдирмаю рубобнинг биров ноҳос тегиб кетгандек сас-садолари орасидан, ўшаларнинг шериклари каби ўтиб, юқори қаватга кўтарилдик.

Мен: «Хонам қай аҳволда экан? Йиғиштирилганмикан?» деб безовта бўлган ҳолда йўл бошладим.

Умуман-ку, менинг хонам — тузук номерлардан бири. Айвончасию деразалари нари томонга — олмазор боққа қараган. Ҳозир баҳор эмасми, тонгда булбуллар сайрайди боғда. Тўғри, қишда бу томоннинг хоналари анча салқин бўлади, шунинг учун кўпроқ муддатга тургувчилар кунгай тарафдаги хоналарга ўтиб олишади. Мен ҳамиша ўша ёқда турардим. Чунки узоқ йили ўша боғ устида чарх уриб айланган бир жуфт қалдирғоч очиқ деразамдан кириб, уй бурчагига ин қўйган, бола очган эди. Шунинг учун баҳор бошландими — деразани очиброқ қўйиб ётардим, кун совуқ бўлса ҳам қалдирғочлар келади. Ҳали келишмаган, бироқ деразам очиқ эди...

Эшикни очдим-у, уялаётганимни билдириб:

— Бир минут сабр қиласизлар, — деб ичкарига кирдим. Чироқларни ёқиб қарадим. Хайрият, ўтирса бўлади. Шамолда дераза бекилиб қолган экан, очиб қўйдим. Сўнгра, туфлимни ечсам — улар ҳам ечишга мажбур бўлишини, ортиқча шиппақларим эса йўқлигини уйлаб: — Марҳамат! — дедим. — Бемалол!

— Мачит эмасдир. Оёқни ечмасак ҳам бўлар? — деб ишшайганча остона ҳатлади Таваккал.

— Мен ҳам шуни айтмоқчидим, — дедим. — Келинг, Гулсарахон. Плашингизни беринг...



— Э, қишлоқилик қурсин, — деб бурилди Таваккал. — Қани, ўзим ечинтириб қўяй. — У чарм плашни олиб, менга берди. Кейин ўзининг шундай куртқасини ечиб узатди. Мен ўзимнинг одми плашимни ҳам девордан даромад қилиб ясалган шифонерга илдим. — О-о! — деб яна ўзи ичкарига йўл тортди Таваккал. — Яхши-ии... А, Гулсара? Бир кишига бўлади-да!

Гулсара стол лампаси устидаги жавонга — китобларга, девордаги расмга (ромга солинган расмда нилуфарлар қоплаган кўл бўйидаги кўлбола ёғоч ўриндиқда танҳо ўтирган оқ либосли париваш тасвирланган эди) жилмайиб боқиб, диван ва юмшоқ курсиларга ҳам қизиқиш билан кўз ташлаб:

— Яхши, уютна, — деди. — Манимча, ёзувчилар ҳаётдан нолимасаям бўлади, Қувват ака.

— Мен ҳалиям нолимайман, — дедим. — Ҳаёт қандай бўлса, шу ҳолида қабул қилишга ўрганганмиз... Қолаверса, шундай ислохотлар дариди бундай яшаётганимга шукрона айтаман... Қани, хоҳлаган жойларингга ўтиринглар.

— Мундай қиламиз, — Таваккал бурчакдаги столчани кўтариб, диван олдига кўйди, — Қувватжон, хизмат бўлмаса анавини олинг. Тақсимча бордир?

Мен ювингич хона оғзида қолдирилган салафан халтани (оғиргина экан) олиб, Таваккалга бердим. Кейин «Морозка» музхонаси остидаги тумбадан сопол тақсимчаларни чиқардим. Сунгра «кока-кола» ёзувли пластмасс стаканлар билан пиёлаларни йиғиб, ваннахонага кирдим.

Мен барибир хижолатда эдим: уйингга меҳмон келганда (қанча вақт турмайин, бу — менинг уйим-да), дастурхонга қўйгич емишлар ўзингдан чиқсин-да...

«Ҳа-е, тушуниб туришипти-ку», дея идишларни ювиб, кўл артилмаган сочиқни ҳам олиб чиқдим. Худди айбдор хизматкордек чучмал табассум билан:

— Хуш кепсизлар, — дедим. Ва столдаги хушбўй товаки (табаки)лар, бир жуфт хурмо, бир уюм апельсин, бир жуфт ёпган нон, банка-банка пиволару бири очилган (ресторан столида очилган) ва бири очилмаган яҳудий ароғи ҳамда арман коньягини кўриб, умрида бундай неъматларни кўрмаган кишидек ясама шодиёналик билан: — О-о, — деб юбордим. — Ресторанни қуритибсиз-ку, Таваккал ака!

— Ҳа, энди, бойвачча-да, бу киши, — деди Гулсара ҳам уни мақтаган бўлиб.

— Э, шуям нарса бўлди-ю! — Бойвачча бамайлихотир қўлини узатди. — Тақсимчани беринг.

## 9

Биттадан ичишгач, суҳбатимиз раvon оқайтган ирмоқ мақомида давом этди.

Бутун бир товакини (товуқнинг тушини) бир зумда этдан тозалаб, чиқитни яланг столча четига уюб қўйган Таваккал

ёгли қўлларини сочиққа артиб олиб, бир оёғини тагига қатлаб утирганча, «Малборо» сигаретини тутатар ва ҳар томонга лоқайд кўз ташлаб, гапга қўшилиб турар, Гулсара бармогида чимдиб олган этни ўйчанлик билан чайнар, мен гапни гапга улаш билан ҳалак эдим.

— ... Ҳа, Переделькинадаям бўлганман бир марта. Ёзувчиларнинг конференциясига борганда. Баъзи ёзувчилар бир умр яшашар экан.

— Энди йўллар бекилди, — деб қўйди Гулсара. Ва Таваккал бирдан буклаб утирган оёғини тушириб:

— Грузияга бормаймизми? — деб қолди Гулсарага қараб. — Мен Қримда бўлганман, Грузияда — йўқ... Эй, бо-райлик, Гул! Дунё ўтди-ку? — Кейин менга қараб бидиллаб айтди: — Кеннойингиз соп-соғ юрган эди. Бир кечада улиб чиқди... Ундан сал олдин битта акам кетган эди. Жуда омонат эканмиз-да, Қувватжон! Эй, сиз ҳаётнинг мана шу томонларини ҳам ёзинг!

— Албатта, — дедим. Қандайдир ёзилмаган ахлоқ қоидасига кўра, Таваккал бу бегона хонимнинг, аниқроғи, ўзига эргашиб юрган «қизи»нинг олдида оиласи ҳақида бемалол гапиравермасаям бўларди. Бироқ кончи йигитимиз бу ҳақда жилла мулоҳаза қилмас, аниқроғи, ҳалигидай «андиша»га бормас эди.

Рост, у тўғри — бор гапни яширмасдан айтаяпти. Аммо... Ана шу «аммо»га етганимда, шундай хулосага келгандек бўлдим: бу аёл билан ўзининг орасига чегара қўймоқчи, яъни «сен — кўнгил хушисан, менинг ўз ҳаётим бор», демоқчи.

Сезиб турардимки (ресторандаям ҳис этгандим), жувон ўзини ноқулай аҳволда сезаяпти, менинг олдимда хижолат чекаяпти. Бу ҳол унинг қайрилма қошларининг кўтарилиб тушишидан билинар, таомни чайнаб турган жағлари ҳаракатдан тўхтаб қолар эди... У сочиқни дадил олиб, бармоқларини артди-да, ёнидаги сумкасини тиззасига қўйиб, ундан «Башан» ёзувли юпқа пачкани чиқарди, соф япроқни ўраб ясалган сарғиш сигарет чиқариб, лабига қистирганда (Таваккал анграйиб қараб турарди), мен шошиб чақмоғимни ёндириб тутдим. У тутатиб:

— Раҳмат, — деб қўйди билинар-билиномас жилмайиб.

— Ҳа-а, бу қанақа сигарет экан? — Таваккал картон қутини дангал олиб, йўғон бармоқлари билан йиртгудек қилиб очди. Биттасини чиқариб ҳидлади. — Сигара... Сигарамми шу? — у менгаям қараб олди. — Зўридан чекар экансиз.

— Битта кўшним совға қилган эди, — деб қўйди Гулсара. Кейин бирдан қаддини ростлаб: — Грузияга борамиз, дедингизми? Это серёзни? — деди.

Таваккал ҳушёр тортиб:

— Э, мени... мени... — дея бўғилиб, бирдан хитоб қилди: — Ҳозир десангиз, ҳозир кетамиз!

Гулсаранинг хиёл сузик, аммо сурманинг кучи билан катта кўринувчи кўзларидан бир нур чиққандай бўлди.

— Ҳозир?

— Ҳа, ҳа. Жунаймизми?

— Бўпти.

— Гап тамом! — йигит менга деди: — Қувватжон, биз кетамиз! Гап битта... Ўзи, ўйлаб юрардим. Мана, хоним ҳам истаб қолдилар. Бир айланиб келайлик бу ўтар дунёда... Ҳе-ҳе, — деб илҳомланиб кетди.

Гулсара сигарасини сумкага солди. Таваккал чекиб турганини кулдонга босиб эзди.

Мен Таваккалнинг дангаллигини, айтган гапидан қайтмаслигини билардим. Аммо жувоннинг ҳам бунақа феъли борлиги... қизиқ ва завқли эди. Шу билан бирга кишида нохуш таассурот қолдирадиган фикр ҳам уйғотарди: «Боёқиш гамгин кўринади. Бунинг устига, сахти-сумбатига қараганда, анчагина ўзига тўқ, «кўрган» оиланинг фарзандига ўхшайди. Ҳалигидай безориларга сумкасини олдириб юрган бўлса, тагин: «халоскор»ни уйига олиб кирган бўлса, демак, ёлғиз... Бойвачча «тантубой»нинг шарофати билан бир ўйнаб қолгиси келди, шекилли...» Айни чоғда бошқа мулоҳазаям тугдирарди шижоати: «Таваккални синамоқчи. Ундан қандайдир алам ўтган-у, шу аламдан фориг бўлмоқчигаям ўхшайди...»

Ҳарқалай, бир манзара кўз олдимга келиб, мамнун бўлдим: Гуржистоннинг қандайдир хиёбонида, иккови кетишмоқда, иккиси ҳам башан кийинган ва бир-бирига ярашган... Таваккал уни ҳар қандай шароитда ҳам ҳимоя қила олади. Ва ўша гуржилар маконида ҳам сира паст тушмайди.

Уларни кўрган-кузатганлар: «Кимлар экан булар?» деб бир-биридан сўрашар ва биттаси айтар: «Ўзбекларга ўхшайди, тили туркчага яқин...»

## 10

Улар дабдурустан ўринларидан туришганда, тагин хижолат ҳисси эзди мени: «Ҳозир буларни самолёт ҳам кутиб турмас... Демак, Гулсаранинг уйига боришади, албатта. Албатта, бу кийимини алмаштириши, яна ул-бул олиши керак. Таваккал ҳам меҳмонхонага (номериға) кириб чиқади...»

Хуллас, тагин бирон ейимлик-ичимлик олишларини тахминлагач, эртага лоҳас бўлишимни билсам-да:

— Ҳой, мусулмонлар, яна икки минут сабр қилинглар, — дедим шошилиб. — Ахир, йул кетадиган одамлар ҳам курсоқ ўлгурнинг нафсини қондиради олдин.

— Ў-ў, яна биттадан! — деб шанғиллади Таваккал. — Кетар жафосига! Бизга оқ йул тиланг, Қувватжон ука! Бу сафардан ҳар биримизнинг орзу-армонимиз рўёбга чиқсин! — шундай деб, нимагадир қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди.

Гулсара ҳам бирдан яйраб кулворди-ю:

— Илоҳим, илоҳим, — деди.

Шунда англадимки, буларнинг ўзаро сирлари бор. Қандайдир истаклари борки, рўёбга чиқмабди экан... Ана шунда, онт ичаман, ички бир андиша билан эслаб қолдим: Гулсара Таваккални кеча уйида ётқизмаган...

Демак, бу борада уларнинг ўртасида қандайдир ҳазил-ҳузулга яқин, бироқ хийлагина очиқ гап-сўзлар ҳам бўлган... Бўлгани аниқ, шунинг учунки, Таваккал ресторанда хонимнинг кеча ётишга рухсат этмаганини айтгач, уялмай-нетмай: «Тегмайман десам ҳам, кўнмадилар», деди.

— Ой бориб, омон келинлар, — дедим Таваккал қўйиб узатган пиёлани олиб. Шунда миямдан бир малолсиз хаёл кечди: «Таваккал — бўйдоқ ҳисоб, буям — ёлғиз экан, бир-бирига мос тушарди-да, тил топишса...» Кейин, бу фикрни очиқ айтилмастайим боис: — Бир-бирларинг билан янаям яқин бўлиб келишларинг учун, — деб гапни тугатдим.

Улар, назаримда, бирон сония ўйга толиб қолишди. Кейин, яна кула-кула пиёлаларини узатиб чуқиштиришди. Ичиб булгач, товакидан ейишга қистадим.

Ҳар иккиси ҳам рад этди.

Улар сиртқи энгилларини кийиб, мен чопонимни елкамга ташлаб йўлакка чиққанимизда, иккиланиб сўрадим:

— Пўтёвка топилиши... Ахир, ҳозир биров тайёрлаб тургани йўқ, Таваккал ака.

— Э, укажоним-е, — деб кифтимдан қўчди Таваккал. — Ўғрига мол қаҳатми? Ҳа-ҳа-ҳа!

— У ерда ижарага бериладиган квартиралар жа кўпмиш,— деди Гулсара. — Ҳатто аэропортга чиқиб кутиб олишаркан. Шунинг устидан кўнини ўтказадиганлариям кўп...

— Ҳа-а. Мен у томонларга бориб кўрмаганман. Лекин улардаям Ижод уйлари бор.

Майдончага тушганимизда, «жигули»нинг бир соатдан кейин келишини эслаб, туриб қолдик. Таваккал менга зимдан қараб қўйиб, чўнтагини кавлар экан, мен соатга қараб олиб, унинг етиб келишига ўн тўрт минут қолганини айтдим. Таваккал барибир «шошманг» дегандай қилиб, пул чиқарганда, мен тисланиб кетдим ва улар катта йўлга чиққунларича ўн беш минут ўтишини, демак, мошинага йўлиқишларини айтдим-да:

— Кетдик, ўзим кузатиб қўяман, — дедим. — Йўлни кўриб олганларинг қолади. Ахир, яна келарсизлар?

— Албатта, — деди Гулсара. — Бу ерни кундуз кўни кўриш керак экан. Таваккал ўйланиб қолди-да:

— Бўпти, — деди.

Шунда чироқларини ловуллатиб, сассиз келаётган энгил мошина сигнал берди-ку!

Ўша «жигули» экан.

Улар ўтириб кетишди. Мен «оқ йўл» тилаб қолдим. Ёмғир аллақачон тиниб, энди шу сокинликка мос шабада эсар, ўйғонаётган дов-дарахларнинг намхуш (елимни эслатувчи) ҳиди келар, бечора ой эса булутларни олдидан ўтказар,

назаримда, улардан олдинга чиқишнинг иложини тополмай хўмрар, баъзан қалин пағалар соясига яширинар эди.

11

Ёзнинг жазирама иссиғи қайтиб, шу даража баробарида салқин тунлардан бири эди. Мен балкон-айвончада ичкарига киритишнинг ҳам, пастга ташлаворишнинг ҳам «иложи» бўлмаганидан қолаверган, суянчиғи баланд, энлигина креслода чекиб утирардим. Хонам шифтининг девор билан ушлашган жойидаги миллион қатнаш эвазига қурилган инида она қалдирғоч яқинда очиб чиққан болаларини босиб ётар, ота қалдирғоч эса дарпарда илиғлиқ мослама устида қунишиб турар, иккиси ҳам «чий-чий, чириқ-чирқ» этиб сўзлашиб қуйишар, гоҳо ота қалдирғоч хонани бир айланиб, ускунанинг бошқа жойига қунарни. Улар шундоқ иноқ, аҳил, бир-бирига меҳрибон эдилар.

Мен эсам уларнинг сасини эшитиб, ўзларини кузатиб завқланар ҳамда тотли бир хўрсиниш билан Будданинг машҳур сўзини бот-бот эслар эдим: «Инсон ҳар қанча бахтсиз бўлсаям, ёруғ оламини кўриб турганидан хурсанд бўлиши керак. Чунки уни кўрмаслиғиям мумкин эди». Кейин эса ўзимизнинг Муҳаммад пайғамбар ҳадисларидан бирида инсоннинг бошига тушгучи барча оғирликлар, қалбини ларзага солувчи изтироблар Аллоҳ таоло тарафидан бандасини синаш учун берилажаги, илло бандаси шуларга-да шукрона қилса, фаровон кунларнинг қалбини хушнуд этгучи қувончларнинг қадрига кўпроқ етиши ҳақида хабар берганларини эсладим.

Қолаверса, бу икки ҳикмат — менга тасалли, қувват бергучи «ҳамроҳларим» эди.

Эшигим тақиллагандай бўлди. Мен пастга қарамоқчи эдим, ҳақиқатан ҳам эшигимни биров ишонч ва шаҳд билан тақиллатди. Мен йўлакда турган кишининг бегона эканига заррача шубҳа қилмасдан бориб очдим.

Ишонинг-ишонманг... Гулсара жилмайиб турарди. «Соат ўндан ошдиёв» деган гап хаёлимдан кечган кўйи, ташқарига бош чиқариб қарашни ҳам ўйладим-у:

— Кириг, кириглар, — дедим бирдан чекиниб.

— Представти себе, ман битта ўзимман! — деди меҳмон янада чақнаброқ жилмайиб. — Ҳайронмисиз?... Ҳайрон бўлманг, дустмиз-ку? Дуст дустнинг уйига сўроқсиз келар эмиш... — Унинг эғнида илон пўстидек ялтира турган матодан тикилган узун кўйлак, ғоз бўйнида бир тизим дур, кўлидаги салафан халта оғирлик қилаётгандек ўша томонга майишиброқ турарди.

— Ў, албатта, албатта. Марҳамат, — дедим. Ва хаёлимдан тагин ўша ўй ўтди: «Хонам саранжоммиди?» Беихтиёр халтасига кўлимни узатиб, яна чекиндим.

Гулсара йўлакнинг бош томонига қараб олиб:

— Ҳайрон бўлишвотти, ким бўлди бу сатанг, деб... Ну и к чёрту, — деди.

— Ҳайрон бўлса арзийди, хоним, — деб эшикни ёпдим. Гулсара тим қора туфлисини дўқиллатиб, хонамга кирди.

— О, салом сизга китоблар... Э, қалдирғочми у? Уша! Вей, муни қаранг-а! Яхши одамларнинг уйига ин қўяди, дейишарди... Камплимент эмас, сиз яхши одамсиз, Қувват ака... Йўқ деманг. Баъзан камтарлик манманликдан далолат беради. Топиб айтдимми? Марҳамат, ўтирайлик. Ман қайтиб кетаман. — Кейин диванга ўтириб (столча диваннинг олдида эди) иримига яраша фотиҳа уқилгунча Гулсара анчамунча гапларни айтиб ташлади: — Синглимми уйида ден рожденияда эдик. Унинг эри шишкалардан. Судья... Да, ну их... Кечирасиз, Қувват ака, танасида маданият, аристократлик бўлмаган одам барибир ҳол қўяди. Ҳеч кўрмаса, ўзини тутишни билмийди. Амалини унутмайди... Ўзидан лавозими баландроқ киши келса, унга пой-патак бўлиб кетади. Бу ёқдагиларни унутади.

— Ҳа, ундайлар бор, — дедим. — Менимча, улар раҳбар бўлиб кўришмаган одамлар.

— Во-во-во! Тоққа тирмашгандек тирмашиб, тирноқлари қонаб кетиб, мансабга эришган-де.

— Чой ичарсиз?

— Йўқ. Шу оқшом, ишонасизми, маст бўлгим келди... «Мастлик қанақа бўларкин?» деб ўйласам, жуда ёқимли бўларкан. Бемалол гапирвораркансан...

— Мен ичимлик сақламайман, — дедим. — Баъзан ҳамма нарсани унутгинг келади, шунда ичиб қўйганингни билмай қоласан.

— Худди шундай, азизим! Бугун ман ҳам дунёни унутгим келди... Халтани очинг, ҳамма нарса бор... Синглимга айтдим: «Энг яхши закуска, ичимлик сол», дедим. У мани яхши кўради... Хайрлашаётганда, кўзига ёш олди.

— Ҳим, нимага?

— Э, манга ачинади-да... Қўёвуринг, бировнинг ачинишига зор эмасман. Қандоқ бўлсам, шундоқ ўтаман. Гуноҳ-савобим — ўз бўйнимда.

— О, яна яҳудий ароғи...

У (бемалол) қаҳ-қаҳ отиб кулди.

— Вой, жугутлар-е, жуда устамон-да. Ароқниям хуштаъм қилишган. Қойил.

— Ҳим, адашмай топиб келдингизми? — Аслида: «Такси билан келдингизми?» демоқчи эдим.

— О, битта кўрган жойим памятимда қолади. Таксис инжиқлик қилувди, бор пулимми... Учдан бирини бердим, — деди-да, яна кулиб юборди. — Ничево, уйда бор... Қани, қуйинг, Қувват ака. Сизни «Азизим» десам, майлими?

— Э-э, бемалол... Лекин мени исмиمنى тутиб чақиринг, кўпроқ ёқади.

— Ҳа-а, сиз ҳам...

— Марҳамат.

— Сиздай... Таваккал аканинг сиздай дўсти-укаси борлиги учун оламан.

— У, мен эсам, аканинг сиздай суюклиси борлиги учун оламан шуни. — дедим.

## 12

Гулсара қўлидаги пиёлага тикилиб қолган эди. Ирғиб ўрнидан турди-да, айвон эшигидан ярим танасини чиқариб, ароқни пастга сепиб юборди. Сўнг синиқ жилмайганча (у шу онда асли қиёфасига қайтгандек эди) жойига утириб, пиёла-ни тутди.

— Қўйинг. Манинг тостим учун ичамиз. — Кейин, ўйчанлик билан давом этди: — Ижодингиз асло... асло бўшашмасин, Қувват ака. Қандайдир қийинчиликларийиз бўлса, илойи, вақтинчалик бўлиб чиқсин. Ҳим, ўтган гал одамнинг феъли ўзгармасин, дебмикан — бир нима девдингиз. Шундоқ: сизнинг шу феълингиз сира-сира ўзгармасин... Кен-найим борлар-а?

— Албатта, — дедим. — Иккита фарзандим ҳам бор... Худога шукр, мени тушунишади, ўз ҳолимга қўйиб қўйишган... Мен уларни ҳарқанча бошимга кўтарсам, арзийди.

— Ушаларнинг бошидаям омон бўлинг... аввало, сиз — ёзувчисиз. Ҳим, манимча, анча объектив писателсиз... Бундай одам кимлигига ақлим етади...

— Бу совуб қолди.

У қаҳ-қаҳ отиб кулди (яна сархуш кайфиятига қайтди). Беш-олти паррак қази билан бир тахсимча норин олиб келган экан, улардан газак қилдик.

Табиий, Гулсара шунчаки гаплашиб ўтириш учун келмаган, қандайдир (Таваккал билан боғлиқ(?) дардини очиб, ҳасрат қилмоқчи, балки маслаҳат сўрамоқчи эди.

Мен гап тизгинини ўша томонга тортишга баҳона излар эканман, у худди ўша кунги (!) сигара қутисини чиқариб, бирини лабига қистирди. Мен чақмоғимни чақиб унга тутдим. Кейин ўзим ҳам «Родопи»дан тутатиб олдим.

Гулсара узун ва кенг этак остидаги оёқларини чалиштириб, бир-икки дуд олди-да, тавба қилдим, шунақаям йўталиб қолдики, кўкариб кетаёзди.

— Кечиринг-кечиринг, — деди ҳансираб. — Манинг...: манинг қандайдир касалим бўлса керак. — Сўнг шу ҳолида жилмайди. — Лекин юқумлимас. Ўзим фельдшерман, ахир... — Кейин сигара пачкасини бирдан гижимлади. — Жуванмарг бўл... Олти ойдан буён тугамийди бу савил.

— Кучли булса керак, — дедим мен. — Шунинг учун мен чексам йўталтирворади.

— Йўқ, менинг ўпкамдами, юрагимдами бир иллат бор, Қувват ака. Ўзим биламан... Слабий бўлиб қолганми, чёрт знает. Ўша куни ресторандаям кўрдийиз-ку... — Шунда мен

унга тикилдим. У менга тикилди: энди мақсадга ўтмаса бўлмас эди. — Айтмоқчи, — дея бирдан яна жилмайди, — оқайиз келиб туриптиларми? Ё ўша-ўша бадар кетдиларми?

— Келгани йўқ, — дедим. — Лекин бир-икки марта кўнгироқ қилиптилар Қаршидан. Менинг йўғимда. Боримдаям телефон қилган бўлиши мумкин. Тушолмагандир... Бунинг устига, ёзда маҳмонлар кўпаяди дачада. Ҳозир ҳам бор.

— Телефон зайнит?

— Худди шундай... Сизга кўнгироқ қилиб тургандир? Балки учрашгандирсизлар яна?

— Йўқ. Йўқ, — деб беозоргина кулди. Кулгисида йигининг саслари бор эди.

— Нега энди? — дедим. — Балки ўзингиз...

— О, ман ҳеч қачон телефон қилмайман! — У бу гапни теран бир ишонч билан айтдики, «ғурурдан ҳам худо берган экан», деб уйлаш мумкин эди.

— Тушунарли, — деб қўя қолдим.

Шунда у қандайдир киноя аралаш нописандлик билан сўради:

— Нега бизнинг Тиблиси сафаримиз ҳақида сўрамайсиз? Наҳотки қизиқ бўлмаса? Узийиз кузатган, оқ йўл тилаган эдингиз, жаноб ёзувчи?

— Мен истиҳола қилиб турибман, — дедим. — Ортиқча любопытства яхшимас дейишади.

— Раҳмат. Айтиб бераман, — деди у. Ва менинг сигаретимдан бирини олди.

Кейин ҳикоя қила бошлади.

### 13

— Ўша кеча Тиблисга учиб кетдик... Бўтдан чиққанимиздан кейин мани уйда қолдириб, ўзлари аэропортга кетдилар... Тавба, «сиз»лаб гапиргим кемавотти. Ҳа, майли, ман учун шунча сарф-харажат қилдилар. У ёқдаям, э-ҳе...

— У киши аэропортга кетди, — дедим жилмайиб (буларнинг қисматига қизиқиб қолганимни шунда сездим).

Гулсара кулиб юборди.

— Ҳа. Ман уйда кийиниб турадиган бўлдим. Соат иккига яқин иккита билет билан кириб келдилар. Ну не могу... Мунақа йигитлар кам топилади, Қувватжон ака!

— Кечирасиз, у Тошкентга нима учун келган экан? Ҳа, геология вазирлигига девди-я.

— Ман сўрамовдим. Ман, просто, ҳайрон эдим у йигитнинг павидениясидан... Шундай қилиб, тонг оқарганда Тошкандан учиб кетдик. Да. Хўп, Тиблисга бориб тушдик. Айтганимдек, уйини ижарага берадиганлар чиқиб туришган экан... Жаноблари гаплашди. Таксига ўтириб жўнадик...

— Қаерга?

— Гаграга. Автобус ҳам, ҳатто троллейбус ҳам қатнар



экан. Биз таксида кетдик, как палагається... Үрисча сўзларни кўп ишлатвомман, кечирасиз.

— Бемалол.

— Ой, жуда ажойиб жойлар экан. Тоғ, денгиз, тинчликки кўёвурасиз... Биз уйига тушган одамлар — абхас мусулмонлари экан. Битта кампир билан ўгли тураркан. Унақа кампир оламда йўқ. Шунақаям меҳрибон, мани шунақаям яхши кўриб қолди. Эри балиқчиякан, штормда ҳалок бўлган экан.

— Узр, битта уйда турдингларми?

— Ҳа-ҳа-ҳа! Йўқ... Жаноби Таваккалбек шуни истадилар, албатта. Қоловурса, сизга бўладиган гапни айтсам, уша мақсадда мани оборман эканлар.

— Ҳим, тушунарли.

— Тасаввур этингки, ман ёнимга кўймадим... Ишонмасангиз, тепама худо бор. Ман худодан кўрқаман, иримчи аёлман. Баъзан уйлаганим ўрнидан чиқади. Ҳатто Тошкандан жунаётгандаёқ: «Бу бойваччанинг мақсади шу-ёв» деган эдим. Худди шундай бўлиб чиқди... У манга, биласизми, минг доллар турадиган бриллиант кўзли узук совға қилди... У-ҳҳ. Битта местний хотин опкелувди, нархини сўрамай-нетмай олди. Шунақаям чиройли, томоша қилиб ўтирсам дейсиз... Кечирасиз, биз аёллар латтага, ялтироқ нарсаларга ўч бўламиз-де! Айниқса, ман... Ҳа-ҳа. Баъзан битта кийган кўйлагимни бошқа киймасдим.

— Қачон?

— О, тарихга қайтишга тўғри келади.

— Узр.

— Унияма айтиб бераман. Балки бир нарса ёзарсиз?... Чем чёрт не шутит! Ҳа-ҳа-ҳа... Ҳазил. Бу гапларни, азизим Қувват ака, сизга айтивомман, холос. Ҳатто синглимга айтган йўқман. Ичимни кемириворди...

— Қулогим сизда.

— Шундай қилиб, узукни олмадим... Вей, виждонан айтивомман! Агар уша узукни «совға» деб берганида, эҳтимол... Унга муносабатим ўзгариб кетармиди... Йўқ, у кишим: «Шу кеча бирга ётамиз, холос, — дедилар. — Узукнинг ҳақиға...» Ахир, бу — мани ҳақорат қилиш эмасми? Узийиз айтинг... Ман нима уйда эдим-у, у киши... Йиглаворимга оз қолди. Уйдан чиқиб кетдим. Узимга ажратилган хонагайммас, кампирнинг хужрасига кириб ётдим. Бечора кўп ачинди манга... «Эҳ, қизим-е, соддасан», деди. «Бир кун пушаймон қилсан», деди. Ҳақиқатан ҳам кейин, шу кунларда пушаймон қилдим. Ишонаверинг, азизим. Шунақа бўлди...

— Кейин?

— «Йўқ, ойижон, ман унақа қилолмийман», дедим. Кейин йигладим. Жа хўрлигим келди... Кейин кампирга Таваккал окангиз билан қанақа вазиятда танишганимни айтиб бердим... Кампир уни ёқлади. Ваабше, мақтаса арзийди-да у инсон! Фақат, нима десам экан, тарбия кўрмаган-а? Сиз ни-

ма дейсиз? Қани, фикрингиззи айтинг-чи? Яширманг, илтимос.

— Энди, қишлоқ жойнинг таъсири бўлади, албатта, — дедим. — Бунинг устига, у — гапани икки қилдирмаган йигит. Ишонинг, Қашқадарёда уни танимайдиган киши кам бўлса керак.

— Ҳм, шуниям айтди... Эртаси маст бўлиб келиб, юзимга солди. «Мени хор қилдинг, ярамас!» деди.

— Шундай деди?

— О, бундан котталариниям айтди... Сўнг, учинчи куни сафаримиз қариди. Қайтдик жаноблари билан...

— Кейин?

— Совуққина хайрлашдик... Маладес у, уйимгача олиб келди таксида. Ман шундоқ чиққан эдим. Да, эсимда: бир-биримизга қараб кулишдик. Унинг кулгуси... Лекин жа эзилди бечора, гурури поймол бўлди. Урганмаган-де, тоес, мунақасини курмаган-да... Хурозга ўхшаб югурганда, макиёнлар пас-с этиб... Кечирасиз, айниб кетдим. Вабше, биласизми, кунларнинг бирида мана шунақа айнишниям истаб қолар экансан. Ахир, тилимизда сўкишлар бор, ҳақоратлар... Нега уларни бировлар ишлатади-ю, биз ишлатмай ўтамиз? Ҳа-ҳа-ҳа... Ҳазил, азизим.

— Биламан.

— Одам... ҳар қандай шароитдаям одам бўлиб қолиши керак. Акс ҳолда ҳайвондан нима фарқи қолади? Мана, сиз ёзувчилар ёзасизлар. Ҳар балони: секс борми, уруш-жанжал борми — барини қоғозга тушурасизлар. Лекин бир мақсадни кўзлайсизлар-ку? Яхшилиқними? Эзгуликними?

— Албатта, — дедим. — Чунки, Гулсарахон, бу жиҳатлар одамзотнинг табиатида бор. Лекин муайян шароит таъсирида...

— Понятно! — Кейин кулимсираб, шунчаки деди: — Медицинада шахснинг характери эмбриондаёқ маълум бўлади, деган гап бор, жаноби писател.

— Бор, бор. Албатта, — дедим. — Инсоннинг табиатида «бор» деганимдаям шуни кўзда тутган бўлсам керак. Тўғри, у ёки бу томонга, ўрисчасига айтсак, откланения бўлади, албатта.

— Отайизга раҳмат.

— Яна қуяй, а?

— А-аа, майли!

— Гулсарахон, сиз анчагина ўзига тўқ, ҳам, маданий оиладан чиққансиз-а?

— О, сўраманг, — деб тагин кулди у. — Ещё как... Лекин, лекин уларнинг конституцияси бошқа.

— Нимаси?

— «Ахлоқ кодекси», — деб қаҳ-қаҳа отди-ю, дарҳол жиддий тортди. — Йўқ, мен уларнинг... — Кейин менга ялиниш билан боқди. — Келинг, ўша ёққа ўтмийлик. Ҳозирги дардим ҳам етади. Ҳозир ҳам ман нимадандир умидворман... Тушу-

насизми, масалан, ўх, Таваккал акангиз сал бошқача... Вой, ман тушунаман: у эркак одам! Унинг талаби, эҳтиёжлари бошқача... Это естественно. Ҳим, ман ҳам унинг ногорасига тушдимми, демак, у истаган рақсни ўйнашим керак... Тушуняпсизми?

— Ҳа, албатта.

— Лекин, ман... Ман ўзи жинниман: бу ҳаётга тўғри кел- мийман. Қиз болалигимда синглим, синглим-а... манга: «Сан романтиксан, дадамми айтганини қил», дер эди. Синглим... Қилиб ҳам кўрдим, дадамнинг айтганларини. Натижа чиқмади. Қайтамга... Келинг, шуни ичайлук. Ман учун ҳозирги дамлар, мана шу ўтиришимиз ҳам ганиматга ўхшийди.

— Қайси маънода айтаяпсиз, билмайман-у, аммо ҳар бир дақиқанинг қадрига етиш керак, дейдилар.

— Да, ну! Баъзан тезроқ бу умр ута қолсайди, дейсан. Умр — елкангдаги юк, машаққатлардан иборат булиб кўри- нади... Ўх, хватит фалсафа.

— Тўғри айтасиз. Бироқ, менга ишониб шунча гапларни айтганингиз учун раҳмат.

— Да, — деди у мубҳам бир оҳангда, бошини эгиб. — Ўйлаб қолдим-де, зиёфатдан чиқиб: «Қатга борсам экан? Ким манинг дардимни тушунади?»

— Раҳмат.

— Балки сизнинг холислигингиз учун, йўқ... анави бойвачча валламатга яқинлигингиз учун, ҳа-ҳа, бизнинг у билан муносабатларимизни фақат сиз билардингиз. Беих- тиёр гувоҳ бўлиб қолган эдингиз. Сўнгра одамларнинг гап- ларини яхши тинглийсиз. Ва ҳоказолар! Қани?... — У яна кулиб юборди. — Сиздан уялмийман, Қувват ака. Анчадан буён биладиганга ўхшийман. Қолуверса, сиз одамларнинг устидан кулмайсиз.

— Ў, асло, — дедим. — Ҳаққим йўқ. Кулиш лозим бўлса, менинг устимдан ҳам жуда кулиш мумкин.

— Кўп яшанг.

— Сизлар билан, эл қатори.

## 14

Шундан кейин сезиб қолдимки, суҳбатимиз адо бўлган- дек: илло Гулсара ҳасратини қилиб бўлган, мен эшитган, у кунглини бўшатган, ху-ўш, Таваккалга нисбатан муносабати- ни аниқ айтмаган ҳали, балки айтиб булган ҳам эди.

Шундоқ гуруннга янги руҳ берган нарса — менинг азиз меҳмонларим — қалдирғочларим бўлди. Деразапарда осил- гич ускуна устидаги хўрози «чирқ-чирқ» этди-да, хонани бир айланиб, деразанинг юқори кўзига ўрнатилган совут- гич устига қўнди. Шунда макиён қалдирғоч ҳам аста-аста чирқиллаб қўйди. Вой, буларнинг бир-бирини тушуниш- ла- ри!

Қанийди, Сулаймон пайғамбар улар сўзларини шарҳла-салар-у, биз эшитсак!

Бироқ, шундай тахмин қилиш ҳам мумкин эди: «Қалайсан? Яхши ётибсанми?» деди эркаги. «Дуруст, ҳарҳолда», деб кўйди макиёни. «Ҳа, ундай бўлса, ётавер». — «Сиз ҳам дамингизни олинг». Уша кунларда, ёшонасизми, она қалдирғоч инида кўпроқ ётиб қолса, ота қалдирғоч унга — тумшугида хўрак опкеларди: худди жўжасига бергандай қилиб оғзини очар, она қалдирғоч каттагина бошини унинг оғзига тиқиб, нақ жиғилдонидан емиш оларди.

— Вой, вой, — дер эди Гулсара ўзича. — Ойнаниб кетай сизлардан.

— Бултур ҳам шу иккиси келганди, чамамда, — дедим. Умуман, булар бир-бирига жуда содиқ бўлади. Ҳатто айтишадики, жуфт оққушдан бири ҳалок бўлса, иккинчиси кўкка кўтарилиб, ўзини қояларга уриб ўлдирар эмиш.

Гулсара хаёлланиб, тотли «оҳ» еган қизболадек танглайни тақиллатди.

— Удивительно! — Кейин менга жўнгина тикилиб сўради:— Демак, булар бир-бирини севиб, оила қуришар эканда? Фикримни тушунтиролдимми?

— Ҳа, — дедим. — Севишми бу, кўникишми бу, ҳарҳолда табиий танлашни йўли билан жуфтлашади булар.

— А, естественний отбор... — Кейин шухгина табассум қилди. — Барибир танлашар экан-да, азизим?

— Ҳа, энди, шундай, — дедим. — Лекин уларда танлашнинг мезонлари бошқачароқ бўлса керак.

— Ерунда! Кечирасиз... Макиёнлари эркагининг фақат кучлилигига мафтун бўлади, дейсизми? Барибир... Зот қолдириш учун эркакнинг кучли-бўлиши ҳар қанча шарт эса-да, барибир урғочи уни севиши керак. — Сўнг у ўз фикрига яна шўнғий бошлади: сезиб турибман, бу — унинг учун муҳим эди. — Сиз улар муносабатида қандайдир мезон бўлади, дедийиз. Бўлади, албатта. Аммо ўша мезон фақат кучни ўлчамайди...

— Ажойиб фикр айтдингиз, — дедим унинг кўнглига бориб. Ва дарҳақиқат Гулсаранинг фикрини қувватлайдиган мисол ёдимга тушди. Ана шу «ёдга тушгани»ни айтгач, қолганини ҳам шарҳладим: — Африкада ўзимизнинг зағизгонга ўхшаш бир қуш бўларкан. Жуда чиройли. «Ҳайвонот оламида» кўрсатишган эди. Хўрози, айниқса, гўзал булар экан... Сиз еб утиринг, илтимос. Менимча, зиёфатда тўйиб овқатланмаган бўлсангиз керак?

— Топдингиз, азизим. Ман, умуман, меҳмондорчиликда деярли овқатланмайман. Айниқса, бизнинг... Ну ладно. Фикрингизни давом эттиринг, қизиқ гап гапирвоссиз.

— Уша қушнинг хўрози ин қуриб бўлганда, кейин шу уясининг атрофига ҳархил латта-путта, ялтироқтошлар, ҳатто шиша синиқларини ҳам опкелиб, сочиб, қўяркан. Буям кам, кейин уясининг атрофида айланиб, рақс тушар экан.

Қанотларини хурпайтириб... Бирам қизиқ! Мақсад — макиёнинг диққатини тортиш. Қизиги шундаки, битта макиён ҳалиги молга қизиқиб ёнига келса, бошқаси келмай — ўтиб кетар экан.

— Оҳ, қойил! — деб юборди Гулсара. — Сиз кўп нарсани биласиз.

— Кўрганим-да... Шуни назарда тутганда, сизнинг фикрингизга қўшилиш мумкин, — дедим. — Яъни, мана... мана шу қалдирғочлар ҳам жуфтлашишдан олдин бир-бирини танлаган, ҳим, балки севган бўлишлариям мумкин.

— Мумкин эмас, худди шундай!

У «шундай»лигини истар эди.

— Балки, балки, — дедим. — Хўш, бундан мурод... Кечирасиз, сиз илгари турмуш қурган бўлсангиз керак?

У диванга бирдан ястаниб, уҳ тортиб юборди. Кейин пиёла тубида қолган ичимликни бирдан сипқорди-да:

— Мне пора, дорогой мой, — деди. — Узр, безовта қилдим бемаҳалда, — сўнг йиғиштирина бошлаб, давом этди:— Таваккал акангиз телефон қилиб қолсалар, салом айтинг... Ҳим, между прочим, айтмасангизам бўлади.

— Айтаман, — дедим.

У қаҳ-қаҳ отиб кулди.

— Қанийди...

— Нима?

— «Казаки» фильмини кўргансиз-а? Бир замонлар жа томоша қилардик. Ўшанда Орлова деган бир гузал аёл... актриса Гарди Гардиевич деган бир... барваста, шоп мўйлов раис билан видолашгач, чиройли бир ашула айтиб кетади. Фойтунда. — Сунг Гулсара овозини бемалол кўйиб айтиб юборди: — «Каким ты был, таким остался... Ты мой дорогой...»

Мен қўшни хонадагилар эшитади, деб жилла хавотирланганим йўқ, аксинча, унинг яна айтишини истар эдим... Чунки, яна онт ичиб айтаман, худо бунга овоздан ҳам берган экан.

Афсуски, йўлакдан кимнингдир нимадир дегани эшитиб, Гулсара кафти билан оғзини ёпти.

— Уят, а?

— Йўқ, — дедим.

— Майли. Кулишса — кулишар... Да. Таваккал ҳақида (у «ака»ни ташлаб кетди) яна нимадир демоқчийдим. Ўҳ, чёрт.

— Шошманг, — дедим мен ҳам кўзғолиб. — Сизга... кўнғироқ қилмадими?

У лабларини чўччайтириб кулумсиради. Кейин:

— Ман квартирамми алмаштирвордим, — деди. — Ҳа, товариш писател. — Кейин бирдан хўрсинди. — Жинниман-а?.. Уҳ, узимни ўзим ўлдириб кўйгим келади... Шунақа. Жаноблари кетаётганда, мани таксидан тушириб кўйгандан кейин: «Барибир кўлимга тушасиз», дедилар...

— Уҳ, қайсар.

— Қайсарлик эмас, жоҳиллик бу, азизим... Биласиз, у йигитнинг қулидан ҳар иш келади.

— Мен фикрингизга қўшилмайман, — дедим. — Шундай ёт юртларда қўполлик қилмаган киши...

— Ҳим, бу гапийиз ҳам тўғри.

— Бекор алмаштирибсиз квартирани... Гулсара, балки телефон номерингизни ташлаб кетарсиз? Мен унга бериб қўйсам, ёмон бўлмасди.

— О, о! Мутлақо, — деди у.

Мен бўш келмадим, илло бунга тула асосим бор эди:

— У аёл кишига зулм қилмайди ҳеч қачон, — дедим. — Мен эшитмаганман, аксинча, сурхондарёлик уч-тўртта қизлар Қарши пединститутида ўқиётганда, уларни безори болалардан ҳимом қилиб, биттасини пичоқлаб қўйган. Шунинг эвазига саккиз йил ётиб чиқди... — Гулсара менга сўмрайиб қолди. — Эҳтимолки ўша воқеадан кейин биз ака-укадек бўлиб кетдик. Ҳим, ўша қизлардан бири менга яқин қариндош бўларди. Уша йиғлаб айтиб берган. «Булар — меҳмонлар-ку, нокаслар! Тарқалинглар!» деб бақирган. Улар Таваккал акага ташланишган, у киши...

— Ну-ну, это ж страшно, — деди Гулсара. Кейин чеҳраси бирдан ёришиб кетди. — Умуман, йигит кишининг ишини қилган экан. Қойилман...

— Шунақа.

— Нега бўлмасам манга «унақа» деди?

— Энди, алами келиб... Узингиз яхши тушунасиз-ку? Квартирани алмаштириб чакки қилибсиз.

У бошини ҳам қилиб, дастурхонга тикилиб қолди. Кейин паршонлик билан:

— Шу шишани олсам майлими? — деди. Деди-ю, кўзи ёшга тўлгандек йилтираб кетди. Мен унинг чарм сумкасини кўлидан тортибгина олиб, шишани солдим. Кейин қази-қартага қўл чўзгандим, у энди сумкани тортиб олди. Сўнгра «Родопи»дан бирини-да олиб: — Биласизми, квартирани, иккихоналига алмаштирамоқчийдим, — деди. — Уч хоналик эди..

— Телефон номерингиз...

— О, йўқ, — сўнг кулди. — Керак бўлса, топиб олади. Ҳа-ҳа-ҳа! Эркаман-а?

— Йўқ, сиз ўзингизнинг қадрингизга етасиз. Лекин, айб-сиз парвардигор дейдилар...

— Да, канешни... Хўп, мани пастгача кузатиб қўярсиз?

— Катта йўлгача.

— Уф-ф. Да-а... Э, хайр қалдирғочлар! Азизларим! Бир-бирингга садоқатли бўлинглар!

— Раҳмат, Гулсара.

— Энди учрашмасак керак.

— Нега?

У хиринглаб кулди.

— «Чую» деган экан чукчи.

Йулакка чиққаннимиздан кейин мен яна уйга қайтиб кириб, стол тортмасидаги «бир қора кунга» деб сақлаб қўйган ақчамдан таксипули олиб чиқдим.

Узингиз ҳам пайқалган бўлсангиз керак, Гулсаранинг қайтиб кетишга пули қолмаган («борини берворган») эди; бундан ташқари, жувоннинг «шишани олиши»ю ўша пайтдаги мискин ҳолатидан ҳам маълум эдики, у ҳар қанча гўзал кийинган ва мағрур бойвуччадек кўринмасин, «чўнтаги касал» экан.

Омадни қарангки, енгил мошиналар тўхтамига чиқсак, битта «ВАЗ-31»дан елкасига чарм турва осган ажнабийлар тушишмоқда, ҳайдовчи орқа қопқани очиб, филдиракли чарм чамадонни чиқармоқда эди.

Унинг яқинига бориб сўрадим:

— Шаҳарга қайтасизми, ака?

— Ҳа.

— Битта меҳмон бор эди.

— Фақат сквергача, — деди-да, жомадонни ерга қўйиб, Гулсарага қараб олди. — Уша кишими?

— Ҳа.

— Утирсинлар.

— Мана, юз эллик сўм.

— Булади. Ҳозир... — У жомадонни филдиратиб кетди. Мен Гулсарани имлаган кўйи ёнига бордим.

— Сизни опкетади.

— Хайрият, таксимас экан. Мен таксисларга кўп ишонмайман... Раҳмат сизга.

— Илтимос, пул чиқарманг, — шундай дедим-у, меҳмонларнинг юкини зинапоя пастида қолдириб қайтаётган ҳайдовчига пешвоз бориб, кира ҳақини бердим.

Гулсара кабинага кираётганда, атайин қулиб:

— О, боссларнинг мошинаси-ку! Суперволга, — деди. — Эслаб қолинг, жаноб писател!

— Хотиржам бўлинг, — деб эшигини ёпдим. Ойнасидан боқиб: — Қуришгунча, — дедим.

У қулиб юборди.

— Ёмонсиз...

— Балки номерингизни айтарсиз? — дедим. — Эсон-омон етиб борганингизни билардим.

У яна қаҳ-қаҳ отиб кулди.

— Йўқ. Керак бўлсам, ўзи топсин... Чао. Узр, сизни ишдан қолдирдим.

— Асло.

Шундай қилиб, Гулсара кетди ва орадан бирон ҳафта ўтдими-йўқми, Таваккалбек Китоб туманидан кўнгироқ қилиб қолди. У ширакайф ва тажанг эди.

Мендан ҳол-аҳвол сўрашни орқага суриб:

— Гулсара тирикми? Кўрдингизми ҳеч?... Мен боролмаяп-

ман! Ҳар ерда — қурилиш! Бош қашишга вақт йуқ, ука. Лекин у ярамасни бир секунд ҳам унутганим йуқ, — деб савол аралаш гапни қаторлаштириб ташлади.

— Гулсарангиз ўн кунча бурун келиб кетди, — дедим. — Кайфияти ўртача.

— «Келиб кетди?» Дачага?

— Ҳа. Бир соатча ўтириб кетди... Сизни сўради. Менимча, у билан учрашсангиз ёмон бўлмасди.

— Телефонига нима бўлган уни? Минг марта кўнғироқ қилдим... Уша учрашувимиздан бир кун олдин олиб эдим номерини. Телефон қилганимда, тушиб эдим...

— У квартирасини ўзгартирган, — дедим. — Керак бўлсам, излаб топади, деди.

— Шундайми? «Топади» дедими? — ҳовлиқиб сўради у. Хурсанд бўлиб кетганига шубҳа йуқ эди. — Ҳе, қисталоқнинг қизи... Қувватжон, унақаси битта туғилади...

— Фикрингизга кўшиламан, — дедим.

— Всё! Мен яқинда бораман. Тошкентда бўлса, топаман уни... Э, сизнинг телефонингиз нимага зайнит бўлади нуқул?.. А? Мехмонлар кўп? Ҳа-а... Бир-икки марта сўраганимда, шаҳарга тушиб кетганлар, дейишди...

## 16

Таваккалнинг «яқинда» деган муддати узоққа чўзилиб кетди: на ижод боғига келди, на сим қоқди. Мен улар икковлоннинг жуда яқин, ҳаттоки бирга бўлишларини ич-ичимда истаганим учунми, назаримда, улар тил топишгандек, демак (не ажаб!), мени унутгандек эдиларки, бундан ҳам қаноатда эдим.

Бироқ кўнглимда гумонлар ҳам кезиб қоларди: «Тил топишолмади-ёв.

Акс ҳолда, дейлик, «яраш-яраш»ни нишонлаш учун ҳам бирров келиб-кетишлари лозим эди».

Шундай ўйлашга қандайдир маънавий ҳаққим борлиги учунми, ҳатто Таваккалнинг кўнғироқ қилмагани қандайдир малолроқ келиб турган кунларнинг бирида...

...қалдирғочларим ҳаётида бир ажиб томошани кўрдим.

Қош қорайишига яқин улардан қайси бири ташқарида бўлмасин, албатта «чий-чий»лаб учиб келар, хонанинг шифти остида бир айланиб, тупуқда ийлаб ва сомон қипиқларини кўшиб «пишитган» лойларидан ясалган қаттиққина-чипориннинг лабига қўнар, хўрак келтирган бўлса, тумшугини очиб шеригига тутар, агар шериги илгарироқ кириб ўрнашган бўлса, бир-икки сас чиқариш билан қаноатланар ва ўнг келган жойга қўниб, тунни ўтказарди. Гоҳо иккаласи ҳам ташқарида бўлишса, кетма-кет учиб келишар, шунда, тасаввур этингки, сап-сарик тумшукчаларини борича очган жўжалари чийиллашиб қарши олишар, ота-она уларга навбат билан емак беришарди.



О, буларнинг ташвишлари!

Гуёки бор бисотлари — шу болаларию барча хатти-ҳаракатлари — уларнинг қорнини тўйдириш ва, демак, учирма қилишдан иборатдек туюларди!

Мен бу ажиб қушларни таниганимдан буён — иноқ, аҳил, бир-бирига меҳрибон, деб ўйлаб юрардим албатта, ва бу борада Гулсара билан ҳам бироз гаплашгандик.

Йўқ, биродар, буларнинг орасида ҳам худди одамзотнинг эр билан хотини орасидаги...

Бир дақиқа бардош қилинг.

Бир оқшом она қалдирғоч хуфтон маҳали чийиллаб учиб, хонага кирди-да, жон ҳолатда оғзини очиб, ўзига чорлай бошлаган болаларига қарамай, қайтиб чиқиб кетди. Бироқ икки-уч дақиқадан кейин яна ўқдек учиб кириб келди-да, тагин хонани айланиб ва асабий чий-чийлаб, инининг қиргоғига кўнди. Кейин болаларининг нафсини қондириб, улар устига астагина ўтди-да, бағрига босиб ётди. Бироқ, онлар ўтиб-ўтмай чий-чий этар, унинг зорланаётгани шундоқ билиниб турарди.

Эркак қалдирғочдан дарак йўқ. (Мен уларнинг жуссаси ва думининг узун-қисқалигига қараб, нари қайсию модаси қайси — тахминлаб билиб олган эдим).

Бахтга қарши, ҳаво совуб, ёмғир севалай бошлади. Деразани ёпай дейман, аммо эркак қалдирғочнинг келишини кутаман, ҳозир келар, энди келар...

Макиён ҳамон «чий-чий» этади. Энди унинг унидан ночорлик, ожизлик сезиларди.

Шунда куп тахминларга бордим: «Электр симига кўнган бўлса — тамом... Ёки бирон йиртқич қушнинг домига илиндими? Йўқ, унинг қирғийлар билан ёнма-ён учиб юрганни кўрганман... Нима бўлди экан унга? Ҳа-а, шўх болалар рогатка билан... Қайда! Унга сочма ўқ ҳам тегмайдими...»

Хуллас, шу кеча деразани ёпмадим. Қалин кийиниб ётдим. Чироқни ҳам ўчирганим йўқ: учиб келиши мумкин. Адашиб қолмасдан инини топсин...

Мен-ку ухлаб қолдим. Аммо она қалдирғоч ухламади ҳисоб: қачон уйғониб кетсам, унинг инграган каби ноласи эшитилар, юлдуз-қуртдек кўзлари йилтиллаб кўринар эди.

Одатдагидек, соат бешларда ўрнимдан турдим. Тонг ёришиб қолган, она қалдирғоч эса, ҳамон... уйғоқ эди. Худди шу маҳалда деразани очардим-у, у (ҳам) емак гамида учиб чиқиб кетарди. Бу гал жойидан жилмади.

Бир маҳал, сопол чойгумимни сувга тўлдириб, ичига қайнатгични солиб, энди токка улайман деганимда, шувиллаб, ҳа, ўқдек учиб ота қалдирғоч кирди. Кирди-ю, ин лабига кўндим деганда, она қалдирғоч унга шундай ҳужум қилдики, бир неча патчалари тўзиб кетди. У қочиб, дарпарда илиқлик темирга кўнди. Она қалдирғоч уни қувлаб бориб, тагин бошини чўқий бошлади. Ота қалдирғоч тагин қочиб, совутгич

устига қўнди-да, қандайдир қунишиб, бўйнини қисиб тура-верди.

Хотини уни роса чўқиди, ҳатто устига чиқиб олиб, елкаларини чўқиди. Эри жим туриб берди. Ниҳоят, макиён толиқди шекилли, эрининг кифтида бироз туриб, патларини тозаллаган бўлди-да, инига учиб чиқди.

Кейин ота қалдирғоч ҳам ўзини силкитиб, қандайдир оро берган бўлиб, «чирқ-чирқ» этди ва уясининг четига чиқиб қўнди. Макиён ҳам «чирқ-чирқ» қилди-да, бирдан учди. Унинг кетидан эркаги ҳам учди. Шувиллаб ташқарига чиқиб кетишди.

Мен лолу ҳайрон эдим.

Бир нарса шак-шубҳасиз эдики, эркак қалдирғоч кечаси уйга келмай қолгани учун макиёни уни талаган, унинг миқ этмасдан туриб бериши эса — айбини бўйнига олганини қўрсатар эди.

Аммо у тонгда келар экан-ку, нега тунда, тўғрироғи, вақтида келмади?

Биз инсонлар ўзимизча фикрлаймиз, яъни, масалан, «мушуккина йилида бир марта мов бўлади», деб қалдирғочлар ҳақида ҳалигидай, «уйнашининг уйида қолган», дейишимиз ҳам мумкин. Лекин бу — одамга хос «фикр бўлади, холос... Она қалдирғоч уни «рашк»дан талади, «қизганиб» талади, дейишимиз ҳам мумкин. Бироқ бу тахминлар бари — ота қалдирғочга туҳмат бўлишиям мумкин... Демак, уша гап-гап: эркак қалдирғоч кечаси уй(и)га келмай қолгани учун «хотини»дан жазо олди.

## 17

Ушбу воқеадан кейин ҳам ҳафталаб ўтди. Табиий, ўз ишим-ёзувим билан машғул бўлиб, Таваккал ака билан Гулсаранинг муносабатлари қандай кечгани (агар учрашишган бўлса) ҳақида ҳам онда-сонда эслайдиган бўлиб қолдим. Бироқ, улар, хусусан Гулсара ёдимга тушиши замон макиён қалдирғочнинг қилиғи ҳам хотирамда уйғонар, улар билан, айниқса, Гулсара билан учрашиб қолсам, албатта «азизим» деб суйгани қалдирғочларнинг бу можаросини айтиб бериш ва уни қандайдир таҳлил этиш, балки у билан Таваккалга тегишли хулоса ҳам чиқариш мумкинлигини ўйлардим.

Зеро ўзим уларнинг алоқасини қушчаларнинг ўзаро муносабатларига ўхшатолмас эдим.

Бироқ, макиён қалдирғочнинг «эри»га қилган «муомаласи»дан ўзимга тегишли сабоқ олдим.

«Оилам мени эркин — ўз ҳолимга қўйган», деб ҳафталаб уйга — уйимга бормас эдим ва борсам, хотиним гоҳо илмоқли гаплар қилар, мендан нолиган бўларди.

Шунда мен: «Қўйсанг-чи, онаси. Рашк қилиш — бизга ярашмайди. Пироварди, бу — бир-биримизни камситиш бўларди...» дер эдим ва мана шу мантиқий фикрга инонардим.

Қалдирғочларнинг узаро алоқалари менга шуни кўрсатдики, рашк, қизганиш, қолаверса, жуфтдан хавотир олиш ва нолиш — булар бариси тирик жонзотларга хос бўлиб, фақат инсонгина «мантиқан фикрлаш қобилияти»дан фойдаланиб, уни инкор этмаса ҳам, панжа орасидан қараш мумкин экан...

Қисқаси, куз ҳам етиб келди, тўғрироғи, кузга ҳам етиб бордик.

Қалдирғочларим болаларини учирма қилиб, хонамни тарк этиб кетишди...

Дераза яқинидан ўтган симларда сон-саноксиз қалдирғочлар тизилиб ўтиришар, кейин дув-дув учишар, мен азиз ҳамхоналаримни таний олмас эдим-у, шод эдим: яқинда улар узоқ — иссиқ ўлкаларга учиб кетишади. Ва қишни ўша ёқда ўтказиб, баҳорда бизга қайтишади.

Мен эсам — бу ерда туриб яна nasib этса — уларни яна деразаларимни очиб, кутиб оламан...

Воқеадан биров узоқлашдим. На чора, бу баҳор қушлари-элчилари ҳам суҳбатларимизга ранг берган, фикрларимизни тиниқлаштирган «улфатлар» эди.

Ана ўша қалдирғочлар гала-гала бўлиб учиб кета бошлаган кунлардан бирида...

...Жумҳурият Радиоэшиттириш Кумитасига бораётган эдим. Анчадан бери ёзаётган қиссам тугагани учун ундан бир эшиттиришлик парча дипломатимда, метронинг Амир Темури хибонидида тушиб қолиб, ўша ресторан ёнидаги дарахтзор хибондан тез-тез юриб (хаёлимда Таваккалу Гулсара билан утирган чоғимиз суратланиб) бораётгандим; қийшайиб усган ёлғиз санобар (сосна) остидаги ёғоч ўриндиқда чекиб ўтирган аёлга кўзим тушиб, уни Гулсарага ўхшатдим.

Бироқ бу жувон хийла озғин, тагин — ранги учган жинси юбка билан кўйлак кийган, сочини ҳам калта кестирган (ўша кезлар сочи елкасига тушиб турарди), ўтиришида ҳам қандайдир чапанилик бор эди.

Рост айтаяпман, унинг нимасини Гулсарага ўхшатганимни ҳам, унга синчковлик билан қараб олганимнинг ҳам сабабини билмайман: қандайдир туйқусдан кўзим тушган эди. Балки ресторанда ўтирганимизни эслашим бунга сабабдир.

Қисқаси, уч-тўрт қадам босгандан кейин яна унга қайрилиб қараганимни биламан... таниш табассумга йўлиқдимки, таққа тўхтаб қолдим.

У — Гулсара эди.

Қандайдир ҳаяжонланиб, нималардандир хижолат тортиб, аммо ичимдагини сиртимга асти чиқармай, хаёл қилингни, у билан куни кеча хайрлашган каби бир қалбаки мамнуният билан олдига йўналдим.

Гулсара, назаримда, менга бошдан-оёқ разм солиб чиқди-да, қандайдир керишиб, ўрнидан турди.

— О, товарищ писател!

— Салом алайкум, Гулсарахон. — Унга эътибор беражигини яшириш учун дарҳол узатилган қулини олдим. — Саломат бормилар? Юз сумлик долларга ухшаб кетдилар?

— Ҳу-ў, — дея пичинг қилгандай кулиб қўйди. — Марҳамат, утиринг.

— Албатта... Бировни кутмаяпсизми?

— Йўқ, — деди у кескинлик билан. — Шу тротуардан ўтвоссам, ичкарида «Тановар» чалинвотган экан. Битта маймоқ ўйнаётгандирда, деб тўхтадим. Кейин, — яйраб кулиб юборди, — ўша ўтиришимиз эсимга тушиб кетиб, шутда ўтира қолдим... Между прочим, ман сизни ҳу ўтда курган эдим. Ўша кишими-бошқами, деб ўйладим... Қарасам — сиз.

— Кейин тескари қараб олдингиз?

— Ҳа.

— Биздан бирон гап ўтганмиди?

— Ой, што вы? Так просто... — У менга тик қаради. Овозида сезиларли ҳаяжон билан: — Узгариб кетибманми? — деди.

— Менимча, йўқ, — дедим. Фақат бу кийим-бошда биринчи марта кўришим.

— Конечно... Лекин узгарганман. Сиз... сиз ҳамма вақт одамни аяб гапирасиз. Бу — яхши одат, лекин баъзан ёлғон сўзлашга ям мажбур бўлсангиз керак?

Мен «айб»имни бўйнимга олгандек бош ирғадим-у, Гулсаранинг бармоқлари беўхшов титраб-кетганини кўриб қолдим. Юзига боқсам, пастки қовоғи сал осилган.

— Ҳим, Гулсарахон, шаҳарни соғиниб тушган эдим, рост, — дедим. — Кейин, тасаввур этингки, метродан чиқибоқ ўчовлон утирганимизни эсладим.

— Ну и ну!

— Ҳа... агар вақтингиз бўлса, мана шу ресторан остидаги чойхонага кириб, беш минут ўтирсак. Одам кам. Салқин тушиб қолди... Халақит беришмайди.

У менга қандайдир ачингандек қараб турган эди.

— Жоним билан, Қувват ака. — деди. — Сиз яхши одам-сиз... Умуман, гаплашадиган гаплар ан-чагина йиғилиб қолган. Мен бир-икки марта дачайизга бормоқчиман бўлдим. Но... Оёғим тортмади. — Кейин кулиб юборди. — Тузукроқ бир вечердан чиққанимда, борардим албатта!

Мен ҳам кулдим.

Чойхона олдидаги ҳовузнинг суви яшил бўлиб кўринар, демак, кўпдан бери суви янгиланмаган, умуман, чойхонадан файз кетиб қолган, бетон устунлар орасидаги кўпчилик столлар бўш, буфетда қандайдир италияча куй ингранар, мутасадди йигит пештахтага тирсақлаб олган кўнғироқсоч киши билан эриниб гаплашарди.

Чап томондаги устун панасида турган столни танладим. Буфетга юзланиб, Гулсарадан сўрадим:

— Шампанга қалайсиз?

— О, ўзи-да! — деб жилмайди хоним. — Лекин ҳолингизга қаранг, Қувват ака.

— Қувват акангизнинг қуввати битта шампанга етар, — дедим-у, илдамладим.

Иккита фужер, шампан ва гугурт қутисидек бир жуфт шоколад олиб (чунтакда фақат автобус пули қолиб), келдим. Гулсара менинг аҳволимни сезиб тургандек ийманиш ҳамда ачиниш билан табассум қилиб:

— Комунизм ўтиб бўлган экан-у, билмай қолган эканбиз-де, — деди.

Икковлон кулишдик. Шунда... атрофга қараб олганимни билмай қолдим: билсам, Таваккални излаётгандек, у ҳозир етиб келадигандек бир ҳолга тушган эканман. Сўнгра жилмайшни қўймасдан курсига ўтирдим.

Шишанинг сим бўйинбоғини бурар эканман, Гулсара бирданига тошқин ва қандайдир ҳасратли оҳангда:

— Поқиллатворинг! — деб қолди. — Азизим, шундай қилинг... Тукилса тукилар. Бир соат, бир минут бўлсаям яйраб ўтирайлуқ! Окангиз айтганларидай — дунё ўтди-ку... Айтмоқчи, жентльмен оқайиззи куриб турасизми?

Мавзу дарҳол Таваккалга бурилганидан мамнун бўлиб:

— Йўқ. Сизлар учрашиб турсангизлар керак? — дедим. Ва давомини ҳам айтиб юбордим: — Каминани унутишди, деб ўпка-гина қилиб юрибман, ҳа.

Гулсара қаттиқ куладиган каби бошини орқага солди-ю, қандайдир хўрсинди, холос.

— Йў-йўқ: Афтидан у кишигаям ўшанда «алвидо» деганга ўхшаб қолдим.

— Демак, учрашар экансизлар. Менгаям шундай девдингиз, мана, худонинг йўлиқтиргани.

У мужмал бош ирғаб кулди. Шунда шампан тиқини отилиб, поқиллаб кетди.

— Ҳаётнинг ганимат эканини тушуниб қолдим, азизим, — деди Гулсара фужерни икки бармоғида айлантираркан. — Барча изтироблар, орзу-армонлар — беҳуда экан. Ҳаёт шундай эканки, ҳар қанча осмонларга чиқиб кетма, ўзининг измига солар экан. Кейин сен ўзингга қандайдир...

— Хўш?

— Сўқмоқ танлар экансан... Умуман, манинг омадим келмади ҳеч. Бир ҳисобда шундай бўлиши табиий экан. Чунки ман ҳаётдан кўп нарсаларни талаб этар эдим... Ишонинг, дўстим, Чўлпонмикан, қайсидир бир шоир: «Бу денгизнинг чуқурлигини билмай, қулочни катта отдим мен», деган экан.

— Ҳа.

— Ҳаёт бошқача экан.

— Сиз тушкун гапларни айтаяпсиз, Гулсара... Эсдан чиқарманг, синглим, сиз тушкун бўласизми, ҳаётни борича

қабул қиласизми ёки яхши орзу-истакларнинг қачондир бўл- саям рўёбга чиқишини орзулаб бунга инониб яшайсизми — умр барбир утаверади.

— Ай, манинг умрим... умримнинг энг яхши, нурли чоғла- ри ўтиб бўлди, — деди у ва фужерини узатди. Чўқиштирган бўлдик. — Қолгани фойдага қолди. Ушани яхши ўтказишни ўйлавомман кейинги пайтларда. Аммо «яхши ўтказиш» учун... Ну и к чёрту! Олдик, азизим! Таваккал оқайиз ҳам қолган умрини яхши ўтказсин... Уники яхши ўтади. Чунки у переживанияни билмайди.

— Менимча, унчалик эмас.

Фужерлар ичидаги «жодугар» камайгани сари суҳбати- миз қизий бошлади.

Бу орада у жилдини тиззасига қўйиб, ундаги кўзгуга бир-икки марта қараб олди. Кўз хиякларини жимжилоғида артган бўлиб, анчагина қизил сурилган лабларини ялаб қўйди. Назаримда, у вақт ўтган сайин ўзида қандайдир си- фатли ўзгаришлар юз берадигандек — шуни умид қилаёт- гандек туюлар, ва хўрсиниш кўзгудаги аксидан қаноатда эмаслигини билдириб қўярди.

Кўнглимдан кечган тагин бир ҳолни қайд этишим лозим: Гулсара шу тобда илк бор ресторанда ўтирган ўша майин- уятчан ва ғамгин жувонга деярли ўхшамас, «деярли» дега нимнинг боиси — фавқулодда янроқ кулиб юборишию ши- жоатигина уни ғира-шира эслатар эди. Қолаверса, кечаси ижод боғимизга борган чоғидаги қиёфаси ҳам деярли ўз- гарган, ҳозир у — хийлагина чапани, яъни бетгачопар, қаёқ- қадир кетворишга шайдек — бир жонсараклик унда бор, юзининг бироз чўзилиб, яноқларининг ботинқираб қолгани ва кўз қарашларида асабий бир изтироб, уйқуга тўймай уйғониб, уйғотганнинг юзига тарсаки тортиб юборадиган- дек теран бир ҳолатда ҳам эдики, мен унинг сиймосида одамзоднинг шугина ўтган вақт орасидаям етарли даражада ўзгариб қолиши мумкинлигини кўриб турардим. Ва, ўз-ўзи- дан маълумки, бу қайдлар бари ичимда эди.

## 19

— ...«Унақаси битта туғилади» деди, — дея такрорлаб, гапимни давом эттирдим: — Менимча, ўша куни Тошкентга учиб келган бўлиши керак.

Гулсара мийғида жилмайиб, иягини бошмалдоғида қа- шиб тураркан:

— Иўқ, йўқ, — деди. — Тоес, у келган... Келган экан! Бизнинг падъезддагилардан ҳам сўраган экан мани. Лекин, ман ахмоқ уларга: «Қатга кетганимни айтманглар», девдим. Чунки оқайзнинг келишини билардим.

— Чакки қилган экансиз-е.

— Айтивомман-ку, жинниман, деб... — Кейин яна лабла- рида менга таниш ғамгин табассум пайдо бўлди. — Бечора

паликлинакагаям борипти. Главврачга: «Гулсарани топиб бермасангиз, хапа қиламан», депти. У иплос қатга ишга утганимми билсаям айтмас эди... Худонинг зорини қилиб кутулипти.

— Шошманг-шошманг, сиз ишдан ҳам кетдингизми?

— Ай! — деди у гижиниб. — Барибир кетмоқчийдим... — Кейин лабларини қимтиди-да, бошини сараклатди. «Ҳозир йиглаворади», деб уйладим. Хайрият, унинг овозигина «йиглар» эди: — Одамми хор қилишади.

— Яъни?

— «Ман билан юргин» дер эди-да-е... Оғзидан қони келсин унақа эркакнинг!

— А-а, паст одам экан.

— Паст... — деб такрорлади-ю, бошини илкис кутарди. — Таваккал оқайиззи ундан нима фарқи бор? А?.. Хуп, оқайиз— мард, валлакат йигит.

— Энди, йигитлик — итлик, деган гапам йўқ эмас.

— Итлик! Топиб айтдингиз... Э, художоним, нимага мундай, а, бу инсонлар? — Унинг сурма тортилган киприклари пир-пираб, кўзлари гилқ ёшга тўлди. — Ахир, шу ишлари билан улар узларини ерга уришади-ку? Молдан фарқ қилишмаётганини наҳот сезишмаса?! Йўқ, сезишмайди.

— Шампаннинг кўпиги учиб кетди.

— Раҳмат.

— Хуш, Таваккал акага келсак...

— Қўйинг уша кишини... Узиям бир таваккалчи экан. — Кейин винодан сипқориб; яна уйланиб қолди-да, тиниқ жилмайди. — «Унақаси битта туғилади» дедими?

— Худди шундай деди, — қайтардим жонланиб. — Менимча, у сизнинг қадрингизга энди етаяпти.

— Билмадим-де... Ҳа-ҳа-ҳа! — Кулгиси тўхтамасданоқ тагин ғамгин тортиб қолди. — Ман ҳам узимни «битта...» деб уйладим. — Менга ялт этиб боқди. — Кечиринг мани. Ахмоқлик қивомман. Аммо сизга ростини этивомман. Албатта бу — соддалик, жунлик... Вабше, кўпчилик қизлар ҳам шунақа деб уйласа керак. — Кейин яна кўзгуга қарайдигандек сумкасини очди-ю, давом этди: — Чесни айтаман: ман уртоқларим орасида энг гўзали эдим. Кулманг фақат... Раҳмат. Китобий тарбия топдим шекилли, рицарнамо йигитларни орзу қилардим. Албатта биттасини-де! Ҳа-ҳа-ҳа... Жа очилиб кетвомман. Майли, сиз кулмайсиз.

— Мутлақо! — дедим. — Бироқ, Гулсарахон, сизсиз ҳам сизни бир кўрган киши холис баҳойингизни беради. Онт ичаман, ҳамон жуда гўзалсиз.

— Раҳмат. Лекин кейинги вақтда оздим, кўп переживания қилдим. Жуда... — Кейин шошилиб, айтмаса — эсидан чиқиб қоладиган бир ҳолатда давом этди: — Паликлинакадан кетганимдан сўнг пулсиз қолдим.

— Бошқа ишга...

— Э, ўлиб кетсин уша иплос. Мана буйруқ чиқарганида,

«тани соғ эмас, закритий туберкулёзи бор» деб ёзган экан. Ман ўзимми йўқотиб қўйдим. Йўталиб бор, эскитган бор... Балки ўпкам хастадир. Аммо туберкулёз?! Извените... Японларнинг аппаратигаям тушиб кўрдим. Соппа-соғман.

— Қачондир шамоллагандирсиз-у, асорати қолган бўлиши керак, — дедим.

— Отайизга раҳмат... Лекин у ярамас бир баҳона топиб, мани йироқлаштириши керак эди. Чунки, ишонинг, мани курса, қалтираб кетовурарди.

— Кўрмайин ҳам, куймайин ҳам депти-да.

— Шу-шу... — Кейин менга бир самимий тикилди. — Ушанда, ишдан кетган кунларим Таваккал акани ҳар соатда... кутардим. Улий агар, рост этивомман. Тагин нимани уйлардим денг? Уша главвраччи урдирмоқчи бўлардим.

Иккимиз ҳам мазза қилиб кулдик. Лекин менинг кўнглимда шундай бир фикр ҳам илдиз ота бошлади: «Бу жувоннинг Таваккалда кўнгли бор...»

Ҳа-ҳа, олдинги суҳбатдаям бир неча марта: «Қанийди...» деган сўзни айтган эди.

## 20

Шу пайт ёнимиздаги эшикдан (шу эшикдан ҳам ресторанга йўл бор) ҳар доимгидай хипча, башанг кийинган, кўнгироқсоч Ҳусанжон қўлида бир дона нозик чиннигул билан чиқиб кела бошлади. Мен ўрнимдан турдим: айтишим лозимки, бу — зал бошлиғи бошқа мижозлари билан қанчалик яқин бўлмасин, менга бир дўсти каби қарар (бир суҳбатда менинг ундан икки кун олдин туғилганим маълум бўлган, шундан кейин мен унга: «Акангизман, ака деб чақиринг», дея ҳазиллашардим ҳам), бир кўрган одамнинг нима касб билан шуғулланишию «соққаси» кўп-озлигини ҳам бехато айтиб берар, аксари ўрис официантларга бош экани, оврупоча муомалани ўрнига қўйиши ҳам менга ёқар эди.

— Ассалом алайкум! — У гулни хонимга берди.

Салом ҳам кўпроқ Гулсарага қаратилган эди. Биз ўзаро «ўпишдик», яъни, чаккамизни чаккамизга тегизиб олдик. Кейин мен уни бўш курсига таклиф этдим. У ўтирмаёқ қўшни столдан тақсимча олиб, шоколадлар қолдигани жойлаб қўйди. Кейин шўхгина жилмайиб, фотиҳа ўқиди-да:

— Нега бу ерда яшириниб ўтирибсизлар? — деди. Мен бу саволни «ҳазил» деб ўйлаган бўлсам ҳам:

— Кимдан? Сизданми? — дедим. Шунга Гулсара ҳам каминани қўллаб тушди:

— Биз ошини кўчада ичадигонларданмиз, ўртоқ завзал!.. Хўш, бойвачча клиентингиз келдими яқинда?

Мен буларнинг, ҳарқалай, танишганларини, ўрталарида Таваккал ҳақида гап бўлганини ҳам тусмолладим. Ва мияминг қандайдир орқа томонидан бир ўй ўтди: «Гулсара ким кимлар билан ресторанга кирган бўлиши мумкин?»



— Клиентим, — дея қизгин табассум қилди Хусан, — мана, икки минут олдин шу ерда эди.

— А? — Мен ўрнимдан туриб кетаёздим. — Ҳозир қаерда? Шу ерда бўлса, топиш керак!

— Назаримда, кетди-ёв, — деди Хусан тепага, иккинчи қаватда жойлашган рестораннынг деразаларига қараб. — Битта ҳамроҳиям бор эди. Рашёт қилди-ю, холга чиқди. Сал оқсаброқ курундилар... Нима, келганидан беҳабармидинглар?

— Дўстим, уни топиш керак, — дедим. — Менга сув билан ҳаводек зарур.

— Ҳа, бир курсак, ёмон бўлмасди, — деди Гулсара ҳам ҳаяжонини босиб. — Шутда тунадими кеча? Қачон келувди ўзи?.. Бугун кўрдийизми?

Мен унинг ўзини тутолмай қолаётганини сездим: шунча саволни қаторлаштириб ташлади.

— Соат ун бир яримдан буён ўтиришувди, — деди Хусан ўрнимдан туриб. — Абеддаям бўлишди... «Тановар»ни, билмадим, неча марта чалдирди...

Хусан тез бурилиб кетди. Мен Гулсарага қарадим. У карахт тортиб қолган, кўзларида эса яна... йилтироқ шуълар пайдо бўлган эди.

— Гулсара, менимча, у сизни севади, — дедим. — Кечирасиз, севиб қолган бўлиши керак.

— Ерунда, — деб юборди у бирдан. — У одам аёл кишига перчатка, деб қарайди.

— Ў, хато қиялпсиз, — дедим. — Тўғри, уни бу йуруғда «оппоқ» дейиш мумкинмас.

— «Оппоқ?»

— Кечирасиз, шу сўз тилимга келиб қолди... Лекин, у аёл кишини ҳурмат қила биладиям.

— Биламиз нима мақсадда ҳурмат қилишларини... — Гулсара олдимдаги «Родопи»дан олди. Мен чақмоқ чақиб тутдим. — Тавба, ўзи «сурқаш»лар бир-бирини ҳимоя қилади, деб эшитардим бир вақтлар. Узр, улар гуруҳига сиз қўшилмагандирсиз балки... Аммо сиз тарафларда маҳаллийчилик...

— Гулсара, — дедим кескин. — Чалғиб кетяпмиз... У менинг синглимни, тоес, жиянимни ҳимоя қилган. Ҳим, хотини ҳақида ҳурмат билан гапиради. Сизни эса... — Кейин жаҳлим чиқа бошлади. — Синглим, — дедим, — агар у йигит жувонга... зор бўлганида, ўшанда... ҳар қадамда топарди.

— Бунга шубҳам йўқ.

— Сизни шундан ўша ёққа — Грузияга олиб кетиши, қолаверса, ўша биллур кўзли узукни харид қилиши...

— Эй, кечирасиз, сиз мани ким деб ўйлавоссиз? — деб қолди у бирдан. — Кўнглингизга олманг, илтимос қиламан сиздан, Қувват ака, ўлай агар... Худо тепамдан уриб, тариқдай сочиб юборсинки, ман биров билан юрмадим ҳеч. Кулиб қараган бўлишим мумкин. Ҳазил-ҳузул дегандай...

— Ҳим, ишонаман.

— Мани ўша ёққа олиб бориптими, демак, арзиган бўлсам керак? — шундай деди-да, гурурига қўшиб уялганини ҳам яшириш учун кулиб юборди. — Жичча қуйинг, азизим... келган, кетган бўлса — яхши бўпти.

— У сизни соғинган, — дедим. — Бекорга «Тановар»ни ҳадеб қўйдирмаган.

У менга тикилиб қолди ва:

— Да, это интересно, — деди.

— Шунақа.

— Бўпти, хафа бўлманг.

— Бир-биримиздан ҳеч қачон хафа бўлмаслигимиз учун.

— Яшанг! Хафа бўлишнинг ўзи, вабше, фойдаси йўқ экан... Ўзинг эзиласан. Душманларинг аҳволингни кўриб кулишади. Дўстларингни раҳми келади.

## 21

Ҳусанжон шошиб келиб, стол четига кафтларини тираганча:

— Кетиптилар, — деди. — Хизмат қилган официантка такси заказ қилган экан. Кеча бизда ётмаган, администратор билан ҳам гаплашдим.

— Ҳим, ўтиринг... Қаерга кетишганини айтмаган бўлса керак? Такси — шаҳарда қатнайдимиз фақат ё междугароднийлари ҳам борми ҳозир?

— Ҳозир фарқи йўқ, оқажон, — деди Ҳусан. — Омма-лекин битта қарз гаппи айтиб қўйишим керак... Хоним, сизни икки марта сўрадилар. Илгари келишларидаям сўровдилар. Ман сизни бир бор кўрганимми, сиз ҳам у кишини сўраганингни айтувдим. Ҳу, бирон ойлар муқаддам...

Гулсара мийиғида жилмайиб, секин-секин бош ирғади. Кейин менга қараб кулди.

— Бир марта сўровдим... Шу кургим келувди-да аблаҳ оқайизни.

— Аттанг-аттанг, — дедим мен. Аммо Гулсара ҳам уни кўришга, дарҳақиқат, умидвор эканига шубҳам қолмади. Бу эса, менинг: «Гулсара ҳам уни севиб қолган», деб ҳукм чиқаришимга асос бўлдики, уларни учраштиришни — дўстона бурчим, деб ҳисобладим. Бироқ «бурч»нинг ижроси яна чўзилиб кетди...

— Ман тепага чиқишим керак, — деди Ҳусанжон. — Оқамиззи энди қўлдан чиқармайман!

— Омон бўлинг.

— Ичкаригаям кириб туринглар... Маҳаллий клиентлар жа саналиб қолишди. Ҳозир ҳам турислар ўтиришпти.

— Бизгаям навбат келар, — дедим.

— Келмасаям ўксимиймиз, — деди Гулсара.

Кулишдик. Ҳусанжон кетди. Мен фужерларга яна шампандан қўйдим. Гулсара чиннигулни авайлаб-авайлаб ҳид-

лар эди, дафъатан кафтида қисиб, бурнига босиб турди-турди-да, столга ташлади. Кейин бирдан сергакланиб:

— Қалдирғочлар қалай? Қалдирғочларийиз? — деб сўради. — Бола очгандир?

— Аллақачон.

— Кичкина жишдир?

— Темирқанот ҳам бўлди... — шундай деб, жувоннинг ул мурғак қушчаларга бўлган ғойибона меҳри менга таъсир этиб кетганини сездим: назаримда, у қуш ҳақида эмас, одам боласи ҳақида сўраётгандек эди.

Кейин, иттифоқо: «Э, бу аёлнинг ҳам фарзанди бўлган микан-бормикан? — деб ўйладим. — Лекин бунинг қачондир оила курганига шубҳа йўқ...»

Кейин, шу мавзуда ҳам жилла маълумотга эга бўлишни истаб, тагин қалдирғочлар ҳақида сузлашни маъқул кўрдим: шояд мавзу оила хусусига кўчса...

— Кейин учишни ўрганишди. Энди... жануб мамлакатларига учиб кетишади.

— А-а, Грузиянинг устидан ўтишади, — деб хаёлчан жилмайди Гулсара.

— Менинг эшитишимча, Босфор бўғозининг устидан учиб ўтишаркан. Бошқа қушлар — лайлақлар, турналар ҳам... — Унинг миқ этмаётгани учун яна давом этдим: — Буни билган лочинлар, йиртқич қушлар олдинроқ бориб, Босфор осмонларида учиб юришаркан-да, булар ўтишаётганда хужум қилишаркан.

— Вой аблаҳлар! — Гулсара хушёр тортиб кетди. Кейин мижговланиб давом этди: — Барибир ўшаларнинг ҳаёти-ҳаёт. Нимагаки, дўсти ҳам, душмани ҳам маълум. Турмуш кечиришлари бир изга тушган: ўзгармайди.

— Рост айтасиз, — дедим. — Фақат инсон ҳаётида ўзгаришлар куп бўлади. Бу ақлли махлуқлар бир кунда оила қуриб, иккинчи куни ажраб кетишлари ҳам мумкин.

— Оҳ, яхши гап айтдийиз, — деди Гулсара бирдан. — Ажралиб кетишади... — Кейин яна чиннигулни олиб силкитди. Пуфлаб гулбарглари тиккайтирган бўлди-да, туйқус сўраб қолди: — Ман эримдан... Эрим дейишга тилим бормайди... Ўша — мани олган шахсдан қандай қилиб чиқиб кетганимни айтиб берайми?

— Ҳ, Гулсарахон, — дедим. — Шу нарсага қизиққан бўлмасам, ҳар нарса бўлай... Кечирасиз, мени «кўрқоқ» дейишади баъзи адиблар. Дангал гапирмаганим учун. Ҳим, биров уриб кетгандаям индамаган пайтларим бор-да.

— Ҳ, унақа бўлманг, оқажон, — майингина заҳарханда қилди Гулсара.

— Жуда унақаяммасман, синглим. Шу, «андиша» дегани мени босиб туради.

— А-а, шунинг учун...

— Қулоғим сизда.

— Ман ўрис мактабда ўқирдим, — деб ҳикоясини бошлади у. — Оилада, табиий, ўзбекча сўзлашардим. Тарбиямда, лекин, оврупоча тарбиянинг таъсири бор.

— Оз-моз.

— Анчагина.

— Хўп.

— Унингчини битирадиган йилим дадам турмушга чиқарди... Ўнни битирса, бирон ёққа — Маскопгами, Ленинградгами кетворади, деб ўйладилар.

— Ўзлари нима иш қилардилар?

— Ҳозир айтаман... Лекин кетворишим ҳам мумкин эди. Москва кансерваториясигами, Ленинграддаги хореография мактабигами, вобшем, актриса бўлишим керак эди-де... У киши бўлса, раққосаларнинг ўйинларини, ашулаларини жон деб томоша қилардилар, эшитардилару, бироқ ўзларининг оиласидан шундай кишилар чиқишини сира-сира истамасдилар. Эски ўзбекча одатлардан бас деганча бор эди, раҳматлида.

— «Раҳматли»да?..

— Ҳа. Гдлияннинг қама-қамаси вақтида оламдан ўтдилар. Инфарктдан.

— Жойлари жаннатда бўлсин.

— Ҳим, илоҳо... Лекин дадам жуда қаттиққўл эдилар. Шунақа одамнинг қанақа бўлиб бўшлик қилганига ақлим етмайди... Скарее всего, ваҳима опкетди у кишини... Биласизми, дадам — суд раиси эдилар.

— А-аа.

— Дадам «беш йил» берган айбдор шахсларни Гдлянинг шайкаси қайта суд қилдириб, «ўн йил»дан бердира бошлади. Манимчи, дадамни порахўрликдаям... — У бирдан уҳ тортиб юборди-да, гижиниб кетиб: — Нега бу нарсаларни айтивомман? — деди. — Ну и к чёрту ҳаммаси! Ман дадамдан розимасман, вассалом! Ҳа-ҳа, азизим, мани куйдирдилар. Хазон қилдилар.

— Эрга берганларими?

— Вообщем-то, да. Сигаретингиз борми?.. Раҳмат. — У шампандан ҳам бир култум олди-ю, соатига қараб кўйди. — Битта жугут ўртоғим чақирган эди... Ничево, ҳали вақт бор. У кутади. Купдан бери учрашмоқчийдик. — Кейин яйраб қулди-ю, мискин бир тус олиб, илова қилди: — Икки хонали квартирага алмаштирдиму уч хонамми. Балки... Нима учун, деб ўйларсиз? Манинг уст-бошимга, ўзимми тутишимга қараб, жа бойвучча сатанг, дейиш мумкин... Да-да! Лекин ман иқтисодий қийналганим учун шу ишни қилувдим.

— Лекин битта кишига икки хонаям бемалол етади... Кечирасиз, фарзандингиз борми?

— Бор эди ҳисоб, ўғил, — дангалига айтди. — Ўтган ойнинг бошида Сирдарёга чуктириворишипти дўстлари... —

унинг ияги пир-пир уча бошлади. — «Тошканга кетаман, опамми топаман», дер экан... Хайрият, уни тетапоялигида кўрганим. Да, ўша қиёфасида қолди. Бу ёғига.

— Пепси опкелайми?

— Шуям бўлади... Йўқ, ман йиглабийман. Булар иш бўлди. Ёмон болаларга кўшилган экан... Бу гапларнинг ҳаммасини манга синглим айтиб берди. Эрим... отинг ўчкур нокас хатто хабар қилмади, манга... Биласизми, унинг ҳам нимасидир дадамга ўхшар эди. Қаранг, бир-бирини топишганини.

— У киши нима иш...

— Прокурор эди. — У энтикиб-энтикиб шампандан сипқорди. Ўзини босиб олди-да, истеҳзоли жилмайди. — О, улар ўзларини қандоқ тутишар эди! Силнее мира всего... Шўрлик аристократлар... Бутун ҳаракатлари Оврупога тақлид эди! Аммо ўзлари — ичларида гирт жоҳил, консерватив одамлар эди.

— Эрингиз сиздан каттароқмиди?

— О, ўн беш ёш котта эди! Қатдан билдийиз?.. А-а, уларнинг утириб-туришини айтдим-а... Ҳа, ўша утиришларда манам хизмат қилардим. Музыка кўярдим. Баъзан ўйнаб берардим. Ашула айтган пайтларим ҳам бўлган. — Кўзидан тизиллаб ёш чиқиб кетди. — Вей, мани қанақа ардоқлашарди. Ҳаммаси кафтида кутарарди, десам ишоноурунинг, дустим.

— Ишонаман.

— Ман, ман... просто учиб юрардим. Ердас эдим. Хоҳлаганимни киярдим, ердим. Тагимда — мошина. Шофёр айтганимни қиларди. Тўғри, мани олиб юришдан завқланарди у кишим. — Гулсара завқ билан кулиб кўйди. — Нотовон кўнгилга кўтир жамошов... А, майли! Ман парво қилмасдим. Кўпинча мактабгаям мошинада борардим. Тўгарак машғулотлари кеч тугайдиган бўлса, мошина мани кутиб турарди. Дадам еру кукка ишонмасди мани.

— Тушунаман.

— Ана ўша кезларда — зиёфатларда бўлажак куёв тўраям ўтирардилар ишшай-еёб. Дадамнинг шогирди эди ўзи... Кечирасиз, жа чўзвормадимми?

— Йўқ-йўқ.

## 23

— Шундай қилиб, мани ўша махлуққа беришди. — Гулсара ўша «махлуқ» рўпарасида туриптию ундан юз ўгиргандек — куча тарафга қараб давом этди: — У ярамас мани, ўх-ҳ, домкультурага боришимиям таъқиқлаб кўйди. Биламан, у мани яхши кўрарди. Лекин инсонларга ишонмасди. Дадамдан фарқи шуки, у ҳамон тирик, дадам эса номусдан... Оҳ! — У шошилиб, «Родопи»дан янгисини олди, мен тагин чақмоқ ёндириб тутдим: унинг чалғишини асло-асло истамас эдим. Хайрият, бир-икки бор тутун тортгач, яна давом этди: —

Ман: «Дадамга этаман, мани қафасга солдингиз» деб гапировурганимдан кейин яқинимиздаги медтехникумга қўйди. Ҳарҳолда, яхши ўқидим. Битиргандан кейин эса, у исқирт мани ишлашга қўймаса бўладими...

— А-а, Шўро давридаги ташбеҳ билан айтсак, «феодал» экан, — дедим.

— Сто процент! — таъкидлади Гулсара. Ва ҳорғин тортиб, аллақандай чўкиб қолди. — «Йўқ, ман сиз билан яшолмайман», дедим бир куни... Аниқ эсимда бор: уйда ёлғиз ўзим зерикиб, магнитофонда музика қўйиб, хиргойи қилаётган эдим, келиб қолди. «Ҳа, қумсаяпсизми?» деди. «Ҳа, — дедим. — Қумсавомман! — дедим. — Чидасангиз, шу!» Шунда нима дейди денг... «Қўчқордек ўғил туғиб берган хотинларга ўхшаб гапирасан-а?» Маникям тутиб кетди: «Сиз туғдиролмасайиз, ман нима қилай?» дедим.

— Тушунолмайд қолдим? — дедим. — Боя «ўғлим бор эди», дегандай бўлувдингиз.

— Ҳа, бор эди, — деди у кескин. — Окасининг ўгли эди. Окаси серфарзанд, лекин камбағал яшарди... Ушанинг кенжасини олувдик. — Кейин бирдан эри ҳамон қаршисида турипти-ю, мен терговчи каби — менга жаҳл билан уқтира кетди: — У одам илгариям уйланган экан. Омма фарзанд кўришмаган. Орада гап қочиб, хотини кетворган экан. Уша бечорани айбдор қилиб... У, прокурор деганийиз истаса, ҳар қанақа фитна, игво ўйлаб топиб, бўйнийизга қўйиши ҳеч гапмас. Манга ишоноурунг.

— Ишонаман.

У сигаретни суриб ўйланди. Шунда, мени Ўзи кечирсин. Гулсаранинг қандайдир даражада қариётганини сездим. Эшитганим бор: туғмас аёллар тез қартайди, деб. Шунданми ёки изтиробларданми... Бундай десам, бундан беш-олти ой бурун яшнаб-очишиб турган гулдай жувон эди...

Кейин эсладим: унинг ресторанга кириб туриши, афтию уст-бошининг ўзгаргани, умуман, хулқидаги ўзгаришлару озиб, қовоқларининг осилиб кетиши — булар бари мени айтишга ноқулай бир хаёлга олиб борди.

— Лекин у болакайга меҳрим тушиб қолувди, — деди оҳиста овозда. — Уям мани «опа» дер, манга эргашиб юрарди. Эҳтимол, эҳтимол шунинг учун ман бир-икки йил яшаб қолдим у ерда... Ҳим, нима деятувдим?

— Шу-шу... Фақат эрингизга ҳалигидай «айб санда» маъносида гап қилган эдингиз.

— Ҳа. — Гулсаранинг чеҳраси бир зумда очилиб кетди. — Жа чийиллаворди-де... — Кейин ўзича хўп кулди, бошини сараклатди. Кейин бирдан хўрсинди. «Кетасанми? деди. «Албатта — дедим. — Ҳозир кетишим мумкин!» Ярамас... Кулди у. «Аҳдинг шунчалик экан, нега кетмаяпсан?» деди. «Биринчи хотинингизнинг куни бошимга тушиши мумкин, деб кўрқаман», дедим.

— У «қандай кун бўлди!»

— Э, этдим-ку, фитнанинг уяси буларкан бунақа шахслар... Кечирасиз, дадам бунақамас эди.

— Билдим.

— У шўрлик аёл Жиззахданакан. Чегарада уни савдогар деб ўйлашганми, бошқалар қаторида сумкаларини тинтишган. Битта сумкасидан юз доллар чиққан... Ҳа-ҳа. Сўрашса, аёл «билмайман» деган. Кейин жанобларига кўнғироқ қилишади. Бу кишим: «Ман юз долларимми йўқотувдим», деб жавоб берадилар. Аёл боёқиш ҳибсга олинади. Уф, кейин аблахнинг ўзи уни гўёки авф этиб, озод қилиб юборади. Шу тариқа уларнинг ажралиши қонуний бўлади. Эр — оппоқ, хотин — қоп-қора.

— Тавба.

— Назаримда, хотинга айтган у: «Бола кўрмаганимизни овоза қилиб юрма» деган.

— А-аа.

## 24

У, пешонаси хунук тиришиб, аммо яйраб кулди.

— Каминаю камтарин ҳам жанобларининг нозик жойига теккан эканман. Бунинг устига хотинини эслатдим... Жа бўлганича бўлди. Вей, биласизми, мана шунақа бефарзанд эркаклар, айниқса, ўз хотинларига ишонмас экан. Эта правда!.. Да-да... — Бу гапни жиддий айтди-ю, кейин яна юмшади. Ва мени худди сирдош бир дугонаси каби билгандек (энди) шивирлаб давом этди: — «Келишайлик, — деди манга. — Характеримиз тўғри келмади, вассалом». Ман рози эдим, ўлий агар. Унинг пешонасидан ўпиб олишимга сал қолувди. Аммо миям ишлаб кетди шу пайт. Ҳа. «Уйимизга борганда шу гапни этсам, улар ишонишадими?» дедим. Кейин яна айтдим: «Сиз айтган сабабни айтсам, синглим ҳам мани ёмон қабул қилади. Тушунвоссизми?.. Узийиз биласиз, додамнинг қазосидан кейин ҳовлимиззи тортиб олишди. Синглимлар зўрға уч хонали квартирада туришади. Хуш, бу ёғига нима дейсиз?»

— Нима деди?

Гулсара бошини чайқаб, ўз-ўзидан завқланиб кулди.

— Вей, маккорлик ҳар қандай одамнинг қўлидан келаркан. Ман ўзимми... Нет! Ким билади дейсиз, уни туширмоқчи бўлдимми ёки енгганимми?..

— Лекин шартингизда логика бор, — дедим мен. — Акс ҳолда бир неча йил бирга яшагандан кейин топилган мол-мулкнинг... ҳим, барибир фарзандларинг бор экан.

— Азизим, ман унинг давлатига тупураман! — деди Гулсара бирдан. — Ман ҳозир камбағалман... Жуда! Ҳим, қанақа қилиб кун кечираётганимми ёлғиз ўзим биламан, Аллоҳ биллади. Тавба қилдим. Аллақачон дўзахда жойим тайёр бўлган. — У гангиб, шампандан тагин ҳўплади.

Мен ҳам ичиб, сўрадим.

— Кейин?

— Мана шу, — қўли билан орқа томонни кўрсатди, — уч хонали квартирасини берди. Уйнашлари билан майишат қиларкан... Ну, я так думаю.

— Ҳмм, шундай қилиб...

— Кўзичоқни еди ўрмонда, — деб қаҳ-қаҳа отди. Тавба, унинг овозида ҳам кўп ичувчи аёлларга хос хириллаш бор экан — шунда сездим.

У эса қаттиқ кулганидан андак хижолат бўлиб, бирдан соатига қаради-ю, қошлари чимирилиб кетди.

— Сизни ушлаб қолдим, — дедим.

У мен илгари сира сезмаган бетакаллуф оҳангда:

— Ҳа, — деди. — Бироз кечикдим... — Кейин гижимланган гулни олди-ю, яна кулди. — Ўзим ҳам шу гулга ўхшаб қолганман... Ҳўп денг, азизим.

— Йўқ, — дедим. — Кечирасиз, Таваккал ака билан учрашиб қолсам ёки кўнғироқ қилса, нима дейин?

Гулсара худди тўкилиб кетгандай мунғайиб қолди. Кейин бошини аста қимирлатди.

— Билмийман, йўқ. — Кейин ғамгин кулумсиради, — шу пайт — ҳозир бўлгандамиди... — Сунгра совуққон бир тарзда кўшимча қилди: — У мани унутди ҳисоб... Да-да, утиришимиззи, «Тановар»ни унутмийди албатта. Тиблисни ҳам... Аммо у аёلسиз турадиган, яшайдиган йигит эмас.

— Энди...

— Хайр, азизим.

— Ҳўп.

У чиннигулни яна бир-икки бор ҳидлади-да, устун томонга отиб юборди.

Кейин кетма-кет майдонга чикдик. У метро томонга, мен радио кўмитаси томонга кетдим.

Очиғи, менинг кайфиятим яхшимас эди. Кўнглимда аллақандай — айтиб бўлмайдиган гумонлар.

## 25

Кўнгил сезади, деганлари рост экан. (Мен «экан-пекан» каби кашфдан дарак берувчи сўзларни анча қўлладим. Аммо уларнинг — «эди» эканига кўп марта амин бўлганман).

Ўша қалдирғочларнинг, тўғрироғи, макиён қушчанинг «рашки» — эрини — «нималар»дандир қизғаниши оқибатида олган сабоғим туфайли хотинимнинг айрим ҳолларда тагдор гаплар қилиб қолишини — табиий деб ҳисоблаганим учун уйга ҳам тез-тез тушиб чиқадиган бўлиб қолган эдим.

Қиш. Тошкент қишининг аччиқ совуқлардан кейин келгувчи илмилик кунларидан бири эди. Баҳор нафаси эсар, истироҳат боғимиздаги бир неча туп бодом дафъатан гулга кирган, табиийки, уларнинг вақтли гуллаши бизни ачинтирар, айни чоғда кўзларни қувонтирар эди.

Ресторан жойлашган тепалик бағридаги бир неча туп



дўланасимон дарахтлар ҳам оппоқ бўлиб гуллаб қолганини кўрдим-у, кайфиятим яна-да кўтарилиб кетди. Кечаси — соат тўққизлар эди, чамамда. Мен метро бекатидан чиқиб, курант томонга бораётувдим, у ердан автобусга чиқиб, Юнусободга кетмоқчиман.

Уша даҳада қурилган ёзувчилар уйидан менга ҳам беришган, бола-чақам ўша ерда туришади.

Хуллас, метродан чиқиб, кулмак сувлар ялтираб турган кенггина хиёбондан тез-тез юриб борарканман, анави меҳмон дарахтларнинг гулларига кўзим тушиб, ҳалигидай қувонар эдим. Ва ихтиёримдан ташқари ҳолда — чап тарафимда қолиб кетаётган рестораннинг буғиқ сасларини ҳам эшитиб, савқи табиий бир тарзда — ароқ, сигарет ва яна қандайдир ҳидларга тўла, нимаси биландир жодугарнинг кулбасидек ўзига тортадиган ўша жой билан боғлиқ хотиралар миянинг аллақеридан зув-зув ўтишар, улар орасида, аёнки, Таваккал билан Гулсара хоним дастурхонида ўтирганим ва улар ила боғлиқ хотиралар-да гира-шира юз кўрсатиб утарди.

Ёзувчиликнинг бир ёмон жиҳати шундаки, ҳар дам, ҳар сония миянгу қалбингни банд этган асарни ёзиб тугатгач, сал вақт ўтмай уни изсиз унутасан: бошқа — янги воқеалар сени банд этиб, ҳушингни олади.

Шундоқки, Гулсара билан сўнги учрашувимиздан кейин у билан Таваккал аканинг муносабатларига нуқта қўйилгандек бўп қолган эди: илло мен уларнинг на бирини кўрган, на бири билан телефонда гаплашган эдим.

Юртга бориш эса мушкул бўлиб кетган, борар бўлсам ҳам Қаршига тушишнинг иложи (маънисиям) йўқ эди.

Қисқаси, уларнинг алоқаларию ўзимнинг иштироким қачондир ёзилган асардек бўлиб қолган эди.

Тўғри, баъзи-баъзида бирон сабаб билан эслаб қолсам, барча воқеа ва учрашувлар лоп этиб кўз олдимга келар, худдики ўша воқеалар ҳозир давом этаётган каби туюлар эди.

Изоҳларни тўхтатдим.

...Уша хиёбон бирон эллик қадамлардан кейин чапга бурилиб, ресторан устидаги баҳайбат меҳмонхонага олиб чиқадиган зиналар пастидан ўтади. Ўнг томон — енгил мошиналар бекати, у ерда кўпинча хорижий тамғали автолар кўп, уларнинг бирлари — ажнабий меҳмонларга қарашли бўлса, бирлари — ўзимиздан чиққан ёш пулдорларга тегишли.

Ана ўша зинапоялару бекат орасидан ўтаётгандим, зинапоя четида кўр тўкиб туришган қизлар кулгиси эшитилди. Мен жилла эътибор бермадим. Чунки бу қизларнинг аксари — енгилёёқ, очиғи, фоҳишалар эканини Ҳусанбой айтмасидан бурун ҳам билардим. Бироқ шунда биров йўталиб қолди-ку!

Ялт этиб қарадим: йўтал менга ғоят таниш эди. Қарасам, «соявон»ли шапка деймизми, шляпа деймизми, ишқилиб, урфга кира бошлаган антиқа бош кийимли, эғнида ялтироқ

чарм плаши бор бир жувон четга бурилиб-энгашиб йўталапти. Тумшуғи узун бир жувон унинг тирсагидан тутиб турипти.

— Гул, Гулсаға, — дегани қулогимга кирди-ю, қотиб қолдим. Кўриниб турибдики, йутал тутгани — Гулсара, ёнидагиси (талаффузидан маълум) — унинг дугонаси эди. Менинг тухтаб-қараб турганимни кўрган дугона Гулсарага нимадир деб шивирлади. У бошини кескин кўтариб, менга қаради-ю, тикилиб қолди.

Онт ичаман-а: кўзларимиз бир-бирига тўқнашди. Аммо мен қотиб турардим. У эса ўрмон кийигидек мағрур боқаркан, бирдан меҳмонхона томонга бурилди.

Мен аста жилдим. Гулсара эса ўртоғи билан қўлтиқлашганча зинадан кўтарилиб кетди.

Менинг гумонларим ҳақ экан. Аммо эндиам уни тилда очиқ айтолмайман.

## 26

Баҳор ҳам етиб келди. Аммо қалдирғочлар келишига ҳали вақт бор (20 мартдан кейин келишади), шунга қарамай деразани кўпда бекитмайман. Гулга кириб қолган олмазор боғдан қочоқ булбулларнинг сайраши тонгги соат тўртда бошланиши билан уззу кун тинмайди. Тез-тез ёмғир ёғади, баъзан тунлари яхшигина совуқ бўлади. Кўпинча кўкда булутлар сузиб юришса-да, қуёш кўриниб туради: иши столда батадиганларнинг айна мавсуми.

Кечаси соат бирмиди-иккимиди эшигим тақиллаб қолди. Навбатчи йигит экан.

— Телефонга сўрашяпти. Қаршидан, — деди.

Шошилиб қўйи қаватга тушдим.

— Қувватжо-он?

— Мен. Бормисиз, Таваккал ака?

— Э, «ака» бўлмай кетай мен, — деди у. Кайфи йўқ эди. — Охири иш олиб кетади бизни... Оёқ синган эди. Мармар қаттиқ бўлади, деб жиягидан бораётсам, кучиб кетди.

— Шунинг учун қўнғироқ ҳам қилолмадингизми? — дедим гина қилиб. — Лекин Тошкентга келиб кетишга ярапти шу оёғингиз... Ҳусанбойдан эшитдим. Оқсаб келиб, оқсаб кетдилар, деди... Бунгаям икки ойдан ошди.

— Қувватжон, ишга берилиб кетиб, вақтида боролмаб эдим дўхтирга. Синган жойни улаган симлари суякка кўшилиб кетган экан. Аперация қилишди...

— Ҳа, омон бўлинг, ака.

— Хайрият, оқсамаяпман... Қайнардаги санаторийда ётиб эдим. Аммо икки-уч марта телефон қилдим. Сизни — «уйига кетишган» дейишди. Яхши бўпти-да: уй, болалар — биринчи ўринда туради... Ҳўш, хоним тирикми? — жиддий гапдан кейин бу саволга шундай тез ўтдики, асли сўрамоқчи бўлгани шу эканига шубҳа йўқ эди.

— Айна чоғда унинг «тирикми?» деган саволини кўпол

ёки нописандлик белгиси, деб ҳам бўлмасди: жанубнинг гапириши каминага маълум: кўпинча энг яхши фикрларни ёмон либосга солиб ҳам айтишади. Масалан, Навоий ҳазратлари ҳам ишлатган «ёмоним» — уёқларда ҳамон амалдаки, «ёмонам яхши экан», деган калима ҳам бор.

Бироқ мен уларнинг муносабатларига нуқта қўйганим учунми, Таваккал акадан гинам борлигиданми:

— Тирик бўлсалар керак, — дедим.

— Э, наҳотки кўрмадингиз? Бир шаҳарда яшаб... Да-да, тушунаман, — деди кейин. — Лекин мен бир борганимда унинг адресини топаман, деб кўп уриндим, ука. Ишлаб кетган жойидагиларни террор қилишимга оз қолди.

— Таваккал ака, сиз уни кўришни истайсиз-а?

— Э, «ми»сини опташланг! Ахир, мен... нима десам экан, қўйинг, у ёғини айтмайин...

— Бўлмасам, Тошкентга келганингизда ўша ресторанга киринг-у, завзал йигит Хусандан суранг. У айтиб беради унинг...

— Нима-нима? Ресторанга ишга кирганми?

Мен андак мулоҳаза қилиб:

— Шунга ўхшайди, — дедим.

Дедим-у, кўнглим ғалати бўлиб кетди: шундай қиз, шунчалик қобилияти бор жувон, шундай покиза, бриллиант узук... Уф! У буюк фожиага йўлиққан эдики, бунга Таваккал ака билан муносабатларнинг ҳам таъсири йўқ, деб бўлмасди: ўйлаб кўринг ахир, Таваккалдан совуши (агар совуган бўлса!) менга ҳам тескари қарашига, табиий, бошқа кўп жиҳатлардан ҳам юз ўгиришига туртки бўлмаганми? Туртки бўлгани аниқ.

— Қувватжон?

— Қулоғим сизда.

— Мен эртага етиб бораман!

— Марҳамат.

— Соғлиқ жойидами ўзи?

— Худога шукр.

— Ҳа, бўлмасам, кўришгунча. Гулсарани топсам... топаман албатта, дачага обораман.

— Бемалол.

Уни ичимда сўкиб, дастакни жойига қўйдим. Хонага кўтарилдим. Ишим юришмай қолди: билсам, улар учрашувининг нима билан тугагини ҳозироқ кутаётган эканман.

## 27

Эртаси куни қаттиқ ёмғир ёғди. «Самалёт учармикан? Учар-ов...» деб, ёғиннинг тинишини илтижо қилиб юрдим. Тасаввур этинг, кундузи ҳам ишим силжимади.

Аммо уларнинг ёнма-ён кириб келишларини энди тасаввур этолмасдим: ахир, Таваккал аканинг «гап кўтармас» йигитлигини яхши биламан...

Гулсарага келсак, у Таваккалга мухтож...

Кеч тушди. Тун яримдан ошганда, диванга чўзилиб ётдим. Аммо қулоқларим ташқарида...

Иморатнинг қўш табақали ойнабанд эшигининг гурсиллаб урилаётганидан уйғониб кетдим. Деразага қарасам, тонг ёришапти: булбуллар сайрай бошлаган.

«Ошпазлар келишди, — деб уйладим. Кейин соатга қарадим, энди тўртдан ошаётир. — Улар бешдан кейин келишадими-ку? Ким бўлди бу — шундай пайтда нозик одамлар ҳам ётадиган корпуснинг эшигини бор кучи билан гурсиллатиб ураётган?»!

Шу пайт эшик қарс-қурс этиб очилди. Келган киши новбатчи қоровул билан гаплашди. Кейин, бир-икки сония ўтмасидан учинчи қаватга олиб чиқадиган пиллапояннинг шахдам қадамлардан гуп-гуп этаётгани эшитила бошлади ва мен бемаҳалда келган бетакаллуф меҳмоннинг — Таваккал эканига мутлақ ишондим. Ишондим-у, унинг бунчалик кеч келишини — «бирон хусусий кафедра ичиб ўтирган-да», деб таъбирлаган бўлсам, унинг ёлғизлигини ҳам шу йўсинда тушунган бўлдим.

Алқисса, «Улар уришган, Таваккал қандайдир ноҳўя ишлар ҳам қилган. Кейин аламидан маст бўлган, кейин эсига мен тушиб, бу ёққа жўнаган», деган фикрга келдим.

Мен хонам эшигини қулфламайман, шундоқ бўлса-да, йўқловчи киши эшикни тақиллатади.

... Қишлоқи ака эшикни тарақлатиб очиб кирди. Мен ўрнимдан туриб кетгандим. Шифтдаги қандил ҳам, стол лампа-чироғи ҳам ёниқ: ерга игна тушса, қуринарди.

Таваккални, айтиш мумкинки, таниб булмас эди: лаблари ёрилган, лабининг четларида қон юқи бор, яп-янги чарм куртка остидаги тивит жемперининг ёқаси ланг очиқ — битаям тугмаси йўқ, юзида ўзидан ўзи қулаётган кишига хос шикаста-аламзада табассум жавдираб турар эди.

— У-ў, Қувватим! — деб хитоб қилди: сездимки, тилиниям тишлаб олган. — Акангизни табрикланг!

— Келинг, Таваккал ака, — дедим ва не бир хуш истак ила сўрадим: — Нима билан табриклай?

— О-озодлик билан! — деди у. Кейин, лойга беланган туфлисини бир-бирига ишқаб ечиб ташлади-да, хонага кирибоқ мени маҳкам қучиб олди. — Азизим, укам, юртдошим... Акангиз расво бўлди. Ҳаммаси тугади, ука.

— Таваккал ака, ўтирайлик, — дедим. Унинг кайфи бор-у, кишини «қочирадиган» даражадамас эди.

Бунинг устига, бутун бир вилоят йигитларига сўз бермай юрган валлакатнинг бу турқи-тароватию сўзлари мени ларзага солиб юбордики, сабабини тезроқ билгим келарди.

— Раҳмат. Утирамыз, — деб мени дарҳол қўйворди-да, диванга гурс этиб ўтирди. — Кечирасиз...

— Шундай гаплар бўлмасин, — дедим узр сўрамоқчилигини англаб. — Ростини, мен сизни кутаётган эдим.

— Мени? Битта ўзимни? — У тилла тишларини курсатиб илжайди-да, кейин қаҳ-қаҳ отиб кулди. — Қойилман... Унга— Гулсарага қойилман. Мени яна енгди... Бу сафар маъракадан чиқариб юборди. Кураш тушмайдиган қилиб юборди.

— Бир минут сабр қиласиз, — деб, чойнакни олиб, ваннахонага чиқдим. Идишни чайиб, совуқ сувга тўлдириб кирдим. Чой қайнатгични солиб, у ёғини тоққа уладим. — Ана энди гаплашамиз... — Унга тикилдим-у, афтидаги узгаришлар ҳақида савол бермай туришни маъқул кўрдим: барибир ўзи айтади. — Хуш, бир бошдан эшитамиз-да? Ресторанда-мидингиз?

У яна қаҳ-қаҳ отди. Сўнг:

— Милисадан келаяпман, — деди бошини кутармасдан. — Айб ўзимда...

— Нима қилиб қўйдингиз?

У шифтга қараб, оёқларини чалиштириб олди.

— Самалётдан — охирги рейсдан тушиб, тўғри ресторанга бордим. Хусан бугун ишламас экан. Яъни, кеча, ҳа, кеча... Унинг адресини олиб, уйига бордим. Яхши йигит, дилбар инсон... Менга очигини айтмади-ю, гапни айлантирди: «Севасизми? Уйланасизми?» Яна кўп гаплар... — Таваккал кузларини йириб очиб, менга тикилди. — «Ҳа, дедим. — Уйланаман, дўстим. Гап тамом... Мен уни деб... У менинг мана бу еримдан жуда-а чуқур жой олиб қолган. Мен унга... мен уни оддий маржа... Кечирасиз! Хуллас, Гулсарани узоқдан кўрсатишга ваъда берди. Жонимни ҳовучлаб йўлга тушдим. Йўлга тушдик... «Нима гап ўзи? Нима бўлган?» дейман. Гапирмайди. Хўп, ресторанга етиб бордик. — У билагидаги олтин соатига қараб олди. — Хайрият, шуни олишмади миллисалар... Борганимизда, соат ўн яримлар бор эди. Мен у ресторанда минг марта бўлганман.

— Биламан.

— Э-э, суперлюксларида ётганман, жононлар билан... Уша жал... бларнинг айланиб турадиган жойларини ҳам биламан. Уч-тўрттасининг телефон номериям бор эди. Бир йил бурунги гаплар бу... Хуллас, Хусан журангиз мени ресторанинг ичидан утказиб, завзал утирадиган столга олиб борди-да, аписанкалар билан гаплашди. Кейин йўлакка чиқди. Лифтга бордик. Шу ерда Хусан қолди. Мен уни тушундим. Узиям айтди: улар ресторандаги интим сирларни ҳеч қачон ҳеч кимга айтишмайди.

— Мен ҳам шу гапни эшитганман, — дедим. — Лекин Хусан барибир одамгарчилик қипти.

— У-у, албатта!

— Кейин?

— Олтинчи қаватга чиқсам, дежурни ўтирипти. Бошқа зот йўқ. Бир амаллаб Гулсарани излаётганимни айтдим. «Мая родственница», дедим. Охири, ғаладонини шартта тортдим-да, икки юз сўм ташладим. «Сестричка, скажи...»

Менинг назаримда, Таваккал ака Гулсаранинг «аҳволи»-ни эшитиши замон изига қайтиши, яъни Ҳусаннинг тўмтоқ гаплариданоқ воқеани англаб, унга қўл силташи лозим эди.

Шунинг учунми:

— Ҳўш, уни топиб нима қилмоқчийдингиз? — деб гапини бўлдим.

Таваккал бир муддат анграйиб қолди.

— Худо урсин, билмайман, — деди кейин. Кейин эса, пешонасига қарс этказиб урди.

— Кейин нима бўлди?

— Кейин, — у энди қонталашган кўзларини палосдан узмай гапира бошлади: — Кейин ўша аписанка... э, дежурни улар ўтиришган хонани кўрсатди-да, туя кўрдингми — йўқ, дегандай қилди. «Гап битта!» деб, бордим... — У утирган ерида бахшига ўхшаб бир-икки чайқалди. — Вой-вой, боряпман-у, бутун борлигим титрайди. Ҳеч, ҳеч қачон бундай бўлмаган...

— Демак, у билан ўтирган кишини урмоқчисиз?

— Ким билади! — деб дўқ қилгандай бўлди. — Ўзим ўзимни тушунмай қолдим... Йўқ, унинг кавалерини уриш ниятим йўқ эди. Узи рози бўптими — тамом. Аммо, қизиқ, ўзини кўрмоқчиман-да! Ҳа-ҳа... Бир кўрсам дейман...

— Қизиқ.

— Шундай қилиб, эшикни шартта очдим! — У хўрсиниб, тими́рскиланиб, ниманидир излади. Мен «Родо́пи» пачкасини узатдим. Мамнун бўлиб, бирини тутатди. Бир-икки дуд олгач, анча ҳовридан тушиб, давом этди — Эшикдан... дежурниларга ишонганлари учунми, эшикни ичкаридан қулфлашмаган экан. Мен, мен... ҳалигидай манзарани кўраман, деб ўйлаб эдим, шекилли. Йўқ, иккови столчанинг икки ёғида утиришган экан, энди коньякли румкани кўтариб туришган экан. Мени кўриб қараб қолишди.

Таваккал ҳикоя қиларкан, мени ҳаяжон тутган, ишонини-гинизни сўрайманки, ёзувчи бўлиб бундай нозик, ҳатто хавфли манзарани тасвирламаган эдим.

— Кейин? — дедим.

— Биласиз, бир жонон билан кетаётганингизда, бошқа бир жонон рўпарангиздан чиқиб қолса, у албатта сизга қарайди. Тўғрими?.. Бунинг акси бўлди: мен йигитга қарадим. Бир нозик, галстук таққан, сочларини ўхшатиб тараган, умуман, интилигент йигит эди. Биласизми, мундайларга қўл кўтаргинг ҳам келмайди. Лекин, умуман, биров билан жанжал қилиш ниятим йўқ эди... Қолаверса, Гулсаранинг бу кучага кирганини Ҳусан билан гурунғданоқ пайқаб эдим. Ҳа... Лекин шундай қизнинг, шундай мағрур, ҳатто мени назарига илмаган жувоннинг...

— Мен тушунаман, — дедим.

— Йўқ, сиз ҳам тушунмайсиз, — деди Таваккал. Кейин ўйлаиб сўради: — Қанақасига тушунайсиз?

— Ҳарқалай, утмишини айтиб берган... Сизга-чи? Гаграда бўлдинглар...

— Э-э, утмишини сўраш... Утмиши менга бир капейка эди. Ўзи ёқиб қолганди, холос...

— Аттанг.

— Арогингиз йўқми?

— Қатдадир бўлса керак... Шишанинг тагида... Ҳа, анави «Морозка»нинг ичида. Ҳозир... Мана. Мана, печенье ҳам бор экан. Олинг. Омон бўлинг.

— Раҳмат, ука. Ўзим опкелмоқчи эдим. Милисалар бор пулимни қоқиб олишди. Таксига зурга етди... Ничаво, эртага топамиз... Э, тонг отиб кетипти!

— Ҳа.

— Ҳим... Шундай қилиб, эркакдан кейин Гулсарага қарадим. Қарадим-у, йиқилиб тушишимга оз қолди. Бошим айланади денг... Мен уни яхши кўрарканман, ука... Йўқ, яхши кўриб қолган экан. Кейинчалик...

— Тўғри айтасиз. Уям сизни кейинчалик яхши кўриб қолгандек эди.

— Рости билан-а?

— Ҳа, узи айтувди.

— Воҳ, воҳ!.. Нега бўлмасам... Ҳим, — у бош ирғаб кўйди. — Ҳа-ҳа, охиригача Гулсара бўлиб қолди у... Лекин битта гапи ўлгунимча ёдимдан чиқмайди! Айтдики...

Мен буларнинг икковлоннинг тақдирига яна қизиқиб қолгандим, зероки, булар муносабатларига сўнгга нуқта энди қўйилаётгани боисиданми, Таваккал аканинг Гулсара билан ўша қалтис-нозик дамдаги гап-сузларини билиб олиш мақсадида яна унинг гапини бўлдим:

— Кечирасиз, Таваккал ака, эшикдан кирдингиз, хўш, кейин Гулсарага кўзингиз тушди-ю...

— Ҳа-ҳа! — деб бақириб юборди. — Вой Қувватжон, қизиқ-а? Улай агар... Биров шундай бўлдим деса, сира ишонмасдим. Чунки, биласизми, ука, мен «муҳаббат, севги» деганларига, — у ўқловдек-ўқловдек панжаларини ёзиб кўрсатди, — мана шуларнинг орасидан қарардим. Китобларга ям ишонмасдим. Тўғриси-да... Кечирасиз, сизга тегиб кетмасин. Сиз ишқ-муҳаббат ҳақида...

— Деярли ёзмаганман, — дедим. — Мен билганларимни ёзганман, холос.

— Балли.

— У-чи, у қандай ҳолатга тушди? Сездингизми сал-пал?

— Ҳа, вабше, каллам жойида эди, куриб турибман уни... У, назаримда, менга тикилиб қолди. Кейин сал-пал кулумсирагандай бўлди-ю: «Сизга ким керак?» деб сўради.

— Шундай деди?

— Ҳа. Мени, умуман, танимайдиган кишидек сўради... Во-ой, уйинни билади десам, актёр экан!

— Балки бу актёрлик эмасдир, — дедим менга ҳам тескари қарагани эсимга тушиб.

— Ахир... — Таваккал яна бошини эгиб қолди-да, бутун танаси билан иргалди. — Сиз ҳақсиз, ука. Мен унга бегона эдим энди. Қойил.

— Сўнгра сиз нима дедингиз?

У яна қоматини ростлаб ўтирди.

— Нима дер эдим. «Сизга бир оғиз гапим бор эди», дедим. Ҳатто йигитига қараб, узр сўрадим. Йўқ, рухсат сўрадим. У бечора елкасини қисди.

— Кейин?

— Кейин Гулсара: «Мен сизни танимамайман», деди... Қувватжон, уша пайтда орқага қайтишим керак экан. Аблахманда, иним! Аблахман... Балки шу тариқа ундан айрилишни истамагандирман? Шу-шу Уни қолдириб, орқага бурилсам, нима бўларди?... Нима қилардим? Узингиз айтинг...

— Хўш, кейин?

— Кейин, — У сийрак, жингалак сочли бошини кафтлари орасига олиб, яна бахшинамо чайқалди. — «Кел бу ёққа, мен сени опкетиш учун келдим», депман... — У бошини яна илкис кўтарди. — Шундай дедим. Шу гапим рост эди! Тепамда Оллоҳ бор, гапим рост эди... Ўзим ҳам уни бу ердан олиб кетиш учун келганимни ўша пайтда билдим...

Мен иттифоқо кўнглимда бир мамнунликни туйдим. Хорижий адабиётнинг айрим машҳур асарларида, масалан, фоҳишага ёки лўлига уйланган «шаҳзодалар» тасвири бор.

Таваккал «китобларгаям ишонмайман» дегани каби мен ҳам ўша қаҳрамонлар ҳаракатига ишонмас эдим-у, инкор ҳам этмас эдим.

Рўпарамда ўтирган бир чапани ўзбек йигитининг фоҳишалик кўчасига кирган бир қизга бўлган муносабатини деймизми, севгисиними, хуллас, биз — хом сут эмган ёзувчилар ҳам инсон руҳидаги бу сингари узгаришларни англашга ожизлик қиламиз, албатта.

Алҳол, мен Таваккалнинг сўнги гапини эшитиб, қалбимда ажиб бир мамнуниятни туйдим. Туйдим-у, Гулсаранинг нима деб жавоб бергани мени оҳанрабодек тортиб:

— У, у нима деб жавоб қилди сизга? — дедим.

Ажабо, Таваккалнинг ҳам чеҳрасига бир майин табассум ёйилган эдики, қандайдир ҳасратли йигининг сиртқи ифодасига ўхшарди.

— «Энди кечикдингиз», деди. Ҳа, ҳалигина «сизни танимамайман», деб турган хоним энди шу гапни айтди... Анави кавалерига таъсир қилишиниям уйламади.

— Яхши.

— Сираям кеч эмас, Гулсара, — дедим мен. Кейин мен ҳам очигига ўтганимни билмай қолдим: ахир, сир очилган эди. — Мен сизни яхши кўраман, — дедим. — Аллақачон яхши кўриб қолган эканман-у, билмай юрган эканман, — дедим. — Ишонинг, Гул... Мен, мен ҳам кўп аёллар билан юрганман. Хўп, сиз ҳам... Нима бупти? Гап бунда эмас-ку?»



— Хўш? У...

— Ярамас йиглаб юборди-де... Вей, ичкарига қандай отилиб кирганим эсимда йўқ.

29

Таваккал ўрнидан ирғиб туриб, айвонга очиладиган эшик олдига борди. Сўнг эшикни ланг очиб, негадир курткасини ечди-да, диванга отди.

— Ҳе, бу дунёнинг онасини... Пуф-ф. — Сўнг менга кескин қайрилди. — Қаранг, ука, гап нимадаю мен нимани сўкаяман... Аҳмоқлик шу-да.

— Сиз хонага отилиб кирдингиз.

У бош ирғаб, яна диванга чўкди. Ва қолган гапларни, яъни, воқеани қандайдир ҳиссиз бир оҳангда тезгина айтиб ташлади:

— Унинг билагидан ушлаб тортдим. Йигит бир нима деб эди, унга мана бу кўлимни чўздим. «Оғзингни юм» дедим шекилли. Гулсара додлаб юборди. Қаранг. Мен тик туриб қолдим... Шунда иккита милиса пайдо бўлди. Ўзимча ўйлайманки, ҳалиги дежурни хотин чақирган. У билан гаплашганда, важоҳатим ёмон эди, шекилли. Ким билади, узидан қурққанми...

— Шу гапингиз тўғри, — дедим. — Сизни опкетишдими, Таваккал ака?

— Ҳа, албатта... Анави сўтак ҳам бир нима деди милисаларга. Лекин, — Таваккал менга яна хўрсиниш ифодаси каби бир нигоҳ билан боқди, — Гулсаранинг гапи гап эди. «Бу одам номерга бостириб кирди. Биз танимаймиз. Афтига қаранглар, гирт маст», деди. — Таваккал қаҳ-қаҳ отиб қуливорди. — Ичмаган эдим. Бир грамм ҳам... Гулсарага қараб кулдим... У креслога ўтириб, яна йиглай бошлади. Биласизми, унинг бу галги йигисиям бошқача эди... Энди охириги гапини эшитинг. Милисаларнинг олдида «Бу одамни биз танимаймиз» деб турган жувон йиглаб туриб: «Мани эсдан чиқаринг, Таваккал ака. Бўлар иш бўлди. Сиззи кўчайизга бегонаман. Манинг йўлим бўлак энди. Тамом», деди.

— Сиз лол-ҳайрон...

— Ҳа, милисалар мени итариб-итариб чиқаришди. Кари-дорга чиққанда, биттасининг қулоқ-чеккасига қўйиб юборибман... Бандитлик-да. Лекин мени милиса зоти туртмаган эди, қамоқда ётганимдаям... Ҳа-е...

— Кейин?

— Нима бўларди. Шуниси шайтонлаб қолди, униси чопиб бориб, дежурнининг телефонида званит қилди... Менга ҳамма нарса барибир эди. Ҳей, ундай жойдаги креслога бориб ўтирдим. Беш-олтитаси келиб эди, мен айтдим: «Тегманглар, қўл тегизсанглар, чатоқ бўлади. Хоҳлаган жойларингга ўзим бораман», дедим. Улар ҳам қандайдир ишонишди. Энди, ишонмасаям бир-иккитасининг жағ-пағи синар эди.

— Кейин милисахонада уришди?

Таваккал бош ирғади.

— Ҳа.

— Кейин?

— Экспертиза қилишди. Тарсаки емаган милиса — одам экан. Гулсаранинг охирги гапларини айтиб эди, тушунишди... Каттаси тушунди. Лекин формадаги милисани урганим учун товон тўладим ҳисоб. Бор пулимни бериб қутилдим...

— Пулсиз чиққан бўлсангиз, нимага ичдингиз?

— Ҳа-я. — Таваккал ҳорғин кулиб, тикилиб утирди. — Ҳусанбой йигит экан. Отделениядан чиқсам, кутиб турипти мени. Кучоқлашиб кетдик.

— Кейин кафега бординглар?

— Ҳа, уйига яқин жойда битта хусусий ошхона бор экан. Мени меҳмон қилди. Уни қадрланг, Қувватжон... Ҳуш, бор гап мана шулар, ука.

У яна ирғиб ўрнидан турди-да, куртқасини эгнига ташлаб, айвонга чиқди.

Мен ҳам чопонимни елкамга илиб, унинг ёнига борсам, шундоқ рўпарамизда ой, ҳа, ранги учган тўлин ой турибди.

— Кўряпсизми? — деди Таваккал. Мен уни боғни томоша қиляпти, деб ўйлаган эсам-да:

— Нимани? — дедим.

— Ойни-да, э, ёзувчи, — киноя қилди Таваккал. — Булут тўсди.

— Ҳа-ҳа. Ҳозир ўтиб кетади. Ой яна куринади... Каллангизга бирон гап келдими?

— Ўзимни шу қора булутга ўхшатдим. Ойни нима десам экан, келинг, муҳаббат деб атайлик... Ҳа-ҳа-ҳа! — Кейин ғамгин тортиб қолди. — Шу. Утди-кетди. Билмай қолдим... Худди умрга ўхшайди-я муҳаббат ҳам. Утганини билмай қоласан... Бўпти, энди менга жавоб берасиз, ука. Шаҳарга тушиб, танишлардан уч-тўрт сўм қарз олайин. Кейин тўғри Қаршига!

Мен қаттиқ ҳаяжонга тушиб қолгандим: ахир, ушбу воқеага — Таваккал аканинг Гулсара билан муносабатига, борингки, борингки, қисматларига беихтиёр сўнги нуқта қўйилган, бунда, айниқса, узининг «моҳияти» очилиб кетган эди.

Шуни идрок этдим-у, ишонинг, шунақаям майин тортиб, мамнуниятга тўлдимки, ундан кейинги гап-сўзлар қулоғимга кирмай қўйди.

Лекин Таваккал аканинг сўзларини эшитардим, муносабат ҳам билдирардим.

— ...Намгарчиликда оғрийди.

— Иссиқ тутиш керак.

— Ваннада иссиқ сув борми?

— Бироз оқизсангиз, келади.

— Қувватжон, вақтингиз бўлса, мен билан чиқмайсизми?

— Сизни кузатиб қўяман.

— Раҳмат.



*Гулбахра Нуф*

# ТИЛАРМАН ҲАР ҚАЛБГА БОКИРА ТЎЗИМ

\* \* \*

*Ерни кўриб бефайз, беҳусн,  
Баҳор кузларини ёшлайди.  
Дарахт, қиргоқ, адр... лар юзин  
Йиглаб-йиглаб ўпа бошлайди.*

*Нечоғ меҳр истарди тупроқ,  
Эриб, дилни эритади ёш.  
Ва дарахтлар ёзади япроқ,  
Ва майсалар кўтаради бош...*

\* \* \*

*Бирдан ҳаммаёқни тутиб унлари,  
Бирдан шаҳд келтириб кўрқоқ гашини,  
Нечоғ хуш кўраман баҳор кунлари  
Момақалди роқлар гумбурлашини.*

*Кейин, шаррос ёмғир... Томчилар яйраб,  
Ёпиқ деразам-ла «тук-тук»лашади.  
Кейин, илиқ қуёш... Нечоғ сахий қалб...  
Рух боғим янада кўм-кўклашади...*

\* \* \*

*О, қушларим, бунчалар сиз меҳрибон юрак,  
Пастлаб учиб, ёмғирлардан берасиз дарак?!  
О, дарахтлар, баргларингиз тукиб уч-учдан,  
Огоҳлайсиз қаҳратон қиш — қаҳрли кучдан...  
Юракларнинг меҳроби деб биларман сизни,  
О, одамлар, дарахт, қушча булолмайсизми?!*

\* \* \*

Чимён чўққилари турар оқариб,  
Савр кесолмабди қорларнинг кучин...  
Бир ҳафта кўрмовдим. Кетибди қариб  
Узум япроқлари ток оши учун.

Излайман. Шимолга солиб йўлларин,  
Турналар хайр-хуш айтиб бўлибди.  
Аслини соғиниб атргулларим,  
Наъматак ҳолига қайтиб бўлибди.

Хурлик довонлари мудом чорлару  
Яшагим келади енгиб пайдар-пай —  
Савр эритмоққа ожиз қорлару  
Аслига қайтолган атргуллардай...

\* \* \*

Қулоқ тутар асаларига,  
Туюларми «виз-виз»и «Ушшоқ»...  
Бугот тула камтарларига  
Ҳар кун тонгда сепеди ушоқ.

Томчилардан тинглайди садо:  
Ёмғир ўхшар ёмғирмас, ёшга...  
Хонқизини курса мабодо,  
Бахт рамзи деб қуяди бошга.

Ҳақиқ гилос узра ёприлар  
Дайди кушлар — гала, очофат.  
«Шуларнинг ҳам ризқи-ку», деяр,  
«Кишт»ламоққа тополмайди ҳад.

Эзгуликка қўйганча ихлос,  
У яшайди мўъжиза кутиб...  
... Хонқизисин улдирманг бехос,  
Каптарларин қўйманг хуркитиб...

\* \* \*

Саҳарлаб уйготар азон овози,  
Барқут сукунатда қанча тавозе.

Улаша бошлайди фаришталар ризқ,  
Қадамлари илдам, фурсатлари зиқ.

Ҳаммаёқ қоронги... Илоҳийми — нур,  
Ногоҳда жойнамоз узра тушалур?!

Бунда на расмият, на ҳавас, на ҳирс,  
Бунда илтижо-ю мулоқот ёлғиз.

Бу — шундай покланиш, шундай ҳаловат, —  
Дуохон Шарқ буйлаб янграр тиловат...

\* \* \*

Қучоқлар, ардоқлар,  
Упар тонгларим,  
Лолақизгалдоқлар —  
Болажонларим.

Улар — ҳаяжонли,  
Сурурли тақдир.  
Улар — менинг қонли  
Оҳимга таҳрир...

\* \* \*

Беандиша, беҳуда хаёл,  
Юрагингни янчиб уртади...  
Бош кутаргил...  
Фаришта аёл.  
Деразада тасбеҳ тортади.

Бош кутаргил...  
Шамалоқ гилос  
Шоша-пиша бўлибди қизил.  
Бош кутаргил...  
Наъматак қийгос...  
Барг остида дбвучча тизим...

Бош кутаргил...  
Тарқалсин дудлар.  
Улар умринг наҳангдай ютар...  
Бош кутаргил...  
Боққил...  
Булутлар  
Оппоқ туғин кутариб утар...

\* \* \*

«Баҳор дилгинамнинг дилдораси», деб,  
Севинган онимда қуйиб берди сел.  
«Сен умид уйининг вайронаси», деб,  
Чирқирашга тушди шунда мажруҳ дил.  
Шунда оҳларимдан ёш оқди чак-чак,  
Шунда чўкиб кетди самбитдай қаддим.  
Шеъргинам, қалбимни бир сендан булак  
Узгага тузукроқ англатормадим.

«Йулдошлар кулфатда бир бўлса», дедим,  
Сузларимда утинч, сузларимда ёш.  
Бетаъма, беозор қул чўзган эдим,  
Чўзиқ қўлларимга ташладилар тош.  
Шунда буронларга тўлди дил воҳам,  
О, булди ерпарчин эгилган қаддим.  
Шеъргинам, қалбимни, ҳатто сенга ҳам  
Англатормадим...

\* \* \*

Тақдирим битмишлар тор қули ила,  
Қалб кўзим очмишлар ор қули ила.

Тошлардан қурқардим. Тушамишлар пар  
Умрим йулларига ёр қули ила.

Таъзимлар қиламан бахтидан масрур,  
Бахтига доимо зор қули ила.

Бахтимни ногоҳда осмаса эди.  
Ғийбат, хусуматлар дор қули ила.

Ё Раб, асаббузар режаларин қиш  
Бажармоқда совуқ, қор қули ила.

\* \* \*

Бу баҳор баҳорга ўшамас сира:  
Ваъдалари бисёр, ёмғирлари йўқ.  
Шабадаси эмас сарин, бокира,  
Соялари эмас оромбахш, куюқ.

Иссиқ танангизни қилади лоҳас,  
Майга кучган каби июлнинг шаҳди.  
Туккан ғураларин дув тўкиб бехос,  
Қуриб қолмасайди умид дарахти...

\* \* \*

Сиз бу муҳит маҳсули эмас,  
Намойишга келгансиз гуё.  
Қилсин, дея, одамлар ҳавас,  
Муъжизасин курсатмиш дунё.

Сизга бўлган парилар доя,  
Энагангиз малаклар, балким.  
Меҳрингизга йўқдир ниҳоя,  
Сузларингиз шакарким, балким. —

Мен — девона тикиламан, лол,  
Мен — мастона эшитаман, жим, —  
Дилдошликка арзимамай, алҳол,  
Йулдошликнинг билмай иложин...

\* \* \*

Шаҳар узра ҳар кун кўланка,  
Ёмғиридан дарак йўқ бироқ.  
Лаби қақраб кирар ўланга,  
Намхушлиқдан бу кунлар йироқ.

Булут кезар паришон, дайди, —  
Дарё, уммон — ризқин йўқотган.

Йигламайди, йиглай олмайди,  
Дийдалари тош бўлиб қотган...

\* \* \*

Утиб бормоқдаман. Азиз дилдошга  
Ўзга юраклардан тоғлик тиларман.  
Йўламасин учун мушкуллар бошга,  
Ёруғ кунларига соғлик тиларман.

Тиларман ҳар қалбга бокира тўзим,  
Қадди тик, гурури биланддан-баланд.  
Йўқса, изтироблар юмдирмас кўзим,  
Йўқса, утолмасман кемтик дил билан...

\* \* \*

Фақат тушда жайрон кўрсанг майлига,  
Хилватларда ҳайрон юрсанг майлига,  
Аҳволингдан нодўст хурсанд майлига,  
Лекин ўзни ёлғонларга берма, дил!

Шохмассанки, буташлардан пастлашиб,  
Кетаверсанг ҳар иқлимга мослашиб,  
Юролмас бул алдов ила дўстлашиб,  
Чақноқ кузни армонларга берма, дил!

Сендайларга таъқибларнинг дасти бор,  
Чидаш бергил, назарларнинг пасти бор,  
Нолимагил, қенг осмоннинг ости бор,  
Эркин сўзни унвонларга берма, дил!

Юмилар чоғ очилмишдир кўзларинг,  
Қуръонингга суялгувчи кезларинг.  
Ҳосилини саралайди кузларинг,  
Олтин кузни бўронларга берма, дил!

Берар бўлсанг, юрагингни оққа бер,  
Эндигина таниганинг Ҳаққа бер,  
Едирар-у, ўзи емас халққа бер,  
Чақноқ кузни армонларга берма, дил!..

\* \* \*

Ташларканман кўксумга назар,  
Курмаслик-чун қон силқар изни.  
Сотқинликдан қиламан ҳазар,  
Хотирамдан ҳайдайман сизни.

Найрангидан отилар лаъва,  
Қувончимга маккор ғаним — сиз!  
Танимасдан қул чўзганим ва,  
Синамасдан ишонганим — сиз!

\*\*\*

Сочса қуёш майин зиёсин,  
Нафис еллар қанот ёйсалар,  
Узлари ҳам топмай қиёсин,  
Ҳаяжонга тулар майсалар.  
...Дустим, ҳаёт дилинг этса зиқ,  
Ҳаяжонли майсага қара:  
У — ҳаётдан мовий бир қушиқ,  
У — ҳаётдан гузал манзара —  
Овунтирмақ бўлгандай сени...



Сайёра Самандарова

## СОГИНЧНИНГ ВАТАНИ ЭРУР КЎЗЛАРИМ

\*\*\*

Юрагим осмонида купдир юлдузлар,  
Баъзилари ёруғ, баъзилари хира.  
Сизнинг яхши-ёмон сузларингиз улар,  
Ҳеч сүзингиз пойимда йиғламас сира.

Магар ҳеч гап айтмай қолсангиз бир кун,  
Бутун буйим билан ёшга ботаман.  
Бани юлдузларни сундирмоқ учун,  
Юрагим осмонига ўқлар отаман.

\*\*\*

Кимнидир кутяпман  
ва ё ненидир?!

---

Мен Сайёра шеър ёзишини билмасдим. Бу — йўлига айтилаётган гап эмас!

Таниқли адиб Эркин Самандар билан қадрдонлигимиз бор. Лекин Сайёранинг анча-мунча шеърлари босилгани, «Сизга айтолмаган сўзларим» деган бир китобчаси ҳам чиққанидан буткул беҳабар эканман.

Ижодкорнинг фарзанди доим ижодкор бўлавермайди. Баъзан ордан авлодлар утиши мумкин. Шу билан бирга, дунё адабиётида давомийликка мисол етарли. Ота-бола Дюмалар, Ҳамзат Цадаса ва Расул Ҳамзат, Расул Ризо ва Анор... Узимизда ҳам шоир Пўлкандан Саодатгача — адабий бир сулола! Икромжон — Икром Отамурод меҳр-эътибор билан таъкидлайди.

Буни бахт деб тушуниш керак.

Сайёра ўзига хос оҳанглар излаган. Ёзгани содда, самимий. Бир оз кулам етишмаётгандек ҳам туюлади.

Адабиётда овозингиз баралла янграшини тилайман!

Омон МУХТОР.



Гуё портлаб кетар  
бир кун жаҳоним.  
Ва ё қувончидан  
узилиб кетар,  
япроқ янглиғ  
титраб турган бу жоним.  
Балки ҳеч ким келмас,  
ҳеч нима содир бўлмайди балки?!

Барибир  
кимнидир  
кутяпман,  
кутяпман  
ненидир  
ва ёки...

\* \* \*

«Қизим, ҳар кимнинг уз дарахти бўлиши керак. Барисини севиш керак, аммо, биттасини ўзингни қилиб танлаб олиш керак. Уша дарахт билан мулоқотда бўлмоқ лозим. Чунки, дарахт, тирик жисм, катта кучга эга. Инсон ана шу кучдан баҳраманд бўлиши лозим. Бу эса табиат билан инсон ўртасидаги боғлиқликнинг яна бир гузал кўринишидир...

Мен мана бу дарахтни танлаганман...»

Отам билан Бузсув бўйидаги  
суҳбатдан.

Отам кўнгул бериб суюнган тоғлар,  
Мен учун табаррук ва муқаддасдир.  
У суйган, чайқалиб тургувчи боғлар,  
Омон бўлса, менга шу ўзи басдир.

Дарахт, сен ҳам энди ҳеч оддий эмас,  
Куч ато этувчи жоду, сеҳрсан.  
Қараган кўзларга фақат ороммас,  
Умид ушаттувчи буюк меҳрсан.

Яратган Эгамнинг ғазаби ҳақдир,  
Сени қайирганнинг бекилар йули.  
Дардинг оширганнинг топгани дарддир,  
Сени кесганларнинг кесилур қўли.

Ўтинч ила ҳар бир япроғинг силаб,  
Сеҳрингдан лол бўлиб, турибман карахт.  
Отам яшар экан сенга суюниб,  
Узоқ умр кўргин сен ҳам, жон дарахт!

\* \* \*

Ҳар тун мен эшитувчи дил сўзларингиз  
Эртанги кунимга умид уйғотар.

Кўз олдимда дарддан қулаб тушгۈвчи  
Бу паст дунёлардан қутқариб қолар.

Сўзласангиз... тилим айланмай қолар,  
Сўзларим беркинар, чекиб нолалар.  
Сўзласангиз... аста тирила бошлар  
Юрагимда сўлиб қолган лолалар...

\* \* \*

Замин ташвишидан безса гар қушлар,  
Бош олиб кетарлар осмон қаърига.  
Унинг ғамларидан эзилиб яна  
Бепарво қайтарлар ернинг бағрига.

Бизлар — ер фарзанди, шу ернинг барча  
Ташвиш, ғамларини тортмай, нетамиз?  
Бундан ўзга чора борми ўзи ҳеч —  
Биз, ахир, бош олиб қайга кетамиз?..

\* \* \*

Кўзларимни юмсам,  
тўкилар соғинч,  
Соғинчнинг Ватани эрур кўзларим.

«Дардқаш тун,  
дард тула кўзимни  
соғ, ич...» —  
Туннинг багрин уяр сўзларим.

Кўзларимдан тўколмайман  
юм-юм соғинчни —  
Сиз йўқсиз.

Йигласам, мен, фақат  
Сизга йиглайман,  
биноқ йиглашга ҳам  
имкон бермайсиз —  
Сиз йўқсиз.

Соғинчимни  
тўкиб қўймаслик учун,  
кўзларимни юммай  
кутяпман Сизни...

## КҮНГУЛ — БОҒДАГИ ҚУШИМ

\* \* \*

*Кунглунгизга кириб борганим сайин,  
Покланиб боради сүзим — гавҳарим.  
Вужуднинг энг тоза кунгайларидан  
Бағрига чорлайди жавҳарим.*

*Кунглунгизга кириб борганим сайин,  
Кир либосин ювар соҳир хаёлим.  
Беғубор булоқдек тоза ниғоҳдан  
Сув ичади висол — гуноҳим.*

*Кунглунгизга кириб борганим сайин,  
Изимдан мунгаяр сохталик, рӯё.  
Бад ниятин босиб бағрига, мендан  
Умидини узганча йиглайди дунё.*

\* \* \*

*Хавотир қалбингни тирнайди,  
Қурқув юрагингга чанг солар бот-бот.  
Гоҳида таскинлар гуллайди,  
Гоҳида тасалли ҳайдар от.*

*Уйлайсан, уйларинг туби йўқ,  
Уйлайсан, барибир кетади.  
Мен етмадим оҳига, албат,  
Бир кун кимдир... кимдир етади.*

*Кунглум гирдобига чуқади,  
Шафқатсиз күзёшим шашқатор.  
Булди, бас, кетаман, журъатли сүзим  
Кутиб юрагимда силкинади дор.*

*Ногаҳон... умиднинг ёмғири ёғар,  
Кунглумнинг ям-яшил далаларига.  
Кувончлар — бойчечак потраб чиқади,  
Кунгулнинг чеки йўқ далаларида.*

\* \* \*

*Шафқатсиз телефон, золим телефон,  
Жиринглаш билмайди биргина.  
Имконим, илтижом зорини  
Қулоққа илмайди биргина.*

*Кунглум буюради, кўтар дастакни,  
Андиша қулимни боғлайди.*

Бузуқ иморатим — юрак уйида .  
Гурурим соғинчни пойлайди.

Тоқатим йиқилар бағримга,  
Армоннинг кузида ёшлари.  
Сабрнинг кўзлари ситилар,  
Соғинчининг тугайди дошлари.

Беимкон имконим қон қусар,  
Умидим — болакай ўлади.  
Азобнинг дарахти буй чўзар,  
Кўксимга зардоблар тўлади.

Бир сўзга зорлигим, биргина сўзга,  
Билмайди севгисиз телефон.  
Дардларим тукилар кўзимдан,  
Тушунмас севгисиз телефон.

\* \* \*

Дардлари дилига солади тўрин,  
Соғинчлар йиртилган кўксини қураб.  
Бағрида азоблар қилади ўйин,  
Ғамбода ғамлари мултираб турар.

Висол — сулув қиз адашиб қолар,  
Қарагин, андишанинг кучаларида.  
Ҳижрон — золим жаллод жонини олар,  
Фироқнинг қон ютган кечаларида.

Қисматини қаргаб, кунини қаргаб,  
Вужуд кунгайда йиглайверар ишқ.  
Тангридан марҳамат, иноят сўраб,  
Ўз кўксини узи тиглайверар ишқ.

\* \* \*

Ёр-а, кўнглум доғ эрур,  
Ҳасратнинг поёни йўқ.  
Ҳасрат даштида кезган,  
Имконнинг поёни йўқ.  
Кўнгул — бўзлаган оҳу,  
Кўзларида маржон ёш.  
Қутавериб, ёр, сени,  
Тугади сабру бардош.  
Кўнгул — шурхоқ туз, дала,  
Ўстирди қиёқ — араз.  
Ёр-а, дастингдан бугун  
Худойимга этгум арз.  
Кўнгул — лангарсиз кема,  
Тўхтамайди, сузади.  
Ёр-а, севмайман дема,  
Азоб жоним узади.  
Кўнгул — қақраган чўлди,  
Висол сувига ташна.  
Имконларим, умидим

Бўлди армонга ошна.  
Кўнгул — тоғдир, қоядир,  
Тоши кўп, қайроғи кўп.  
Кўнгул — боғдаги қўшим,  
Келсанг гар сайроғи кўп.  
Кўнгул — ҳайқирган денгиз,  
Тубида инжуси бор.  
Кўнгул — эркининг ватани,  
Ҳақиқат бор, ҳикмат бор.  
Кўнгул — йиғлаган Ойгул,  
Изларингга зор ўлди.  
Фироқингнинг дастидан  
Хор ўлди-я, хор ўлди.

\* \* \*

Рўҳимга озорлар ташлайди илдиз,  
Оғриқлар кўкарар, гамлар кўкарар.  
Ўмғирли кўчада, армон кўчада,  
Кўнглум дарахтидан барглар тўкилар.

Япроғим — соғинчим, шўрликкинам-эй,  
Гам тиғи бағрингни тилиб кетди-ку?!  
Бағритош, золимим юраккинамга,  
«Хайр», деб, тугини илиб кетди-ку.

Бемақсад дайдидек шафқатсиз кентда,  
Ўмғирли кўчала иккимиз ивиб.  
Меҳрибон булутлар, раҳмдил ўмғир,  
Оғриқ — кўзешларни юборди ювиб.

Умидлар кўкарди, илинж кўкарди,  
Кўнглумга қувончлар ташлади илдиз.  
Қўлида настарин гуллари билан  
Бағрига чорлади шафқатли кундуз.



*Аҳмад Лутфий*

## Ойдинликлар сари

Наргиза Раҳмат қизи таржимаси

### Буюк даъват ва тасалли

**(Меърож)**

Ражаб ойининг йигирма олтинчи кунидан йигирма еттинчи кунига ўтар кечаси. Расулуллоҳ (с. а. в.) учун бу кун гоят қайғули бир тарзда ўтаётган эди. Бирин-кетин амакалари ва суюкли хотинларининг ўлими, Тоифдан Маккага аламли қайғиш ва маккаликларнинг беҳисоб хунрезликлари...

Азбаройи юраклари сиқилганидан ўша кеча уйга ҳам бормадилар. Каъбанинг «хотийм» номи берилган ярим деворли қисмида ётиб қолдилар.

Жаброил (а. с.) уйготганида, у келтирган хабардан Расулуллоҳ (с. а. в.) бениҳоя қувониб кетдилар, қаттиқ ҳаяжонга тушдилар. Буюк Оллоҳ у кишини малаклар дунёсига саёҳат қилдиришни ирода этган эди.

Саййидул аввалин ва охирин пайгамбаримизнинг кўксиларини Жаброили Амин ёрди; муборак юраклари зам-зам суви билан ювилди, иймон ва ҳикмат нури ила йўғрилди, сўнгра яна беркитиб қўйилди.

«Биз сенинг кўксингни очиб, кенгайтирмадикми? Сендан вужудингни бемадор қилган, белингни буккан огир юкни олиб ташладик, шон-шарафинг ва мартабангни юксалтирдик...» оятла-

---

Давоми. Бошланиши утган сонларда.

рида ушбу ҳол акс эттирилар экан, бундан пайгамбарлар султони ўша кунларда ниҳоятда тушкунликда юрганликлари ҳам очиқ кўриниб турарди.

Энг улуг ва беқиёс илтифот энг машаққатли кунларга тўтри келган, мушриклар озор берган кўнгил кўнгилларнинг яратувчиси Буюк Оллоҳнинг бу таклифи билан ором олган, яна қайта ҳузур-ҳаловат топган эди.

Эҳтимол «куксини ёриш» каби гаройиб ҳодиса Султони Анбиёни (с. а. в.) мазкур сафарга тайёрлаган қувват муолажаси бўлгандир. Шу кунгача кўрмаган оламларни сайр этиб томоша қиладилар, бировнинг хаёлига келмайдиган ҳодисаларнинг гувоҳи бўладилар.

Жаброили Амин «Буроқ» исмли бир отни ҳам етаклаб келган эдилар. Бениҳоя даражада учқур ва чопагон бўлган бу от эшакдан хийла баландроқ, оддий отлардан бўйи хийла пастроқ бир ҳайвон эди. Бир зумда Қуддус шаҳрига етиб бордилар. Байтул Мақдис шу ерда жойлашган бўлиб, пайгамбарларнинг руҳлари шу ерда бу зоти шарифни кутиб олишга тўпланган эди.

Пайгамбарлар жамоат бўлиб, Расулуллоҳнинг (с. а. в.) имомликларида икки ракат намоз ўқишди. Азал-абад Имомил-анбиё вал мурсалини бўлишлиқдек улуг мартабага муносиб деб топилган Улуг Пайгамбарга (с. а. в.) садоқат шу тариқа намойиш этилган, ортидан саф тортган пайгамбарларнинг имоми эканликлари қабул этилган ва тасдиқланган эди.

Пайгамбарларнинг ҳар бири умматларига, агар ўша замон келгунча ҳаёт бўлсалар, Расулуллоҳга (с. а. в.) иймон келтиришларини тавсия этган ва буюрган эдилар. Бу тавсияга маънавият оламида уларнинг ўзлари ҳам содиқ бўлиб қолганларидан аллолат берарди бу намоз... У зотни энг улуг йўлбошчи деб тан олганликлари шу йўсинда ифода этилди.

Шундан кейин Расулуллоҳ (с. а. в.) «меърож» номи берилган бир восита ёрдамида кўкка юксала бошладилар.

Пайгамбаримиз (а. с.) бу ҳақда ҳикоя қилар эканлар: «Мен меърождан гўзалроқ, кўз қамаштирадиган гаройиброқ нарсани кўрмадим. Сизлардан вафот этадиган кимсалар уни кўришга муваффақ бўладилар, ўлганлар унга тикилганларида ҳайрону лол қоладилар», деган эдилар.

Куръонда ушбу илоҳий сафар ҳақида шундай ҳикоя қилинади:

«Оллоҳ бир кеча, ўз бандаси (Муҳаммадни) унга оят-муъжизаларимиздан кўрсатиш учун (Маккадаги) Масжидил-Ҳаромдан (Қуддусдаги) биз атрофини баракотли қилиб қўйган Масжидил-Ақсога сайр қилдирган барча айбу нуқсондан пок зотдир. Дарҳақиқат, У эшитгувчи, кўргувчи зотдир».

Дунё самосига етиб борганларида, Жаброил бир эшикни тақиллатди.

- Ким у? — деб сўралди.
- Жаброилман.
- Ёнингдаги-чи?
- Муҳаммад Расулуллоҳдир (с. а. в.).

— Унга таклиф юборилдими?

— Ҳа.

Эшик очилди, ичкарига кирдилар.

Расулуллоҳ (с. а. в.) у ерда ўтирган одамни кўрдилар. Ўнг ва чап томонида қандайдир шарпалар бор эди. Ўнг томонига қараган пайти мамнунлик билан кулимсирар, чап томонига қараса, қайғу-га берилар ва йиглар эди. Набийлар сарварини (с. а. в.) кургач:

— Марҳамат қил, эй солиҳ Пайгамбар, солиҳ угил, — деб қаршиларига пешвоз чиқди.

Расулуллоҳ (с. а. в.) Жаброилдан «Бу ким?» деб сўрадилар.

— Бу Одамдир. Ёнидаги шарпалар унинг наслига мансуб инсонлардир. Ўнг томондагилар жаннати, чап томондагилар эса, дўзахи кишилардир. Ўнгга қараса, жаннати авлодларини кўради. мамнун бўлиб кулимсирайди, чап томонга қараса, дўзахиларни кўради, қалби гам-гуссага тўлади ва йиглайди.

Расулуллоҳ (с. а. в.) Одам алайҳиссалом билан хайрлашиб, у ерни тарк этдилар. Иккинчи осмонга кўтарилдилар.

Ҳар осмоннинг кириш дарвозаси олдида дунё осмонига киришдан олдин бўлиб ўтган савол-жавоб такрорланар, сўнгра эшик очилар эди.

Иккинчи осмонда Яҳё ва Исо пайгамбарлар билан,

Учинчи осмонда Юсуф пайгамбар билан,

Тўртинчисида Идрис пайгамбар билан,

Бешинчисида Ҳорун пайгамбар билан,

Олтинчисида Мусо пайгамбар билан,

Еттинчисида Иброҳим пайгамбар билан учрашдилар (алайҳи-муссалом).

Жаброили Амин йўлларида дуч келган ҳар бир пайгамбарни алоҳида-алоҳида танитар, улар ҳам уз навбатида:

— Хуш келибсан, эй қадрли қардош, суюкли Пайгамбар! — дея салом-алик қилишар эди.

Еттинчи қават осмондан кейин Расулуллоҳ (с. а. в.) шундай бир оламга чиқарилдиларки, «На макон бор унда, на тупроқ ва на само» дея таърифланадиган, яна ҳам тўғрироғи, таърифлашга сўз ожиз бўлган бир олам...

«Сидратул Мунтаҳо» деб аталувчи мақомга келдилар. Ҳеч ким кўрмаган, билмаган бу илоҳий олам ҳақида ҳикоя қилар эканлар, пайгамбаримиз: «Сидратул Мунтаҳони шундай ранглар қамраб олган эдики, буни оддий сўзлар билан тасвирлаб беролмайман», деган эдилар.

Ўша ерда Жаброили Амин Набийи Акмалга (с.а.в.) яна бир бор асл қиёфасида кўринди. Пайгамбаримиз уни бу қиёфада илк бор Ҳиро тоғидан Маккага қайтаётганларида кўриб, жуда кўрқиб кетган эдилар. Лекин бу сафар Расулуллоҳ (с.а.в.) кўрқмадилар. Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган бу азимлик Буюк Оллоҳнинг яратган кўлларида бирига хос эди, холос.

Оддий бир инсон Жаброилни мана шундай қиёфада кўришини тасаввур ҳам қилолмайди. Жаброилнинг азаматини тақдирлашдан ожиз бўлган инсон Буюк Оллоҳнинг азмини англаши,



тасаввур доирасига сигдириши асло мумкин эмас. Бандасига фақат ожизлик ила сажда қилиш буюрилган эди.

Ушбу меърож кечасида Расулуллоҳ (с.а.в.) жаннат ва жаҳаннамни кўрдилар, у ерда мукофот оладиган ва жазо тортадиган инсонларга гувоҳ бўлдилар.

Шунингдек, мазкур кечада Роббул Оламин суюкли пайгамбарини ҳузурда қабул этди. Таърифга сигмайдиган гаройиб дақиқалар эди бу. Набийи Акрам (с.а.в.) Буюк Оллоҳни куриш ва у билан юзма-юз суҳбатлашиш шарафига муяссар бўлдилар.

Бу учрашувда нималар суҳбатлашилгани ҳақида ортиқча маълумот йўқ. Лекин бу учрашувдан пайгамбаримиз кунига элик марта намоз ўқиш вазифасини олиб, у Олий Даргоҳни тарк этдилар. Қайтишларида Ҳазрати Мусо (а.с.):

— Мен Исроил ўғилларини бу масалада етарли даражада синаб кўрдим. Қайт Роббингнинг олдига, бу намозларнинг бир қисмини камайтиришини сураб ёлворгин, — деди.

Ҳақ таолога қилинган илтижо оқибатида ун вақт намоз ато этилди. Ҳазрати Мусо такрор юқоридаги гапларни ёдларига солдилар, Расулуллоҳ (с.а.в.) қайта илтижо қилдилар. Шу зайлда даставвал кунига элик марта ўқилиши буюрилган намоз такрор-такрор ниёзлар туфайли беш вақт ўқилиши фарз этилиб тасдиқланди. Сунгра Жаноби Ҳақдан шундай хитоб келди:

«Ё Муҳаммад, бу бир кеча-кундузда ўқиладиган беш вақт намоз элик вақт намозга тенг бўлади. Яъни, ҳар бир ўқилган намозга ун намоз савобини ато этурман. Шунингдек, бандаларимдан ким бир яхшилик қилишга азм этиб, уни адо эта олмаса, бир савоб, адо эта олса, ун савоб ато қилурман. Энди кимки бирон ёмон ишни — гуноҳни қасд қилса-ю, уни амалга оширмаса, у кишига гуноҳ ёзилмас, агар уша ёмон ниятини амалга оширса, бир гуноҳ ёзилур».

...

Ҳазрати Мусо (а.с.) билган нарса Расулуллоҳга (с.а.в.) маълум эмасмиди? Элик икки ёшга кирган, ҳаётда кўпгина тажриба орттирган ва кейинги ўн йил ичида турли-туман яхши-ёмон кишилар билан юзма-юз бўлган ва бундан ташқари, Буюк Оллоҳ томонидан мустасно бир қобилият эгаси этиб яратилган Набийи Муҳтарам ҳазратлари (с.а.в.) элик вақт намоз ўқиш инсонларга оғир ва малол келишини билмасмидилар?..

Бу воқеликни бир жилвайи Раббоний сифатида баҳолаш жоиздир. Яъни, бунинг сабаби Роббимизнинг қудрати ва чексиз марҳаматини яна бир бор намоен этиши деб тушуниш тўғрироқ бўлса керак. Қолаверса, иккинчи томондан, бу ҳодиса инсонларга аввал ўтган аждодларининг тажрибасига таяниш лозимлигини яна бир бор ўқтиради. Оллоҳ таолонинг дастлаб элик вақт намозни фарз этиб тайинлаши, сунгра бир эвазига ун мукофот тамойилига кўра, уни элик вақтдан беш вақтгача тушириши ҳам айни жилвайи Раббоний доирасига киради.

Бу муҳим саёҳатнинг Расулуллоҳга (с.а.в.) энг оғир дамда, қаттиқ тушкунликка тушган чоғларида қилдирилгани ва ўша кеча

оддий сўз билан таърифлаб бўлмайдиган гаройиб сафардан янги ва покиза бир рух, яп-янги бир гайрат-шижоат ва қувват билан қайтганликлари шубҳасиздир. Расулуллоҳ (с.а.в.) ўша кеча Оллоҳ таолонинг жамолини тўйиб-тўйиб кўриб олганлари ҳам аниқ. Лекин «Пайгамбаримиз Жаноби Ҳақни ўз кўзлари билан кўриш учун етти қават осмонни, жаннатни ва жаҳаннамни ошиб ўтди-да, сўнгра Оллоҳ таолонинг кўшигига етди...» тарзидаги фикр ва тушунчага берилмаслик даркёр.

Пайгамбаримиз ўша кеча бутун осмон қаватларини ошиб ўтган, жаннатларни сайр қилган, беҳисоб даражада ҳикмат ва гаройиботга тўлиқ ҳодисаларни кўрган, томоша қилган эдилар. Аммо булар алоҳида воқелик. Оллоҳ таолони ҳам ўша кечада кўрганлари эса, алоҳида бир воқелиқдир. Оллоҳ таолони кўриш учун албатта саёҳат қилишлари, маълум бир масофани босиб ўтишлари лозим эмас эди.

«Бу учрашув нима учун меърож кечасига тўғри келди?» деган саволнинг жавоби ёлғиз Оллоҳга маълумдир. Бизларга бу мавзуда фақат Оллоҳ хоҳлаганини бажо келтиради ва қилган иши учун ҳеч кимнинг олдида жавобгар бўлмайди», дейиш жоиздир.

...

Расулуллоҳ (с.а.в.) ўша кеча такрор Масжиди Ақсога қайтдилар. Яна Буроқ вазифасига чақирилди. Яна ўша тезликда Макка сари йўл олинди.

Дажнон деб аталувчи жойга борганларида таниш бир карвонга дуч келдилар. Карвондагилар ерга чўзилиб ухлаб қолган эдилар. Оғзи боғлоғлиқ мешларида сув бор экан, Расулуллоҳ (с.а.в.) улардан бирининг мешини очиб, сувидан ичдилар ва яна қайта беркитиб, йўлда давом этдилар.

Сафар Маккада, бошланган жойида тутади.

Баъзи бир ривоятларда бу сафар Абу Толибнинг қизи ва Ҳазрати Алининг опаси Умму Хонийнинг уйидан бошлангани ва яна шу ерда тутагани нақл қилинади.

Ўша кечанинг тонгги...

Пайгамбаримиз (с.а.в.) масжидда ўтирар эдилар. Ёнларига Абу Жаҳл келди ва одатдагидек шилқимлик қила бошлади:

— «Буюк даргоҳ»дан қандай хабарлар бор, дўстим?

Расулуллоҳ (с.а.в.) жиддий тарзда жавоб қиладилар:

— Бугун кечаси сафарда бўлдим.

— Ие, қанақа сафарда?

— Қуддусга, Масжиди Ақсога бориб келдим.

Абу Жаҳл қаҳқаҳа отди.

— Бир кечада шунча узоққа бориб, яна қайтиб келишга ҳам улгурдингми-а?

— Худди шундай.

Абу Жаҳлнинг миясига бир фикр урилди. Ажойиб бир фурсат, деб ўйлади.

— Жуда соз, бу сўзларни қавминг олдида қайтаришга журъат қила оласанми?

— Албатта.

Абу Жаҳл туйқус хазина топган одамдай, бор кучи билан бақира бошлади:

— Бу ёққа келинглар, эй Бани Каъб ибн Луай, келинглар, эй журайшийлар!..

Бири ҳақиқат, бошқаси жаҳолат вакиллари бўлган бу икки кишининг ёнма-ён турганини кўрганлар уларнинг қошларига тўплана бошладилар. Абу Жаҳл жангда рақибини енган жуҷахуросдек керилиб турарди. Ҳеч бўлмаганда, завқли бир сахна содир бўлди-ку, деб уйларди.

Ниҳоят гавжум бир халойиқ тўпланди. Масжиди Ҳаромнинг убу бурчагида ўтирганлар ҳам югуриб келишди. Ораларида мўминлар ҳам бор эди, мушриклар ҳам. Ҳар иккала томон ҳам ана-мана содир бўладиган воқеани зўр ҳаяжон билан кутиб турардилар.

— Қани, ҳозиргина менга айтган гапларингни қайтар-чи!.. — Абу Жаҳлнинг овозида «Мард одам сўздан қайтмас» шаклидаги ман-манлик ифодаси бор эди.

Нигоҳлар нуроний пайгамбаримизга қадалди. У зоти шариф (с.а.в.) яна ўта жиддий ва вазмин оҳангда:

— Бу кеча саёҳатта чиқарилдим. Масжиди Ақсога бориб келдим, — дедилар.

Абу Жаҳлнинг кўзида зафар учқунлари порлади.

— Яъни, Қуддусга бориб келдим, демоқчи, — дея ҳайқирди. Сўнг Расулуллоҳга ўтирилди: — Шундай эмасми?

— Худди шундай!

Абу Жаҳл кечирилмас бир гуноҳ иш қилиб қўйган жиноятчини қўлга туширган кучли бир қўмондон каби:

— Хўш, бу ёлгонга бизни қандай ишонтирмоқчисан? — деди, сўнгра атрофда тўпланиб турган халойиққа ўтирилди: — Шу ёлгонга ишонадиган киши борми?!

Ҳар ҳолда, озгина бўлса-да, дурустроқ фикрлайдиган, масалани ҳар томонлама ойдинлаштиришни истайдиган бир киши бор экан, уша таклиф киритди:

— Орамызда Қуддусга бориб келган одамлар бор, унинг гапи тўғрими-ёлгонми эканини ўшалар тасдиқлайди... Энди бизга Масжиди Ақсони таърифлаб бер.

Расулуллоҳнинг (с.а.в.) шу кунгача Қуддусга бормаганларини ҳамма беш қўлда биларди. Мушрикларнинг фикрича, «Бу кеча Қуддусга бориб келдим», деган даъво мана энди пучга чиқажак, ёлгон гапиргани маълум бўлажак эди.

Бу таклиф ҳаммага маъқул тушди. Бормаган-кўрмаган бўлса, у ерни қандай қилиб таърифлаб берарди? Борган бўлса, кўриши, кўрган бўлса, таърифлаб бериши лозим.

Аммо Расулуллоҳ (с.а.в.) Масжиди Ақсо ва Қуддусга томоша учун бормаган эдилар-ку? На Масжиди Ақсога чуқурроқ разм соддилар, на Қуддусни томоша қилдилар — бу ҳам бир ҳақиқат эди.

Лекин Буюк Оллоҳ расулини шундай вазиятда ёрдамсиз қолдирарми?

Бир зумда Расулуллоҳ (с.а.в.) кўз ўнгида Масжиди Ақсо гавадаланди. Худди қаршидаги девордан берироқда инъикос этаёт-

гандек эди. Муборак кўзлари Масжиди Ақсода, тиллари эса, кўрганларини бирма-бир ҳикоя қилиб бера бошлади.

Қуддусга кўпчилик бориб келган, ҳаммасининг ўзига яраша таассуроти, хотираси бор эди. Масжиди Ақсонинг кўриниши ҳақида саволга тутишди. Бири эшиги ҳақида сўраса, бошқаси деворлари, девордаги нақшлари ҳақида сўрар, яна бири ён-атроф ҳақида сўрар эдилар. Сўралган жойлар дарҳол Расулуллоҳнинг (с.а.в.) кўз-олдиларига келтирилар, худди ойинада кўриб тургандай жавоб қилар эдилар. Ниҳоят савол-жавоб тугади.

— Ҳаммасини тўғри таърифладинг, эй Муҳаммад! Худо ҳаққи, жуда тўғри! — деб тан беришди имтиҳончилар.

Абу Жаҳлнинг юраги сиқилиб кетди, терлар пешонасидан оқарди. Юз фоиз аниқ зафар энди қўлга кирай деб турганда бирдан мағлубиятга учрашнинг таъсири эди бу.

Аммо юраги сиқилган фақат Абу Жаҳл эмас эди. Абу Лаҳаб, Нодир ибн Ҳорис, Умаййа ибн Халаф ҳам худди шундай ҳолатда эдилар. Қуддусга бормагани аниқ бўлган бир киши, бир кечада шу ёққа бориб келганини даъво қилса ва ундан олдин бориб-келганларнинг шу мавзудаги саволларига муфассал жавоблар берса, ким нима ҳам дея оларди?

— Бу ердан Қуддусгача туяда бир ойлик йўл, қайтишга яна бир ой кетади. Инсон қанақасига бир кечада бориб кела олади? — деб елкаларини қисишар эди.

— Ҳой биродарлар, менинг бир фикрим бор, — деб бақирди кимдир. Ҳамма унга қаради. — Бизнинг Шом йўлида карвонларимиз бор. Модомики Масжиди Ақсогача бориб келганини даъво қилар экан, бизга ўша карвон ҳақида маълумот берсин.

Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳеч тараддудланмай жавоб бердилар.

— Йўлда кетаётганимда фалончиларнинг карвонига дуч келдим. Битта туялари қочган экан, уни қидиришаётган эди. Уларга хитоб қилиб, туяларининг турган жойини кўрсатдим. Қайтаётганимда Дажнон водийсида фалон-фалонларнинг карвонига дуч келдим. Узлари ухлаб ётган эдилар. Огзи боғлиқ бир мешдаги сувларини ичиб, огзини яна маҳкамлаб қўйдим.

— Хуш, улар Маккага қачон етиб келишади?

— Эрта тонгда. айни қуёш чиққан дақиқада Танъим тепалиги томондан шаҳарга кирадилар. Олдиларида кулранг бир туя бўлади, унинг бир томонига оқ, иккинчи томонига қора рангли юк ортилгандир...

Табиийки, бу хабар ақл бовар қилмайдиган бир хабар эди. Бу маълумотни пайғамбаримизга Жаброили Амин етказган эди.

Мушриклар бир оз енгил тортгандай бўдилар.

Чунки қуёш чиқар экан, у берган маълумот билан ҳақиқатда рўй берадиган воқелик орасида ҳеч йуқ озгина фарқи бўлар, ахир. Карвон ё қуёш чиққандан кейин, ё олдин келиши мумкин-ку! Ҳамма нарса сония-сониясигача тўғри келиши амри маҳол эмасми?

...

Ҳазрати Абу Бакрнинг эшиги худди биров тепаётгандай қаттиқ тақиллади. Сапчиб ўрнидан туриб эшикни очди. Келган одам

ҳовлиққанича, нафаси бўғзига тиқилгудай бўлиб янгиликни сўзлади:

— Анави жодугар дўстинг, бу кеча Масжиди Ақсога бориб келдим, деб даъво қилмоқда.

— Яъни, Оллоҳнинг расули Муҳаммадми ((с.а.в.)?!)

— Ҳа.

— Жуда тўғри гапирибди. У ҳеч қачон ёлгон даъво билан чиққан эмас.

Хабарчининг кутгани бошқача муносабат эди. Абу Бакрнинг сўзлари уни доводиратиб қўйди. Қайтиб кетар экан, қулоқларига ишонмасди. «Бунчалик бўлиши мумкин эмас...» дер эди ўзига ўзи.

Ушбу воқеа Ҳазрати Абу Бакрга абадиятта қадар фахрли бир лақаб берилишига сабабчи бўлди. Энди у кишини то қиёматгача барча мўминлар «Абу Бакр Сиддиқ» деб атай бошлайдилар. Бу лақабни унга Набийлар Сарвари бердилар. «Жуда тўғри-дуруст инсон» деган маънони билдирар эди бу муборак сўз!

...

Тонг саҳарда анча-мунча мушриклар Танъим йўлига карвонни кутиб олиш учун чиқдилар. Яна ҳам тўғрироғи, «Йўловчилар кун чиққанда келади», шаклида берилган хабарни чиппакка чиқармоқчи эди улар.

Шафақ оқара бошлаган, юзларда ҳаяжон ифодалари сезилди. Юраклар ҳар доимгидан ҳам тезроқ ура бошлаган, одамлар асабий ва сабрсиз.

— Менга қолса, шу гал иш тамом, — дейди кимдир.

— Ҳеч йўқ бир-икки сонияга фарқ қилар, ахир, — дейди бошқаси.

— Ана ундан кейин кўрасан Амир ибн Ҳишомнинг қандай интиқом олишини.

— Энди уни ҳимоя қиладиган Абу Толиб ҳам йўқ.

Шу тарз гап-сўз давом этар экан, ораларида умидсиз бўлганлар ҳам бор эди.

— Ҳечам қўлидан келмайдиган бир ишни буюрайлик, деб роса бош қотирган кунларимизни унутдиларингми? Кўкдаги ойни иккига бўлганини-чи? Ҳой биродарлар, шарманда бўлиб қолмайлик тагин.

Кутилган вақт яқинлашганда, икки киши баланд жойга чиқарилди. Бири кунчиқар томонни, иккинчиси Танъим йўлини кузатиб турдилар. Ким кўрса, шу заҳоти бақириб хабар бериши керак эди.

Абу Жаҳл сабрсиз, баъзан бошини кўтариб ҳалигиларга қарайди:

— Нима гап? — деб сўрайди.

— Ҳеч нима кўринмаяпти, — деган жавоб уни баттар безовта қилади.

Кун чиқишига дақиқалар ҳам эмас, сониялар қолди. Абу Жаҳл сўнги марта юқорига қаради. Йўлпойлогичнинг кўзлари олисда, тинимсиз тикилади. Кўрса, албатта, дарҳол жавоб берарди.

— Үзингни бос, — деди Умайя Абу Жаҳлга. — Бу сафар биз албатта галаба қозонамиз!

Убай ибн Халаф унинг фикрини тасдиқлади:

— Мана, қуёш ҳам чиқай деб қолди. Шу пайтгача келмаган қарвон тўсатдан келиб қолармиди?..

Қуёш ҳар доимгидай ўз вақтида чиқишга, қарвон ҳам Маккага бир дақиқа бўлса-да олдинроқ етиб олишга шошилишар, қуёш ҳам, қарвон аҳли ҳам улкан бир даъвонинг исботи ё инкори учун мусобақалашаётганликларидан узлари беҳабар эди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) пайгамбарлик вазифасини берган Буюк Оллоҳнинг ёрдамига ишонар, расулини ёлгончи қилмаслигига амин эдилар. Ҳар дақиқа, ҳар сонияда энг покиза миннатдорлик туйғулари билан Роббига йўналган қалблари ушбу дамда яна Унга, фақат Унга илтижо қилар эди. Қуёшни яратган У, дунёни яратган У, ҳар иккаласига Ўзи истаган низомни берган ҳам Удир. Ирода этмаса, қарвон юролмас, Унинг иродасисиз тўхтамас. Боришни истаган жойига, У хоҳлаган пайтдан олдин ёки кейин бориши ҳам мумкин эмас.

Абу Жаҳл ва унинг ҳамтовоқлари қанчалик сабрсиз ва безовта бўлсалар, Расулуллоҳ (с.а.в.) шунчалик вазмин ва хотиржам эдилар.

Қуёшнинг илк нурлари порлайдиган сониялар келди. Абу Жаҳл ҳамон сокин турган Расулуллоҳга (с.а.в.) қаради.

— Мана энди сени йўқ қиламан! — дея мингирлади. — Қолаверса, бу сафар ёнингда шу пайтгача ҳимоя қилиб келган анави нодон, у жар амакинг ҳам бўлмайди.

Тишларининг орасидан илоннинг заҳари каби сочилган бу сўзларни Расулуллоҳ (с.а.в.) эшитмадилар. Чунки ушбу дамда йўлпойлоқчилар бирдан бараварига бақириб қолишган эди.

— Нима гап, эй фалончилар?

Энди иккаласи алоҳида-алоҳида жавоб берди:

— Кун чиқди!

— Қарвон кўринди!

Ахнас ибн Шарик қўлидаги ҳассасини бор кучи билан ерга урди.

— Бундай тоъленинг... — деб бошланган сўзларини уятсиз сўкиниш билан тугатди.

Мўминлар хурсандчиликдан йиглаб юборишди, Расулуллоҳ (с.а.в.) билан биргаликда Оллоҳга ҳамду санолар айта бошлашди.

Улут Умар Абу Жаҳлга яқинлашди:

— Энди иймон келтиришинг керак, эй Амр, — деди. — Муруватли инсон бундан бошқача йўл тутмас.

— Дафъ бўл, Умар, ҳозир сенинг гапларингни тинглайдиган ҳолим йўқ.

— Хуш, дафъ бўлмасам, нима қилардинг?!

Бу овоз Умарнинг олов сачраган кўзлари ифодаси эдими ёки кувфрга қарши битмас-туганмас бир кин ва интиқомга тўлиқ юрагидан отилиб чиққанмиди?

Абу Жаҳл бу кўзларга бир сониягина тикилиб турди, сўнг Умар билан яккама-якка олишиб кўрсаммикан, деган ўй яшин

тезлигида миясидан ўтди. Аммо... мағлуб нигоҳлари ерга қадалди. Оёқлари уни орқага тортди.

Мўминларга Оллоҳ ҳада этган буюк иймон тимсоли Умар мустаҳкам бир қальбани ёдга солувчи гавдаси билан Ислом зафарини намойиш этиб турар эди. Эшитанларни титроққа соладиган гулдурос бир овозда:

— Хуш, энди нима дейсизлар? Яна биронтангиз қарши чиқасизми? — деб ҳайқирди.

Ҳеч кимдан садо чиқмади. Ўзаро пичирлаб: «Бунчалик бўлиши мумкин эмас ахир...» деганлар бўлди.

Бироқ берилган хабарнинг тўғри ёки нотўғрилиги ҳали тўла аниқланмаган эди. Бир муддат кутиб турдилар. Карвон кела бошлади. Нигоҳлар энг олдиндаги туяга қадалган. Олдинда кулранг бир туя эди, оқ ва қора — икки қоп юк.

Карвондагилар, бизларни кутиб олишга чиқишибди, деб уйландилар. Асл мақсадларини билмасдилар. Шунинг учун:

— Келишимизни қаёқдан билақолдинглар? — деб сўрадилар. Саволарига қарши савол эшитдилар:

— Кеча қаерда тўхтаб ҳордиқ чиқардингизлар?

— Дажнон водийсида, — деб жавоб қилдилар карвон аҳли.

— Оббо шайтон тушмагур-эй!

— Нима бўлди?

— Нима бўлгани билан ишларинг бўлмасин.

Шундан кейин:

— Ораларингда бир ичим суви ўзидан ўзи гойиб бўлиб қолган кимса борми? — деб сўрашди.

— Ҳа, менман уша сувсиз қолган одам. Ётишдан олдин мешимда аниқ сув бор эди, эрталаб туриб ичарман, деб уйловдим. Эрталаб қарасам, сув йўқ. Аммо мешнинг огзи берк. Биродарларимдан сўраб-суриштирдим. Ҳеч ким, «Мен ичувдим», демади. — Бўлиб утган воқеаларни бир-бир сўзлаб бергач, атрофига ҳайрон боқди: — Нималар бўляпти ўзи, бизга бундай тушунтириб берсаларингиз-чи, — деди.

Абу Жаҳл асабий бир овозда гўлдиради:

— Жодугарлик тажрибаларини ўтказяпмиз. Дунёнинг энг машҳур жодугари ўзимизнинг қабиладан чиқди. Ҳа...

Ҳақни кўриш ва ҳис этишдан маҳрум бу кишилар, шунчалар очиқ-ойдин мўъжизани ҳам ҳар доимгидай, «сеҳр-жоду» дейишдан нарига ўтмаган эдилар.

...

Саййидул Анбиё (с.а.в.) жаноблари бир кечада Масжиди Ақсога бориб келганларини сўзлаб бергач, кофирларнинг гумроҳлиги янада ортгани, ҳатто иймон келтирганлардан баъзилари ҳам: «Бунақаси бўлиши мумкин эмас», дея диндан чиқиб кетанлари ривоят қилинади.<sup>1</sup>

Аммо динидан қайтганларнинг исмлари сақланиб қолмаган.

Фахри Коинотнинг (с.а.в.) шу кунгача берган ҳар бир хабар

<sup>1</sup> Ибн Касир. Сийар, 2/96.

ларини маъқуллаб, тасдиқлаб келган ва бу йўлда ҳар қандай жабр-зулмга мардларча кўкрак керган мўминларнинг пайгамбаримиз бир кечада Масжиди Ақсога бориб келганларини айтганлари учунгина у кишининг динидан чиқиб кетиши бўлмагур гап. Қолаверса, Расули Акрам (с.а.в.) бу сафарни тасдиқловчи очиқ-ойдин далилларни келтирганлар, бунга ҳатто Абу Жаҳлдек ашаддий мушриклар ҳам эътироз билдира олишмаган.

Расули Муҳтарам (с.а.в.) ўзларидан сўралган саволларга жавоб бера олмай қолганларида ҳам бошқа гап эди. Ушанда, баъзи мўминлар динидан қайтдилар, дейишнинг маъноси бўлар эди.

Устига-устак, карвоннинг етиб келар вақти ҳақидаги хабарларининг тўтри чиқиши, мункирлар ҳам иймонга келишларига арзигулик воқеа эди.

Меърож ҳодисасидан кейин мўминлар кунига беш вақт намоз ўқийдиган бўдилар.

Бундан олдин улар кунига атиги икки маҳал — кун чиқиши ва кун ботишидан олдингина намоз ўқир эдилар.

Расулуллоҳ (с.а.в.) уша кечадан эътиборан ҳар галги намозларида ўша гаройиб сафарнинг — Мавлонинг ҳузурига боришнинг маънавий ҳузурини туядиган бўдилар. Ҳар намоз у зот учун ўзига хос бир меърожга айланди.

Холис ният ила Роббининг ҳузурига қоим бўладиган ҳар бир мўмин учун ҳам намоз бир меърождек гапдир.

Расулуллоҳнинг (с.а.в.) гаройиб сафарлари рўй берган меърож кечаси ҳақида Исро сурасида ҳикоя этилади. Шунингдек, мўминлар рия қилишлари зарур бўлган диний ва ахлоқий ҳукмлар ҳам шу сурада келди.

Оллоҳ таолодан ўзга ҳеч бир нарсани илоҳ қилмаслик зарурлиги яна бир бор такрорлангач, ота-онага ҳурматда бўлиш, қариндош-уруғ, қўни-қўшни ва мусофирларга ёрдам бериш, фарзандларни камбағалликдан қўрқиб улдиришдан тийилиш, зинодан узоқ юриш, одам ўлдирмаслик, етимнинг ҳақини емаслик, тарозидан урмаслик, хоксор бўлиш ва кибру ҳавони тарк этиш каби ҳукмлар баён қилинди.

...

Мушриклар билан мусулмонлар орасидаги зиддият шу даражага етдики, натижада Ҳазрати Абу Бакр (р.а.) ҳам Маккани тарк этишга қарор берди. Ҳеч ким ўз ҳолига қўймас, тинчгина тоат-ибодат қилишига ҳам йўл бермас эди.

Бошқа мусулмон биродарлари каби, Ҳабашистонга ҳижрат қилмоқчи бўлди. Вазиятни Расулуллоҳга (с.а.в.) тушунтирди. Ижозат олгач, сафар халтасига керакли миқдорда озиқ-овқат олди-да, Маккани тарк этди. Қалби гам-гуссага тўлган, ниҳоятда паришон эди.

Барқул-гамодга етиб борганида Қора халқининг йўлбошчиси Молик ибн Дагиннага дуч келиб қолди. Азалдан бир-бирларни танишар эди.

— Йўл бўлсин, ё Абу Бакр? — деб суради Молик ибн Дагинна.



— Ҳабашистонга кетяпман.

— Ҳа, яхши. Унда мол-мулкинг қани?

— Тижорат учун бораётганим йўқ...

Ҳазрати Абу Бакр бор гапни қисқача сўзлаб берди. Ибну Дагинна диққат билан тинглар экан, юрагида эътироз туғилди.

— Ё Абу Бакр, сендек муътабар зот шундай бир арзимас сабаб билан ватанингни тарк этиб чиқиб кетишинг тўғри эмас. Ҳайдаб чиқаришлари ҳам инсофдан эмас. Сен камбағалларга ёрдам қўлини чўзадиган, қариндош-уруғчилик алоқаларини ҳурмат этадиган, мазлумларнинг оғирини енгил қиладиган, мусофирга иззат-икром кўрсатадиган олижаноб инсонсан. Мен сени ҳимояга оламан, қайт юртингга! Уз шаҳрингда Роббингга хоҳлаганингдай ибодат қилавер.

Биргаликда Маккага қайтдилар. Ибну Дагинна қурайшийлар орасида сўзи ўтадиган, обрў-эътиборли киши эди. Қурайш зодагонлари билан учрашди.

— Абу Бакрдай муътабар бир одам ватанидан ҳайдалмаслиги керак, — деди.

— Сен уни ҳимоянгга олганингга, албатта, биз қарши эмасмиз, — деб жавоб қилишди маккаликлар, — аммо бу масалада баъзи-бир шартларимиз бор.

— Хўш, қанақа шартлар экан улар?

— Абу Бакр Роббига ибодатини уйида қилсин, намозни ҳам уйида ўқисин, нима қилмоқчи бўлса, уйида қилсин. Қисқаси, бизни безовта қилмасин. Чунки хотинларимизни, бола-чақаларимизни бир балога йўлиқтириб қўймасин, деб қўрқамиз.

Ибну Дагинна бу таклифга рози бўлди. Ҳазрати Абу Бакр ҳам шартларни қабул этди. Гурбат элларда ҳасрат чекиб юргандан кўра, мана шундай шартлар остида бўлса ҳам Расулуллоҳнинг (с.а.в.) ёнларида қолиш маъқул эди унга.

...

Бир куни Ҳазрати Абу Бакр уйининг олдини масжидга айлантиришни ўйлади. Шу ерда намоз ўқий бошлади.

Нозик табиатли бир инсон эмасми, абадий муъжиза бўлган Қуръони Карим гўёки унинг қалбининг теранликларига иниб борар ва у ердан тотли оҳанг ила йўғрилиб чиқиб келар эди. Баъзан азоб оятлари унинг руҳида галаёнлар кўтарар, Оллоҳнинг лутфу карамидан баҳс этадиган оятлар эса, жаннат шабадаларини эстираётгандай бўлар эди.

Маҳалла болалари уни томоша қилар, аёллар унинг кўзёшларини-ла, ёниқ овоз-ла ўқиётган Қуръонга қулоқ тутиб қолар эдилар.

Бу вазият қурайшийларни бетоқат қилди. Аёллар ва болаларга бу ёниқ овознинг, бу кўзёшларнинг таъсир этиб қолишидан қўрқдилар.

Ибну Дагиннага хабар жўнатдилар. У дарҳол етиб келди ва нима гаплагини суриштирди.

— Биз сенинг ҳимоянгни тан олган ва аммо Абу Бакрнинг уйида ибодат қилишини шарт қилиб қўйган эдик... — дея вазият-

ни батафсил тушунтирдилар. — Ё Абу Бакр шартларимизга амал қилсин, ёхуд сен ҳимоянгдан воз кеч, — дедилар.

У Абу Бакрнинг уйига келиб, қурайшийларнинг хоҳишларини аңлатди. Ҳазрати Абу Бакр уни ноқулай аҳволга солиб қўйишни истамади.

— Менга Оллоҳнинг ҳимояси кифоя, сенинг ҳимоянгдан воз кечаман, — деди.

Арабларнинг одатига кўра, бирга Қурайш зодагонларининг ҳузурига бордилар. Ҳазрати Абу Бакр Ибну Дагиннанинг ҳимоясидан ўз ихтиёри билан воз кечаётганини, бунда унинг заррача айби йўқлигини эълон этди.

Молик ибн Дагинна кўнгли хотиржам бўлиб изига қайтди. Ҳазрати Абу Бакр учун эса, яна эски — нотинч, беҳаловат кунлар бошланди.

## Бозорларда қилинган даъват

Арабларнинг учта йирик ва машҳур бозори бор эди, улар: Укоз, Мажанна ва Зулмажоз. Аввали Шаввол ойида Укоз бозори очилар ва бу ерда савдо-сотиқ бир ойча давом этарди. Сўнгра Мажаннада йигирма кунлик бир бозор очилар, у ердан эса, Зулмажозга кўчилар эди.

Бозор мавсуми тутагач, ҳаж мавсуми бошланар, карвон-карвон бўлиб сафарга чиққанлар Каъбани тавоф этиш учун Макка сари йул олар эдилар.

Расули Мукаррам (с.а.) ҳаж қилиш мақсадида Маккага келган қабилалар орасида юриб, уларни Исломга даъват эта бошладилар. Ёнларида қабилаларнинг келиб чиқиши, насли-касби хусусида кенг ва атрофлича биладиган Ҳазрати Абу Бакр бор эди. Дуч келинган қабила аъзоларидан аввал ким эканлиги сўралар, сўнгра уларнинг қошига ўтириб, Ислом динидан баҳс этар эдилар. Абу Лаҳаб ҳам қараб турмас, у ҳам эски вазифаси билан банд булар эди.

— Ишонманглар унга! Болаларни оталарига душман қилган жодугар мана шу бўлади! Оилаларни бузган, эрни хотиндан ажратган игвогар мана шу одамлар! — деб бақириб юрарди.

Баъзилар истеҳзо ва ҳақоратомуз оҳангда, бу динни қабул этолмасликларини билдирардилар. Аммо Расулуллоҳ (с.а.в.) сира ҳам умидсизланмай, бошқа бир қабилини даъват қила бошлар эдилар. Баъзилар очикдан-очик савдолашишга тушишарди:

— Хўп, агар биз сени қўллаб-қувватласак ва мувофиқиятга эришсак, ҳокимиятни бизга топширасанми? Шунга розимисан? — дейишарди.

Ҳаққа даъват этаётган зот бунга жавобан ҳам ҳақ сўзни сўзлар эдилар:

— Ҳамма нарса Оллоҳнинг хоҳиш-иродаси билан бўлуру. У истаган бандасига ҳокимият беради.

— У ҳолда бу иш бизга тўғри келмайди. Биз бу ишни деб жонимизни жабборга берайлик, ҳаётимизни ҳавф остига қўяй-

лик, арабларнинг душманлигига дучор бўлайлик, уларнинг ўқларига нишон бўлайлик-да, сўнгра қўлга киритилган галабанинг ўлжаларидан бошқалар баҳраманд бўлсинлар?! Йўқ, унақаси кетмайди.

Ҳар бир қабила бирон баҳона ёки бирон «камчилик» топиб, бу динга киришдан ўзларини олиб қочардилар.

Ниҳоят Расулуллоҳ (с.а.в.) Ҳазраж қабиласидан бўлган олти кишилик бир гуруҳга рўбарў келдилар. Улар Минонинг Ақоба деб аталувчи жойида тўхтаган эдилар.

— Кимсизлар? — деб сўрадилар Фахри Коинот (с.а.в.).

— Ясрибдан келдик. Ҳазраж қабиласиданмиз, — деб жавоб қилишди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) уларга Ислом дини тўғрисида сўзлаб бердилар. Оллоҳнинг пайгамбари эканликларини, ўзларига китоб туширилганини таъкидладилар. Муқаддас Қуръони Карим оятларидан ўқиб бердилар.

Ҳазражликлар бир-бирларига тикилиб қолишди. Маъноли қарашлар билан бир-бирларини тушундилар. Сўнгра биттаси пичирлагудек паст овозда:

— Яҳудийлар маълум қилган Пайгамбар шу одам бўлса керак. Унга иймон келтиришда зинҳор-базинҳор яҳудийлар биздан ўтиб кетмаслиги керак, — деди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) сўзлаб берган нарсалар жуда гузал, мафтункор ва таъсирчан бўлиб, инсонга фазилат ва одоб сабогини берар эди. Ақли расо киши бу нарсалардан юз ўгириши тўғри бўлмас эди. Шунингдек, пайгамбар эканликларини таъкидлаётган бу зотнинг чеҳраларидан нур ёғилар, вужудларидан хушбўй бир ҳид таралар эди. Самимий бир тушунча, покиза бир қалб эгаси шундоққина кўриниб турарди.

— Сенга ишонамиз, эй улуг инсон. Шубҳасиз, сен Оллоҳнинг бизга раҳмат қилиб жўнатган пайгамбарисан, — дейишди бир овоздан.

Расулуллоҳ (с.а.в.) севиниб кетдилар. Шу пайтгача бошқа қабилаларга қилган даъватлари зое кетган, қалblлари гам-гуссага тулган бўлса энди бу иймон учқунлари юракларига ором бағишлаган эди.

Ҳазражликлар бирма-бир ўзларини танитишди:

— Абу Умома Асъад ибн Зурора.

— Авф ибн Ҳорис.

— Рафиъ ибн Малик.

— Қутба ибн Амр.

— Уқба ибн Амр.

— Жобир ибн Абдуллоҳ.

Баъзи ривоятларда бу биринчи Ақоба учрашувида ҳазражликлар саккиз киши бўлгани нақд қилинади. Юқорида исмлари келтирилганлардан ташқари яна Муоз ибн Аффо ва Убода ибн Сомит ҳам борлиги билдирилади.

— Шу кунларда ўз қавмимиз билан ҳам, қавмимизга мансуб бўлмаган яҳудийлар билан ҳам келишолмай турибмиз. Орамизга душманлик ва ёмонлик уруғлари кириб қолди. Умид қиламизки,

сен туфайли Оллоҳ таоло орамиздаги тушунмовчиликни бартираф этиб, яна қардошлик уруғларини сочади. Биз юртимизга қайтиб, қабиладошларимизни ҳам сенинг динингга даъват қиламиз. Агар уларни мана шу диндан баҳраманда этиб, бир жойга бирлаштира ва бизнинг орамиздаги қардошлик, дўстлик ва тинчлик алоқаларини тиклашга ёрдам берса, биз сендан беқиёс даражада миннатдор бўламиз.

Шундан сунг Расулуллоҳ (с.а.в.) билан хайрлашиб, ўз юртига қайтиб кетишди.

Шу йўсинда Ясриб шаҳрида ҳам Ислому динининг уруғлари сочилди.

Булар Ясрибга бориб, мазкур шарафли ва муборак динни тушунтиражак, унга даъват этиб, ўзлари сингари иймони бақувват мусулмонларни етиштиражаклар.

Буюк Оллоҳ инсоният учун ёйган, лекин маккаликлар хўрлаган бу баракотли дастурхон атрофига мадиналиклар утиражак, қурайшийлар оёқости қилган бу муборак неъматни авс ва ҳазражликлар бошларига кўтаражаклар келгусида.

Ислому тарихида исмлари жуда оз маълум бўлган бу шарафли инсонларнинг номлари олтин ҳарфлар билан ёзилса ва масжидларга, ҳатто мўмин-мусулмон бор ҳар уйнинг тўрига осиб қўйилса ҳам арзийди.

Улар инсониятнинг саодат раҳбаридан олган омонатни Ясрибга тарқатиш мақсадида йўлга чиқар эканлар, Набийи Акрам (с.а.в.) ҳам кўнгиллари гоят кўтарилган ҳолда бошқа мусофирлар билан учрашиш учун жойларидан жиддилар.

Бир йилдан кейин яна ҳаж мавсуми бошланганида, Ясриб шаҳридан иймон нури ила безанган ўн икки киши келди. Улар орасида, утган йили Расулуллоҳнинг саҳобалари қаторига киришга мушарраф бўлган олти киши ҳам бор эди. Улар бир йил олдин кўрган Улуғ Пайгамбарларини соғинган, у зотнинг муборак юзларини кўриш, мафтункор суҳбатларидан баҳраманда бўлиш учун қанот ёйиб, учгудай бўлиб келган эдилар.

Расулуллоҳ (с.а.в.) улар билан аввалги учрашган жойларида учрашдилар. Келганлар ҳаммалари мусулмон эди. Ясрибда ҳам яна кўпгина кишилар мусулмон бўлганликлари ҳақида ҳушхабар етказишди. Бундан буён қандай ҳукмларга риоя қилишлари кераклигини сўраб ўрганишди. Суюкли пайгамбаримиз билан Ясриб мусулмонлари орасида бир шартнома тузилди. Тарихда бу шартнома «Биринчи Ақоба байъати» номи билан қайд этилгандир.

Бу йигилишда Расулуллоҳ (с.а.в.):

— Оллоҳга ҳеч бир нарсани шерик қилмаслик, ўтрилик қилмаслик, зинодан узоқ бўлиш, норасида гўдакларни ўлдирмаслик, ҳеч кимга бўҳтон ёғдирмаслик, хайрли ишларга қаршилик кўрсатмасликка менга сўз беринг!.. Сизлардан сўзида турганларга мукофот беришни Оллоҳ ваъда қилади. У ҳар қандай нуқсондан пок ва марҳаматли зотдир. Мана шу ҳукмларга риоя қиламан деб эвазига фоний дунёда азобларга қолинса, бу азоблар охиратда мағфиратга айланади. Булардан биттасига амал қилмаганлар эса,

Оллоҳнинг иродасига ҳаволадир. Хоҳласа, гуноҳларини авф этади, хоҳласа, азоб беради, — дедилар.

Ун икки киши Расулуллоҳнинг (с.а.в.) ушбу сўзларини такрорлаб қасамёд қилдилар.

Расулуллоҳга (с.а.в.) қасамёд қилиш шарафига сазовор бўлган ясриблик бу инсонлар қуйидагилар эди:

1. Асъад ибн Зурора.
2. Авф ибн Ҳорис.
3. Муоз ибн Ҳорис.
4. Рафиъ ибн Малик.
5. Заквон ибн Қайс.
6. Убода ибн Сомит.
7. Язид ибн Саълаба.
8. Аббос ибн Убода.
9. Уқба ибн Амр.
10. Қутба ибн Амр.
11. Малик ибн Таййихон.
12. Увайм ибн Соида.

Ақобада кунгиллари покланган мўмин-мусулмонлар ватанларига қайтар эканлар:

— Ё Расулуллоҳ, биз билан бирга бир одам жўнатинг, қавми-мизга Қуръонни ўргатсин, — дедилар.

Фахри Коинот (с.а.в.) жанобларининг муборак чеҳраларида мамнунлик излари кўринди. Бу самимий бир илтимос эди. Бундан буён маккаликлар хор қилган тавҳид машъаласини ясрибликлар баланд кўтаражак, илдизли иймон кўчати ўша муборак тупроқларда ўтқазилажак бу беқиёс кўчат муборак ҳосилларини ўша ерда беражак эди.

Мусъаб ибн Умайр, ушбу вазифага энг муносиб инсон эди. Чақиртирилди, Ясрибда Қуръон ўргатиш вазифасига лойиқ деб топилгани билдирилди. Мусъаб бу вазифани гоят мамнунлик билан қаршилади. «Энг хайрлигингиз Қуръонни ўрганган ва уни ўргатадиганингиздир», деб буюрган улут Расул бу даъфа уни ушбу шарафга ноил қилган эдилар.

Мусъаб иймон келтирганидан сўнг оиласидан бадарга этилган эди. Расулуллоҳнинг (с.а.в.) пайгамбарликларини тасдиқлагунига қадар том маънода шаҳона ҳаёт кечирган, хоҳлаган нарсаси унга доим муҳайё, энг тансиқ таомлар у истаган дамда ҳозиру нозир бўлган. Энг ноёб кийимлар кийиб, шаҳзодалардек давру даврон суриб келган эди. Бироқ иймон келтирганидан сўнг ҳамма нарса бирданига тескарисига ўзгарди, қадрдон гушасидан ҳайдалди.

## Ясриб иймон қароргоҳига айланади

Мусъаб йўлга чиқиш учун ҳозирлик кўрмади. Чунки эғнидаги эски либосларидан бошқа ҳеч вақоси йўқ эди. Дарҳол, «Қайдасан, Ясриб?» дей йўлга чиқди. Амр ибн Умми Мактум унга ёрдамчи этиб тайинланди.

Мусъаб ҳамроҳи билан бирга узоқ давом этган йўлчиликдан

сўнг Ясрибга етиб боришди. Муслмонлар билан танишдилар. Шаҳарда бутун оиласи билан Ислом динига кирганлар ҳам бор эди. Мусъаб билан Умми Мактум уларга Қуръонни ўргатиш билан бир қаторда иккинчи томондан, ҳали бу янги динга кирмаганларни Исломга даъват этишарди. Ясрибликлар Исломга ўз ихтиёрлари билан, чин кўнгилдан қабул этиб кираётганликларини кўриб қувонишар, Оллоҳга ҳамду санолар айтишар эди. Энди бу ерда Абу Жаҳл ҳам, Абу Лаҳаб ҳам йўқ эди.

...

Бир куни Асъад ибн Зурора меҳмони Мусъабни Бани Абдул Ашҳал маҳалласига олиб борди. Бир боғда йигилиб, муслмонлар билан суҳбатлашмоқчи эди.

Олдиндан келишилганидек, дастлаб муслмон ёшлар тўпландилар. Суҳбат бошланди. Мусъаб гапирар, улар диққат билан тинглаб ўтирар эдилар. Суюкли пайгамбаримизнинг гўзал одоб-ахлоқлари, мислсиз фазилатлари, беқийёс сабр-тоқатлари ҳақида ҳикоя қилинди.

Бирдан Асъад Мусъабнинг сўзини бўлди:

— Менга қара, Мусъаб, анави келаётган одам Бани Абдул Ашҳалнинг етакчиларидан бири. Агар уни Оллоҳнинг бирлигига ишонтира олсак, зўр иш бўларди-да, — деди.

Бу киши Усайд ибн Хузайр бўлиб, қабиланинг икки оқсоқолдан бири эди. Қовоғи солиқ. Юраги сиқилаётгани шундоққина кўриниб турарди. Уларнинг тепасига келиб, илон пўст ташлайдиган беҳаё сўзларни айтиб сўкинди, сўнгра:

— Асл ниятларингиз нима ўзи? — дея гап бошлади. — Бу ёшлардан нима истайсизлар? Бир гуруҳ покиза, самимий йигитларни йўлдан оздирмоқчимисизлар? Агар жонларингиздан умидларингиз бўлса, ҳозироқ бу ердан даф бўлинглар!

У найзасини маҳкам ушлаб олган, кўзларидан олов чақнар, овози шиддатли эди.

Мусъаб бир зумда Расулуллоҳни кўз олдига келтирди. У зотнинг юмшоқ табиатли, жозибали табассумлари, ширин суханлари ёдига келди.

— Бир нафас ўтирсанг, суҳбатлашсак, яхши бўлармиди? Даъвоимизни эшитиб кўрар эдинг. Дилингга хуш келса, қабул қиларсан. Ёқмаса, биз ҳам сизларни ортиқ безовта қилмас эдик.

Шиддатли нигоҳлар бир оз юмшагандай бўлди. Юздаги ифода ҳам ўзгарди.

— Ҳақли гап айтдинг, — деди. Қўлидаги найзасини ерга санчиб қўйди ва чордона қуриб ўтириб олди.

Мусъаб гап бошлади. Ўтмишдаги жоҳилона ҳаётлари, сўнгра Расулуллоҳ (с.а.в.) ва у киши инсонларга келтирган дини, Оллоҳ таоло нозил қилган китоб ҳақида дона-дона қилиб сўзлаб берди.

— Хуш, у ҳолда менга ўша китобдаёқ баъзи бир нарсаларни ўқиб бера оласанми? — деди Усайд.

Мусъаб «Бисмиллоҳ» деб Қуръонни тиловат қила бошлади. Кўнгилларининг туб-тубигача етиб бораётган, ҳеч бир адиб ва шоир тасаввурига ҳам сигдира олмайдиган бу мукаммал ифода-

лар руҳини остун-устун қилаётганини ҳис этди Усайд. Тиловат қилинаётган ушбу илоҳий каломни диққат билан тинглар экан, қандайдир кўринмас кучлар унга таъсир кўрсатиб, ҳидоят йўлига чорлаётганини сезд.

— Нақадар гўзал, нақадар латиф калом бу... — деди ҳаяжонланиб.

Сўнгра Мусъабга утрилиб:

— Бу динга қандай кирилади? Сизлар қандай киргансизлар? — деб сўради.

— Гусл қилиб покланасан, покиза либосларни кийиб, шаҳодат калималарини келтирасан ва намоз ўқийсан.

Усайд ортиқ иккиланиб утирмади. Боннинг бир чеккасига бориб гусл қилди, либосини тозалади ва Мусъабнинг ёнига келди ҳамда шаҳодат калималарини келтирди. Сўнгра ўрнидан турди ва ўргатилгандек қилиб намозга турди.

Кўнгилларга хотиржамлик ва мамнунлик ҳисси чўқди. Бу туйғулар кўзларга ҳам балқиб чиқди.

— Энди яна бир одам қолди. Шундай одамни, агар унга ҳам мусулмончиликни қабул қилдира олсак, ортиқ ҳеч қандай хавф-хатар қолмайди... — деди Усайд ва ўрнидан туриб, келган томонига қайтиб кетди.

Саъд ибн Муоз уни зўр қизиқиш билан кутиб турарди. Аммо Усайд шаштидан қайтган ҳолда келаётганини кўриб, кўнгли гаш бўлди. Ёнидагиларга:

— Қасамки, биродаримизда кетаётгандаги шашти йўқ, — деди.

— Нима қилдинг? — деб сўради у етиб келганида.

Усайд жавоб берди:

— Ҳалиги икки киши билан гаплашдим. Лекин уларнинг ишида зарарли ҳеч нимани пайқамадим. Бу орада Бани Ҳориса холагнинг ўглига бир ёмонлик ҳозирлаганларини эшитдим, — деб жавоб қилди Усайд.

— Асъад ибн Зурогами?

— Ҳа.

Саъд дарҳол ўрнидан туриб, Асъадлар ўтирган боққа томон йўл олди.

...

У ҳам шаҳдам одимлар билан, бузук важоҳат билан келди. У ҳам худди Усайд кутиб олинган тарзда кутиб олинди. Шундан кейин у ҳам Мусъаб ўқиб берган Қуръон оятларини тинглади:

«Ҳо, мим. Очиқ-равшан китобга — Қуръонга қасамки, албатта, Биз уни сизлар ақл юргизишингиз (маъно-мазмунини фаҳмлашингиз) учун арабий Қуръон қилдик. Дарҳақиқат, у Бизнинг даргоҳимиздаги Асл китобда (Лавҳул Маҳфузда битилган) юксак (мартабали) ва ҳикматли (Китобдир). Бас, (куфру исенда) ҳаддан ошувчи қавм бўлганларингиз учун Биз сизлардан бу эслатмани буриб (сизларни ўз ҳолларингизга ташлаб) қўюрмизми?! Биз аввалгиларга ҳам анча пайгамбар юборганмиз. Улар ҳам уларига келган ҳар бир пайгамбарни масҳара қилиб қулган эдилар. Бас, Биз улардан, (Макка кофирларидан) кучли-қувватлироқларини

ҳам ҳалок қилганмиз. (Ушбу Қуръонда) аввалгиларнинг масал-қиссалари ўтди-ку!»<sup>1</sup>

Бу оятлар Саъд ибн Муознинг юрагидаги газабни бартараф этди ва юмшоқ кўнгил қилиб қўйди. Тинглаб бўлгач, юз ифодасининг бирдан ўзгариб, мулойим бўлиб қолиши руҳияти ҳам остин-устин бўлганидан дарак берар эди.

Шу зайл қабилада сўзи ўтадиган, ҳурмати баланд икки мўътабар зот мусулмон бўдилар.

Саъд ибн Муоз ҳам қайтиб қавмининг олдига келганида, бутунлай бошқача бўлиб қолган эди.

— Мен сизларга кимман? — деб сўради.

— Бизнинг йўлбошчимизсан, — дедилар.

Саъд олдин калима келтирди, сўнгра сўзларини шундай давом эттирди:

— Оллоҳга ва расулига иймон келтирмагунигизча аёлларингиз билан ҳам, эркакларингиз билан ҳам гаплашишни узимга ҳаром деб биламан.

Бу сўзлар Бани Абдул Ашҳалга қаттиқ таъсир қилди. У ерда утирганларнинг ҳаммаси бирин-кетин калима келтирдилар. Уша куни кечгача Бани Абдул Ашҳалдан мусулмон бўлмаган биронта ҳам оила қолмади.

Бундан буён даъват ортиқча қийинчиликсиз, муваффақият билан юргизила бошлади. Исломи даъватига чин кўнгилдан берилган бу инсонлар ҳар куни бир хушхабар, ҳар куни янги бир мадад олишар эди. Маккада утган ҳар бир кун тобора огир ва машаққатли кечаётган бир пайтда Ясриб халқи, худди бир-бирлари билан мусобақа қилаётгандай, тобора шаҳдам одимлар билан иймон йўлидан илгарилар эди. Ясриб мусулмон меҳр қўядиган, у ерда яшайдан ўзини бахтиёр ҳис этадиган иймон шаҳрига айланиб борарди.

Кетма-кет бир неча ой ўтди. Кейинги ҳаж мавсумида Ясриб шаҳридан беш юз кишилик бир карвон Макка томон йўл олди. Улар орасидаги етмиш уч эркак ва икки аёл айниқса ўзларини бахтиёр ҳис этардилар. Булардан Пайгамбар алайҳиссалом билан бир йил олдин танишган ва ўшандаги суҳбат ҳамон кўз олдига турган баъзилари у зотни яна кўриш, ҳали кўрмасдан туриб пайгамбарлигига ишонган бошқалари эса, Расулуллоҳга етишиш ҳисси билан тўлиб-тошар эди.

...

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ҳаром қабиласи орасида ҳурмати баланд, сўзи ўтадиган бир киши эди. У ҳам ҳаж ниятида сафарга чиққан эди. Карвонда баъзан биронта дўсти билан суҳбатлашиб, баъзан якка ўзи тўхтаб-тўхтаб, хаёлга толиб борарди.

Қаъб ибн Молик унинг ёнига келди.

— Қалайсан, эй Абу Жобир?

— Яхши, раҳмат.

— Яхши эканлигинга кўзим етмаяпти-да.

<sup>1</sup> Зухруф сураси, 1-8-оятлар (Тарж. Лоуддин Мансурники).



— Хуш, унда қанақа эканман?

— Бу кетишда жаҳаннамга ўтин бўладигандек кўриняпсан кўзимга.

Бу гап истехзо эмасди. Бу овозда ҳақорат ифодаси ҳам йўқ эди. Ярим ҳазил, ярим чин оҳангида айтилган бир сўз эди.

Абдуллоҳ кулимсиради:

— Нега экан энди?

Каъб Абдуллоҳнинг туясига ёпилган хуржунга қўлини тикди, у ердан бир тош чиқарди.

— Бу нима? — деб сўради.

— Ҳаммага маълум нарса-ку.

— Яъни, бир илоҳ, шундайми?

— Шубҳанг борми?

Каъб кулди.

— Илоҳ, аммо гунг ва соқов, кучсиз ва ночор бир илоҳ... Қисқаси, бир тошдан ўзга нарса эмас, — дея қўлидаги тошга енгил-енгил уриб кўйди. — Қара, калтак еяётганини ҳам билмайди. Дўстига бир-икки сония ўйлаб олишга фурсат берди. Сўнгра: — Қани, энди айттин-чи, бу илоҳинг хуржунда нима билан машғул эди? Сен уни олмагунингча, бор-йўқлиги ҳам номаълум эди, тўтрими? Кейин қўлидаги тошни улоқтириб юборди. — Қара... — деди.

Абдуллоҳнинг онги остун-устун бўлиб кетди. «Бу қандай илоҳки, Каъбнинг қўлида ўйинчоқ қилиб ўйнатилса ҳам, лом-мим демаса?» — деган ўй ўтди.

Каъб:

— Энди гапларимга қулоқ сол, эй Абу Жобир, биз сенинг жаҳаннамга ўтин бўлишингни асло истамайсиз, чунки сен ақли расо, ҳурмати баланд, баобру бир одамсан.

— Гапларинг тўтри, Каъб. Асл муддаонг нима ўзи?

— Биз яп-янги ва тўппа-тўтри, ҳақ ва ҳидоят динига кирдик, — деди Каъб. — Бу дин инсонга инсон эканлигини ўқирадиган, тошларга асир бўлишдан халос этиб, ҳамма нарсани яратган Оллоҳга йўналтирадиган, инсонни ахлоқий фазилатлар билан янада безайдиган бир диндир...

Каъб таниқли шоир эмасми, нутқи равон ва гузал эди. Исломи динини бор истеъдодини ишга солиб таърифлади. Абдуллоҳ унинг гапларини боши эгик ҳолда, диққат билан тинглади.

Бир оздан сўнг йўлда давом этиш учун ўринларидан турдилар. Тош бут ётган жойида қолаверди.

...

Бароъ ибн Маърур ҳам қавми орасида сўзи ўтадиган бир киши эди. Ҳажга бу гал мусулмон сифатида борарди. Йўлда биродарларига хитоб қилди:

— Намоз пайти бу муборак Байтга орқамизни ўгириб қараб ўқишимиз юрагимни гаш қилмоқда. Бундан буён намозни Дамашқ томонга қараб эмас, Каъбага қараб ўқиймиз.

— Худо ҳаққи, эшитишимизча, Расулуллоҳ (с.а.в.) намозда Дамашқ томонга қараб ўқир эканлар. У кишидан бошқача иш тута олмаймиз.

— Сизларни билмайман-у, лекин мен бундан буён шундай қиламан.

— Эй Бароъ, подадан айрилганни бури ер, дейдилар...

— Мени ўз ҳолимга қўйинглар.

Сафар шу тарзда давом этди.

Маккага келдилар. Бароъ ибн Маърур Каъб ибн Моликка муурожаат қилди:

— Юр, биродар, тезроқ Расулуллоҳ (с. а. в.) ҳузурларига борайлик. Йўлда қилган ишим юрагимга гулгула солиб, тинчлик бермаяпти.

Биргаликда кетдилар. Улар ҳали Расулуллоҳни кўрмаган, аммо сўраб-суриштириб тезроқ топишдан умидвор эдилар.

— Муҳаммад ибн Расулуллоҳни қаердан топсак бўлади? Яъни, Абдумуттолибнинг неварасини?

Бир маккалик одам сал олдинроқ у кишини кўрган эди.

— Абдумуттолибнинг угли Аббосни танийсизларми? — дея сўради. «Ҳа» жавобини олгач, йўл кўрсатди:

— У ҳолда Масжиди Ҳарамга боринг. Ўша ерда Аббоснинг ёнида ўтирган киши сиз қидираётган одам бўлади.

Аббосни савдогар бўлгани учун танирдилар.

Масжиди Ҳарамга бордилар. Ён-атрофига разм солдилар ва Аббосни кўриб қолдилар. Ёнида ўтирган одам бутун вужуди ила «Муҳаммад ибн Абдуллоҳ мен бўламан», деяётгандек эди.

Келган кишилар шу ерга ўтирдилар.

Расулуллоҳ (с. а. в.) амакиларига ўтиридилар:

— Бу кишиларни танийсизми, эй Абул Фазл?

Ҳа, булар қавмларининг йўлбошчилари бўлмиш Бароъ ибн Маърур ва Каъб ибн Молиқдир.

— Яъни, машҳур шоир Каъбми?

— Худди шундай.

«Демак, Расулуллоҳ (с. а. в.) мен ҳақимда эшитган эканлар-да?! деган уйдан Каъб жуда ҳам қувониб кетди.

Каъб ва Бароъ Оллоҳга ва Расулга иймон келтирганликларини баён қилдилар. Набийи Акрам (с. а. в.) гойибона Исломга кирганликларини эшитиб, бу одамлардан гоят мамнун бўлдилар. Улар билан бирмунча вақт суҳбатлашиб ўтирдилар. Суҳбат орасида Бароъ ибн Маърур:

— Ё Расулуллоҳ, бу ёққа келаётганимизда манави муқаддас даргоҳга орқамни ўтириб намоз ўқишга ҳеч кўнглим бўлмади. Шунинг учун бошимни Каъба томонга қилиб саждага турдим. Аммо ҳамроҳларимнинг ишларига хилоф равишда йўл тутганим учун юрагим гашланди. Сиз нима дейсиз? — деб сўради.

Расулуллоҳ (с. а. в.):

— Қиблани ўзгартирмаслик керак эди, — дедилар. Лекин «яна эски ҳолингга қайт», деб талаб ҳам қилмадилар. Хайрлашар эканлар, Ташриқ кунларида, аввалги сафардаги каби, Ақобда учрашишга келишиб олдилар.

Кундуз куни қабиладошлари билан бирга бўлиб, кечқурун одам оёғи тингандан кейин секин-секин, битта-иккиталаб Ақобда тўпланмоқчи бўлишди. Ҳеч ким узоқ қутилмасин, ухлаб қол-

ган киши уйғотилмасин, дейилди. Кетарда меҳмонлар кўнгилларидаги гапни очишди:

— Эй Оллоҳнинг расули, сизга бу ерда зиён-заҳмат етказилаётгани ва дилингизга озор берилаётганидан асло рози эмасмиз. Бизнинг юртимизга кўчиб ўтинг, ҳузур-ҳаловатда, сизга ишонадиган, итоат қиладиган кишилар орасида яшанг. Ушбу таклифимизга кечқурун учрашганимизда узил-кесил жавоб беринг, — дейишди.

Келишилган вақтда Расулуллоҳ (с. а. в.) амакилари Аббос билан биргаликда Ақоба томонга йўл олдилар.

...

Ясрибдан келган мусофирлар ҳар доимгидай кечқурун алламаҳалгача суҳбатлашиб ўтирдилар. Сўнгра кўзлар юмила бошлади. Кўп утмай уйқуга кетдилар.

Улар орасида ухлаб қолмасликка тиришиб, ўзгача ҳаяжон ичида ўтирганлар ҳам бор эди. Улар шерикларининг ҳаммаси тула ухлаб бўлгунича бир муддат кутдилар. Кейин битта-битта бўлиб ўта эҳтиёткорлик билан, ҳатто бир-бирига билдирмай, ажралиб чиқа бошладилар. Чунки бирон тасодиф ила мусулмон бўлмаган шерикларининг уйғониб кетиш эҳтимоли ҳам йўқ эмас эди.

Зулҳижжа ойининг ўн биринчи (ёки ўн иккинчи) кунига ўтар кечаси эди. Осмонда ой ва юлдузлар чарақлаб турарди. Атроф жимжит, теран сукунат чўккан.

Ақобага келганларида Расулуллоҳ (с.а.в.) амакилари иккалалари уларни кутиб турган эдилар.

...

Аввал Аббос сўз бошлади:

— Эй ҳазражликлар, Муҳаммад бизнинг орамизда баланд бир мавқеъга эга экани сизларга ҳам маълум. Биз уни қабиладолларимиздан муҳофаза этиш учун ҳимоямизга олганмиз. Қавми орасида қанчалик шарафли инсон бўлмасин, ўз шаҳрида ҳимоя остида яшашга мажбур бўлмоқда. Шу боис у бизни ташлаб сизларнинг юртингизга кетишга қарор берди. Агар сизлар қилган таклифларингизга вафо кўрсатсаларингиз, уни ҳимоя қила олсаларингиз, нур устига нур. Бироқ агар уни ёлғиз қолдирсаларингиз ва оғир аҳволга солиб қўядиган бўлсаларингиз, ҳозироқ очигини айтиб, уни ўз ҳолига қўйинглар. Чунки уни қавми бундан кейин ҳам ҳимоя эта олади.<sup>1</sup>

Аббоснинг сўзлари тўғри эмасди. Пайгамбарликларини эълон этганларидан бери ўтган ўн йилдан ортиқроқ вақт ичида Аббос жияни учун ҳеч нима қилмаган эди. Иймон келтирмаган, лекин унга мададкор ҳам бўлмаган эди. Ҳеч бўлмаса, акаси Абу Толибнинг вафотидан сўнг уни ўз ҳимоясига олиши мумкин эди. Ёки Тоифдан қайтган Расулуллоҳни (с.а.в.) паноҳига олганида, у бегона кишилардан ҳимоя сўрашга мажбур бўлмасди. Абу Толибнинг, Абу Лаҳабнинг ҳимоясини тан олган қурайшийлар унинг ҳимоя-

<sup>1</sup> Имоми Бухорий. 5/130.

сини рад этмасдилар. Устига-устак, у Абу Толиб сингари камбагал эмасди. Қурайшийлар орасида обрў-эътиборга сазовор, бадавлат бир киши эди. Каъба хизматларидан «Сиқоя», яъни ҳожиларга сув тарқатувчилик лавозимини эгаллаган эди.

Аббос акаси Абу Толибга берган қарзи эвазига, то уни қайтиб олгунича, сиқоя вазифасини акасидан сўраган, Абу Толиб бунга мажбуран рози бўлган эди...

Ясриб халқи номидан Асъад ибн Зурора сўзлади. У Аббосга хитобан шундай деди:

— Эй бизга ишончсизлик билдирган одам! Пайгамбаримизни, инсонларнинг энг суюкли кишиси, дейиш билан нимани назарда тутганини ёлғиз Оллоҳ билади. Биз бутун қариндош-уруғларимиздан алоқаларимизни узиб гувоҳлик берамизки, бу зот Оллоҳнинг расулидир. Уни Оллоҳ жўнатандир. Келтирган дини ҳам ҳақ диндир. Пайгамбаримиз ҳақида орзу қилган тинчлик-хотиржамликни таъминлашга қўлимиздан келганича ҳаракат қиламиз. Буни биз рад этмаймиз.

Сунгра Асъад Расулуллоҳга (с.а.в) ўтирилди:

— Сиз ҳам гапиринг, ё Расулуллоҳ, ўзингиз учун нималарни истайсиз. Роббингиз учун нималарни истайсиз?

Расулуллоҳ (с.а.в.) жавоб бердилар:

— Хурсандчилик кезларида ҳам, гам-ташвишли кунларида ҳам сўзимга кириш ва итоат этиш; етишмовчилик кунларида ҳам, мулкўлчиликда ҳам ёрдам бериш; яхшиликка буюриб, ёмонликдан воз кечишга, Оллоҳ йўлида иш тутишга, бу йўлдан оздирмоққа урунувчиларга қулоқ тутмасликка, сизларнинг қошингизга келганимда, шахсингизни, оилангизни ва фарзандларингизни ҳимоя қилганингиз каби, мени ҳам муҳофаза этишга ваъда беринглар.

— Жуда соз, ушбу истакларингизни бажарсак, буларнинг эвазига бериладиган мукофот қандай бўлади?

— Оллоҳнинг розилиги ва жаннати бордир.

— Бажонидил розимиз. Лекин биз яҳудийлар билан бир шартнома тузган эдик. Энди ушбу шартномани ҳам бузамиз. Сизнинг орзу-истакларингизни бажо келтирган тақдиримизда, Оллоҳ сизни музаффар қилса, бизни ташлаб, яна қабиладошларингиз орасига қайтасизми?

— Йўқ, бундан сўнг сизларнинг қонингиз менинг қоним, сизларнинг ўлимингиз менинг ҳам ўлимимдир. Мен сизларданман, сизлар мендансиз. Сизлар ким билан жанг қилсаларингиз, мен ҳам уша билан жанг қиламан, ким билан муроса қилсаларингиз, уша билан муроса қиламан.

Ясрибдан Салим ибн Авфнинг ўгилларидан Аббос ибн Убода сўз бошлади:

— Эй ҳазражликлар, сиз бу одамга қандай ваъда бераётганингизни биласизларми? — деди.

— Ҳа, биламиз.

— Бу аҳд-паймонингиз билан оқу қора танли барча инсонларга қарши урушишга сўз бердингиз. Агар сиз бир мун келиб молмулкнингизга, бойлигингизга зиён-заҳмат етишидан, яқинларингизнинг бошига кулфат тушишидан қўрқиб, Расулуллоҳни (с.а.в.)

ёлгиз қолдирадиган бўлсангиз, ҳозироқ бу зотни ўз ҳолига қўйинг. Агар ўша пайтда уни ёлгиз қолдирадиган бўлсангиз, у ҳолда дунё ва охиратда мисли кўрилмаган разиллик ва расволикни қилган бўласиз. Агар ушбу таклифингизга, мол-мулкнингизга зарар етиши ва яқинларингизнинг ўдрилиши эвазига бўлса ҳам, вафо қила олсангиз, уни юртингизга бошлаб боринг. Қасам устига қасамлар бўлсинки, дунё ва охиратда қилиниши мумкин бўлган энг хайрли иш шудир, — деди.

Абул Ҳайсам Малик ибн Таййихон ҳайқирди:

— Биз бу битимга, молларимизга зиён етиши, яқинларимизнинг қиличдан ўтказилиши эвазига бўлса ҳам, амал қиламиз. Ё Расулуллоҳ, ваъдамызга вафо қилсак, бунинг мукофоти қандай бўлади?

— Жаннат бўлади.

Навбат Бароъ ибн Маърурга келди:

— Қўлингизни ташланг, ё Расулуллоҳ, мен қасамёд қиламанки, сиз санаб ўтган шартларни албатта бекаму кўст бажарамиз. Сизни ҳақ Пайгамбар қилиб жўнатган Оллоҳга қасамлар бўлсинки, шахсимиз ва оиламызни қандай қуриқласак, сизни ҳам шундай қуриқлаймиз. Ишонинг бизга, ё Расулуллоҳ, худо ҳаққи, биз жангари халқ бўлиб, урушларда тажриба орттирганмиз. Шунинг учун сизни ҳар қандай душмандан муҳофаза этишга тайёрмиз.

Расулуллоҳнинг (с.а.в.) қўлларидан ушлаб олган Бароъ ушбу сўзларни Пайгамбарнинг кўзларига тикилиб сўзлаган эди. Шу онда у бу кўзлар қаърида жаннат боғларини кўраётганига асло шубҳа қилмас, ушбу дақиқаларда кўнглидан утаётган ҳис-туйғуларни ифода этиш учун ўзи каби битга эмас, мингга Бароъ ҳам етмас эди.

Шундан кейин Асъад ибн Зурора, Абул Ҳайсам Малик ибн Таййихон, Каъб ибн Малик... Расулуллоҳнинг (с.а.в.) қўлларидан ушлаб сўз бердилар. Уларнинг сўзларини бошқа мусулмонлар ҳам такрорладилар. Етмиш икки эркак ва икки аёл бирин-кетин, берган сўзларига амал қилишларини ва бу йўлда жонларини фидо қилишга ҳам тайёр эканликларини билдирдилар.

Шу зайлда Байъат (қасамёд) маросими ниҳоясига етди.

Расули Акрам (с.а.в.):

— Ораларингиздан ўн икки кишини вакил этиб тайинланг, — дедилар.

Тўққизтаси Ҳазраж, учтаси Авс қабиласидан, ҳаммаси бўлиб, ўн икки номзод бир овоздан ёқланиб курсатилди. Улар қуйидагилардир:

а) ҳазражликлар:

1. Абу Умома Асъад ибн Зурора
2. Саъд ибн Рабиъ
3. Абдуллоҳ ибн Равоҳа
4. Рафиъ ибн Малик
5. Бароъ ибн Маърур
6. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ҳаром
7. Убода ибн Сомит

8. Саъд ибн Убода
9. Мунзир ибн Убода
- б) авсликлар:
10. Усайд ибн Ҳузайр
11. Саъд ибн Ҳайсама
12. Рафоа ибн Абдулмунзир

Расулуллоҳ (с.а.в.) уларга:

— Ҳаворийлар Ҳазрати Исога қавмлари номидан кафил бўлганликлари каби, сиз ҳам қавмингиз номидан кафил бўласиз, мен ҳам уз қавмимнинг мусулмонлари номидан кафилман, — деб марҳамат қилдилар.

Аммо улар, Ҳазрати Исонинг ҳаворийларини анча орқада қолдиражак, улар эришган шарафдан юксакроқ шон-шараф, мартабаларга муяссар бўлажак эдилар. Ҳазрати Исо билан Ҳазрати Муҳаммад ораларида қандай фарқ бор бўлса, ҳаворийлар билан улар орасида ҳам шундай фарқ бор эди.

Улар «Нуқобай исна ашар» (Ун икки вакил) деб аталадиган бўлдилар.

Ясриб мусулмонлари шу тариқа, қоронги бир кечада инсоният тарихининг бахтли бир қарорига келган, уларга битмас-туганмас шараф, беҳад-беадад саодат келтирадиган бир битимни тузишга муваффақ бўлган эдилар.

Кечаги кунга қадар ҳам Арабистоннинг оддий бир шаҳри бўлган Ясриб бундан буён абадий ва мангу, муборак ва муқаддас бир шаҳар бўлиш унвонига эришган эди. Қиёмат кунига қадар ҳар бир мусулмоннинг юраги мазкур шаҳарнинг тошу тупроғига талпинажак, ҳар бир қарич ери коинот каби қадрли ва азиз бўлиб қолажак эди.

Битим тузишда иштирок этган ва ҳатто вакил этиб сайланишга муваффақ бўлганлардан Каъб ибн Молик бу битимни ҳаётидаги энг азиз хотира деб баёлаган, Бадр жангида иштирок этишдан ҳам юксакроқ мартаба деб билган эди.

Макканинг гумроҳлари ширк ботқоғига тобора чуқурроқ гарқ бўлиб, яна бир кечани мусулмонларни ҳақоратлаш билан ўтказаетган бир вақтларида, Ясрибнинг мард йигитлари ушбу кечада имконият доирасидаги энг шарафли ишнинг урдасидан чиққан эдилар. Энди улар Расулуллоҳнинг (с.а.в.): «Сизнинг қонингиз менинг қоним, сизнинг ҳаётингиз менинг ҳаётим, сизнинг ўлимингиз менинг ўлимим, деган марҳаматларига лойиқ улут инсонларга айланган эдилар.

Ўзлари бу зотни эндигина кўрдилар, аммо эллик йилдан бери у киши билан ёнма-ён яшаган одамлар ҳам фарқига бормаган жиҳатларини кўрдилар ва Оллоҳнинг оламларга раҳмат этиб жўнатган улут Пайгамбарининг қадрига ҳақиқий етдилар.

Айни шу дамда тепаларида илоннинг вишиллашига ўхшаш бир овоз эшитилди:

— Эй халойиқ! Музаммамни ва унинг осий шерикларини кўришни истаганлар бу ерга келсин, мана, улар сизларга қарши уруш очиш учун тайёр туришибди.

Овоз тобора кўтарилиб, ёқимсиз бир қичқириққа айланди.

«Музаммам» деб Расулуллоҳни (с.а.в.) назарда тутган эди. Ўзларининг исмлари «Муҳаммад» мақталган, мадҳга лойиқ кўрилган деган маъноларни ифодалар эди. Аммо мушриклар ҳозир у кишини бунинг бутунлай тескараси билан аташдан ҳам тап тортмаган эдилар. Бу сўзнинг маъноси «ёмон», «мақтовга номуносиб» демак эди.

Расулуллоҳ (с.а.в.):

— Мана, Ақобанинг олчоқ ва разил кишиси шу бўлади! Бу овоз Ибну Узайбнинг овозидир, — дея овоз келаётган томонга ўтиридилар ва: — Гапимни эшитяпсанми, эй Оллоҳнинг душмани? Бу ердаги ишимни битиргач, сенинг таъзирингни ўзим берман! — дедилар. Сўнгра биродарларига ўтиридилар: — Энди тезда жой-жойларингизга қайтинглар.

Аббос ибн Убода:

— Ё Расулуллоҳ, сизни ҳақ пайгамбар ўлароқ жўнатган Оллоҳга қасамлар бўлсинки, агар хоҳласангиз, эртага қиличларимизни қўлга олиб, Минодагиларга қарши отланамиз, — деди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) уни бу фикридан қайтардилар:

— Йўқ, ҳали бундай фармон олмадик, дарҳол жойингизга қайтинг!

...

Пешин вақти ясрибликлар тўхтаган жойга бир гуруҳ қурайшликлар келди. Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салулни қидириб топдилар.

— Эшитишимизча, Муҳаммад ибн Абдуллоҳга юртингиздан паноҳ бериш учун таклиф қилган эмишсиз. Устига-устак биз билан уруш бошлашга қарор берган эмишсиз. Шунга яхши билингки, биз сизлар билан урушишни асло истамаймиз, — дедилар.

Ибн Салул бу сўзларни ҳайрон бўлиб тинглади. Қурайшликлар унинг шу ҳолатиданоқ бу гапларнинг шунчаки миш-миш эканини тушундилар.

Ибн Салул:

— Худо ҳаққи, гапларингиздан ҳеч нарса англамадим. Мен одамларимга ишонаман, қабиладошларим орасида бундай муҳим ишни мен билан маслаҳатлашмай қилишга ҳеч ким журъат эта олмайди. Бу масалада кўнглингиз хотиржам бўлаверсин, — деди.

Муминлар бу суҳбатга аралашмасдан, сукут сақлаб турдилар.

Ўртада бирон шубҳали ҳаракатнинг аломатлари кўринмасди. Боз устига, мушриклардан бир неча киши кетма-кет қасам ичдилар, шундан кейин масала буткул ойдинлашгандай бўлди. Қурайшликлар:

— Жуда соз, модомики қасам ичар экансизлар, сизларга ишондик, — дедилар.

Маккада ҳаж вазифасини адо этиб бўлгач, ясрибликлар ҳам тинч-хотиржам юртларига қайтдилар. Энди Фаҳри Коинот пайгамбаримизнинг (с.а.в.) ташриф кунларини орзиқиб кута бошланди.

...

Амр ибн Жамуҳ исми ясриблик бир оқсоқ қария бор эди. Неча йиллардан бери «Манот» деган бутини иззат-икром билан уйининг турида сақлаб келади. Ҳар куни унинг қошига келиб,

таъзим бажо келтиради. Яна бир неча киши ҳам худди у каби уйда бут сақлаб, ушанга сигиниб юрарди.

Ўгли Муоз эса, иймон келтирган, ҳатто Ақоба қасамёдида ҳам иштирок этган эди. Муоз исмида яна бир қариндошлари ҳам бор эди. Хуллас, икки Муоз биёғлашиб, кунлардан бир куни Манотни угирладилар.

Амр ибн Жамух ўша куни тонгда ҳеч нарсадан хабарсиз уйқудан уйғонди. Нонушта қилди, сўнгра бутнинг қошига борди. Аммо... Манот жойида йўқ эди.

— Менинг Манотим қани? — деб ҳайқирди.

Ҳеч ким «мен кўрдим» демади.

— Бу қанақаси, Манот оёқ чиқариб қочиб кетдими бўлмаса?

Жаҳл билан уйдан чиқди. У ёқ-бу ёқни айланиб юрди. Бани Салама маҳалласига борганида, саросима ичида қотиб қолди. Бути ўша ерга тўкилган ахлатга қоришиб ётарди.

Дарҳол қўлига олиб, артиб-суртиб тозалади ва уйига келтириб хушбўй ҳидли атирлардан пуркади, эски жойига қўйиб қўйди.

— Худо ҳаққи, сени ҳақорат қилган одам ким эканини билиб қолсам, дунёни кўзига тор қилар эдим! — деди ва оғзига келган ширин сўзлар билан Манотнинг кўнглини кўтаргандай бўлди.

Амр газабдан титраб-қақшар, илоҳга қарши бундай «пасткашлик» қилган кишиларнинг даҳрийлигига ҳайрон эди.

Эртаси куни ушбу воқеа яна такрорланди. Ниҳоят учинчи куни ҳам бутни жойидан топа олмагач, миясига қон урди. Бу иш аслида илоҳнинг эмас, Амрнинг устидан кулиш эди. Бутни сўнгги марта ахлатдан яна тозалаб ювиб, яна атир пуркар экан, қиличини унинг ёнига осиб қўйди.

— Худо ҳаққи, бу разиллик кимнинг иши эканини билмайман. Агар қўлингдан келса, мана, қилич, энди ўзингни ўзинг ҳимоя қилишга уриниб кўр! — деди даргазаб бир алфозда.

Кечаси туш кўрди: бир итнинг жасадини топдилар, бутга боғладилар, бани саламаликлар ахлат тўкадиган, сувсиз бир қудуққа олиб бориб ташладилар...

Эрталаб уйғониб қараса, кечаги жойида фақат қиличгина турибди. Бутни қидира бошлади. Охир-оқибат яна уни ахлат тўкилган қудуқдан топди. Умрида бунақа ранжиманган, паришон бўлмаган эди.

— Эй Амр! — дея ўзига хитоб қилиб юборди. — Сен ақли расо, тушунган, бошқаларга ақл ургатадиган бир одамсан, бу чиндан ҳам илоҳ бўлса, шундай аянчли аҳволга тушармиди... Гафлат уйқусидан уйғониш пайти келмадимикан энди, эй Амр!

Ўзининг ички хитобига ҳеч бир эътироз билдира олмади. Сўнгра... оёқларининг остида ётган бутни олиб ерга урди: бут парча-парча бўлди.

— Агар илоҳ бўлсанг, итнинг улигига илашиб, ахлат тўкиладиган қудуқда нима қилиб ётибсан?! — деб бақирарди у.

Оёқларининг остида ётган парча-парча ёғочларга қаради. Уларнинг қаршисида «илоҳ» деб неча йиллар давомида сигинган



эди, оқарган сочлари ушбу жаҳолат йилларидан қолган хотира ахир.

— Қанчалик аҳмоқ бўлган эканман-а, — деб пўнгиллади.

## Иймон юрти Ясрибга ҳижрат

Ясриблик мусулмонларнинг самимийлиги ва садоқати Расулуллоҳни (с.а.в.) жуда ҳам мамнун қилган, энди мўминлар эркин нафас олиши мумкин бўлган бошпана топишларига жуда оз вақт қолган эди.

Уша кунлардан бирида пайгамбаримиз бир туш кўрдилар. Тонг отгач, биродарларига:

— Тушимда хурмозор бир шаҳарга ҳижрат қилганимни кўрдим. Мен бу шаҳар Йамома ёки Ҳажар бўлса керак, деб ўйлаган эдим. Яқинлашгач, бу шаҳар Мадина, яъни, Ясриб эканлигига амин бўлдим. Оллоҳ сизларга қардошларни насиб эттирди, омонликда яшайдиган бир юрт берди, — деб муждаладилар.

Шундан кейин Маккада яширинча тайёргарлик бошланди. Кейинроқ айримлар ҳеч кимга билдирмай, Мадина йулига чиқдилар. Орада Жаҳшнинг оиласи барча қариндош-уруглари билан биргаликда уйларини тарк этиб, жами йигирма эркак ва саккиз аёл Мадина сари йўл олдилар.

...

Абу Жаҳл, Аббос ибн Абдумуттолиб, Утба ибн Робиа бир куни Макканинг юқори қисмида айланиб юрганларида эшикларига қулф урилган ташландиқ уйларни кўриб қолдилар. Булар Жаҳш ўғилларининг уйлари эди. Утба: «Ҳар бир оила маълум муддат осойишта турмуш кечирса-да, бир кун келиб ҳаловати бузилади...» маъносидаги бир байт ўқиди. Сўнгра:

— Жаҳш ўғилларининг маскани ҳам ҳувиллаб қолибди-да... — деди.

Абу Жаҳл:

— Кюнишингга арзимади, эй Утба, отаси номаълум кишилар учун йигланмайди, — деди. Сўнгра Аббосга ўгирилиб: — Унутма, эй Аббос, бу жиянингнинг кирдикорларидан биридир. Жамоамизни тарқатди, араблар орасидаги обрўимизни туширди, — деди.

...

Абу Салама Абдуллоҳ ибн Асад, Расулуллоҳдан (с.а.в.) рухсат олган заҳоти йўл тайёргарлигини кўра бошлади. Хотини Умму Саламани бир туяга миндирди, қучоғига ўгли Саламани берди, ўзи эса, туянинг жиловидан ушлаб, йўлга тушди.

Бани Муғийрадан бир нечта киши унинг йўлини тўсди.

— Хуш, йўл бўлсин, кувъ? Узинг қаерга борсанг боравер, лекин бизнинг қизимизни ташлаб кет! Биз уни сенинг ихтиёрингга ташлаб қўймаймиз! — дедилар, устига ёпиридилар.

Нима қилмоқчи эканликлари маълум эди. Бундай одамга кучи етмаслиги ҳам аниқ.

Абу Салама зўрга қутулди ва Ясрибга қочиб кетди. Иккинчи томондан Абу Саламанинг қабиладошлари булган Бани Асад келдилар. Кичик Саламани уларга беришни талаб қилдилар. Юзага келган жанжал оқибатида кичик Саламанинг қўли чиқди. Ниҳоят, Бани Асад устун келиб, болани олиб кетдилар.

Уч кишидан иборат оила шу зайл ҳар томонга тарқалиб кетди.

Абу Салама қочиб қутулди. Маккада қолса, мушриклар уни соғ қўйишмас эди. Умму Салама Бани Муғийрага меҳмон бўлди. Бу мажбурий бир меҳмондорчилик бўлиб, унга нисбатан ёмон муомала қилинмаса-да, уз ихтиёрига ҳам қўймас эдилар. Кичкина Салама эса, отасининг қабиладошлари орасида қолди. Бундан кейин воқеалар қандай ривожланади, тарқалган оила қачон дийдор кўришади, бу ёғи ёлғиз Оллоҳга аён эди.

. . .

Умму Қайс тул қолган, аммо гузал бир аёл эди. Бир куни эшиги тақиллади. У билан турмуш кўришни истаган бир одамдан совчи жунатилган эди.

— Ҳозир бундай нарсалар кўнглимга сигмайди. Фурсатини топдим дегунча, Ясрибга кетаман, — деб жавоб қилиб қутулди.

Уша чопар бир кундан сўнг айна таклиф билан яна келди, яна таклифи рад этилди. Таклифлар ҳеч тўхтамас, ҳар қандай истаги бажо келтириши билдирилар эди. Ниҳоят:

— Мен Ясрибга кўчиб кетмоқчиман. У ерга ҳижрат қилса, турмушга чиқаман, — дейишдан бошқа чора топмади.

Таклиф ижобий кутиб олинди, бири Оллоҳ ва расулининг ризолиги учун, иккинчиси Умму Қайсга уйланишлик учун Ясрибга ча булган узоқ йўлни минг бир машаққат билан босиб ўтдилар. Тўй бўлди. Куёв мусулмонлар орасида «Умму Қайснинг муҳожир» деб танилди.<sup>1</sup>

. . .

Бир йилга яқин вақт ўтган, Умму Салама эридан бирон хабар ола олмагани каби, зўрлаб тортиб олинган фарзандининг аҳволдан ҳам беҳабар эди. Қабиладагилар иззат-икромни жойига қўйишар, лекин қабиладан ташқарига чиқишига изн беришмас эди.

Эридан ва фарзандидан ажралган Умму Салама Абтоҳ деган жойга бир неча марта бориб келди. Ҳар сафар борганида, кўз ёши тўкиб алаmidан чиқар эди.

Кунлардан бир куни яна Абтоҳда йиглаб ўтирган эди. Ёноқларидан аччиқ-аччиқ ёшлар оқар эди. Қариндошларидан бири уни бу аҳволда кўриб, ортиқ тоқат қила олмади:

— Бу бечора аёлни қачонгача қийнайсизлар? Бекордан-бекорга ҳам эридан, ҳам фарзандидан жудо қилиш инсофданми?! — деди.

Бу сўзлар одамларга таъсир қилди. Умму Саламага:

<sup>1</sup> Фатҳул-Борий, 1/3; Муслим; Нававий шаҳри, 13/55.

— Истасанг, эрингнинг олдига кетавер, — деб рухсат беришди.

Изи берилган заҳоти Умму Салама йўлга тушмоқчи бўлди.

Бу орада Бани Асад ҳам жигаргўшасини келтириб қўлига бердилар. Умму Салама бир туяга миндирилди, қучогига ўғлини олди, ёлғиз ўзи йўлга тушди.

Танъим деган жойга келганида, Усмон ибн Талхага рўбару бўлди.

— Йўл бўлсин, эй Умму Салама?!

— Ясрибга.

— Нега ёнингда ҳеч ким йўқ?

— Оллоҳ бор. Бошқа ҳеч ким йўқ.

— Худо ҳаққи, сени ёлғиз қолдириб кетолмайман, — дея Усмон туянинг жиловидан ушлади.

Йўлга тушдилар. Соатларча йўл босдилар. Бир жойга етганда оз-моз хордиқ чиқариш учун тўхтадилар. Туяни чўқтирди ва ўзи нарироқ бориб турди. Умму Салама туядан тушиб бўлгач, Усмон келиб туяни етаклади-да, бориб бир дарахтга боғлади. Ўзи ҳам юқорироқ бир жойга ўтиб ётди. Орадан бир неча соат ўтди. Умму Салама уйгонди. Усмон туяни етаклаб келиб, чўқтирди ва яна бир оз орқароққа чекиниб турди.

— Қани, мин туяга, эй Умму Салама, — деди.

Яна туянинг жиловидан ушлаб, йўлга тушдилар. Бутун сафар шу тариқа кечди...

Ясрибнинг шундоққина бўсағасидаги Қубо номли қишлоққа яқинлашганларида Усмон туянинг жиловини узатди:

— Эй Умму Салама, эринг Абу Салама маскан тутган қишлоқ шу. Бу ёғига энди ўзинг етиб оласан, — деди.

— Минг ташаккур, эй Усмон! Оллоҳ сени паноҳида асрасин.

Усмон йўлни Макка сари солди.

Умму Салама унинг бу инсонпарварлиги, олижаноблигини ҳеч унутмас, йиллар ўтиб ҳам миннатдорчилик ҳис-туйғуси билан эслаб юрар эди.

Усмон ўшанда мусулмон эмас эди. Яна йиллар давомида мушрик бўлиб қолажак, бу даражада эзгуликка тулик қалби яна бутларга сигинишда давом этажак эди.

Умму Салама қишлоққа етиб келди. Кўп ўтмай Абу Салама хотини ва ўгли билан яна қайта дийдор кўришди.

...

Макка ҳар куни битта-иккиталаб хуфена Ясрибга йўл олган аҳли билан хайрлашар эди. Аммо бу сафарги муҳожирлар Ҳабашистонга ҳижрат қилганлар каби гамгин ва паришон эмасдилар. Чунки Пайгамбарлар Султони (с.а.в.) уларнинг орқасидан етиб боришларига ишончлари комил эди.

Тугилиб ўсган шаҳарни ташлаб чиқиб кетиш оғир, албатта. Лекин иймонида собит қолиш учун мўминларга бошқа йўл, бошқа чора қолмаган эди.

Яширинча кетишларига боис эса, мушрикларнинг қўлларига тушиб қолгудай бўлсалар, қамаб қўйилишлари аниқ эди.

## Буюк Умарнинг Маккани тарк этиши

Умар ибн Хаттоб ҳам ҳижрат қилишга қарор берди. Илк муслмонлардан Аййош ибн Робиа ва Хишом ибн Ослар билан Макка — Ясриб йўлини биргаликда босиб ўтишга келишиб олдилар. Расулуллоҳдан (с.а.в.) изн олинди. Эрталаб ҳали кун чиқмасидан олдин Танодуб деган жойда учрашишга қарор қилдилар. Танодуб Маккадан ўн чақирим узоқда эди.

— Тонггача етиб бормаган киши кутилмайди. Борганлар йўлда давом этаверади, — дейишди.

Тайёргарлик кўриш учун уй-уйларига тарқалдилар.

Масжиди Ҳарамда баланд бир овоз янгради. У ерда ҳозир бўлганлар чўчиб бошларини кўтардилар.

— Менга қулоқ солинг, эй халойиқ!

Албатта ҳайқираётган одам Умар ибн Хаттоб эди. Зотан, ундан булак одам бундай ишга журъат қилмаган бўларди. Умар (р.а.) уқ-ёйини қўлига олган, қиличини қинига солган вазиятда турарди. Ҳамма унга диққат билан қараётганини кўриб, шундай давом этди:

— Эй мушриклар! Мен ҳам ҳижрат қилишга қарор бердим. Ясриб шаҳрига кетмоқчиман. Орангизда онасини йиғлатишга, хотинини бева, болаларини етим қолдиришга ҳавасмандлар бўлса, эртага кун чиқар пайтида Шарифга борсин, ўша ерда кутаман...

Ҳеч кимдан садо чиқмади. Умар бир оз кутди. Бирон кимса жавоб бермагач, Каъбани етти марта тавоф этди. Атрофдагилар уни кузатиш билангина чекландилар. Тавофини тугатиб, шаҳдам одимлар билан масжиддан чиқиб кетди.

Орқада қолганлар унинг хатти-ҳаракатидан ўзларича хулоса чиқардилар: «Жуда мард одам-да шу Умар, осий бўлиши туғул, ундан баттар бўлса ҳам, унга ёмонлик қилишдан қочиш керак..!»

— Кўрмаяпсанми, Абдул Ҳакам (Абу Жаҳл) ҳам лом-мим демади-ку!

— Осон эканми, ахир, бу лоф эмас, ҳақиқий Умар-ку?!

Ораларида шунга ўхшаш гап-сўзлар бўлди холос.

...

Аййош билан Умар (р.а.) Танодубда учрашдилар. Хишом келмаган эди. Қарорга кўра, уни кутиб ўтирмадилар, дарҳол йўлга тушдилар. Ясрибгача бирон кор-қол юз бермади. Мадинада, Аволи деган жойда Умайя ибн Зайд ўғиллариникида меҳмон бўлдилар. Кўп ўтмасдан Абу Жаҳл укаси Ҳорис билан бирга Ясрибга келди. Аййош ибн Робиани топдилар. У амакиларининг ўгли ва она бир укалари эди.

— Ёмон бир иш қилдинг, эй Аййош! Сен қайтиб Маккага бормагунингча, онанг сочини тарамасликка, ҳатто сояга ўтирмасликка қасам ичди. Бечора онангни бу азобдан қутқаришинг керак, — дедилар.

Аййош бу сўзларга ишонди. Ҳазрати Умар орага кирди:

— Эй Аййош, зинҳор уларнинг сўзларига ишонма. Алдаб, сени йўлдан урмоқчилар, биродар. Онанг сочи қурт-қумурсқага гўлгач, тарашга, қуёшнинг қизигида қолиб бошидан кун ўтгач, сояга чекинишга мажбур бўлади. Менинг сўзимга кир ва Маккага қайта кўрма.

Аммо Аййош Ҳазрати Умарчалик иродали эмас, бунинг устига, унинг заиф жойидан ушлаган эдилар.

— Онам қасам ичибди, — деди ўксиб.

— Алданма, бу гапларнинг ҳаммаси гирт ёлгондир. Бу одамлар ҳозиргача доим ёлгон гапириб келганларини унутма!

Абу Жаҳл жиддий туриб яна аввалги гапни такрорлади:

— Онангга раҳм қил, эй Аййош. Қуёш тигида ўтирибди... Қасам ичган-а... Сояга чекинмаса, аҳволи нима бўлади? Ким билади, балки ҳозир куннинг тигига дош беролмай ҳушидан ҳам кетгандир.

Аслида, гурбат ҳиссидан, ватан ҳасратидан эзилиб юрган Аййош кетиш тарафдори эди.

— Мен бу ерда сенга қарам бўлиб қолдим, эй Умар. Бориб ҳеч бўлмаса мол-мулкимдан олиб келай, — деди:

— Сўзим сўз, молимнинг ярми сеники бўлсин, биродар.

— Барибир улар билан бирга қайтиб кетмасам бўлмайди.

Ҳазрати Умар уни бу қароридан воз кечтира олмаслигини тушунди. Ночор:

— Дўстим, шу туям сенга. Ўзи зотдор, ювош. Бир минганинча, устидан тушма. Бирон шубҳали нарсани сезсанг, қочиб қол, — деди.

Йўлга отландилар. Аййош онасини огир аҳволдан қутқариш ва она Ватан ҳасратидан халос бўлиш хаёли билан ҳаяжонда, Абу Жаҳл билан укаси эса, уни бунчалик осонликча йўлдан урганликларидан беҳад хурсанд эдилар. Сафар бежавотир давом этди. Абу Жаҳл бу гамхўрлиги учун Аййошни алқар, онанинг фарзанддаги ҳаққи ҳар қандай бошқа ҳақдан устун эканлигини қайта-қайта таъкидлар эди. Йўлга чиққанларидан бери ора-сира суҳбат Аййошнинг онасига бориб тақалар, ҳар гал ёлгон-яшиқлар устма-уст тахланар эди. Абу Жаҳл:

— Энг охирги кун бошидан сув қуймагунларича, ҳушига келмади шўрлик хотин, — деб хўрсинди.

— Шунчалик бўлгунча унга қараб ўтиравердиларингизми? Сояга чиқариб қўйсаларингиз бўлмасмиди?

— Неча марта сояга олдик, аммо қошки кўнса. Ҳушига келди дегунча, ўрнидан сакраб туради-да, «Ёқдинг мени Аййош!» деб бақариб, яна қуёшнинг тигига чопади...

Ҳорис қўшимча қилди:

— Аслида, уйлаб қарасанг, биз нафақат онангни, сени ҳам қутқармоқчи бўлдик. Чунки онанг бевақт ўлиб кетса, сенинг бошингга бирон кулфат тушиши бегумон.

— Ким билади, сени кўрса, онанг боёқиш роса суюнса керак. Сен ҳам янги ҳаёт бошласанг, ажаб эмас.

Сафар шунга ўхшаш суҳбатлар билан давом этди.

Маккага яқинлашдилар. Олдинда Абу Жаҳл билан Ҳорис, Аййош уларнинг орқаларида...

Бир маҳал Абу Жаҳл:

— Бизнинг туямиз роса чарчади, туяларимизни алмаштирсак, нима дейсан? — деб қолди.

Аййош бу таклифга рози бўлди ва туясини чўктирди. Шу орада бир-бирларига маъноли қараб олган ака-ука тўсатдан унинг устига ёпирилдilar. Аййош икки кишига бас келадиган даражада бақувват эмас эди. Икки дақиқа утиб-утмай, оёқ-қўли боғлоглик ҳолда туяга юкланди.

Абу Жаҳл Маккага музаффар қўмондон каби керилиб кириб келди. Қонун ҳукмидан қочган бир жиноятчини узоқ қидирувдан сўнг қўлга туширган бир миршаббоши каби, атрофидагиларга мағрурона кўз ташлар эди. Унга қараб турганларга:

— Ақлингиз бўлса, сизлар ҳам аҳмоқларнинг таъзирини мана шундай берасиз, — деб бақирди.

Аввал Аййошга дастлабки жазо сифатида юз қамчи урилди. Онасининг соч тарамасликка қасам ичгани ҳақидаги сафсатага ишонганига минг пушаймон бўлди. Қул-оёғи боғланган ҳолда қамаб қўйилди. Ҳижратга булар билан бирга чиқишга келишган Ҳишом ҳам тутилиб қамалганини шу ерда билди.

Қамоқ ҳаёти, ўз номи билан, қамоқ ҳаёти эди. Бу ерда ҳеч кимнинг беклардек кун кечирishiга изн берилмас, тўхтовсиз равишда жабру ситам етказилар эди.

Ҳазрати Умарнинг (р.а.) насиҳатига қулоқ солмаган ва Абу Жаҳлдек бир ахлоқсиз мушрикнинг сўзларига ишонган Аййош бундан бошқача жазоланиши мумкин эмасди.

Ҳазрати Умар билан Абу Жаҳл икки қарама-қарши қутбга ўхшардилар. Бири ҳақ ва адолатнинг, иккинчиси жаҳолат ва тушкунликнинг тимсоли.

Ҳақ ва адолат голиб келган жойда Умар, ширк ва фисқу фасод авжига минган жойда Абу Жаҳл ҳукм сураб эдилар...

Ҳазрати Умар ҳам, Абу Жаҳл ҳам ўзлари мансуб бўлган қутбнинг энг мукамал вакиллари эдилар.

Ҳақ ва адолат мавзуида Ҳазрати Умарга, пасткашлик ва разолат хусусида Абу Жаҳлга бас келадиган киши йўқ эди.

Аййошнинг насиҳатга қулоқ солмагани, ўзбошимчалик қилгани мусулмонлар орасида нохуш қаршиланди. Неча йиллардан буён мусулмонларга ҳисобсиз азиятлар етказган Абу Жаҳлнинг сўзларига алдангани... ҳеч бир ақлга сикмас эди. Тавба қилса ҳам, кечирилмаслиги ҳақида баҳслашдилар, била туриб узини ўтга ташлади, дедилар.<sup>1</sup>

Мусъаб ибн Умар Саъд ибн Муознинг хонадонига келиб тушди. Асъад ибн Зурора эса, Расулуллоҳнинг (с.а.в.) амакилари Ҳамза ибн Абдумуттолибни қабул қилишга мушарраф бўлди. Расулуллоҳнинг (с.а.в.) нуридийдалари Руқаййага, унинг умр йўлдоши билан бирга, уйдан жой бериш шарафи Авс ибн Собитга насиб бўлди. Шу йўсин ватанини тарк этган ва Ясрибдан бошпана

<sup>1</sup> Ибни Касир. Сийар, 2/220.

излаб борганларга куттанларидан ҳам зиёда иззат-икром кўрсатилди. Умр бўйи биргаликда яшаган қариндошлари, оталари, акалари, укалари, ҳамшаҳарлари уларни қувган бир пайтда, бутундай бегона, нотаниш инсонлар томонидан «Оллоҳнинг бир неъматини» ўлароқ ҳурмат ва иззат, эъзозу қадр топган эдилар.

. . .

Энди бемалол, тинч-хотиржам ибодат қилиш имконияти яратилган эди. Маккадаги каби, намоз ўқиш учун хилватроқ жой қидиришга тўғри келмас, мушриклар кўриб қолмаса эди, деган ҳадик безовта қилмас эди.

Қаерга борилса, қаерга қаралса, чехраси гулгун, юзларидан иймон ва самимият нурлари порлаб турувчи инсонларга дуч келинар эди.

Маккада иймон келтириш айб, гуноҳ, жиноятдек бир гап бўлса, бу ерда иймон келтирмаслик айб ва гуноҳ эди. Лекин Маккада мусулмонларга қанча жабру зулмлар етказилган бўлмасин, бу ерда Исломга кирмаганларга заррача озор берилмас эди. Жаҳаннам ҳаёти тутаган, жаннат ҳаёти бошланган эди гўё. Майсазор узра саф тортиб жамоат бўлиб намоз ўқиётганларни кўрган кўзлар ёшланар, «Оллоҳим, шукрлар бўлсинки, бизни шу кунларга ҳам етказдинг...» дер эдилар.

Бир пайтлар чидаб бўлмас азоб-уқубатлардан шикоят қилиш учун Расулуллоҳнинг ҳузурларига келган ва «Санъо шаҳридан Хадрамуга қадар бориш учун йўлга чиққан кишиларнинг, қўйларига хужум қилиши мумкин бўлган буридан бошқа, ҳадиксирашларига сабаб қолмаслиги» ҳақида жавоб олган Ҳаббооб ҳам мана энди осойишта ҳаёт кечира бошлади. Танасига қиздирилган темирлар босиб аёвсиз азоб берилган Умму Аммор ҳам, қарзингни охиратда оларсан, деб киноя қилган Ос ибн Воил ҳам энди тарихда қолиб кетгандек. Бундан буён Ясрибда фақат мусулмонларнинг айтгани-айтган, дегани-деган эди.

. . .

Бу орада Абу Бакр (р. а.) ҳам изн сўраб келди:

— Ё Расулуллоҳ, дўсту биродарларим бирин-кетин ҳижрат қилиб Ясрибга кетдилар. Менга ҳам ижозат берасизми?

— Шошмай тур, ё Абу Бакр. Оллоҳ таоло сенга яхши бир ҳамроҳ беришидан умид қилаётирман.

— Ё Расулуллоҳ, зоти покингизга ҳамроҳ бўлишимни назарда тутяпсизми?

— Ҳа, ё Абу Бакр.

Ҳазрати Абу Бакр ўзида йўқ хурсанд бўлди.

Шу кундан бошлаб уйдаги энг зотдор икки туяни алоҳида, самура дарахтининг барги билан боқишга киришди. Бундан буён ҳатто эркин нафас ҳам олиб бўлмайдиган бу муборак шаҳардан бир дақиқа бўлса-да, олдинроқ чиқиб кетадиган кунларини зўр интизорлик билан кута бошлади.

## Суиқасд қарори

Макка ҳувиллаб ётарди гўё. Мусулмонлардан Ҳазрати Абу Бакр, Али, Суҳайб ҳамда қамаб қўйилган ва тазйиқ остидаги яна бир нечта кишигина қолишган, лекин улар ҳам бу ерни тарк этадиган кунларини орзиқиб кутишар эди.

Қурайшлик зодагонларнинг боши қотди. Бу кўчишга улар бепарқ қараб туролмас эдилар. Мазкур муаммони узил-кесил ҳал этиш учун Доруннадвада жиддий бир йигилиш ўтказдилар. Мажлисга Бани Ҳошимдан фақат Абу Лаҳабгина киритилди. Жами юзга яқин мушрик тўпланди. Абу Жаҳл, Утба, Шайба, Абу Суфён, Умаййа, Нодир, Абул Бахтарий, Замъа, Ҳаким, Нубайҳ ва Мунаббих ибн Ҳажжож ва шунга ўхшаганлар мажлисининг турида.

— Биродарлар, — дея гап бошлади Абу Жаҳл, — кўриб турибсизларки, Муҳаммад йўлдан оздирган кишилар биринкетин орамиздан кетдилар. Ўзларига Ясрибдан бошпана топдилар. Эртага Муҳаммад ҳам уларнинг орқасидан йўлга тушиши балки у ерда биз бас келолмайдиган бир қўшин тўплаши мумкин. Улар Ясрибда заифлашиб қолдилар, бу ерда минг бир машаққат ичида юритган даъволаридан воз кечадилар, деган бемаъни хаёлларга берилиб юрманглр тагин.

— Хуш, бу билан нима демоқчисан?

— Демоқчиманки, Муҳаммад ҳали ҳам орамиздадир. Агар бу ердан чиқариб юборсак, ортиқ уни қўлга туширишимиз ва ундан ўчимизни олишимиз мумкин бўлмай қолади. Дарҳол узил-кесил бир қарорга келишимиз керак. Бу масалада сизлар қандай фикрдасизлар? Ҳар ким фикрини тортинмасдан, очик-ойдин баён қилсин.

Дастлаб Абул Бахтарий сўзлади:

— Унинг оёқ-қўлларини кишанлаб қамаб қўяйлик, то ўлаўлгунча ҳибс ҳаётини кечирсин. Зуҳайр ва Набига каби шоирларнинг кунини солайлик бошига.

— Тўғри фикр эмас бу!

Гап ташлаган киши эшикка яқин бир жойда ўтирар эди. Яхши кийинган, фақат, ҳеч ким уни танимас эди.

— Кимсан ўзинг, эй қария? — дея сўрашди.

— Нажидданман, шахрингизга бир юмуш билан келган эдим. Ушбу йигилиш ҳақида эшитдим. Фикрларингизни билиш ва, зарур бўлса, биргалашиш учун шу ерга келдим.

— У ҳолда бу фикр нимага нотўғри эканини тушунтир.

— Чунки уни ҳибсга олсангиз, кўп ўтмай Ясрибдаги дўстлари бундан хабардор бўладилар. Улар устингизга юриш бошлаб, то Муҳаммадни қутқаргунга қадар сизлар билан урушаверадилар. Бунинг оқибати яхши бўлмайди.

— Гапинг тўғри, эй қария...

Асвад ибн Робиа сўз олди:

— Мен уни Маккадан ҳайдаб чиқаришни таклиф этаман. Биздан ажралсин, бизни ўз ҳолимизга қўйсин-да, хоҳлаган томонига кетаверсин.



Қария урнидан сапчиб турди:

— Бу ҳам бўлмайди. Шунча йилдан бери унга тазйиқ ўтказдингиз, фойда бердимиз? Тобора иши илгарилади, холос. Энди агар тазйиқдан холос бўлса, бутун араб қабилаларини қандай қилиб ўзига буйсундириб олганини ҳам билмай қоласизлар. Бу ердан кетиб, куч-қудрат йиққач, одамларига етказган зиён-заҳматларингизни унутиб, шундай қолдириб кетади, деб ўйлайсизларми?

Утба ибн Робиа:

— Маълум бўлдики, сен жуда ақлли, тажрибали киши экансан, яхшиси, энг маъқул фикрни ўзинг айта қол, — деди.

Қария вазминлик билан жавоб қилди:

— Албатта, мен ҳам фикримни билдираман. Фақат, яна кимдан қанақа фикр чиқади, билмоқчиман.

Абу Жаҳл сўз олди:

— Худо ҳаққи, мен ҳеч бирингиз кутмаган бир таклифни уртага ташламоқчиман.

— Хўш, қандай таклиф экан у?

— Ҳар бир қабиладан аслзода, мард бир йигитни танлаб оламиз. Уларнинг ҳаммаси бараварига қилич билан ҳужум қилиб, бараварига зарба туширадилар. Шу билан бу масалага чек қўямиз. Унинг қони тўкилгани учун ҳамма қабилалар бирдай жавобгар бўладилар. Шунда Абдуманоф ўгиллари ҳам бунча қабилага қарши интиқом олиш даъвоси билан чиқишга журъат қилолмайдилар. Товон ҳақи олишга рози бўлишдан ўзга чора қолмайди. Биз ҳам товонини тўлаймиз-да, бутун мушкулликлардан қутуламиз-қўямиз.

Қария севиниб кетди:

— Мана бу бошқа гап. Бу одам жуда тўғри гапирди, энг маъқул йўл шудир. Бошқа ҳар қандай чора-тадбир зое кетди.

Инсоният тарихида энг разил, энг малъун қарор шу тариқа чиқарилган эди. Абу Жаҳл билан ўша малъун қария мажлисни ўзлари хоҳлаган усулда олиб бориб, кўнгилларидаги ишни қилишди.

Оллоҳ таолонинг муборак Байти ёнида Оллоҳнинг энг суюкли бандаси, энг буюк пайгамбарининг улим фармони имзоланган эди. Устига-устак, «Доруннадва» деб аталадиган бу бино Расулуллоҳнинг (с.а.в.) катта боболари Қусай томонидан халқнинг муҳим масалалари ҳал этиладиган жой ўлароқ қурилган эди.

Абу Жаҳл сўзида давом этди:

— У ҳолда дарҳол ҳаракатга ўтиш даркор. Масалани шу бугун кечасиёқ ҳал қилиб қўя қолайлик. Ҳамма ўз қабиласидан биттадан вакил сифатида мард йигитни кўрсатсин.

Кимдир даврадагиларни огоҳлантирди:

— Зинҳор бу ердан бирон шивир ташқарига чиқмасин. Бугун биз учун сўнги фурсатдир.

Оғизлар маҳкам беркитилди, миялар мард йигитни қидира бошлади.

Доруннадва эшигидан хоргин бўлиб чиқдилар. Энди Муҳам-

маднинг куни битди, деган хаёл огушида мушриклар уй-уйларига тарқалдилар.

Нажидликман деб даъво қилган у малъун қарияни ўша кунга-ча ҳеч ким кўрмаган, танимас эди. Ўша кундан кейин ҳам Маккада бошқа кўринмади.

• • •

«Ё Муҳаммад, бу кеча ҳар доим ётадиган тўшагингда ётмаслигинг керак». Жаброили Амин бу илоҳий амрни етказиб, қурайшликларнинг машъум қарорларининг хабарини билдирди. Ясриб шаҳрига ҳижрат қилиш фармонини келтирди.

Исро сурасининг 80-ояти улароқ Қуръондан ўрин олган ояти каримани Пайгамбаримиз (с.а.в.) қалбларига сингдирдилар:

«Ва айтинг: «Эй Роббим, мени дуруст бир кириш билан янги юртимга киритгин. Дуруст бир чиқиш билан эски юртимдан чиқаргин ҳамда мен учун ўз даргоҳингдан мададкор бир қувват ато қилгин».

Пайгамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) Ҳазрати Алини чақирдилар.

— Бу кеча менинг тўшагимда сен ётасан. Яшил рангли чойша-бимни ёпиниб ухлайсан. Улар сенга ҳеч қандай зарар етказмайдилар, — дедилар.

Сунгра ҳижрат фармони келганини билдирдилар.

Уйларида мушриклар омонат қолдирган ул-бул қимматбаҳо ашёлар бор эди, битта-битта кўрсатдилар, эгаларига топширишни уқтирдилар. Шундан кейин пешин пайти уйдан чиқиб кетдилар. Кўчаларда ҳеч ким йўқ эди. Қайлула вақти булгани учун ҳамма соя-салқинга чекинган эди.

• • •

— Отажон! Расулуллоҳ (с.а.в.) келдилар!

Ҳазрати Абу Бакр ҳаяжонланиб ўрнидан туриб кетди.

Пайгамбаримиз (с.а.в.) бундай пайтда келадиган одатлари йўқ эди, ҳар ҳолда жуда муҳим ишлари бўлса керак.

Бу орада Расулуллоҳ (с.а.в.) ичкарига кирдилар. Муборак чеҳраларидан жиддий бир воқеа юз берганини уқса бўларди. Пичирлагудай бўлиб:

— Холи қолсак, ё Абу Бакр! — дедилар.

Ҳазрати Абу Бакр Асмо билан Ойишага қаради:

— Булар менинг қизларим, ё Расулуллоҳ, андиша қилмасангиз ҳам бўлади.

Набийи Акрам (с.а.в.) ўтирдилар.

— Оллоҳ таоло менга Маккадан чиқиб Ясрибга кўчиш изни беради, — дедилар.

— Жуда соз! Сизга ҳамроҳ керакдир?

— Ҳа, керак.

Ҳазрати Абу Бакр севинчдан кўзларида ёш пайдо бўлди. Ойиша отасининг хурсандликдан йиглаганини илк бор кўриши эди.

— Ё Расулуллоҳ, манави икки туяни шу сафар учун боқиб келаётган эдим, хоҳлаганингизни танлаб олинг.

Расулуллоҳ (с.а.в.) бош тортдилар:

— Мен меники булмаган туяга минмайман.

— У ҳолда мендан совга бўлсин, ё Расулуллоҳ, — деди Абу бакр.

— Совга сифатида ҳам қабул қилмайман.

Шунда Абу Бакр ҳолни тушунди ва:

— Мен буларнинг иккаласини саккиз юз дирҳамга сотиб олган эдим, — деди.

Набийи Муҳтарам (с.а.в.) тўрт юз дирҳам тулаб туялардан бирини танлаб олдилар.

— Бу туямга Қасва (кесик қулоқ) отини бераман, — дедилар.

Сафар режаси пишитиб олингач, пайғамбаримиз уйларига қайтдилар.

Расули Акрам (с.а.в.) кетганларидан кейин Абу Бакр келишувга биноан Абдуллоҳ ибн Урайқитникига йўл олди. У Макка — Ясриб йўлини жуда яхши билар эди. Абу Бакр келганида, у қайлула уйқусини олиб ётган экан. Уйготилди. Ичкаридан овоз берди:

— Ким у?

— Эшигингни очгин, кейин кўрасан кимлигимни, — деди Абу Бакр.

Сал ўтмай эшик очилди. Остонада Абдуллоҳ ибн Урайқит пайдо бўлди. Хавотирда чиққан бўлса керак, эшиги тагида турган Абу Бакрни кўриб чеҳраси сал очилди. Ичкарига таклиф қилди.

— Яккама-якка гаплашиш мумкин бўлган хилватроқ жойга ўтсак, — деди Абу Бакр. Абдуллоҳ жиддий бир масала муҳокама қилинишини англади. Хилватроқ жойга ўтдилар.

— Бу ер холи, кўнглинг хотиржам бўлсин, ё Абу Бакр, — деди Абдуллоҳ.

Шундай бўлса-да Ҳазрати Абу Бакр пичирлаб деди:

— Бизни Ясрибга бошлаб борасан.

— Қачон?

— Уч кундан кейин.

— Жуда соз. Неча кишисизлар?

— Икки киши.

— Иккинчинг ким?

— Муҳаммад ибн Абдуллоҳ.

— Тушунарли.

— Аммо бу гап иккаламизнинг ўртамизда қолиши керак.

— Менга ишонавер, ё Абу Бакр.

Ҳазрати Абу Бакр ўзи билан бирга икки туяни ҳам етаклаб келган эди.

— Бу туялар ҳозирча сенинг уйингда қолади. Уч кундан сўнг эрта тонгда уларни етаклаб бориб, бизни Савр тоғидаги гордан оласан ва биргаликда йўлга чиқамиз.

— Келишдик, ё Абу Бакр. Демак, уч кундан сўнг, душанба куни, эрта тонгда, Савр тоғидаги горда...

Оқшом қоронгилиги чуқиши билан Ҳабиби Акмалнинг (с.а.в.) уйлари қуршаб олинди. Доруннадвада мажлис ўтказганларнинг кўплари шу ерда ҳозир бўлган эдилар.

Эҳтимол, тўсатдан ҳужум қилиш режасини тузган бўлсалар, ажаб эмас эди. Шу орада қўлига қилич олган мард йигитлар ҳам танланган, битта-иккита бўлиб, бурчак-бурчакларга ўтириб олган эдилар.

Абу Жаҳднинг жағи тинмас, баланд ва кинояли овозда:

— Эй халойиқ, Муҳаммадга иймон келтиринг. Агар унинг йўлидан юрсангиз, араблар ва араб бўлмаган инсонларга ҳоким бўласиз. Иймон келтирмасангиз, ўлгандан сўнг жаҳаннамда ёниб кул бўласиз. Гапларим ҳазил эмас, жиддий ўйлаб кўринг, — деб бақирди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) ичкаридан жавоб қилдилар:

— Ҳа, бу гапларни мен гапирдим. Жаҳаннамга кирадиганлардан бири эса, сенсан...

Эҳтимол суюкли пайгамбаримиз (с.а.в.) уларга уйда эканликларини яна бир бор билдириб қўйиш учун овоз берган бўлгандирлар...

Бир муддат ўтди. Пайгамбар (с.а.в.) Ҳазрати Али билан, оила аъзолари билан хайрлашдилар. Эшикни очдилар. Ёсин сурасини ўқир эдилар. Хуш, уй атрофини ўраб олганлар нима қилишди? Ҳеч нима. Улар хусусида: «Ва биз уларнинг олдидан бир тўсиқ-парда, ортларидан бир тўсиқ-парда қилиб, уларни ўраб қўйдик. Бас, улар кура олмаслар», оятида баён этилган ҳодиса рўй берди.

Чиндан ҳам уларни гафлат босиб, пайгамбаримизнинг чиққанларини пайқамаган эдилар. Гўёки улар бошқа бир оламда, пайгамбаримиз бошқа бир оламда... Бўлмаса шундоққина ёнларидан ўтиб кетдилар, оёқ товушларини ҳам ҳеч ким эшитмади...

Ҳазрати Абу Бакр мижжа қоқмай Расулуллоҳни кутиб ўтирарди. Бу кеча ҳаётининг энг муқаддас, энг азиз сафарига чиқажак, пайгамбарлар имомига ҳамроҳ бўлиш шарафига муяссар бўлажак эди. Икки кўзи йўлда.

Кеч бўлиб, ҳаммаёққа сукунат чуқди. Мўлжалдаги вақт яқинлашгани сари Ҳазрати Абу Бакрнинг қалбидаги ҳаяжон тобора кучайган, иймон тўла юраги тобора тез, тобора тошқин ура бошлаган эди. Кўзлари қоронгиликка тикилган. Ниҳоят, узоқдан бир шарпа яқинлашиб келаётганини илгар-илгамас, қўларини кўксига босди. Дарҳақиқат, ҳаяжонланишга ҳақли эди, чунки келган киши Оламларнинг Султони, ҳидоят имоми эди.

Расулуллоҳнинг (с.а.в.) эшикни тақиллатишларига ҳожат қолмади.

— Марҳамат қилинг, ота-онам сизга қурбон бўлсин, ё Набийаллоҳ! — дея Абу Бакр остонадаёқ кутиб олди.

Ҳазрати Абу Бакр йиққан бор пулини ҳамёнига солди. Озроқ егулик нарса ҳам олди. Уйнинг орқа томонидаги бир тешиқдан кетма-кет чиқдилар ва Макканинг жануби-ғарб томонида жойлашган Савр тоғи томон йўл олдилар.

Тоггача уч чақиримча йўл эди. Тахминан бир соатларда босиб ўтса бўлади. Аммо кеча қоронғи, қўлларида чироқ ҳам йўқ. Йўлда из қолдирмай кетмоқчи эдилар. Шу боис Расулуллоҳ (с.а.в.) баъзан пойафзалларини ҳам қўлга олиб юришга мажбур бўдилар. Зимистон кечада ялангоёқ тоққа тирмашиш осон эмас.

Горнинг оғзига келганларида, Ҳазрати Абу Бакр ижозат олиб, эҳтиёт учун ичкарига аввал кирди. Қўллари билан пайпаслаб, текшириб чиқди. У ёқ-буёғини тузатиб, ўтирадиган ҳолатта келтирди. Ичкарида йиртқич ҳайвон ёки заҳарли ҳашорат бўлиши мумкин эди-да. Сўнгра таклиф қилди:

— Марҳамат қилинг, ё Набийаллоҳ!

Султони Анбиё (с.а.в.) «Бисмиллоҳ...» дея ичкарига кирдилар. Сал ўтмай Ҳазрати Абу Бакрнинг тиззаларига бош қўйиб, уйқута кетдилар.

Ҳаяжон, чарчоқ ва бахтиёрлик мужассам бўлган бу дақиқаларнинг ҳар бир сонияси Абу Бакр учун бир умрга тенг, бир умрга татирли эди. Коинот яратилгандан бери ҳеч бир инсонга бундай шараф берилмаган. Бу саодат дамларини тил билан ифода этиш у ёқда турсин. юрагига ҳам сиғдиролмас эди.

Бирдан иликларигача қақшатган оғриқни ҳис этди. Бу оғриқ саодат дамларига ҳалақит бериб қолмасин-да, дея орзиқди. Қимирламай ўтираверди. Лекин бутун вужудини титроқ босган эди. Тиззасига бошларини қўйиб ётган Расулуллоҳни (с.а.в.) безовта қилмаслик учун бу азобга дош беришга уринарди.

Акмали Анбиё (с.а.в.) юзларига томган бир жуфт күзёшидан уйғониб кетдилар.

— Нима бўлди, ё Абу Бакр?

Титроқ бир овозда:

— Оёғимни илон чақди, ё Набийаллоҳ! — дея жавоб қилди Абу Бакр.

Қачонлардан бери сокин горда бирдан гала-говур пайдо бўлиши инида ётган илонни безовта қилган, ташқарига ўрмаларкан, инининг оғзини тўсиб қолган оёққа дуч келган эди. Бу оёқ Абу Бакрга тегишли эканини у жонивор қаёқдан билсин?!

— Бу ёққа узат оёгингни, — дедилар Сарвари Коинот (с.а.в.).

Бир куни Дамашқ сафари чоғида юра олмай қолган туяларнинг оёқларини силаб қайта қувват бахш этган бу муборак қўллар бу дафъа «Ёри Гор»нинг (гор ҳамроҳининг) оёғига малҳам бўлди: У Зоти шариф оғизларидан озгина тупук олиб илон чаққан жойга суркадилар. Оғриқ таққа тўхтади.

Дамашқ сафари чоғида бу қўллар пайгамбар бўлишини билмаган Муҳаммад ибн Абдуллоҳники эди, бугун эса, Сарвари Анбиё эканини, оламларга раҳмат ўлароқ жўнатилганини билган Саййидул аввалин ва охирин Имомул Анбиё вал мурсалин Муҳаммад Мустафо солаллоҳу алайҳи васалламники эди. Аммо ҳар иккала марта ҳам бу муборак қўллардан шифони оқизган эса, Буюк Оллоҳдир...

Ҳазрати Абу Бакр бутун инсониятни жаҳолат ботқоғидан халос этиш учун келган пайгамбаримизга бениҳоя миннатдорчилик туйғулари билан боқди.

— Минг ташаккур, ота-онам сенга қурбон бўлсин, ё Расулуллоҳ, — деди.

Икки дўст ўз хаёллари билан банд бўлдилар.

• • •

Ҳазрати Али ётоққа кириб, устига яшил чойшабни ёпди. Ётишдан олдин ва эрталаб уйқудан уйгонганда пайгамбаримиз (с.а.в.) уқишни тавсия этган дуони пичирлай бошлади:

«Робб ўлароқ Оллоҳдан, дин ўлароқ Исломдан, пайгамбар ўлароқ Муҳаммаддан рози бўлдим. Мен учун бошқа бир маъбуд, бошқа бир дин, бошқа бир пайгамбар йўқ. Оллоҳим, сенинг лутфу караминг боис оқшомга етдик, сенинг лутфу эҳсонинг боис келгуси кунга етишамиз. Сен берган ҳаёт билан яшаймиз, сенинг ироданг билан ўламиз. Биз фақат Ўзингга қайтамиз».

Тўшақда Расулуллоҳнинг (с.а.в.) ҳидлари бор эди. Бу муборак ҳиддан маст бўлган Али кўп ўтмай қаттиқ уйқуга чўмди...

Ётоққа кирар экан, уйнинг атрофида пайгамбаримизни ўлдиришга қарор қилган мушрикларнинг айланиб юрганини ва бу ерда юзага келган вазият ўта жиддий эканлигини жуда ҳам яхши биларди.

Бу тўшаққа кириш, бу чойшабни ёпиш бир жиҳатдан ўлимга тик боқиш демак эди.

Бироқ Расулуллоҳ (с.а.в.) унга: «Сенга бирон заҳмат етказма олмайдилар», деган эдилар. Бу башоратга у ўзининг исми Али эканлигига ишонгандай ишонар эди.

Уни мана шу шартлар остида Ҳабиби Акрамнинг тўшагига ётқизган буюк Оллоҳ бу фидокорликнинг мукофотини ҳам албатта зиёда қилиб беражак эди. Улуғ Абу Бакрга «Ёри гор»лик нақадар мислсиз бир шараф бўлса, мард ва фидокор Алига Расулуллоҳнинг тўшагида утказган бу кеча шунчалик қадрли эди.

Амаллар ҳисоб-китоб қилинадиган кунда, энг улуғ фазилат соҳиблари ҳам, мана шундай беқиёс шарафга ноил бўлган Абу Бакр ва Алини кўрганда бармоқларини тишлаб қолишлари ажаб эмас. Ҳазрати Али бу муборак тўшақда пишиллаб ухлар экан, Ҳазрати Абу Бакр ҳам тиззасига Расулуллоҳ (с.а.в.) бош қўйиб ётганидан бениҳоя бахтиёр эди.

• • •

Уйнинг атрофини ўраб олганлар ҳануз Расулуллоҳни (с.а.в.) уйларидалар деб билар, бунга шубҳа қилмас эдилар. Зўр ҳаяжон билан тонг отишини кутардилар. Уйга кечаси ҳужум қилишдан уларни қайтарган нарса, бир инсонни уйида ўлдириш ўта чиркин иш деб ҳисобланиши эди.

Қолаверса, шошишнинг зарурати йўқ. Қуш бўлса-да, учирмасликка бел боғлаб келган эдилар бу ерга. Йиллар даврида алаңгаланиб келган интиқом ўтини шу тариқа учирмоқчи эдилар. Ахир барибир ушбу эшиқдан чиқади, бошқа иложи йўқ. Ўша дамда бу гала бурондек ёпирилади, бор кучларини ишга солиб, унга ҳужум қилади, шу тариқа ўн йилдан бери ҳар қандай қаршиликка қарамай юритиб келинган даъвога барҳам берилади...

Абу Жаҳл қиличини сийпалади.

— Сени мана шу кун учун сақлаб келдим, буни ўзинг жуда яхши биласан, — деди.

Йигитлардан бири гап қотди:

— Сенинг ёрдамингсизоқ ўзимиз унинг масаласини ҳал этсак-чи?

Абу Жаҳл «бўлмайди» демоқчидек бошини сарак-сарак қилди:

— Уни қирқ бўлакка парчаласангиз ҳам, бу қилич ўз вазифасини билади.

— Муҳаммадга сенингчалик адоват ҳиссини туйган бошқа бир одамни кўрмадик, ё Абул Ҳакам!

— Ишончинг комил бўлсинки, бундан кейин ҳам асло кўрмайсан.

Хўрознинг қичқириви Абу Жаҳлнинг юзида ваҳшиёна бир севинч аломатларини уйғотди. Бир бурчақда кутиб турган Умайя огир-вазмиң қадамлар билан унга яқинлашди.

— Турақол энди, хўрозлар қичқирди, — деди.

— Ҳа, энди унинг сўнги уйғониши бўлади бугун...

Убай ибн Халаф қаттиқ овоз берди:

— Ҳей Муҳаммад, тур энди, қолган уйқуни у дунёда давом эттирасан!..

Бу кунни у алоҳида ҳаяжон билан кутди. Бу кун қилинадиган босқинда Муҳаммаднинг ўлдирилиши унинг ҳақида имзоланган ўлим фармонининг бекор қилиниши демак эди. Пайгамбаримизнинг бир пайтлар, яна ҳам тўғрироғи, «мен сени ўлдираман» деганларини ҳеч унута олмаган, қачон Расулуллоҳнинг номларини эшитса, «у сени ўлдиражак», деган бир овоз эшитилаётгандай бўлар эди.

У ҳам бу муаззам зафар нашидасидан баҳраманда бўлиш учун келган, аммо ич-ичидан тинчлик бермаётган бир туйғу уни бир оз чеккароқдан туриб томоша қилишга мажбур этган эди. Ҳар ҳолда, агар у ҳам жон аччигида қаршилиқ кўрсатишга уриниб, бу қаршилиқ асносида тасодифан Убайни ўлдириб қўйиши ҳеч гап эмас эди-да.

Ҳаяжон қанчалик зўр бўлса ҳам, вақт ҳар доимгидай утар эди. Кетма-кет эшитилаётган хўрозларнинг овозлари қулоқларни тешиб юборгудай бўлган эди. Ер юзи секин-аста ёриша бошлади, шафақ ортида тугилаётган қуёшни кутиб олиш тантанаси бошланган эди гуё.

— Тезроқ чиқа қол энди, қуёш, сабр-косамиз тўлаёзди-ку.

— Ташвишланма, албатта чиқади... Чиқади ва... — Сўзларини давом эттира олмади. Ичкаридан алақандай шарпа товушлари кела бошлади. Қўллар қиличларнинг сопига ёпишди. Бир оздан сўнг эшик очилиб... Али ибн Абу Толиб кўринди.

Абу Жаҳл оддинга отилди:

— Ҳой, сен кимсан, бир кўраин?!

— Нима, мени танимаяпсанми?

— Оллоҳнинг қаҳрига учрагур, сени жуда яхши танийман, аммо у қаерда?..

— Ким у?  
— Амакингнинг угли... Муҳаммад ибн Абдуллоҳ.  
— Бу ерда йўқ...  
— Ёлгон гапирма, эй Али, нима, бизни лақма деб ўйлаяпсанми?

— Ишонмасанг, текшириб кўр.  
Абу Жаҳл ичкарига қаради. Чиндан ҳам йўқ эди. Мушриклар телба бўлиб қолаёздилар.

Асаблар бузилди.

Унинг шу уйга кириб кетгани ҳам, қайтиб чиқмагани ҳам, лекин, аини чоқда, уйда йўқлиги ҳам ҳақ эди. Во ажабо...

— Шу уйга кирганини ўз кўзим билан кўрдим, Манот ҳаққи кўрдим.

— Кеча кечқурун гапирганини эшитмаган бўлсам, отамнинг боши итларга ем бўлсин!

Оқшомдан бери ҳаяжон билан, ваҳший бир орзу билан қилинган ҳисоб-китоблар беҳуда кетган эди. Ҳазрати Алининг ёқасига ёпишдилар.

— Қани, гапир, қаерга кетди?

— Кеча кечқурун чиқиб кетди.

— Ёлгон гапирма. Кечадан бери шу ердамиз.

Яна текшириб кўрилди. Яна қидирилди, аммо барча уринишлар зое кетди. Шу пайт кимдир телбанамо бақирди:

— Тезроқ Абу Бакрни қўлга олиш керак!

Дарҳақиқат, Пайгамбар (а. с.), уларнинг назарида, Абу Бакр билан бирга бўлиши мумкин эди. Ҳаммалари уша ёққа шошилишди.

Эшикни Асмо очди.

— Отанг қаерда?

— Билмайман.

Даргазаб Абу Жаҳл узини тутолмай, Асмонинг юзига бир тарсаки туширди. Бу тарсаки Асмонинг қулогини йиртиб юборди, зираги ҳам қаёққадир учиб кетди.

Зирак ҳали бориб ерга тушмасиданоқ маънавият оламида бу воқеа қайд этиб қўйилди. Асмонинг дафтарида ушбу тарсаки билан боғлиқ алоҳида бир шараф саҳифаси очилди. Чунки бу шунчаки бир тарсаки эмас эди. Оллоҳнинг энг суюкли бандасини Оллоҳнинг энг ашаддий душманларининг биридан мудофаа этиш йулида тўсқинлик қилгани учун туширилган эди бу тарсаки... Унинг мукофотини биззот Жаноби Ҳақ беражак, Асмони мамнун этажак эди.

Келганлар шаҳдам одимлар билан у ердан ҳам чиқиб кетдилар.

. . .

— Эй халойиқ, эшитмадим деманглар, Муҳаммад ибн Абдуллоҳни ёки Абу Бакр ибн Кухофани ўликми-тирикми тутиб келган одамга юз туя мукофот берилади...

Жарчи бутун Маккага ушбу хабарни солди.

— Оҳ, кошки эди... — деганлар бўлди.



— Шундоққина бурунларининг тагида эканлигида масаласини ҳал қилмай, энди гайратга минибдилар-да, — деганлар ҳам бўлди. Ҳар бир қабиладан қўлида қилич ушлай оладиган йигитлардан иккитадан қуроладилар. Ҳаммаёқни остун-устун қилиб, қидира бошладилар.

. . .

— Мана, сиз қидираётган одамнинг изи мана бу бўлади, ёнидагиси эса ҳамроҳиники...

— У ҳолда ушбу изларнинг ортидан олга.

Мушрикларнинг юзларида мамнунлик ифодалари пайдо бўлди. Аини излар ортидан тез-тез юриб кетдилар.

— Излар манави ерда тутабди.

— Куп валдирама, — деди Утба. — Улар қуш эмаски, қанот ёйиб учиб кетган бўлсалар.

Изтопар бирмунча ўйланиб қолди:

— Пойафзалларини ечиб ялангоёқ юриб кетибдилар, — деди.

Яна илгарилашди. Ниҳоят Савр тоғининг этақларига етиб боришди. Секин-аста тоққа тирмашиб юқорига чиқа бошлашди. Бу ерда қидириляётганларнинг изларини топиш игна билан қудуқ қазишга баробар эди. Шу билан биргаликда, бу одам ўз ишининг устаси эканлигини намойиш этар, мукофот тариқасида бериладиган юзта туя унинг гайратига гайрат қўшар эди.

. . .

Ривоятларга қараганда, Расулуллоҳ (с. а. в.) дўстлари билан горга кириб кетгач, бир ўргимчак келиб горнинг оғзига тўр тўқиб ташлаган экан.

Мундоқ қараганда, бу, албатта, муъжизавий ҳодиса эмас эди. Ҳазрати Абу Бакр ҳам Расулуллоҳ (с. а. в.) ҳордиқ чиқариб ётганларида инидан ўрмалаб чиқаётган илон кимни чақиб олганидан мутлақо беҳабар эди. Горнинг оғзини тўри билан беркитган ўргимчак ҳам кимга хизмат қилаётганини билмас эди. Ойда-йилда бир одам тасодифан келиб қолмаса, инсон зоти қадам босмайди-ган бундай жойларга ўргимчакнинг тўр тўқиши, албатта, табиий бир ҳол-да.

Бу ўргимчак айнан ушбу вазифани адо этиш учун яратилган бўлса ҳам ажаб эмас эди.

. . .

Ҳазрати Абу Бакр узоқдан элас-элас эшитилаётган овозларни аниқлаш учун гор оғзига қулоқ тутди-ю, тўсатдан пешонасида совуқ тер томчилари пайдо бўлди. Шу ерга яқинлашиб келаётган бир неча кишининг товушларини аниқ эшитди.

Кўп ўтмай, бир неча кишининг тўппа-тўғри горга қараб келаётгани маълум бўлди. Энг олдинда муддижлик изқувар келарди. Қолганлар унинг ортида.

— Ё Расулуллоҳ, анави одамлар оёғига қарасаям, бизни кўради.

Ҳазрати Абу Бакр ҳаддан ташқари ҳаяжонланар, аммо бу

ҳаяжони узидан ҳам кўра кўпроқ Расулуллоҳ учун қайгураётганидан эди. Унга қарши бирон-бир ахлоқсизлик қилиб қолинмасин, ишқилиб унга бирон озор етказилмасин-да, деган ташвишда эди.

Ҳабиби Акмал Муҳаммад Мустафо (с. а. в.) бир оз эгилдилар ва ута вазминлик билан:

— Ҳеч ҳафа бўлма, Оллоҳ биз билан, — дедилар.

Ҳазрати Абу Бакр пайгамбаримизнинг овозларидаги матонат, руҳиятларидаги собит ва жасоратни кўриб, ўзини тутиб олди. Ҳолбуки, пайгамбаримиз «хафа бўлма» дейдиган даражада ҳаяжон ва қўрқувга берилгани шубҳасиз эди.

Гор оғзига келган одам комил ишонч билан:

— Қидираётган одамларимиз мана шу гор ичида. Шу ергача келганлари аниқ, лекин бу ердан ҳеч қайққа кетмаган бўлишлари керак, — деди.

Умайя эътироз билдирди:

— Бекор гап. Ахир, бу ерга одам оёғи етмагани шундоқ кўриниб турибди-ку.

Изқувар ҳам паст кетгиси йўқ:

— Аммо бу одамлар қуш эмасларки, бу ёғига учиб кетган бўлсалар?..

— Тушунарли, сен роса чарчабсан. Манави ўргимчак уясини кўрмайсанми? Бу горга одам кирса, бу уя бузилмасмиди?

Бу орада мушриклардан бири:

— Вақтимизни зое кетказяпмиз, — деб қолди.

Истар-истамас у ердан кетдилар. Изқувар ҳамон:

— Шу ерда эканликларига аминман. Бу одамлар ўз-ўзидан гойиб бўлишлари мумкин эмас, — дерди.

Аммо бу воқеанинг ягона изоҳи бор эдики, у ҳам бўлса, Оллоҳ таоло суюкли пайгамбарини душманларининг ихтиёрига топшириб қўймасди. Ҳа, Буюк Оллоҳ Ҳабиби Адибини душманларига таслим этмасликни ирода қилган бўлса, одамларнинг қузи кўр, қулоғи кар бўлиб, ақли ишламай қолиши ҳеч гап эмас.

Улар кетгач, Ҳазрати Абу Бакр енгил нафас олди. Хурсанд бўлиб, Расулуллоҳнинг (с. а. в.) юзларига қаради. Расулуллоҳ (с. а. в.):

— Ё Абу Бакр, икки дўстга Оллоҳ таоло ҳам дўстлик қўдини узатиб турса, ким бизга таҳдид сола оларди? Улардан қўрқишга ҳожат қоларми? — дедилар.

Бу пайтда Макка галвирдан ўтказилди, остин-устин қилинди. Қидирилмаган, текширилмаган биронта ҳам хонадон қолмади. Савр тоғидаги горни ҳисобга олмаганда, ҳаммаёқ ута жиддийлик билан қараб чиқилди. Аммо улар ҳеч ерда йўқ, гўё қуш бўлиб учиб кетгандай эдилар...

Ҳазрати Абу Бакрнинг ўғли Абдуллоҳ тун ярмидан оққанда Савр тоғидаги горга келди. Отаси ва Расулуллоҳга (с. а. в.) кундузи бўлиб ўтган воқеа-ҳодисаларни бирма-бир сўзлаб берди. Уйдан овқат келтирган эди, берди. Шундан кейин, ҳали тонг отмасдан,

туриб хайрлашди ва уйига қайтиб кетди. У кетгандан кейин, Ҳазрати Абу Бакрнинг чўпони Амир ибн Фухайра қўйлар сурувини ҳайдаб, Абдуллоҳ ўтган йўллардаги изларни йўқотди.

Бу қўйлар икки «Ёри гор»нинг сутта бўлган эҳтиёжларини ҳам қондирди.

Горга пайшанба куни кечқурун кирилган бўлса, жума, шанба ва якшанба кунлари ҳам шу зайл ўтказилди. Уч кун давомида уйдан овқат ташиб турилди, янги-янги хабарлар келтирилди. Маккаликлар ҳамон уларни қидираётганликлари, ҳануз умидсизланмаганликлари билдирилди.

Учинчи куни овқатни Асмо олиб келди. Аммо овқат солинган халта билан мешнинг оғзини нима билан боғлашни билмай бир оз бошга қотди. Сўнгра ҳеч иккиланмай белбогини йиртиб, иккаласининг ҳам оғзини маҳкам боғлади. Расулуллоҳ (с. а. в.) уни кулимсираб кузатиб турар эдилар.

— Унга жаннатда икки белбоғ эҳсон қилинажак, — деб марҳамат қилдилар. Шу кундан бошлаб Асмо «Зотун нитокайн», яъни, «Икки белбоғли хоним» деб аталадиган бўлди.

Овқатлар олинди. Куп ўтмай Абдуллоҳ Ҳазрати Абу Бакрнинг олти минг дирҳамга яқин жамғармасини олиб келди. Отасига топшириб, видолашди-да, қайтиб кетди.

Энди Абдуллоҳ ибн Урайқитни кута бошлашди. У туяларни олиб келса, шу билан бу муқаддас сафар бошланажак эди.

Абдуллоҳ ибн Урайқит мушрик эди. Расулуллоҳ (с. а. в.) билан Ҳазрати Абу Бакрнинг қаердаликларини беш қўлда биларди. Уларни топган кишига мукофот тарзида бериладиган юз туянинг ҳақи бу сафарда йўл кўрсатиб боргани учун бериладиган ҳақдан камида ўн марта ортиқ эди. Лекин шундай бўлишига қарамай, нима учун улар ҳақида мушрикларга хабар бермади, унга омонат қилинган сирни сақлади?..

Уларнинг қаерда эканликларини билдириш Абдуллоҳ учун ҳеч қандай қийинчилик тугдирмасди. Ҳолбуки, йўл бошлаб бориш гоят хавфли ва мушкул бир иш эди. Унинг устига, қурайшийлар билиб қолсалар, улар ҳужум қилиши муқаррар бўлиб, йўлдаёқ ўлиб кетиши, жуда бўлмаса, ушбу иши учун аёвсиз жазоланиши ҳеч гап эмасди.

Камида тўрт юз олтмиш чақиримлик йўлни оғир шарт-шароитлар остида босиб ўтиш ва яна Маккага қайтиш ташвиши-чи? Олдинда камида йигирма кунлик мушкулот-машаққат бор... Лекин бу воқеликка қарамай, соғлом фикрли, дуруст ахлоқли инсон бўлган Абдуллоҳ ибн Урайқит пайгамбаримизга кўмаклашишга жазм этган эди.

. . . .

Горда кечган уч кечаю уч кундуз гап-сўзсиз, сукут сақлаб ўтиришмагандир, албатта. Аммо мазкур муддат давомида қандай суҳбатлар ўтгани ҳақида маълумотлар сақланиб қолган эмас. Имоми Бухорий ва бошқа муҳаддисларнинг китобларида Ҳазрати Абу Бакрнинг бу муқаддас сафари ҳақида берилган маълумотлар-да ҳам горда бўлиб ўтган суҳбатларга доир ҳеч гап йўқ. Пайгам-

барларнинг энг Буюги (с. а. в.) билан инсонларнинг энг Улуғи (р. а.) ораларида сир бўлиб қолган бу воқелик бир қарашда том маънодаги машаққат тўла кунлар эди. Аммо маъно жиҳатидан фавқуллода бой, сўз билан таърифлаб бўлмайдиган даражада файз ва баракага тўлиқ кунлар бўлган. Пайгамбаримиз ушбу воқеликни қисқагина шундай изоҳлаган эдилар: «Оллоҳ биз биландир... Эй Абу Бакр, икки дўстга Оллоҳ таоло ҳам дўстлик қўлини узатиб турса...»

Бу ўринда сукут сақлашдан узга чора қолмайди. Бу ерда оддий кўнгиллар қанот қоқолмайди. Расулуллоҳ (с. а. в.) ва у кишининг севимли дўстларидан бошқа жами инсонлар бу маъно оламининг орқасида саф боғлаб туришга мажбурдирлар.

Уч кун давом этган, аммо таърифи уч асрга ҳам сигмайдиган бу ҳаётни оддий сўз билан баён этиш амри маҳолдир. Ҳазрати Абу Бакр шу боис бўлса керакки, ҳаётининг бахтиёр дамлари ҳақида ҳеч кимга ҳикоя қилмасликни афзал кўрган эди.

Расулуллоҳ (с. а. в.) учун Меърож кечаси қандай аҳамиятга эга бўлган бўлса, Ҳазрати Абу Бакр учун ҳам ушбу кунлар шунчалик азиз эди. Муҳаммад уммати орасида бошқа ҳеч ким бундай шарафга муяссар бўлмаган, бўлмас ҳам эди.

Горда ўтказилган кунларнинг ҳар бир дақиқаси маъно жиҳатидан бир етук инсоннинг умрига тенг эди. Ҳазрати Хадича онамиз уммат орасида илк иймон келтириш шарафига сазовор бўлиб, қандай улуг ва тенгсиз мартаба эгасига айланган эса, Ҳазрати Абу Бакр ҳам бу ҳижрат сафарида пайгамбаримизга ҳамроҳ бўлишдек беқиёс бир мартабани қозонган эди. Бу дўстлик Исломдан оддин бошланган, умр бўйи энг мукамал тарзда давом этган, вафотларидан кейин охиратда ҳам қалин дўст бўлиб қолишлари шубҳасиздир...

Инсонларга буюк ўрнак намунаси бўлган Ҳазрати Умардай улуг зот Абу Бакрнинг горда ўтган бу бахтиёр дамлари ҳақида бундай деган эди: «Худо ҳаққи, Абу Бакрнинг уша горда ўтказган бир кечаси Умардан ва Умар оиласидан ҳам хайрлироқдир. Абу Бакрнинг горда ўтказган бир куни эса, Умардан ҳам, қариндошларидан ҳам хайрлироқдир».

Асмо хоним дейдики:

«Отам пулларининг ҳаммасини олиб кетган эди. Бобом Абу Кухофа ранжиди.

— Уйлашимча, у сизларни оғир аҳволга солиб кетди, — деди.

Бобомнинг кўзлари ожиз эди. Бир халтача чағир тош йиғдим. Отам пулларини сақлайдиган тўрвага солдим. Оғзини маҳкамлаб беркитдим. Сўнгра уни бобомга кўрсатдим, қўлларига тутқаздим:

— Қаранг, бобожон, мана, пулларнинг ҳаммаси шу ерда турибди, — дедим.

Бобомнинг кўнгли жойига тушди.

— Жуда соз. Сизларга шунча пул ташлаб кетган экан, энди хотиржам бўлсам ҳам бўлаверади. Бу пуллар сизларга етиб ортади ҳам, — деди.

Ҳолбуки, отам бизга ҳеч нарса қолдирмаган эди. Мен бу ишни бобомни юпатиш учун қилган эдим».

Ҳазрати Абу Бакр бу сафарга чиқаркан, болаларини пулсиз, оч ва беилож, паришон ҳолда ташлаб кетибди-да, деб ўйланмаслиги керак. Пулининг ҳаммасини олгани билан уйда яна бир сурув туя, қўй, озиқ-овқат ва кийим-кечак қолдирган эди. У замоннинг шарт-шароитлари билан қиёсланса, бир оиланинг маишатиға етарли даражада эди. Бугунги кун одами у пайтлардаги воқеаларга баҳо беришда ҳар нарса бозордан пулга сотиб олинадиган бугунги ҳолатга солиштирмаслиги керак. Бундан ташқари, Абу Бакр тез орада оиласини ҳам Мадинага кўчириб кетиш ниятида эди. Дарҳақиқат, орадан ҳеч қандай вақт ўтмай, уларни ҳам ёнига олдириди. Мана шу сабаблар туфайли уйда пул қолдиришига зарурат йўқ эди.

Яна бир бошқа мулоҳаза шуки, Абу Бакрнинг йўлга олиб кетган бу олти минг дирҳам пули эсларни йўқотиб қўяр даражадаги катта сарват эди. Бемалол бир неча кишини бой қилиб юборадиган миқдор эди. Ким билади, эҳтимол йўлда уларни тутиб Қурайшга қайтариб топширишни кўзлаган бирор гуруҳга дуч келишар, шундай ҳол рўй берса, бу пулларни бериб қутулиб кетиш хаёли ҳам йўқ эмасди...

## Гордан чиқиш

Ниҳоят, кутилган соат келди. Абдуллоҳ ибн Урайқит туяларни келтирди. Савр горининг рўпарасида тўхтатди. Вақтни ўтказмасдан туяларга миндилар. Расулуллоҳ (с. а. в.) қўлларини кўтардилар:

— Мени йўқдан бор қилган Оллоҳга ҳамдлар айтаман. Оллоҳим, дунё балоларига қарши менга ёрдам бер. Зотинга нисбатан итоатли, дуруст ҳўйларимда мени саботли қил. Сенга суюкли бўлишимни насиб эт. Инсонларнинг қўлларига ташлаб қўйма... Заифларнинг Роббисан, менинг Роббим ҳам Ўзингсан. Осмонлару ерни ёритган, қоронғуликларни аритган, аввалгилару кейингиларнинг ишларини тартибга солган нурингга сигинаман. Ғазабинг келиб бошимга тушишдан асрашингни сўрайман... Неъматининг завол бўлишидан, интиқомингнинг келиб қолишидан, сен берган офиятнинг балога айланишидан ва ҳар турли ғазабларингдан яна Сенга сигинаман. Кучим етган қадар сендан хушнудман, ё Робб. Куч ва қувват фақат Сенинг-ладир! — дея мурожаат қилдилар.<sup>1</sup>

Кейин сафар бошланди. Ўша куни Рабиул аввал ойининг тўртинчи куни, душанба эди.

Макка шаҳрини кўриб қолиш имкони бор сўнгги жойда

<sup>1</sup> Ибни Касир. Сийар, 2/234.

уловларини тўхтатдилар. Тушдилар. Қалбларидан хазин бир товуш тарала бошлади:

«Валлоҳи, сен Оллоҳ яратган энг хайрли шаҳарсан. Оллоҳ энг севган жой сенсан. Зўрлаб чиқарилмаганимда эди, сени асло ташлаб кетмас эдим».<sup>1</sup>

Бу жой Хазвара деган бир тепалик эди. Ҳаётларининг элик уч йилини гоҳ тотли, гоҳ аччиқ минг турли ҳолатларда кечирган юртлари билан шу тарз видолашгач, йўлда давом этдилар. Расулуллоҳ (с. а. в.) маҳзун, Ҳазрати Абу Бакр ҳам маҳзун. Эртаси то пешингача шу ҳолатда кетдилар. Бир тоғ тагига тин олиш учун қўндилар.

Яқин орада бир чўпон пода боқиб юрарди.

— Бизга озгина сут бера олмайсанми? — деб сўрадилар Расулуллоҳ (с. а. в.).

— Берардим, аммо согин қўйим йўқ-да, — деб узр сўраган бўлди чўпон.

— Соғиб кўрсак, рухсат берасанми?

— Майли. Лекин бир қултум ҳам сут тополмасаларинг керак.

Расулуллоҳ (с. а. в.) бир эчкини тутдилар, дуо қилдилар, эчкининг эмчагини силадилар ва «Бисмиллоҳ...» дея соға бошладилар. Эчкисининг тизиллатиб сут бераётганини кўриб, чўпоннинг эси оғиб қолаёзди.

Сутдан ҳаммалари бир-бир ичдилар.

Чўпон ҳайрон эди. Ахир, бу эчки ҳам, худди бошқалари каби, сут бермаслигини қатъиййан биларди-да.

— Оллоҳ ҳаққи, айт, сен кимсан ўзи? — деб сўради Расулуллоҳдан. — Қасам ичаманки, сенга ўхшаганини кўрмаганман.

— Айтаман, аммо сир сақлашинг лозим бўлади.

— Сир тутаман.

— Мен Муҳаммад Расулуллоҳман.

— Яъни, Қурайш, динини ўзгартирди, сотди деган одамлари сенмисан?

— Улар шундай дейдилар.

— Мен сенинг Пайгамбар эканлигинга шаҳодат этаман. Сенинг йўлингдан бораман, — деди чўпон.

— Ҳозир бунга кучинг етмайди. Кут, менинг муваффақият қозонганимни эшитганинг заҳоти ҳузуримга кел, — деб марҳамат қилдилар Пайгамбар (а. с.).

Бир муддат истироҳат қилиниб, сўнг чўпон билан хайрлашишди.

. . .

Сууроқа ибн Молик қурайшийлар Расулуллоҳни ёки ҳамроҳларининг улигини ё тиригини келтирганга юз туя ваъда беришганини эшитиб типирчилаб қолган:

— Оҳ, қани энди шу ишни мен қилсам! — деб аҳд қилган эди.

Муддиж қабиласидан бир неча киши билан сўхбатлашиб утирганларида, устларига биттаси келди:

<sup>1</sup> Имоми Термизий, 5/722.

— Уч кишилик йулчиларни кўрдим. Олдимдан соҳилга томон ўтиб кетдилар. Муҳаммад ибн Абдуллоҳ билан шериклари бўлиши мумкин, — деб қолди.

Суроқа титради.

— Йўқ, улар эмас. Сен кўрганинг фалон-фалончилар бўлади. Сал олдин уларни кўрувдим, — деб ёлгонлади. Ортиқ утиролмай қолди. Озгина гаплашган бўлдию туриб кетди.

Уйга бориб жориясини чақирди:

— Отимни ҳозирла, силоҳимни ол, тепалик ортида мени кут, — дея тайинлади.

Чўп билан фол очган эди, афти буришиб кетди. Чунки, «бу ишни қилма» деган чўп чиқиб ўтирибди! Парво қилмади. Сал ўтмай, уйнинг орқа томонидан чиқиб, тепалик сари йўл олди. Қўлида фақат найза бор эди.

Тепалиқдан ошиб ўтганда, отини сафарга шай ҳолда кўрди. Миндию йулчиларнинг изларидан от солди. У шошарди. Ҳали даврадошларини ҳам бекорга алдамади. Ўртага қўйилган юзта туяга шерик чиқишини асло истамас эди у.

Олдиндагилар уч киши эдилар. Аммо уларга бас кела оламан деб ҳисобларди. Бунақа ишлар кўп бошидан ўтган. Не-не можароларни кўрмади Суроқа...

Уларга хилват бир жойда етиб олиш учун отини роса чоптирди...

. . .

...Ҳазрати Абу Бакр кимдир уларни таъқиб қилиб келаётганини сезди. Айтай деди. Кейин фикридан қайтди. Ким билади, у ҳам йўловчи бўлиши мумкин. Пайгамбар алайҳиссаломни ташвишга қўйиб нима қилади?

Аммо орадаги масофа қисқарган сари кўнглига хавотир инди. Қолаверса, у оддий йўловчига ҳам унча ўхшамасди.

— Ё Расулуллоҳ, бир отлиқ келяпти, яқин кепқолди, — деди ниҳоят.

Жаноби пайгамбаримиз орқага ўтиридилар ва:

— Оллоҳим, уни тўхтат, — дедилар.

Бирдан отнинг оёқлари қумга ботиб қолди. Суроқа от устидан учиб, думалаб кетди.

Бу бир ажиб ҳол эди. Ҳеч оёғи ботадиган жой эмас. У ер-бу ерининг лат еганига ҳам қарамай, яна фолчўпларини олди. Яна «қилма» деган чўп чиқди. Орқасига қайтиб кетай деса, юз туя... Такрор отига минди, такрор учиб тушди. Яна турди, яна минди. Шу қадар яқинлашдики, ҳатто Расулуллоҳнинг (с. а. в.) Қуръон ўқиётганларини эшита бошлади.

Пайгамбар (а. с.) ўгирилиб қараган эдилар, ўша заҳоти Суроқа учинчи марта учиб тушди. От яна тиззаларигача қумга ботиб кетди. Типирчилар, лекин оёқларини қумдан чиқара олмас эди.

— Ё Муҳаммад! Тушундим, бу ишлар тасодиф эмас. Сенинг алоқанг бор бу ерда. Бизни қутқар, — деди.

Суроқа шум фикридан қайтган эди. Қаршисида доимо иши юришиб, даъвосида тобора муваффақ бўлиб бораётган улут бир

инсон турганига қатъиййан ишонди. Келиш мақсадини самимият-ла сўзлаб берди, пушаймонлигини изҳор этди. Сўнгра:

— Менга бир хат қилиб беринг, — деди. Кейинчалик шу ёзув билан у ўзини танитмоқчи эди.

Расулуллоҳ (с. а. в.) Абу Бакрга:

— Истаганини ёзиб беринг, — дея амр этдилар.

Бир суяк парчасини топиб, устига хат битиб, қўлига беришди. Суроқа уни уқ халтасига солиб қўйди. Емак бермоқчи эди, қабул қилмадилар. Бир ўқни узатиб:

— Йўлларида менинг чорвамни боқиб юрган чўпонга дуч келасизлар. Шу ўқни бериб, хоҳлаган бир ҳайвонни олишларинг мумкин, — деди.

Яна қабул қилмадилар.

— Унда сизларга қандай ёрдам берсам экан?

— Орқамиздан тушганлар бўлса, ушаларни изларига қайтариб турсанг бўлди, — дейишди.

— Жуда яхши, хотиржам бўлинглар.

Ҳижрат йўловчилари олга босдилар. Суроқа ортига қайтди...

. . .

Абу Маъбад ва Умму Маъбад Макка — Мадина йўли устига бир чодир тикиб, йўлчиларга емак-ичмак сотиб кун қурадиган бир оила эдилар. Қабилалари ўзи бошқа тарафда, бу ердан бироз узоқда эди.

Муборақ йўлчилар етиб келганларида Умму Маъбад ёлғиз, эри йўқ эди.

— Салом сенга, эй Умму Маъбад!

— Салом сизларга, эй тоза юзли йўлчилар!

— Бизга сотадиган ниманг бор?

— Афсуски, ҳеч бир нарса қолмади. Илгаридаги қабилага қадар етиб олсаларингиз, ейишга ул-бул топасизлар.

Расулуллоҳнинг (с. а. в.) шу яқин ўртада ётган бир қўйга қараб турганларини кўриб, сўзига илова қилди:

— Оёғидаям туролмайдиган бир қўй... Юролмагани учун қолди бу ерда.

— Шуни соғишимизга изн берасанми?

Умму Маъбад лабини бурди:

— Валлоҳи, унинг жони бор, холос. Сут қаёқда. Аммо кўнги-ларингиз синмасин, бир кўринглар-а.

Расулуллоҳ (с. а. в.) қўлларини қўйнинг сиртига қўйдилар. Дуо қилдилар. Қўй бирдан тетикланаверди. Идиш тўлгунча соғдилар.

— Ич, эй Умму Маъбад, — дедилар.

— Сен ич, эй нур юзли киши. Уни ичишга аввал сен лойиқсан.

Такрор-такрор таклифлардан сўнг Умму Маъбад сутдан ичди. Сўнгра йўлчилар ҳам бир-бир ичдилар. Кейин яна соғиб, Абу Маъбад келса ичар, деган ниятда ўша ерда қолдирдилар. Хайрла-шишаркан:

— Эй Умму Маъбад, бу қўйни сўйманглар, — деб тайинлади-лар.



Абу Маъбад қайтиб келгач, сутни кўриб ҳайрон бўлди. Чунки шунча сут берадиган согин ҳайвонлари йўқ эди.

— Қаёқдан келди бу? — деб сўради хотинидан.

— Юзидан нур, қўлидан барака, дилидан раҳмат ёғилиб турган бир одам келди, анави қўйимизни соғди, — деб жавоб қилди Умму Маъбад.

— Қани, у одамни таърифла-чи. Қурайш ахтараётган одам шу бўлса керак.

Умму Маъбад Расулуллоҳни (с. а. в.) таърифлай бошлади:

— Нур каби порлоқ, гўзал ҳўйли, гўзал юзли бир одам экан. Қорни катта эмас, боши кичик эмас, тоза юзли, қирмизига тортган кўзли, узунгина сочли. Овозида шиддат бор, кўзи сурмали, узун бўйинли, қалин соқолли, жим турганда виқорли, сўзлашганда ҳикматли, гаплари тотли ва очиқ, беҳуда гап айтмайдиган, сувнинг оқиши каби майин сўзлайдиган одам. Узоқдан кўрилсаёқ инсонларнинг энг қийматлиси экани билинадиган, яқиндан боқилганда энг чиройлиси экани муҳаққақ бўлган бир зот. Узоқдан кўрган айб тополмас, яқиндан кўрган бир қусур топмас. Икки шох орасидаги бир шох эди (уч киши эдилар). Лекин учаласининг ичида нур юзлиси, бўйи мўътадили бўлгани у. Биродарлари унинг атрофида парвона, сўзласа, тинглайдилар, амр этса, зудлик билан адо этадилар, хизматини қиладилар...

Абу Маъбад хотинининг сўзини кесди:

— Демак, эй Умму Маъбад, хойнаҳой бу киши Қурайш ахтараётган одамнинг худди узгинаси. Дуч келсам, унга биродарлик таклиф қилардим. Бутун кучим билан шунга интиламан, — деди.

Умму Маъбад Расулуллоҳнинг (с. а. в.) тавсияларига кўра, у кучсиз, ҳолсиз қўйни сўймақдан воз кечди. Бундан бошқача қарорга келмасди ҳам. Чунки у зотнинг қўли тегиши билан жонланган, худдики оёқларини боглаб турган иплар бир-бир узилган эди.

Ўша кундан эътиборан бу қўй оиланинг баракат манбаи бўлди. Энг қаттиқ қурғоқчилик паллаларида ҳам маммалари лим-лим тўлиб, оиланинг сутга эҳтиёжини буткул қоплади. Расули Муҳтарам (с. а. в.) уни сорган кўнларидан бери йигирма саккиз йил бу оилага хизмат қилди. Расулуллоҳдан (с. а. в.) бир ёдгорлик бўлиб қолди.

Умму Маъбад ҳар соғанида ҳижрат йўлчиларини хотирлар, ҳар дафъа: «Яхшиямки ақлим етиб, Расулуллоҳнинг тавсиясини тутганим», дея қўйнинг сағрисини силаб қўяр эди.

Мадина тарафдан бир чанг-гўзон кўтарилди. Ҳазрати Абу Бакр бундан ташвиш чекмади, чунки таҳлика у томондан келмасди.

Дарҳақиқат, келаётган бир карвон экан. Карвон аҳлидан бири шошиб келди. Зубайр ибн Аввом экан. Мамнунлик туйгулари-ла

кучоқлашдилар. Бундай бир сафар чоғи бунақа дўстлар билан кўришиш нақадар яхши ҳол!.. Ҳар икки тараф ҳам севинишди.

— Мадинадаги мусулмонлар йўлга чиққанларингизни эшитганлар, сабрсизлик билан кутяптилар, — деди Зубайр.

Бу хабар Расулуллоҳни (с. а. в.) севинтириб юборди. Тез йўлга тушишни фойдали деб билдилар. Зубайр берган оқ либосларни кийиб, тез видолашиб, йўлга чиқдилар.

«Улигини ё тиригини келтирганга юз туя...» дея катта мукофотнинг қўйилиши ҳижрат ходисасининг ҳар мажлису йигинларда гапирилишига сабаб бўлган, ҳар ерда ҳар ким бу йўлчилардан баҳс этар, сўз қабиладан қабилага ўтиб, то Мадинага қадар етиб келган эди.

Ҳисоб-китоб қилинди, неча кунда Мадинага кириб келишлари тахмин этилди. Тонгнинг илк соатларидан эътиборан йўллар кўзланадиган бўлди. Катта-кичик жуда кўп одамлар соатларча йўлларга боқди. Туш иссиғи қизигунча нигоҳлар уфқларда кезди. Кўзлар толиқди, аммо кутилаётганлардан дарак бўлмади.

Тушки истироҳатга чекилдилар. Чунки бу иссиқда на йўл юриб, на уларни пойлаб бўлар эди. Эҳтимол аср саринлиги чўкса, келиб қоларлар, дейишди.

Оқшомга қадар жуда кўп инсонларнинг кўзи йўллар кезди, қотди.

Бу орада Султони Зишон (с. а. в.) жанобимиз «Омийн»<sup>1</sup> мавқифига етиб келдилар. Шу ерда етмишга яқин одамлари билан бирликда Бурайда ибн Ҳусайн Набиййи Акрам (с. а. в.) жанобимизни учратди. Бир муддат суҳбатлашдилар. Ҳазрати пайгамбаримиз унга Ислому динини англашди ва мусулмон бўлишга таклиф қилдилар.

Бурайда ҳамроҳлари билан бирга мусулмон бўлди.

Маккада йилларча давом этган мужодалада қўлга киритилмаган буюк бир натижага бу ерда тезгина эришилган эди.

Ҳайвонларининг оз сут бераётганидан шикоят қилган эди, Расулуллоҳдан баракат дуосини олди. Оламлар Сарваридан Марям сурасининг баъзи оятларини ўрганди. Бошидаги матони найзанинг учига боғлаб, «Мадинага байроқсиз киришингиз уйгун бўлмайди», дея Жанобимизни кузатиб қолди.

## Мадинада мужда саслари

Мадиналикларнинг ҳисоб-китоби аслида тўғри бўлган эди. Маккадан чиққан одам жиддий бир йўл босса, Ясрибга фалон муддатда етиб келади, деганларида хато қилмаган эдилар. Фақат, улар эътиборга олмаганлари жиҳат — Жаноби пайгамбаримизнинг (с. а. в.) уч кун Савр тоғидаги горда туриб қолишлари эди. Бундан, албатта, мадиналикларнинг хабари йўқ эди.

Иккинчи кун оқшомга қадар чўзилган кутишлар ҳам юзларга бир табассум келтирмади.

Учинчи кун эрта соатлардан бошлаб уйларнинг томларига чиқдилар. Хурмо дарахтларига тарманшдилар. «Оллоҳим, расулингни бизга соғ-саломат қовуштир. Сен ҳар нарсага қодирсан...» дуолари Улуғ Мавлонинг даргоҳига юксалаверди.

Тушки иссиқ бошлангунга қадар илк мужда сасини баралла эълон этиш умидида сабрсизларча йўл қарадилар, қарадилар...

Дақиқалар, соатлар бир-бирини қуваларди. Яна кутилаётганлар кўринмадилар, яна эркин нафаслар олинмади. Кўзлар яна ҳоргин, кўнгиллар яна маҳзун ва андишали қолди.

Имомул Анбиё вал-Мурсалин жанобимиз эса, Зубайр ибн Аввомдан олган хабардан сўнг юришларини тезлаштирган, мўминларни бир он илгари фарахлантириш, йўлини кутаётганларга бир он илгари қовушиш учун истироҳат муддатларини ҳам озайтирган эдилар.

Кун тиккага келиб, иссиқ забтига олганда одамлар қайлула уйқусини уриш учун томлардан тушди. Бу орада бир юмуш ила уйининг томига чиққан бир яҳудий олисда келаётган оппоқ либослар кийган йўлчиларни кўриб қолди.

— Мужда, эй Ясриб халқи, кутган одамларингиз келаётир!.. — деб қичқирди. Овозининг борича қичқираверди.

Бирдан ҳамма қалқди. Эрқагу хотин, болаю бақра яна томларга, дарахтларга чиқди. Оқ либосга бурканган уч йўлчи тобора яқинлашишар эди.

Шаҳарга жон кирди.

— Оллоҳнинг расули келаётир!..

— Буюк Пайгамбар қеляпти!.. — дея болалар ҳам қичқира-қичқира, нашъа ичида ирғишлай-ирғишлай, катталарнинг севинчига шерик бўлишар эди.

Яҳудийлар Расулуллоҳга (с. а. в.) бирор зарар етказмасин тагин, деган андиша йилдирим тезлигида зеҳнларни қоплади. Зудлик билан қиличларини тутиб, жаноби пайгамбаримизни қарши-лаш учун шошилдилар.

Бу сирада Сарвари Олам (с. а. в.) ҳам иссиқнинг ва чарчоқнинг таъсири-ла бир хурмо дарахтининг соясида тин олишга тўхтаган эдилар.

Беш юзга яқин одам «Оллоҳу акбар!.. Оллоҳу акбар!..» дея Расулуллоҳга пешвоз чиққан эди.

Бир муддат сояда ҳордиқ чиқарган пайгамбаримиз Қубо қишлоғига келдилар ва Кулсум ибн Ҳидмнинг уйига меҳмон бўдилар. Ҳазрати Абу Бакр Ҳудайб ибн Исоф хонадонига кўноқ бўлди.

Уша кеча Қубо халқи қишлоқларига тонгга қадар нур ёгилиб турганини кўргандай эди. Ҳеч бўлмаганда, Кулсум ибн Ҳидмнинг уйи ҳақиқий бир жаннат богчасига айланган эди.

Маккада қолган инсонларнинг душманлик туйғулари каби, энди қовушганлари ясрибликларнинг севгилари ҳам ўлчовга сиғадиган даражада эмасди.

. . .

Энг оғир шароитлар остида юритилган диний таблиғ вазифаси энг сўнг чора қолмагунча ҳам тўхтатилмаган, жиддий шаклда

ҳаётларига суиқасд тайёрлангани маълум бўлганидан сўнггина, бу вазифани ташқаридан туриб давом эттириш ниятидагина ҳижрат қилинган эди.

Мадина мўминларининг, ҳар қандай шароитда ҳам сизни ўзимизни ва оила аъзоларимизни қўриқлагандай қўриқлаймиз, дея сўз берганларига қарамай, Расули Акрам (с. а. в.) йўлга отланмай, аввал барча мусулмонларни кузатиб бўлгачгина ҳижрат қилишлари ботаётган кемани энг охида тарк этадиган Улуғ Дарга эканликларидан эди. «Мен кетяпман, сизлар орқамдан борарсизлар», тарзида иш тутиш у Зоти Шарифнинг (с. а. в.) хаёлларига ҳам келмасди!..

Бу ҳижрат асносида истасалар эди, Жаброили Амин у кишига йўлбошчи бўлиши мумкин эди. Малаклар ҳеч заҳмат етказмай хоҳлаган ерларига элтиб қўйишарди. Шундай бир истак бўлганида, Улуғ Мавло Ҳабиби Адибининг дуосини қайтармас, орзуини бажо келтирар эди.

Аммо бу зот ҳар турли машаққатларни бўйинга олиб, шундай таҳликали йўлчиликни танлаган, мушрик бўлишига қарамай, Абдуллоҳ ибн Урайқитни ўзларига йўлбошловчи қилиб олган эдилар. Бу тутимларининг сабаби — ичида яшаганлари шароитларга аҳамият бермасдан, ҳар турли говларни матонат ила енгиб ўтишни ва қийинчиликларга таҳаммулни ургатишни мақсад қилиб олишларидан, ишни ўша ишнинг билағонига тошшириш йўлини зеҳнларга парчинлаш гоясини кўзлашларидан эди.

Ишни билағонига қилдирилиши лозимлигини Ҳазрати Пайгамбаримиз бу ҳаракатлари билан англамасалар, яна қандай англатишлари мумкин эди?!

. . . .

Абдуллоҳ ибн Урайқит зиммасига юкланган вазифани тўла-тўқис адо этди. Сўзида турган, дарҳақиқат, тақдирга лойиқ тарзда йўлбошловчилик қилган бу одамга ташаккур билдириб, ҳақини зиёда қилиш ҳам фойдадан холи эмасди.

Чунончи, уни мамнун этиб, кутганидан ҳам зиёда ҳақ тўладилар.

Сууроқа Расулуллоҳга (с. а. в.) берган ваъдасида турди. Маккага қайтар экан, ҳамон ҳар томонда зўр бериб ҳижратчиларни қидириб юришганини кўрди.

— Йўл бўлсин? — деб сўрайди.

— Муҳаммад билан унинг ҳамроҳларини топишга, — деб жавоб қилишди.

— Қойилман сизга. У бу ердан ўтади-ю, юзта туяни била туриб мен ўзимни кўрмаганга оламанми? Сууроқа ҳали ақддан озгани йўқ. Қайтинглар, бошқа ёқдан ахтаринглар, яна қўлдан чиқазиб ўтирманглар. Аммо шуни яхши билингларки, у бу томонларга келгудай бўлса, юзта туя меники бўлади!

Мушриклар қайтиб кетдилар. Улар бошқаларни қайтардилар.

Суроқа чиндан ҳам бу йўлни беркитган, юзта туя илинжида кетма-кет келаётган гуруҳларни қайтариш йўлини топган эди.

Расулуллоҳ (с. а. в.) Қубога етиб борганлари ҳақидаги хабарни эшитгачина, кўнгли хотиржам бўлди.

Суҳайб кўпдан бери Расулуллоҳ (с. а. в.) билан биргаликда ҳижрат қилиш орзуида эди. Бироқ Буюк Оллоҳ суюкли пайгамбарининг фақат Ҳазрати Абу Бакр билан ҳижрат қилишини маъқул кўрди. Шу боис унинг бу орзуи ушалмай қолди. Расулуллоҳ (с. а. в.) ҳатто оила аъзоларини ҳам ўзлари билан бирга олиб кетмаган эдилар.

Расулуллоҳнинг (с. а. в.) кетганларини эшитган заҳоти у ҳам сафарга тайёргарлик кўра бошлади. Энди уни Маккага боғлаб турадиган ҳеч ким қолмаган эди. Уқ-ёйини, керакли миқдорда озиқ-овқатини олиб, вақтни ўтказмай йўлга тушди.

Бироқ орқасида эшитилган дағдағали овоз уни бир оз чўчитди:

— Йўл бўлсин, эй Суҳайб?!

— Сизлардан қутулмоқчиман... Роббимга эркин тоат-ибодат қилиш мумкин бўлган бир жойга кетаётирман.

— Бунақаси кетмайди, сени қўйиб юбормаймиз. Бу ерга қўлинг бўш келиб, сўнгра бойигин-да, туз еган тузлугингга тупуриб кет экан-да.

— Мен бу ердан бутунлай кетмоқчиман.

— Биз эса сени ҳеч қаёққа жўнатмаймиз.

— Сизлар менга яқинлашгунингизгача бир нечтангизни ер тишлатиб улгураман. Уқ отишда мерган эканимни яхши биласизлар. Билмаганлар синаб курсин. Шундан кейин қиличимни оламан-да, бир томчи қоним қолгунча курашаман. Истасангиз, марҳамат, келинг. Аммо инсоф қилсангиз, бошқа таклифим ҳам бор.

— Қанақа таклиф экан у?

— Шу кунгача йиққан мол-мулкимни бераман. Эвазига мени ўз ҳолимга қўясиз.

— Сўзларинг жиддийми, эй Суҳайб?

— Мен-ку жиддий айтаман, лекин сизлар ҳам жиддият билан сўз беришингиз лозим.

— Гапимиз гап. Таклифингга розимиз.

Орқага қайтиб, Суҳайбнинг уйига келдилар.

— Шу ерни қазинглар.

Дарҳол қазий бошладилар. Кўп ўтмай юзларда мамнунлик ифодаси пайдо бўлди.

— Мана, уйимдаги бор давлатим шу. Бундан ташқари, менинг номимдан фалон хотиннинг олдига борсангиз, икки халта омонатим бор, сизларга беради. Бошқа гапингиз йўқми?

— Биргина гапимиз қолди: истаган жойингга омон-эсон етиб ол, эй Суҳайб. Худо ҳаққи, сен сўзингнинг устидан чиқдинг, биз ҳам ваъдамызга хиёнат қилмоқчи эмасмиз.

Суҳайб Маккани тарк этди. Дарҳақиқат, ҳеч ким уни безовта қилмади.

Расулуллоҳ (с. а. в.) кетганларидан бир неча кун ўтгач, одамлар Ҳазрати Алини Абтоҳ деб аталувчи жойда, тепаликда кўрдилар.

— Ким амакиваччамга омонат берган бўлса, келиб мендан олсин, — дерди у.

Эгалари келиб омонатларини олдилар. Расулуллоҳнинг топшириқларини бажариб бўлгач, Ҳазрати Али ҳам «Қайдасан Мадина» дея дарҳол йўлга тушди. Кечалари юриб, кундузлари яширинар эди.

Расулуллоҳ (с. а. в.) дастлаб Кулсум ибн Ҳидмдан хурмо ёядиган жойни ҳады этишини сўрадилар. Намозгоҳ қилмоқчи эдилар. Кулсум бу таклифдан боши осмонга етди. Нуроний юзли пайгамбаримиз ўша ерда намоз ўқий бошладилар. Мўминлар билан суққабош Саъд ибн Ҳайсаманинг уйида учрашардилар.

Кубо қишлоғида масжид қуришга бел боғладилар.

— Менга Хоррадан тош олиб келинглар, — деб буюрдилар. Мўминлар дарҳол ишга киришдилар. Бир зумда тошлар уюлиб кетди. Шу аснода пайгамбарлар султони Муҳаммад Расулуллоҳ (с. а. в.) масжиднинг қибла деворини шахсан ўзлари чиздилар, сўнгра қўлларига бир тошни олиб, ушбу деворнинг пойдеворига қўйдилар. Ҳали ҳам шу қишлоқда меҳмон эдилар.

Масжиднинг пойдевори инсоният эришиши мумкин бўлган энг устивор йўмон ишқи туйғулари билан қўйилган эди. Бу масжиднинг қурилишини режалаштирган ва унинг тамал тошини қўйган инсон эса, пайгамбарлар имоми, улут Расулуллоҳ (с. а. в.) эдилар.

Пайгамбаримиз ёри гор биродарларига ўтиришди:

— Сиз ҳам бир тош қўйинг, ё Абу Бакр.

Ҳазрати Абу Бакр бажонидил рози бўлдилар.

Тош келтириб, жаноби пайгамбаримиз (с. а. в.) қўйган тошларининг ёнига қўйдилар.

— Сиз ҳам бир тош қўйинг, ё Умар.

Ҳазрати Умар ҳам бир тошни олиб Ҳазрати Абу Бакрнинг тошининг ёнига қўйди.

— Ё Усмон, бир тош қўйинг.

У ҳам қўйди.

Шундан кейин Расулуллоҳ (с. а. в.):

— Ҳамма тошини қўйсин, — деб буюрдилар.

Шу йўсинда масжиднинг деворлари Оллоҳ розилигидан бошқа ҳеч нарсани умид қилмаган камсуқум инсонлар томонидан қад кўтара бошлади.

Бир неча кун ичидаёқ Кубо масжиди қуриб битказилди. Улут ҳидоят йўлининг беқийёс йўлбошчиси энди намозларини шу ерда ўқий бошладилар.

— Хушхабар, ё Расулуллоҳ, Али келди!

Пайгамбаримиз фидокор Алини кўз ёшлари билан кутиб олдилар, қаттиқ қучоқлаб, бағриларига босдилар.

Алининг роса чарчагани шундоққина кўриниб турарди. Аммо

у ҳам огир машаққатлар энди орқада қолганини ҳис этган, Оллоҳнинг нафақат инсоният, балки бутун коинотга раҳмат қилиб жунатган Расули Зишонни билан дийдор кўришгач, чарчоғини ҳам унутган эди. Ҳолбуки, неча кунлар яёв юриб босиб утилган йўллар уни роса ҳолдан тойдирган, оёқлари қавариб, ёрилиб кетган эди.

Ҳазрати Алининг ёрилиб кетган оёқларини кўриб Жаноби Пайгамбаримиз шафқат ва марҳамат дарёси бўлган қалбларидан отилиб чиққан кўз ёшларини тўхтата олмадилар. Муборак қўллари билан Ҳазрати Алининг оёқларини силадилар. Али бу қўлларнинг тафтидан енгил тортиб, бир зумда огриқ ҳам босилди.

Расулуллоҳ (с. а. в.) чиқиб кетганларидан кейин Маккада содир булган воқеаларни бирма-бир сўзлаб берди. Омонатларни эгаларига топширганини билдирди. Сунгра эндигина мусулмонликни қабул этган бери бева аёлнинг меҳмони бўлди.

Шу аснода Суҳайб ибн Синъон ҳам етиб келди. Расулуллоҳ (с. а. в.) билан дийдор кўришди.

Пайгамбаримиз уни:

— Жуда тугри иш қилибсан, баракали олди-сотди қилибсан, эй Суҳайб! — дея тақдирладилар.

Суҳайб бу гапдан ҳам ҳайрон, ҳам хурсанд бўлиб кетди.

— Ё Расулуллоҳ, Маккадан чиққанымдан буён ҳеч ким мендан олдинга ўтиб кетмади. Ҳойнаҳой бу хабарни сизга Жаброили Амин етказган бўлса керак, — деди...

Қисқа вақт ичида қуриб битказилган масжиднинг илк имоми Расулуллоҳнинг (с. а. в.) шахсан ўзлари бўдилар. Бу масжид дунё тургунча туражак, мўминларнинг қалбида алоҳида, муборак, муқаддас урин тутажак эди.

. . .

Неча йиллардан буён Ясриб шаҳрида бир яҳудийнинг қули сифатида хизмат қилиб келаётган Салмон бир кун дарахт устида хурмо териш билан банд эди. Хужайини дарахтнинг тагида турарди. Шу аснода хўжайинининг бир қариндоши келди. Мезбон унга жой кўрсатди.

— Хафаҳол кўринасан, — деди.

— Тугри топдинг.

— Нима бўлди?

— Маккада пайгамбарлик даъвоси билан чиққан одам Қубога келганмиш. Ҳозир Авс қабиласи ҳам, Ҳазраж қабиласи ҳам унинг атрофида парвона.

Салмон бу сўзларни эшитар экан, ҳаяжондан қулоқларигача қизариб кетди. Дарахтдан сакраб пастга тушди, келган одамнинг ёқасига ёпишди.

— Нима дединг, нима дединг? Худо ҳаққи, гапларингни яна бир қайтаргин!

Шу заҳоти Салмоннинг орқасига қамчи зарбаси тушди.

— Сенинг нима ишинг бор? Тур, йўқол бу ердан!..

Салмон ўзини тутиб олди ва орқага чекинди. Оқшом тушгунга қадар ўтган соатлар йиллардай чўзилиб кетганга ўхшарди.

Ниҳоят ишини тутатиб ижозат олгач, бир оз хурмо олиб Қубога йўл олди.

Расулуллоҳни (с. а. в.) топди, келтирган хурмоларини олдиларига қўйди.

— Анча-мунча садақа беришим керак эди аслида. Оз бўлса ҳам, кўпдай кўринг, — деди.

— Мен садақа олмайман, — деб жавоб қилдилар Расулуллоҳ (с. а. в.) ва Салмон келтирган хурмоларни дўстларига тарқатиб бердилар.

Бир муддатдан кейин Салмон изн сўраб ташқарига чиқар экан, «бу бир», дея мингирлаб қўйди ўзича. Қоронгу кечада Мадина томонга йўл олар экан, «яна иккитаси қолди», дер эди ўзига ўзи.

## Ясрибга ҳаракат. Илк Жума намози

Ривоят қилинишича, Расулуллоҳ (с. а. в.) Савр тоғидаги гордан чиққанларида рабиул-аввал ойининг душанба куни бўлган. Мадина яқинидаги Қубога ўн икки кун деганда, яъни, ўн бешинчи Рабиул аввал куни етиб келганлар. У кун жума куни эди. Қубода ўн тўрт кун дам олгач, айни йигирма тўққизинчи Рабиул аввалга тўғри келган жума куни яна отланиб, Мадина сари йўлга чиққанлар.

Орада тўрт чақиримча масофа бор эди. Атрофларида Маккадан кўчиб келган муҳожирлар ва Мадинада уларни қучоқ очиб кутиб олган ансорлар. Пайгамбаримиз ҳижрат сафарига чиқиш олдидан сотиб олган Қасва исми туяларига минган эдилар. Орқа ўркачига Ҳазрати Абу Бакрни мингаштириб олдилар.

Салим ибн Авф оиласи маскан тутган Рауна деб аталувчи жойга етиб келганларида вақт қоқ туш эди. Туяларини тўхтатиб, пастга тушдилар. Ҳамма пешин намозини ўқишга тайёргарлик кўра бошлади. Ҳолбуки, Пайгамбаримиз (а. с.) Ислом динида ҳафтада бир марта адо этиладиган жума намозини ўқимоқчи эдилар.

Дастлаб суннат намози ўқилди. Пайгамбаримиз оёққа қалқдилар. Диққат билан тикилиб турган саҳобаларига қарата илк жума хитобини қилдилар:

— Эй инсонлар, сизларни нажотга элтадиган амалларни бажаришда ҳушёр бўлинг. Шу нарсани яхши билингки, барчаларингиз вақти-соати келиб фоний дунёдан кўз юмасиз, сурувингизни чўпонсиз қолдирасиз. Сўнгра қиёмат куни Роббимиз сизларга пардасиз, таржимонсиз шундай дейди: «Менинг расулим сенга келиб динимни етказмадими? Мен сенга мол-дунё бериб эҳсон қилмадимми? Ўзинг учун нималар қилдинг?» Шунда бандаси бечора ён-атрофга аланглайди. Қарайдики, ҳеч ким йўқ. Олдига қараса, жаҳаннамдан ўзга ҳеч нарса кўринмайди. Шундай экан, кучингиз етганича, бир хурмонинг ярмини биродарингизга булишиб бериш орқали бўлса ҳам, ўзингизни дўзах ўтидан қутқариш-



га ҳаракат қилинг. Чунки у ерда яхши амаллар эвазига унинг ўн мислидан етти юз мислигача ажр берилади. Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ...

Сўзларини тугатиб, Муҳаммад Расулуллоҳ (с. а. в.) ўтирдилар. Қисқа муддат дам олгач, яна ўринларидан турдилар ва қуйидаги тарзда гапира бошладилар:

— Ҳамду сано Оллоҳгадир. Унга ҳамду санолар айтаман. Ундан ёрдам сўрайман. Нафс балосидан, гуноҳлардан қочиб Оллоҳга сигинамиз. Оллоҳ бандасини ҳидоятга эриштира, ҳеч ким уни йўлдан оздира олмайди. Жаҳолат ботқоғига чуқтирганини эса, ҳеч ким қутқара олмайди. Мен гувоҳлик бераманки, Оллоҳдан ўзга ҳеч бир илоҳ, маъбуд йўқдир. Ёлғиздир, шериги йўқдир. Энг гўзал калом Оллоҳ таолонинг муқаддас китобидир. Оллоҳ кимнинг юрагини ушбу китоби билан зийнатлантира, куфрдан қутқариб Исломи динига киргизса ва у Оллоҳнинг китобини бандаларининг сўзларидан устун қўйса, саломатга, саодатга эришибди демақдир. Чунки у сўзларнинг энг гўзали, энг таъсирчанидир... Оллоҳ севган нарсани севинг. Оллоҳ таолони чин юракдан, бутун борлигингиз билан севинг. Оллоҳнинг каломидан, уни зикр этишдан зерикмангиз. Қалбингиз нафсингизга асир тушмасин. Чунки Қуръон Оллоҳнинг яратган нарсаларидан танланган ва сараланганини ифода этади. Оллоҳ таоло китобида амалларнинг энг хайрлиси, итоятнинг энг қадрлиси, сўзларнинг энг таъсирчангани баён этиб, инсонларга етган турли-туман ризқларнинг ҳаром ва ҳалоллини унда белгилагандир. Шундай экан, Оллоҳга тоат-ибодатларингизни давом эттиринг, унга ҳеч нарсани шерик қилманг, уни жон-дилингиз билан севинг. Тилларингиз сўзлаган чиройли сўзларингизни амалда тасдиқлаб, Оллоҳга садоқат курсатинг. Юрагингизни Оллоҳнинг розилигига уйғун севги туйғуси билан тўлгизинг. Ҳеч шубҳа қилмангки, Оллоҳ таоло амрининг бузилишидан газабга келади. Салом бўлсин сизларга, эй дўстларим.

Сўнгра Расулуллоҳ (с. а. в.) имомлик қилдилар, икки ракат намоз ўқидилар. Кеча намозларидагидай, баланд овозда ўқидилар.

Шу зайл илк жума намози ўқилди. Исломи дини вужудга келгандан буён утган йиллар ичида, илк бор улкан бир жамоат, ҳеч бир хавф-хатарсиз, ташвишсиз намоз ўқиди.

Намоз ўқиб бўлингач, Улуг Ёўловчи яна туяга миндилар. Ёри горларини яна орқага мингаштирдилар. Иккала томонлари мўминлар билан қуршалган ҳолда Мадина сари йўл олдилар.

Пайгамбаримиз Қасванинг жоловини қўйиб юборган эдилар. Йўллар, уйларнинг томлари одамларга тўлиб кетган. Эркагу аёл, каттаю кичик, бола-бақра — ҳамма хурсанд.

Болалар:

— Расулуллоҳ келдилар!.. Оллоҳнинг пайгамбари келяптилар!.. — деб тинмай бақириб-чақирар эдилар.

Ёш қизлар: «Толаъ ал-бадру ғалайна мин санийатил вадоеъ...» деб бошланадиган байтларини қўшиқ қилиб куйладилар:

*Вадоеъ тепаликлари узра ўн тўрт кунлик ой кўринди.  
Оллоҳга даъват этувчи пайдо бўлгач,*

*бизга ҳам шуқр қилиш вазифаси тушди.  
Эй Оллоҳнинг расули, сен бизнинг орамизга юксак  
бир дин билан келдинг,  
Келдинг-у бизларга ҳам шараф бердинг...*

— Эй Оллоҳнинг расули, уйимизга марҳамат қилинг!.. Сизга хизмат қилишни шараф деб билгувчи бир оиланинг меҳмони бўлмайсизми?..

Ута самимийлик билан қилинган бу таклифга Расулуллоҳ (с. а. в.) қандай жавоб бера олардилар?..

Ҳар бирининг кунгли самимият ва севгига тўлиқ инсонларни қандай рад этадилар? Қандай қилиб уларга: «Йуқ, сизларникига киришни истамайман», дея олардилар? Бинобарин уларнинг кунгилларини ранжитмаслик учун туяларининг жиловини қўйиб юбордилар. Қаерга қўниш масаласини ҳал қилишни илоҳий даргоҳ ихтиёрига топширдилар.

Йул ўртасида туриб, туянинг жиловига осилиб:

— Ё Расулуллоҳ, мана бизнинг уйимиз, ичкарига марҳамат қилинг, бизни бу шарафдан маҳрум этманг!.. — дея ёшли кўзлар билан ёлворган инсонларнинг дилларини огритиб бўлармиди?

Ҳар гал уларга: «Туяни ўз ҳолига қўйинглар. У ўзига буюрилганини бажаради...», — деб жавоб берардилар.

Туя жимгина йўлида давом этар, чапга, ўнгга қарай-қарай илгарилар эди.

Ниҳоят Нажжор ўгилларининг уйларига яқинлашишди. Туя кейинчалик Набийи Акрам масжид қурдирган, бугун қад ростлаб турган очиқ жойга етганда чўқди.

Расулуллоҳ (с. а. в.) туядан тушмадилар. Туя турди, бир оз олдинга юриб яна орқага қайтди ва ҳалиги жойга чўқди. Бўйинини чўзиб, бўкира бошлади. Шундагина:

— Иншаоллоҳ, биз манзилимизга етиб келдик, — дея туядан тушдилар пайгамбаримиз (с. а. в.).

Атрофларида амрларини кутиб турган одамларга ўтирилдилар:

— Шу ерга энг яқин уй кимники? — деб сўрадилар.

Абу Аййуб Холид ибн Зайд отилиб чиқди:

— Менинг уйим, ё Расулуллоҳ, мана, шундоққина олдимизда.

Шундан кейин хотини билан биргаликда туянинг устидаги юкни, эгар-жабдуқни олдилар ва уларни уйларига бошлаб кетдилар.

Султони Анбиё пайгамбаримиз Бани Нажжор қизларининг: «Биз Бани Нажжор қизларимиз. Муҳаммадга қўшни бўлишдан бахтиёримиз», дея ўқиган шеърларини тинглаб, Абу Аййубийнинг уйига кирдилар.

Абу Аййуб Оллоҳнинг Расулини меҳмон қилиш шарафига муяссар бўлганидан гоят хурсанд эди. У ҳам бошқа мусулмонлар каби ушбу шараф тожи унинг бошига кийгизилишини орзу этган эди. Қубо қишлоғидан шу ергача жилови қўйиб юборилган ҳолда огир-огир қадам босиб келган туя ҳар бир уй олдида ўтар экан, ҳаяжони кучайган, ниҳоят унинг уйи олдида ўтаётганида:

— Оллоҳим, энди тўхтат бу туяни!.. — дейишдан узини тия олмаган эди.

Аммо бу воқелиқдан нафақат Абу Аййуб ва Умму Аййуб, балки бутун Нажжор угиллари, бутун мадиналик мусулмонлар хурсанд бўлган эдилар.

Расулуллоҳ (с. а. в.) ҳамма уйга бирданига меҳмон бўлолмасдилар, албатта. Шу боис бу масалани ҳал этишни Буюк Оллоҳга ҳавола қилган эдилар. Ҳар нарсага қодир бўлган Оллоҳга ишонишдан узга бахт бормиди мўминлар учун!

Аммо Расулуллоҳ (с. а. в.) бутун мадиналик мусулмонларнинг кўнгилларига меҳмон бўлган эдилар.

Кучаларда ҳамон «Расулуллоҳ келдилар!.. Оллоҳнинг улут пайгамбари шаҳримизга файз киритдилар!..» деган овозлар эшитилиб турарди.

## II ЖИЛД ТУГАДИ.

Давоми келгуси сонларда



Ғаби Ҷаалолиддин

# ЧИПТАСИЗ ОДАМЛАР

Достон

Суюк ҳамда буюқлар — Чулпон  
ва Булгаковга бағишлайман

1

Ловуллаб келади нимадир,  
Қасирлаб келади бир бало.  
Тешилар,  
Ёнадир,  
Синадир,  
Тукилар дунё.  
Яна ким билади?..  
Биладир...  
Бир чимдим умрга ишонган  
Ҳаёялар бағрини тиладир.  
Теголмай қайрилган нишонга  
Ёйлар биладир.  
Тинмайин қилган у тавалло —  
Ё нафс,  
Ё лаъин!  
Тавбасини кутган Жалоло  
Кун сайин...  
Тилло осмон қасирлар энди,  
Ловуллар жаннат замин.  
Аё!  
Ё нафас келди,  
Тотадур таъмин,  
Билмайин.  
Йиглайин,  
Ҳарс-ҳарс сийнаси,  
Умр бугиздаги муштдек тош.  
Ё наффсс-с...  
Ё Оллоҳ! —  
Бировнинг саси,  
Қиблага қийшайар бош...

2

Йигирманчи аср...  
Ожиз одамзод,  
Суқир башар  
Уйлаб топган  
Савдойи сана.  
Қовжираган киприкларида  
Лапанглайди қўрқув,  
Тебранар, ана!  
Яна...  
Тангрининг юзига оёгин  
Бигиз қилолган даҳрий.  
Яна...  
Оллоҳни соғиниб,  
Меҳр деёлган қаҳрин.  
Йигирманчи аср...  
Қитъаларда тугилган даҳшат,  
Элатларда ястанган ором.  
Қитъаларда тугилган ором,  
Элатларга сочилган даҳшат.  
Ана,  
Самога қайрилиб,  
Излайди ўзини,  
Йигирманчи аср...  
Кўзинг тешилсин,  
Агар бўлса ўша кўзларинг.  
Кўзларинг йуқ,  
Йуқ эди сенинг,  
Йигирманчи аср  
Суқир аждаҳо!..

Қуёш уфқда бўзариб борарди,  
 Бўзариб-бўзариб  
 Борарди дунё.  
 Сарой деворлари қонталаш,  
 Сарой деворлари тортади

увво,

Жимгина,  
 Маҳзунгина  
 Ва гина.  
 Сонсиз каллаларнинг кўз коса-  
 сида  
 Шарақлаб кулади илонлар,  
 Ридоли кимсанинг  
 Хос ҳассасида  
 Ҳалқали тўлғонар арқонлар  
 Ва қонлар,  
 Тилларга ялоқдир,  
 Ямланур ҳузурбахш забонлар,  
 Замонлар келмишдир —  
 Замонлар...

\* \* \*

Пилат!  
 Ҳа, ўша Пилат,  
 Кенг қулоч хочга термулиб,  
 Тангри қулочини ўлчаиди  
 Пўлатдан мих йўниб.  
 Прўкуратур —  
 Буюк кўр,  
 Йигирманчи аср саҳнида  
 Кўр асрга жўр  
 Ва асо тутган кўл  
 Ярқираган қорачўғларни  
 Пайпаслаб-пайпаслаб,  
 Уйиб олаверар тиглар-ла...  
 Ва кўр,  
 Ҳамма кўр,  
 Кузи очиқлар  
 Очиқ кетаверар бақога...

4

Осиё!  
 Тўлғаниб-тўлғаниб,  
 Эшилиб-эшилиб  
 Ётган сарҳадлар.  
 Чувалашиб кетган ақл,  
 Мудраётган қаҳр  
 Ва қасос

Осиё!..  
 Осиёни беланчак қилиб,  
 Бўзлаётган чистон, —  
 Жавобсиз чистон —  
 Волидаи кабир  
 Туркистон.  
 Шимолдан оқиб  
 Йиғлаган,  
 Шимолга боқиб  
 Йиғлаган,  
 Асли исённинг онаси,  
 Шарқнинг боласи —  
 Туркистон!..  
 «Шимол совуқ», дедилар,  
 Қуёшини бермоқчи бўлди.  
 «Шимол оч!»  
 Ошини берди  
 Ва бошини берди,  
 Бошини еди унинг  
 Шимолистон...

5

Эй кўнгул!  
 «Кишанлар бирла  
 дўстлашдинг»<sup>2</sup>  
 Сукунат бирла эшлашдинг  
 Ва жимлик боғида очилган  
 Мутелик бирла хешлашдинг.  
 Замин ўлдинг,  
 Ахир, осмонсен,  
 Чўпон эрмас,  
 Ахир, Чўлпонсен!  
 Олам аро биргина сонсен,  
 Туркистонсен!  
 «Кишан кийма, бўйин эгма,  
 Ки, сен ҳам хур туғилгонсен!»<sup>3</sup>

6

Оч қулнинг кўнлари каби қора  
 Туркистон жим,  
 У потос боғлаётган яра.  
 Бу ерда тик боқмас  
 Биров-бирова,  
 Бировнинг ранги оқ,  
 Бировники қора,  
 Кўзлар уялади  
 Номутаносибликдан,  
 Тупургиси келар  
 Бири-бирига.

<sup>1</sup> Понтий Пилат — Рим Прўкуратури. Михаил Булгаковнинг «Уста ва Маргарита» рўмонидаги қаҳрамонлардан бири.

<sup>2</sup> Чўлпоннинг сатри.

<sup>3</sup> Чўлпоннинг сатрлари.

Исённинг бешиги  
Исёнсиз қолмиш,  
Шайтон камлик қилар  
Қаҳр кўзгашга.  
Шайтон — Воланд<sup>1</sup>  
Ёмонлик деб,  
Яхшилик улашган лаъин...

7

Кўзларига дераза тутган  
Танҳо шоир,  
Хотинлар салтанатида<sup>2</sup>  
Бир исён излайди  
Миллатга доир.  
Шимолни соғиниб,  
Ғарбни соғиниб,  
Яшайверди турк ёзари.  
Кутаверди у  
Воландни.  
Туркистон узра  
Талваса қўзгагувчи.  
Фақат рост сўзлагувчи  
Воландни...  
Чўлпон,  
Манглайда қилич уйнаган  
Чўлпон —  
Туркистон.  
Кўҳна фиръавннинг  
Тобути ичра  
Ғойибдан топилган  
Эй, тилла танга —  
Туркистон.  
Сенга бахт соғинар Чўлпон!..

8

Эй сен,  
Осмоннинг боласи,  
Туркистон боласи,  
Кечани яратиб,  
Кундузни яширган  
Шарқнинг ноласи.  
Бу ерда кундузлар туғар,  
Майда-майда,  
Булак-булак кундузларингни  
Ичиб ётар  
Биров-биролар.

Энди хоч эмас,  
Ярим ой мисол  
Пойингда эгилган  
Пилатваччалар,  
Сенинг ерлик эмаслигингни  
Қайтадан кашф ётар  
Мингбоши<sup>3</sup> хаёли билан.  
Эй Ойга михланган  
Осмон боласи,  
Сенга учмоқ соғинар  
Туркистон!

9

Московда бир фаррош яшарди,  
Ун икки йил фаррошлик қилган<sup>4</sup>.  
У кун буйи кўча супуриб,  
Гул тутарди тун буйи  
Суйган ёрига,  
Кўни билан топган пулига.  
Маргарита<sup>5</sup> эди ёрининг исми.  
Маргарита!  
Сочлари қора,  
Қанотли жодугар,  
Фаррошнинг хаёлларига  
Сочаётган зар  
Жодугар...

\*\*\*

Уста<sup>6</sup> (Фаррош)нинг киссасида  
Чақа йўқ,  
Гул сотиб олаверган барига.  
Унинг-чун сариқ чақа  
Гул,  
Супурилайётган ер,  
Дунё  
Сариқ чақа.  
Шарқни соғинади у,  
Қоп-қора сочларга  
Уралган Шарқни.  
Чувалашиб кетган ақлни,  
Эшилиб-эшилиб ётган ақлни  
Соғинади у.  
Москов дарёсининг буйида  
Ютоқиб тутунлар сўргандек,  
Ҳаста юрагининг чуқурларида,

<sup>1</sup> «Уста ва Маргарита» рўмони қаҳрамони.

<sup>2</sup> Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» рўмониغا ишора. Рўмонда аёллар образи ниҳоятда кўпчиликни ташкил қилади.

<sup>3</sup> «Кеча ва кундуз»даги Акбарали мингбошига ишора.

<sup>4</sup> Булгаков «Уста ва Маргарита» рўмонини ун икки йилда ёзган.

<sup>5</sup> Мазкур рўмон қаҳрамони.

<sup>6</sup> Мазкур рўмон қаҳрамони.

Ҳорғин миясининг  
қаватларида,  
Шарқни соғинар,  
Соғиниб яратар  
Камбағал дониш...

10

Шарқнинг пешонасида ойи  
бор,  
Ғарбнинг бошида шохи.  
Ғарбнинг бир буюк ҳойи бор,  
Шарқнинг бўғизида оҳи.  
Ҳойи ойига ошиқ,  
Шохи оҳига ўқлов.  
Бу буюк ишқ,  
Ёвуз ишқ,  
Мудом тугамаган ов...

11

Чўлпонни билмасди  
Михаил бобо,  
Уста бобо билмасди  
Абдулҳамидни.  
Шимолу жанубнинг кўксиди  
Ёнаётган икки олов ҳам,  
Хабарсиз эдилар  
Бири-биридан.  
Воландни таниган Михаил  
Шарқни соғинган,  
Воландни соғинган Чўлпон  
Ғарбнинг ошиғи.  
Икки соғинч дарахти узра  
Юз очган гунча —  
Маргарита.  
Суюк жодугар,  
Буюк жодугар!

12

Ун икки йил куйган жунун,  
«Ё Ҳақ!» дея суйган жунун,  
Билармиди Туркистон аро  
Улуғ яроғ отилган кунин?!  
Московда,  
Чекка бир кулбада,  
Тошқанда,  
Чекка бир ўрада,  
Жонини топширган,  
Шонини топган  
Икки буюк сўз,  
Бир жуфт соғинч —  
Михаил,  
Чўлпон.  
Хочни қулочлаган,

Ойни қучоқлаган,  
Бири —  
Инсу жинслар аро  
Чўқиниб кезган,  
Бири —  
Фаҳш, аласт аро  
Ўқиниб кезган,  
Кечаю кундузни  
Бир соғинчга алишган  
Инсон  
Ва Инсон —  
Михаил,  
Чўлпон...

13

Ҳалқа-ҳалқа кўз ёшларда  
Сузиб юрган қора кема,  
Дарё-дарё қонлар узра  
Жисму жони пора кема.  
Улмаган дунёнинг умрига  
Нуқта бўлмоқ истаган,  
Қоп-қора,  
Қоп-қора  
Дунё жамолига нисбатан,  
Йигирманчи аср  
Чўнг кафан.  
Башар дафтарида  
Қора чизик,  
Қизил чизик —  
Йигирманчи аср  
Ўлган,  
Ўлмаган  
Мурдаларга зиқ...  
Ҳадемай тонг отар,  
Энди тонг отар,  
Уфқдан тўкилар  
Оппоқ бир хаёл.  
Тўлишган юзини

кўрсатолмайин

Йиманиб боқар  
Йигирма биринчи аср —  
Тўлмаган аёл...

14

Гувиллаб боради,  
Сирли гувиллаб,  
«XX аср» рақамли пойиз,  
Елиб борар темир изидан  
Бекатсиз оташ арава.  
Булутдек уриндиқларда  
Чиптали зотлар  
Ястаниб-ястаниб,  
Кекириб-кекириб,

Буйнида капалак  
                                буйинбоғларин  
Яшнатиб-яшнатиб,  
Елиб борар арава билан...  
Яшиндек пойизнинг,  
Совутдек пойизнинг,  
Тобутдек пойизнинг  
Бурчак-бурчакларида  
Яширингиси келар чиптасиз-  
ларнинг.  
Тобути —умид,  
Қабрлари — армон,  
Улмаган ўликлар ичида,  
Ўлган тириклар ичида,  
Зулумотда милтираб  
Жон талашар жон!

15

Чиптасизлар манглайида ёзиқ—  
«XX аср» рақамли пойиз,  
Пойида ақлдан озиб,  
Чузилиб боради темир из.  
Бароқ қошлар,

Қалин муйловлар,  
Силлиқ бошлар,  
Думбул уйловлар,  
Тилни ямловлар,  
Кўкракларга осилган  
Виждонлар,  
Ўпқон жиғилдонлар  
Соёси,  
Жаранги,  
Шовқини остида,  
Овозлари ётар  
                                чиптасизларнинг.

Чиптасизлар —  
Чулпон, Булгаков...

.....  
.....  
Жуда ҳам кўп,  
Кўп эрур улар,  
Саноқлари сигмас огизга.  
Барчалари ўз бурчагида,  
Пайпаслайди киссаларини.  
Ҳамон пайпаслайди  
Неларнидир шивирлаб  
Ўшал Ёлғизга!..





*Оллоёр*

## **ВАСЛИНГ ХАЁЛИ...**

\*\*\*

*Бу жаҳонда ҳеч санам келмайди жононимга тенг,  
Тим қора ул сочларин ҳар толаси жонимга тенг.*

*Ишқ-муҳаббат завқисиз гурбатда утган ойу йил  
Келмагай ёр ёнида утган ширин онимга тенг.*

*Булмаса ёнимда ёр, мен сайри гулзорни нетай,  
Келмас у ёр ҳажрида кезган биебонимга тенг.*

*Ўзидек шамсу қамар йук, қаддидек сарви равон,  
Мушк-анбарлар топилмас буйи райҳонимга тенг.*

*Ёру улфатдан жудо кунглум қиесин излаган  
Бир хароба топмагай бу кунгли вайронимга тенг.*

*Оллоёр, утгай бу умрим сайру-саргардон билан,  
Яхши ном қолсин жаҳонда умри сайронимга тенг.*

\*\*\*

*Бу дунёда сенингсиз ёр, айрилурман қанотимдан,  
Кетай майли ҳаётдан, гар кетар булсанг, ҳаётимдан.*

*Табассуминг ила кунглум қаро шомин мунаввар қил,  
Вафо шеvasи жой олсин мудом байту баётимдан.*

*Меҳрсиз минг қариндошдан меҳрли етти ёт аъло,  
Жудо булмай сира сендек меҳрли етти ётимдан.*

*Сенинг ҳулқу чиройинг таъриф этмоққа тилим ҳайрон,  
Муносиб мадҳу мақтовга тополмай суз бисотимдан.*

*Висолинг ойини бир лаҳзалик ҳажринг қаро қилгай,  
Дилим бир ошино топмай, асар қолмас саботимдан.*

*Висолинг шукрию ҳажринг бағнига бу байтимнинг  
Сиеҳини олиб ёздим, юрак — қонли давотимдан.*

\* \* \*

*Фироқингда алам чекмоқ насибамдир,  
Вале, ошиқ ҳолидан сенга не ғамдир?!*

*Қаддинг не сарвиқадларни айламиш дол,  
Юзинг парвоналарни уртаган шаъмдир.*

*Жаҳоннинг бор гузаллик олами сенда  
Ва бор ҳайроналик менда мужассамдир.*

*Фироқингдан дилим бамисоли саҳро,  
Кузим ашки-фироқдин муттасил намдир.*

*Сенга ёрдир хусн ичра мукаммаллик,  
Сенинг ишқинг билан кунглум мукаррамдир.*

*Сенга ҳамхонадир шодлик, фаровонлик,  
Менга васлинг хаёли якка маҳрамдир.*

*Тараҳҳум кўрсатиб бир бор кулиб боқсанг,  
Оллоёрга то рузи маҳшар байрамдир.*

\* \* \*

*Булдию севган нигор душманга дуст,  
Булмади бир лаҳза эс-ҳуш манга дуст.*

*Ёр хаёли қундуз улса машгулим,  
Тунда ёр васли кечар туш манга дуст.*

*Карбало даштидаги Мажнун мисол,  
Неча оҳую неча қуш манга дуст.*

*Шоми ҳижронда менингдек бетиним  
Парвонадир — шамга урар туш манга дуст.*

*Лоф булар қолдим десам: танҳо, ғариб,  
Меҳнату қайгу яна қуш манга дуст.*

*Кел, демоққа қиймаса кузинг, вале,  
Кет, десанг ҳам бу келар ҳуш манга, дуст.*

*Ёрдин айру, Оллоёр, ҳеч бир киши  
Булмасин мендек сира пушмонга дуст.*

\* \* \*

Олисларга қарагандим, ёр қуринди,  
Қаро кузи йулларимга зор қуринди.

Қаро кўзли шу дилдорнинг висолидан  
Умидимни узган эдим, бор қуринди.

Бир юракка сигар экан меҳру жафо,  
Ёр сочи ҳам гоҳ сумбул, гоҳ дор қуринди.

Муҳаббат ҳам синов экан, ерга бағрин  
Берган неча ошиқ бошда сор қуринди.

Гулни қуриб, узай деган чоғда, ажаб,  
Барг остида пинҳон турган хор қуринди.

Кечагина оҳларимга тор бу дунё,  
Мана бугун шодлигимга тор қуринди.

Ёрга вафо расмин дилда маҳкам тутган  
Ҳар ошиққа узи Олло ёр қуринди.

Бекобод.



Сафар Барноев

# АЖАБ ДУНЁ ОДАМЛАРИ

Ҳикоялар

## Туғилган кун

Ҳамма билан эрта-кеч қизиқчилик қилиб юрадиган Эр-  
мат Эрмат қоғоз кўтарганча хонага кирди.

— Салом, қора халқ!

— Салом, — жавоб қилишди хонадагилар.

Эрмат Эрмат кафтларини бир-бирига ишқади.

— Пулдан чўзинглар. Тушдан кейин алламбало гўшт олиб  
келаман.

Хонадагилар оғиз жуфтламасданоқ, тўрда қоғоз титки-  
лаб ўтирган Сабрия опа бошини кўтарди. Бирпас Эрмат  
Эрматга тикилиб туриб, кўзойнагини олди.

— Менга беш кило!

— Қизиқсиз-а. Бир кило денг-икки кило денг... — У сез-  
дирмай ўтирганларга қараб кўз қисди. — Қани, пулни чў-  
зинглар.

Сабрия опа сапчиб ўрнидан турди.

— Беш килодан кам гўшт берсанг, жанжални сотиб ола-  
сан мендан. Биламан, ўзинг нуқул лаҳм жойини олиб, суяк-  
саёғи бизга қолади.

— Гўшт суяксиз бўладими, опа? Нима, ишга гўшт олгани  
келганмисиз? Поччага айтинг, у киши ҳам рўзғорга бундай  
жонини койитсин, — ишшайди Эрмат Эрмат.

— Поччангизни оғири сизга тушаяптими?

— Тушаяпти, мана бизда ҳам хотинхўжа бор. Ётса бир уй  
бўлиб ётади. Гўшт-ёғ деганни ўзимиз ташияпмиз.

— Ҳа, бир сўм тўқсон тийинлик гўштни икки сўмдан  
сотгач, ташийсан-да.

— Оббо, — деди Эрмат Эрмат, — яна бошладингизми?

— Ҳа, ёқмадимми? — деди Сабрия опа.

— Ёқмади.

— Уйга меҳмон келадиган эди, — деди ахийри ялинганнамо, — гўшт жуда зарур.

Эрмат Ермат қўлига қалам олувди, Сабрия опанинг чеҳраси ёришди.

— Топиб бераман, — деди у, — аммо ҳозир ундан ҳам зарур иш чиқиб қолди.

— Пахта бўлса мен бормайман, ана ёшларни жунатинг, — деди Сабрия опа ўрнидан туриб. — Қон босимим борлигини директор ҳам билади.

— Олдин эшитинг.

Эрмат Ермат дам Сабрия опага, дам менга қараб рўйхатга кўз югуртирди.

— Бир ойдан кейин директор акахонимиз Абдумутал Валиев роппа-роса эллик ёшга кирадилар. Шунинг учун...

— Ҳаммаям элликка киради. Нима қипти?

— Сабрия опажон, бирпас эшитишнинг иложи борми?

— Борр...

Эрмат Ермат давом этди.

— Директор акахонимизнинг қутлуғ эллик йилликларини кўнгилдагидек ўтказишимиз керак. Шунинг учун у кишига билдирмай юбилей комиссиясини туздик, — Эрмат Ермат Сабрия опа қўйиб қўйган яхна чойдан хўплади. — Комиссия аъзоси уч кишидан иборат. Камина — раис. Умар Назрулло билан Сабрия опа — яъни ўзингиз аъзо.

Сабрия опа илжайиб қўйди. У комиссия аъзоси бўлганидан хурсанд эди.

— Яхши, мени ҳам унутмабсизлар. Нуқул эсдан чиқиб қолардим.

— Энди Сабрия опажон, — давом этди Эрмат Ермат, — Абдумутал акахонимизга чиройли совға қилсак.

— Яна пул йиғамизми, — тумшайди Сабрия опа, — ўзи шундай ҳам ойлик пўстдумбага чиқиб кетяпти. Туғилган кун. Кузатиш. Меҳмон келди. Байрам.

— Комиссия аъзосисиз. Бирпас жим туринг.

Эрмат Ермат менинг фамилиямни ўқиди.

— Баротуф, қани беш сўмни қуртдай санаб беринг-чи.

— Яна беш сўмданми? — Сабрия опанинг кўзлари олакула бўлди. — Й-йўқ, мен пул бермайман. Девор қўшнимиз, бир тоғора қовоқ сомса пишириб чиқарман.

— У қўшничилик, сомса қиласизми, норин қиласизми...

— Норин эмас, қовоқ сомса.

— Қани Баротуф, — тепамга келди Эрмат Ермат. — Бешни чўзинг.

— Пулим йўқ, — жавоб бердим ерга қараб.

— Менинг кўзимга қаранг, — деди Эрмат Ермат. — Акахонимизга девотман.

— Пулим йўқ, дедим-ку. Эртанги маошдан берарман.

— Сўранг, мен қарз берай.

— Қарз олмайман.

— Бойвачча-ей, унда тўланг.

Эрмат Эрмат кўлидаги қозғозни буклаб, тепамда туриб олди.

Ғашига тегиш учун атай сўз қотдим:

— Эрмат Эрматий, хотин кундалик овқатимга ҳар куни бир сўм беради. Беш сўмни қаёқдан оламан.

— Парво қилманг, оч қолмайсиз. Ҳар куни пешинда ўзим ошга олиб бораман, — деди Эрмат Эрмат.

— Қанақа ошга?

— Тўй оши, йил оши. Йигирма... Ҳозир ош дегани кўпайиб кетди. Борадиган жой куп. Шу куннинг ўзида уч ерда ош бор.

Бир ҳисобда унинг гапи тўғри, Эрмат Эрмат етагида кун ора ошга борамиз. Гоҳ кўшни идорадагилар тўй қилади. Гоҳ таниш-билиш. Оёқ-кўли чаққон Эрмат Эрмат биров ошга таклиф қилса, дарров хонама-хона кириб хабар қилади. Пешинда пода боши, серкадек ўзи етаклаб боради.

— Мана, бир сўм тушлик ёнларингда қолди, — писанда қилади у қайтишда.

Унинг гап-сўзига катта-кичик кўникиб қолган. Парво қилишмайди. Эрмат Эрматнинг қилиғи ёқадими, йўқми, тўғриси маошга икки-уч кун қолганда унинг «ошга» деган сўзини интиқ бўлиб кутамиз...

Яна ғашига тега бошладим.

— Олдин бир ҳафталик ошнинг рўйхатини кўрсатинг.

— Бешни чўзинг, кўрсатаман, — у чўнтагини ковлай бошлади. — Рўйхат уйда қолибди шекилли. Бераверинг, топан.

— Бермайман, — дедим қатъий.

Сабрия опа орага кўшилди.

— Баротуф, қарз-парз қилиб беринг.

— Сиз-чи?

— Мен қовоқ сомса чиқараман.

— Сиз ҳам тўлайсиз, — буйруқнамо оҳангда деди Эрмат Эрмат, — мана, ҳамма тўлади. — У машинкада ёзилган исм-шарифларни кўрсатди. — Тўлаганларга қизил, тўламаганларга қора сиёҳда белги қўйиб чиқяпман.

Мен миқ этмадим. Эрмат Эрматнинг хуноби ошди.

— Баротуф, бу рўйхатни директор акахонимизнинг ўзлари кўздан кечирганлар. Бир нусхаси ўзларида. Ким тўлаган тўламаганини сверка қиладилар. Чўзинг.

— Бермайман, — сўзимда туриб олдим.

— Бермай кўринг-чи, бу коллективда қандай ишлар экансиз.

Сабрия опа ёнимни олган бўлди:

— Эрматжон, ростанам пули йўқдир. Унинг учун мен қарз бера тураман. — У чарм қопчиқчасини очди.

— Узийиз учун ҳам биратўла тўлайсиз, — деди Эрмат Эрмат.

Сабрия опа қопчигини чангаллади.

— Мен қовоқ сомса чиқараман дедим-ку. Шунча эркак битта совға ололмасаларинг ўлларинг. Аёл кишидан пул сўраган эркак эркакми?

Эрмат Эрматнинг қути учди.

— Нима, сиз менга зарда қиласиз? Хотиниммисиз?

— Э сендақа мумсук эрим бўлганда, босиб ўлдирибгина кўярдим, — Сабрия опа кўзойнагини артди.

— Вой-вой, поччамнинг аҳволига итлар йигласин, шу зайл кетаверса унинг ҳам ҳолвайтарини ерканмиз, — тилла тишини кўрсатиб, бошини ликиллатди Эрмат Эрмат, — кейин менга дўқ-пўписа қилди. — Мана, яна ошлик тайёр.

Сабрия опа қўлидаги ручкани унга отди.

— Ўзингни ҳолвайтарингни ейлик.

— Поччамларники ширин бўлади, — кулди Эрмат Эрмат. Кейин жиддий тус олди, — ҳазил етар, Баротуф, — у менга юзланди, — бу аҳволда бирга ишлашимиз қийин бўлади.

— Ана, ишламасам, ишламадим.

— Ҳозир шу гапларийизни директор акахонимизга кириб айтаман.

— Айтинг.

— Қўрқмайсизми?

— Қўрқмайман!

Эрмат Эрмат «афсус қиласиз» деганича эшикни оёғи билан очиб чиқиб кетди.

Сабрия опанинг қовоғи солинди.

— Яхши қилмадингиз, Баротуф!

— Сиз-чи?

— Менинг йуригим бошқа. Қўшнимиз. Беш сўм қаерларда қолиб кетмайди. Ёнингизда бўлмаса берай, десам индамадингиз.

— Нега бўлмас экан, ёнимда пулим бор.

— Бор бўлса, ҳалиям кеч эмас, обчиқиб беринг. Гапсўздан қутулинг.

— Бермайман.

— Қайсар одамсиз, Баротуф. Эрмат Эрмат директорнинг чап қули. Ҳамма гапни етказиб туради. Кейин ўзингиз...

Сабрия опанинг нимага ишора қилаётганини сезиб турибман. Ҳали Эрмат Эрмат юбилей комиссияси раиси бўлмасданоқ бизнинг хонада оғзаки тайёргарлик борарди.

... Директоримиз Абдумутал Валиев ишга келгач, кабинетига кириб ул-бул нарсасини кўяди. Коридорга чиқиб сочини силлиқ тараб, бизнинг хонага киради. Хонама-хона юриб, ким бор, ким йўқлигини суриштиради. Охирида (дос-тонларда ёзилгандек) мастона қадам ташлаб, бизнинг хонага киради. Сабрия опамиз столи ёнидаги бўш курсига келиб ўтиради.

— Қани, пистачкадан олинг, Сабрияxon.

Сабрия опанинг ғаладонида доим пистачка бўлади. У директор кириши билан тортмасига қўл чўзади.

— Мана, Абдумутал ака. Чой ичасизми?  
— Яшанг, — мақтаб кетади Сабрия опани директор. — Сизда ҳамма нарса бор.

Сабрия опа чой узатади. Ликопчадаги конфетни суриб қўяди.

— Тўйдан териб келганмисиз, Сабрияхон.

— Йўғ-е, Абдумутал ака, свежий. Тўйникини сизга берар-мидим.

— Яшанг, Сабрияхон. Ҳазил борсиз-да.

Абдумутал ака оёғини чалиштириб биз томон юзланади.

— Қалайсизлар?

— Яхши...

— Бундоқ хонага қовун-повун ҳам олиб келмайсизлар.

— Булар қурумсоқ, — дейди Сабрия опа, хонадагиларни кўрсатиб, — тайёр чойга...

— Қўймайсиз, қўймайсиз, — кулади ялтироқ кўзойнагини тўғрилаб директор. Бирпас тишининг кирини сўрган бўлиб, мендан сўрайди:

— Бухоролик укам, бу опангизнинг гапига чидаб ўтираве-расизми? Сиз-чи, самарқандлик укам.

Бурчакдаги столда ўтирган Карвонов деган йигит қизарилади.

— Самарқандда шўрданак кўп бўлади-а, — менга кўзини қисади Абдумутал ака.

— Кўп-у, ҳеч кўрмадик-да, — дейди Сабрия опа.

— Бу йигитлар яхши, — шундай деб директоримиз ўрдак қадам ташлаб чиқиб кетади.

Хонада уч киши қоламиз. Сабрия опа иккаламизга термулади.

— Олиб келамиз дегунча... Бундоқ...

Карвонов менга қарайди.

Сабрия опа маслаҳатга ўтади:

— Абдумутал ака ана-мана дегунча ярим асрга кирадилар. Тўёна қилиб, бирор нарса олиб келсаларинг, ишларинг беш. Вақт-бевақт жавоб сўраб кетишларингга яхши. Командировка ҳам берадилар.

Сабрия опа бизга ўқтириб юрган кунларининг бирида Абдумутал ака хонамизга кириб, узоқ ўтириб қолди. Гап бориб ёшга тақалди.

— Биз ҳам мана элликка кираймиз, — деб қолди директор.

Сабрия опа сездирмай бизга кўз қисди. Биринчи бўлиб Карвонов тилга кирди:

— Абдумутал ака, эллик ёшлик тўйингизга ўзим бир қоп учқоранинг майизидан, бир қоп сара шўрданак олиб келаман.

— Яшанг, — деди директоримиз.

Мен ҳам қараб турмадим:

— Битта зарчопон олиб келаман, — дедим ҳовлиқиб.



— Уҳ-хў, — хурсанд бўлиб кетди Абдумутал ака, — яшанг. Зарчопон киярканмиз-да.

Директор чиқиб кетиши билан Сабрия опа лўмбиллаб бориб хона эшигини беркитди.

— Барака топинглар, укажонларим. Қойил қилдиларинг. Агар шу айтганларингни қилсаларинг, — у қулт этиб ютindi, — ҳамма ишларимиз битаверади. Бошқа ходимлар ўлиб кетмайдими, Абдумутал ака бизни хонани яхши кўрадилар. Бундан кейин ўзим Сизларни ҳимоямга оламан. Келгинди одамсизлар. Кечирасизлар, ота-онангиз узоқда демоқчиман. Аслида ҳаммамиз бу дунёга келгинди...

Сабрия опа сузларни қалаштириб ташлади. Жим эшитаяпман.

Сабрия опа агар ваъдамизни бажарсак, келажагимизга ҳам фойдаси тегиши ҳақида гапирди.

— Абдумутал аканинг қўллари узун, оқ уй билан алоқалари яхши. Оқ уйни биласизларми?

— Й-ўқ, — жавоб берди Карвонов.

Сабрия опанинг астойдил бизга раҳми келиб, бориб деразани очди.

— Ҳу Қизил майдоннинг нарёғидаги бино-да.

— Марказқумми?

— Биларкансиз-ку, — деб менга юзланди. — Оқ уй ҳам дейишади.

Карвоновни билмадим-ку, ўша кундан бошлаб мен ўзимни койиб юрдим. «Аҳмоқ, берган ваъдангни қара. Зарчопонмиш... Балки бу ичимдан топ Карвонов уддасидан чиқар. Мен-чи..?»

Рости гап, Сабрия опанинг ана-мана дегунчаси ҳам пилдираб утаяпти. Аммо бизнинг хонадагилар бу орада, кўп ташвишлардан қутулди. Сабаби директорнинг муомаласи бизга нисбатан бутунлай ўзгарди. Кеч келди, эрта кетди, деган гап-сўз йўқ. Келди-кетди дафтарига ҳам қўл қўймаймиз.

Биз-ку майлия, Сабрия опа кун ора ишга келмайди. Чарлар дегандек... Туй-пуй...

Сабрия опа ҳозир ўша ваъдаларни эслатмоқчи бўлди. Карвонов йўқлиги учун менга қаради.

...Мана энди Абдумутал аканинг юбилей кунига бир ойча вақт қолибди. Эрмат Эрмат оқизмай-томизмай бор гапни етказди. Директор мени чақириб, «Қани зарчопон?» деб сўраса, нима деб жавоб бераман. Тоза бошим қотди. Ўл-а, дедим ичимда. Узинг ижарада яшасанг. Умринг тўрт тийинлик — думба-жигар деб аталмиш ҳаммабоп пирожка ейиш билан ўтса...

Куннинг иккинчи ярмида Умар Назрулло эшикни қия очиб, секин мени имлади. Чикдим. У қўлини елкамга ташлаб хонасига бошлади. Диванга чўкди.

— Утиринг, Баротуф.

Умар Назруллонинг ёнига ўтирдим.

— Ишларийиз қалай?

— Ёмон эмас.

Умар Назрулло тақир бошини силади.

— Баротуф, ўзийиз яхши биласиз, раҳбар дегани отадай гап.

— Менинг ўз отам бор.

— Биламан, биламан, раҳбар ҳам ота. Кўнгилни совутиш ёмон.

— Кимнинг кўнгли совубди?

— Эрмат Ёрматга бир нималар дебсиз, директор эшитиб хафа бўлдилар. Ишонган эдим, дедилар. Пулми, бошқа нарсами, ҳарҳолда ҳали бир ойча вақт бор. Бир ўйлаб кўринг-а. Тушунгандирсиз...

Умар Назруллонинг хонасидан бўшашиб чиқдим. Ақл ўргатган Сабрия опадан ҳам хафа бўлдим. Бу дунёда биз учун бошқа муҳимроқ воқеа қолмади. Эрмат Ёрмат ишга келишимиз билан эшикдан бошини суқиб эълон қилади:

— Азиз ва мўтабар қора халқ! Абдумутал акахонимизнинг тўйларига ўн кун қолди.

— Беш кун қолди...

— Уч кун қолди...

— Қора халқим, эртага яхшироқ кийиниб келинсин. Акахонимиз...

Акахонимиздан ҳам айландим, дейман ўзимча. Буёғи неча пулга тушади.

Айтилган, ҳамма орзиқиб кутган кун келди. Эрмат Ёрмат кутгандан ҳам аълороқ. Котиба қиздан тортиб қоровулгача ясан-тусан келишган. Гул кўтарган, тугун кўтарган сонун саноқсиз... Абдумутал аканинг столи гулга тўлиб кетди. Тушдан кейин директоримиз ўйига жўнади. Биз у кишининг юбилей дастурхониға таклиф қилиндик. Абдумутал ака жўнаши билан Эрмат Ёрмат кассирнинг ёниға ўтириб олди. Шу куни маош куни эди. Қўшимча пул йиғди. Санаб кўрди. Мўлжалиға етмади. Умар Назрулло билан бизнинг хонамизға кирди. Сабрия опа комиссия аъзоси сифатида дарров суриштирди:

— Неча пул тўпланди?

— Бир юз эллик сўм. Сиз беш сўм берсангиз.

— Мен қовоқ сомса чиқараман, дедим-ку. Ёшлардан кўпроқ олмасизлар-да.

Умар Назрулло гапга аралашди.

— Сабрия опа, Муҳаммад акаға тўпланган пул ҳалиям сиздами?

— Ҳа, менда, ҳали қабр тоши буюрганимизча йўқ. Юз эллик сўм турибди.

— Муҳаммад аканинг жойи жаннатдан бўлсин, — сўз қотди Умар Назрулло. — Мана ўлганиға ҳам бир йилдан ошди. Коллективимизнинг яхши аъзоси эди. Наилож, ўлди. Энди тош кўйдик нима-ю, қўймадик нима. Тамом. Бола-чақа сизга коллектив тош қўяди деб айтилганми?

— Йўг-а, улар қаердан билсин.  
— Уша пулни олинг, опа. Бунга қўшиб, битта гилам ола-  
миз. Кўзга кўринарли нарса олмасак... кеннойимиз нима  
дейди. Албатта шахсий совгалар бунга кирмайди. — Умар  
Назрулло мен томон қаради.

Аъзои баданимдан совуқ тер чиқиб кетди. Ҳзимни зурга  
тутиб олдим. Мен ҳам улуш қўшдим-ку...

Сабрия опа Умар Назруллога жовдираб тикилди.

— Уликнинг пулини-я?

— Муҳаммад ака ўлди-кетди. Бир йил ўтди. — У юзига  
фотиҳа тортди, — жаннати эдилар... Аслида бу коллектив-  
нинг пули. Раҳбар отамиздай гап.

— Эшитган қулоққа хунук-да. Ўзлари...

— Ўзларига ким айтарди. Комиссия ҳал қилади.

Комиссия аъзолари анча баҳслашди. Кейин бирдан жи-  
миб қолишди. Бир-бирига имо-ишора қилиб менга тики-  
лишди. Ҳалақит бермай деган маънода ўрнимдан турдим.

— Утиринг, Баротуф, — деди Умар Назрулло. — Энди шу  
гап шу ерда қолсин, уахон. Сиз ҳам ўзимизнинг одамсиз...  
Ўтда-бетда гуллаб юрмассиз...

— Урага сичқон тушди гулдур-гуп, — лабига бармоғини  
босди Эрмат Эрмат.

— Билиб қолсалар мендан хафа бўладилар, қўшниман. —  
Сабрия опа зурга кунди. Истар-истамас тортмасидан пулни  
чиқариб берди. — Қабр тошиям... — у гулдуреганича қолди.

— Кетдик, — деди Эрмат Эрмат.

Улар мени ҳам эргаштириб олди. Узун-қисқа бўлиб, ги-  
лам дукони сари йўл олдик.

Соат еттиларда гиламни елкалаб олганча Умар Назрулло  
олдинда, орқада Эрмат Эрмат билан мен юбиларнинг уйига  
кириб бордик.

Абдумутал ака бизни қулоч ёзиб кутиб олди.

— Яшанг.

Умар Назрулло гиламни директорнинг оёғи остига тўша-  
ди.

— Устидан юринг, ота. Доимо гулдор гиламлар устида  
юринг, ота. Биз куриб қувониб юрайлик.

Умар Назрулло директорни кучоқлаб, юзларидан ўпди.

— Яшанг, — деди директор, кейин таманно билан гилам-  
га оёқ босди.

Эрмат Эрмат қозон бошига ўзини урди. Умар Назрулло  
«келинг, келинг» дегувчилар қаторига утиб, қўл қовуштирди.

Абдумутал ака менинг серрайиб турганимни кўргач, қўли  
билан стол четини кўрсатди.

— Сен ана уёққа бориб утир.

Алламаҳалгача Абдумутал акамиз шаънига табрик сўзла-  
ри айтилди, Сабрия опа, ишхонамиз хотин-қизлари уйинга  
тушди. Бу оқшом мен билан деярли ҳеч кимнинг иши бўлма-  
ди. Онда-сонда Эрмат Эрмат билан Умар Назрулло уёқ-буёқ-  
қа ўтганда елкамга қоқиб туришди.

Эрталаб ишга келсам директор одатдагидек хоналарни айланиб юрибди. Менга кузи тушиб, совуққина куришди.

— Яна кеч қолишми? Карвонов қани?

— Тоби қочиб...

— Ҳар куни тоби қочадими?

— Билмадим.

— Билишинг керак! Тартиб-қоида борми ўзи? Шунақа кеч қолаверсаларинг, билиб қўйинглар, этақларингга челақ бойлаб қўяман, то қишлоқларинггача тақирлатиб борасанлар. Яхшилиқни билмас экансизлар.

Сабрия опа оғир сумкасини кўтариб коридор бошида кўринди. Чопқиллаб бориб сумкани кўлидан олдим. Сабрия опа ҳадиксираб сўради:

— Директор нима деди?

— Кеч қолдинг деяпти.

— Бошқа ҳеч нарса демадими?

— Карвоновни сўради.

— Муҳаммад аканинг пулини сўрамадими?

— Й-ўқ.

— Индаманг-а. Билмасинлар.

Ҳалигина мени тергаб хонасига кириб кетган директор хонамиз эшигида пайдо бўлди. Сабрия опанинг ранги кув учди. Абдумутал ака буни пайқамади. Одатдагидек бир ҳовуч пистачка олиб изига қайтди.

Секин коридорга чиқдим. Эрмат Ёрмат билан Умар Назрулло мени имлади.

— Оғзингизга мустаҳкам бўлинг-а, Баротуф.

Менга шубҳали қарашлар бошланди. Сабрия опа энди оғиз очмаслик даражасига келди. Коридорга чиқсам, анави иккаласи барабар хонасидан чиқади.

Бир ҳисобда яхши бўлди. Гоҳ Умар Назрулло, гоҳ Эрмат Ёрмат ошга олиб боради.

Абдумутал ака бир ҳафта ўтар-утмас бутунлай узгарди. Эрталаб хонасига кирганча, тушки овқатда чиқади. Ходимларга, уринбосарларига ғалати қараш қилади.

— Эшитибди, кимдир етказибди, — деди Эрмат Ёрмат хонамизга кириб. — Чатоқ бўлди. Мени ҳам чақирмай қўйдилар.

— Мен айтганим йўқ, — қасам ичдим.

— Сизга ишонамиз, — деди Эрмат Ёрмат, — мени ёмон курсатиш учун Умар Назрулло айтган. Анчадан бери столмининг оёғи қирсиллаб турганди. Энди унинг ўрни менга тегмайди. Мен ҳам тинч ётмайман. Уйларига бориб, бор гапни айтаман. Муҳаммад акага қабр тошини ўзим қўяман.

— Уша пулни менга беринг, ўрнига ўрин, — деди Сабрия опа.

— Олдин унинг шармандасини чиқараман, ана ундан кейин...

— Мени кўшманг, — ялинди Сабрия опа, — девор-дар-

миён кўшнимиз. Хотинлари билан дугонаман. Кўз-кўзга тушади-я.

— Баротуф! Сиз менинг ёнимни оласиз, — деди Эрмат Эрмат.

— Қандай қилиб?

— Қора халқ, ўзим ўргатаман.

Оббо... Абдумутал ака кун сайин ўзгараверди. Энди у соат сайин ходимларни чақирар, тергар, суриштирар, стол муштар, ходимлар тили билан айтганда ҳаммани аямай қовурарди. Бу сиру-асрорга кўпчилик тушунмади. Об-ҳаво ўзгарган кунларнинг бирида Абдумутал ака мени чақирди. Кирдим.

— Ука, — деди айланма столни уёқ-буёққа буриб, — бизда кўпдан бери ишлайсан-а?

— Етти йил бўлди.

— Муҳаммад акани танирмидинг?

— Танирдим.

— У киши неча ёшда ўлдилар?

— Эллик уч ёшда...

— Эллик уч. Эллик уч, — директор бош бармоғи билан столни чертди. — Уч йил.. Эллик уч... Ҳа майли, чиқинг.

Мендан кейин ҳам директор хонасига бир неча ходим кириб чиқди.

Эртаси-индини ҳам бу ҳол давом этди. Кириб-чиқувчилар орасида фақат Умар Назрулло йўқ эди. У ҳар гал котиба қиз кўриниши билан ўрнидан турар, «меними» деб сўрар, «йўқ», жавобини олгач, бўшашиб ўтирарди.

Бу орада Эрмат Эрмат бел оғриғи билан оғриб ётиб қолди.

Умар Назрулло бўлса эртадан-кечгача хона эшигини очиб қўйиб ўтган-кетганга тикилади. Абдумутал аканинг имосини кутади.

Сабрия опа, мен жим. Баъзи бир ходимлар орасида миш-миш бошланди. Нимаки, директор ўз ўринбосари — Умар Назруллони хуш кўрмай қолибди. Ҳар каллада ҳар хаёл.

Бу орада хонама-хона юриб, чой ичиб, пистачка чақиб, «Қовун-тарвуз олиб келсаларинг бўлмайдими?» деб юрган Абдумутал ака кабинети калитини бармоғида ўйнатиб, «Эллик уч, эллик уч» деб мингирлайдиган одат чиқарди. Эллик уч билан бошланадиган телефон номерларини мутлақо термай қўйди.

Пешин пайти эди. Абдумутал ака калитини бармоқлари орасида ўйнатиб, ниманидир шивирлаб, Умар Назрулло эшиги олтидан ўтиб қолди. Катта-кичик ходимлар ҳам йулакда эди.

Шу пайт Умар Назрулло хонасидан отилиб чиқди. Абдумутал аканинг йўлини тўсиб, тиз чўқди.

— Ота, ўлдилинг мени! Отажон, мен нонкўрлик қилдим, — у хўнграб йиғлади. — Сизни отам деганман. Қийналиб кет-

дим. Чой дамлаб йўлингизни пойлайман. Бирров кирай демайсиз. Бу хона сизники-ку, отажон...

Умар Назруллонинг ўкиригини эшитган қўшни идора ходимлари чиқишди.

Абдумутал ака боягидек хона калитини бармоғи орасида ўйнатиб сўради:

— Муҳаммад ака неча ёшда ўлдилар?

— Билмайман, ота, мен қаёқдан билай, — директорнинг тиззасига бош кўйди Умар Назрулло.

— Мен биламан, эллик уч ёшда, — деди директор, — эллик уч ёшда эди.

Бирдан Сабрия опага кўзи тушиб бақирди:

— Пистачка қани, пистачка...

Сабрия опа бу овозни эшитиб, юрагини чангаллаганича деворга суяниб қолди...

## Тилло бешик

Меҳр-оқибат ҳақида сўз кетсаёқ раҳматли онам — Рўзигул Нарзи қизи кўз олдимга келаверади. Ва ана шунда, рости, бизнинг оналар қандоқ эди-я, деган уй кунглимдан ўтаверади. Ҳаёт текис эмаскан. Гоҳ таъбинг хира, гоҳ енгилсан. Аммо мени ҳамиша бир савол қийнайди. У ҳам бўлса туғишганлар орасидан қачон аҳиллик қочиб, ноаҳиллик пайдо бўлди, деб уйлайвераман, уйлайвераман. Онам опа-сингил, ака-укалар орасида низо чиққанини эшитса, ёқа ушлаб тавба айтар ва:

— Болам, булар бир бешикда катта бўлмаган. Ана шунинг учун ораларида меҳр йўқ, — дерди.

— Бешикнинг нима алоқаси бор? — деб сўрардим.

— Ҳе, болам-а, бир бешикда ётиб катта бўлишда ҳикмат кўп. Ака-укалар, опа-сингиллар бир-бирининг ҳидига, меҳрига тўйишади. Бир-бирининг қадрига етади. Нафаси яқин бўлади. Мана шу бешикда, — у уй туридаги бешикни курсатиб дер эди, — ўнтанг катта бўлдинг. Худо хоҳласа, бунга сенинг болаларингниям бейлайман.

— Уҳ-хуу, — дердим.

— Уҳху, дема, болам. Умр бамисоли сув. Ҳаш-паш дегунча ўтади-кетди. Уша кунларга Худойим етказсин, — дердилар онам.

Онам кўп савдоларни бошидан кечирган аёл эди. Айниқса куч-кучларни кўп кўрган. Қулоқ қизи бўлгани учун ўз қишлоғига сиғмаган. Бобом муддатини тугатгач, Бухорога қайтган.

Ҳозирги кунда онамнинг қанча тенгдоши қолди, билмайман. Лекин у бир гапни такрорлагани-такрорлаган:

— Болам, оналарнинг қалби нозик бўлади. Ота фарзандидан хафа бўлса, бақириб-чақириб юрагини бўшатиб олади. Она-чи, ичига ютади.

— Қўйинг шу гапларни, — деб эркалик қилардим мен, — сизни хафа қиладиганнинг боши нечта экан.

— Болам, буни ҳаёт дейдилар, — дерди у.

Ўз бешигимни ҳозир кўз олдимга келтирсам, ҳайратга тушаман. Эни, бўйи анчайин катта. Яна унақа-мунақа эмас, балхи тутдан. Ифорга ўхшаган бир ҳид ҳалиям таралиб турибди. Ҳозирги кўғирчоқ бешикларни кўрганымда бешикларимиз мунча кичрайиб кетибди-я, деб қоламан.

Онам унча панду насихатчи эмас, аммо ҳамма умиди мендан эди. Бўш қолса, тикилиб сурайверарди:

— Болам, бўйинг ҳам чўзилиб қолди, сенинг ҳам роҳатингни кўрармикинман? Ўша кунлар ҳам келармикан?

— Келади, — дердим гўдаиб.

— Келишга-ку келади. У кунларни кўраманми-йўқми, буни Худо билади. Фақат сен бир нарсани унутма, — дерди у.

— Нимани, онажон?

Онам «юрагинг намунча тор» деб, гапини давом эттирарди:

— Бу уйда битта муқаддас буюм бор. Шуни асрасанг, абад муроду мақсадинга етиб юрасан.

Бу муқаддас нарса нима экан? Ё онамнинг биздан яширган нарсаси бормикан? Уйимизнинг барча жиҳозлари оддий. Олтин-кумушнинг нималигини билмайман. Тўғри, такхонамизда иккита хум бор. Ҳаво иссиқ кунлари унга сув тўлдириб қўямиз. Ундан бошқа нима экан?

Онам уйга ботганимни кўриб кулади:

— Ҳа, болам, нималарни ўйлаб кетдинг. Мендан сенга бойлик қолармиди. Сен учун асраб-авайлаб юрганим, бу ўша — сен ётган бешик. Ҳаш-паш дегунча катта бўласан. Уйланасан. Бола-чақангни ана шу бешиқда катта қил: Отангку, сенинг роҳатингни кўрмай, немиснинг ўқиға учиб кетди... Сен ётган бешикни отанг олиб келган. Унда отанг қўлларининг изи, ҳарорати бор. Менинг юрак-бағрим сен ётган тушакларга сингган. Отангни эслаб, болам деб айтган аламли аллаларим, ҳасрату нолаларимни ана шу бешик ютган, унинг муқаддаслиги шунда.

Уйланаман деган сўз ўшанда ғалати эшитилар эди. Боринг дейишим аниқ. Аммо онага гап қайтариш одобдан эмас. Фақат мана шу гапларим ҳали-ҳали эсимда:

— Онажон, шу тўртта ёғоч шунча топилмас матоҳми?

— Ҳа, болам. Мана шу тўртта ёғоч мен учун муқаддас. Мана шу бешиқда ўн оғани катта бўлдиларинг. Мен уни қаяққа бормай елкамда кўтариб юрдим. Ундан болаларимнинг ҳиди келади. Ҳали бунда невараларим ётади. Эсингда турсин. Бу муродбахш бешик. Биламан, сен узоқларга кетасан. Бу остонани тарк этасан, пешонанг ярқироқ. Кафтингдаги чизиқлар ҳам умринг йўлдан иборат эканини айтиб турибди. Қаерга борсанг ҳам бошинг тошдан бўлсин. Фақат бешигингни узинг билан олиб кет. Гоҳи мени соғинганигда ана шу бешик дастасини силасанг, менинг қўлла-

римни силаган бўласан. Унга бош қўйсанг, кўксимга бош қўясан.

Орадан йиллар ўтди. Азим Тошкентга ўқишга келдим. Кейин уз йўлимни топдим. Оила қурдим. Қишлоққа боришларим камайди. Борганимда ҳам биласиз, шоиру ёзувчининг хуштори кўп. Онам билан гаплашишга зўрға фурсат топаман. Учиб борган кунларнинг бирида онам этагимни босиб бирпас сабр қил, дегандек, ёнига ўтқазиб олиб, астойдил юрагини очди:

— Болам, ризқинг сочилган экан, мендан узоқда яшаб, териб юрибсан. Энди мана марказдаям битта қўргонимиз бор. Уша ерда униб ўс.

— Сизниям олиб кетаман, юрасизми, далаю даштда, — дедим қизиқчилик қилиб.

— Дала-дашт — бу аждодларим ўтган ер. Ундан мени бебаҳра қилма. Фақат айтадиган гапим, — чуқур хўрсинди, — мендан сенга битта ёдгорлик қоляпти. Уям бўлса, ўзинг ётган бешик. Буни раҳматли отанг Тоқи Заргарнинг ёнидаги растадан ўгил кўрдим деб, оламга сиғмай елкасида кўтариб келган. Афсус, отанг муродига етолмади, иккаламиздан қолган ана шу ёдгорлик бундан кейин сизларни занжирдай боглаб турсин.

— Хўп, хўп, онажон, — у кишининг кўнглини кўтардим. — Янаги келганимда олиб кетганим бўлсин.

— Болам, сенинг янаги келишинг кўп-да, ҳар доим гапингга ишониб қўлавераман.

Сезиб турибман. Онам йиғиб юрган ҳасратларини тўкиб солмасалар кўнгиллари жойига тушмайди. Ҳозир бу гапларни айтаяпман-у, аслида эса бариси кеч. Мен, бундоқ уйлаб қарасам, онамнинг менга айтмоқчи бўлган сўзларини жуда кеч, жуда кеч тушундим.

Онам айтарди:

— Бошинг деворга тақ этиб урилгач, кўзинг очилиб, мени тушунасан, — дерди. Бу бош кунда неча марта деворга, тошга урилишини ҳисоб-китоб қилмаган эканман. Аммо кўзим очилгани рост эди. Бир воқеа сабаб бўлди-ю, мен ўзимни танидим.

Тошкент зилзиласидан бир-икки йил ўтгач, мен ҳам икки хоналик уйга эга бўлдим. Кўчиб кела бошладик. Янги кўшнлар бир-бирини танимайди. Ҳамма уйини тезроқ безаш билан банд. Ким мебель ташийди. Ким гилам. Биздай бечораҳоллар уй олганимиздан хурсанд. Биласиз, қалам аҳлининг орзу-ҳаваси ўзига яраша бўлади.

Пешин пайти эди. Биз яшайдиган уй йўлагига мебель ортган каттакон машина келиб тўхтади. Иккинчи қаватга ҳашпаш дегунча ташиб бўлишди. Деразадан узоқ тикилиб қолганимни кўрган янгангиз сўз қотди:

— Адаси, биздаям шундай мебеллар булармикин?

— Анави тахтани айтаяпсанми?

— Сиз учун тахта. Бошқалар учун зийнат.



— Барчасини йигиб ёқсанг бир тандир қизимайди-ку. Эсиз пул-а...

— Куйинг, — деди у. — Бююрсин денг.

— Бююрсин-бююрсин.

Гап айланиб иккинчи қаватдаги қўшнига тақалди.

— Адаси?

— Яна нима гап?

— Шу иккинчи қаватдаги кампир худди сизнинг онангизга ўхшаб кетади-я. Қараб турсам, қайнонамнинг қуйиб қўйган ўзи. Қотмалигиям, соддалигиям. Аслида биз ҳам онайизни олиб келсак бўларкан.

— Кенг даласини ташлаб, ана шу каталакка сигармиди?

— Вой, нима деяпсиз? Бу катаккаям қанчалар зор-ку.

— Кимга қандоқ, — деб қўяқолдим.

Янгайиз гапни бошқа ёққа бурди:

— Қўшни кампир онайизга ўхшагани билан келини бо-сар-тусарини билмайди.

— Сен буни дарров қаёқдан билақолдинг.

— Кўчиб келганимизга бир ой бўлди. Одамни бир қарашдаёқ кимлигини билса бўлади.

— Нима, отанг таъбирчи ўтганми? — Мен шундай дедим-у, хаёл кургур қишлоқ томон кетди. Куз олдимга онам келди. Онам уй олганимни эшитиши билан сўрагани шу бўлди:

— Болам, сигир-пигир сотиб олдингми?

— Сигир дейсизми? — деб кулдим.

— И-я, бугун-эрта келинимнинг кўзи ёриса... Сен бўлсанг куласан.

— Кулмай нима қилай, онажон. Ўзим иккита каталакдай жойга зўрга эришдим. Бунинг устига, тўртинчи қаватдаман. Сиз айтган сигирни томга чиқариб боқаманми?

Қишлоқ аёллари мол-ҳолсиз, томорқасиз ҳаётни тасаввур қилолмайди. Уй олдим деган хабарни онам ўзича тушунбди. Ўзи, укаларим катта дала ҳовлида яшагани учун, боламгаям ҳукумат шундай ҳовли-жой берган деб тушунгандир-да. Қизиги, уй олдим деганимда онам қўлини очиб:

— Бошлиқларинг омон бўлсин, — деб дуо қилди.

Мен ноилож қўлимни дуога очдим. Ичимда эса номсиз алам яшар эди. Онам доимий одати, рўмолининг учини тишлаб ўйга ботди:

— Болам, сутсиз-қаймоқсиз бола-чақангни қандай боқасан?

— Олдин бола-чақа бўлсин.

— Яхши ният қил, болам. Эрта-индин ота буласан. Молсиз қуруқ ойлик билан рўзғорингни қандай тебратасан?

— Тошкентнинг бозори кўп, онажон.

— Ўзингдан чиқса, яхши-да, болам.

Шу билан суҳбатимиз тугади. Қараб турсам онам уйнинг қанақалигини эшитгач, заррача суюнмади. Афсуслангандай бўлди. Буни очиқ айтмаса-да, юз-кўзидан, хомушлигидан сездим.

Бу сұхбатни анчагача эслаб юрдим. У шундан кейин бирор марта бу борада оғиз очмади.

Күшни кампирнинг онамга ўхшаган томонларини унча кузатмаган эканман. Қорайиб, бир бурда бўлиб қолган кампир эртаю кеч йўлак олдида ўтирар, уйга кирадиган бўлса, эшикни очиқ қолдирар, ўтган-кетганга зимдан тикилар, биров билан гаплашмас, ҳаммага ҳайрат кузи билан қарар эди. Баъзида ит етаклаган аёллар унинг ёнидан беписанд ўтарди. Кампир ана шунда юзини тескари буриб, алланималар дер, унинг сўзига қулоқ соладиган одам топилмасди.

Шу кеча күшни уйда янги жиҳозларни жойлаштириш анчагача давом этди. Негаки, эшиклари очиқ эди. Эртаси, якшанба куни эрталаб, күшни келин эски-тускиларни ахлатхона томон таший бошлади. Булар орасида кўпи латта-путта, эски шолча, яна алланималар бор эди. Қайнона-кампир буни кўриб, индамай деразадан бошини чиқариб қараб тураверди. Ишонинг-ишонманг, күшни келин анча чаққон экан. Кўрсангиз ўзингиз ҳам лол қолардингиз. Ахлатхона деган кўрани ҳаш-паш дегунча тutilган, ишлатилган нарсалар билан хирмон қилиб ташлади. Эшик, подвезд зинапояларига нимадир тақ-туқ этиб урила бошлади. Буниси нима бўлди деб қарасам келинчак танчани кўтариб пастга тушаётган экан. Мудраб ўтирган кампир бир нима деди шекилли, келиннинг овози эшитилди:

— Бу сабилни нима қиласиз? Дўмда қайси аҳмоқ танчада ўтиради.

Кампирнинг жавобини кутмай, келинчак танчани уйлар ўртасидаги майдончага олиб борди. Кейин шошиб изига қайтди. Майдончада юрган қорасоч, кук кўз болаларга эрмак топилди-қолди. Бирпасда танча атрофига йиғилди. Бири тепасига чиқиб сакради. Иккинчиси бурчагига ўтириб олди. Кўп ўтмай танча дегани қасир-қусурлаб шалвиروق ҳолга келиб, тайёр тахтачаларга айланди.

— Янги уйга сизмаган танча, — бошимни сарак-сарак қилдим, — кечагина, уйнинг тўрида иззат-икромда эдинг. Не-не одамлар сенинг атрофингда ўтириб гурунқ қилишарди. Қиш кунлари оёқлари иссиқ. Беллари иссиқ. Сен йўқолгандан бери каттаю кичик совуқ мижоз бўлиб қолди. Темир-бетон уйларга чиқиб олдик. Ернинг нафасидан узоқлашдик. Бедана қафасларда яшаймиз. Ҳаво керак бўлса деразадан бошимизни чиқариб олиб, палапонга ўхшаб оғзимизни очамиз.

— Кимга гапираяпсиз? — сўрайди янгангиз.

— Ўзим билан ўзим гаплашаяпман.

Жавобим ўзимга қаттиқ таъсир қилди. Бора-бора шундай булса-я? Наҳотки одамови бўлиб, ёввойилашиб кетсак? Мана шу уйга кўчиб келганимизга бир ойдан ошди. Бировнинг биров билан иши йўқ. Кўрсак, зўрга баъзилари билан омонлашамиз. Барчаси бир-бирига нотаниш одамлар. Кеч бўлди уч-тўртта ит етаклаган кўчага чиқади. Эрталаб ҳам шу.

Қолганлари уйга кирди — тақа-туқ эшиклари беркилади. Анча-мунчаси темир эшик ўрнатди. Ёввойилашмай, яна қаёққа борамиз.

Ўзимнинг гапимни ўзимга маъқул қилиб тургандим, қўшни келинчак бешикни кўтариб пастга қараб тушиб кетди.

— Тўхтат уни, — дедим янгангизга, — чоп, ана у олифтаннинг қўлидан бешикни ол.

Сўзим оғзимда қолди. Пастда ўтирган кампир келиннинг йўлини тўсди.

— Бунга тегманг, келинжон. Боламнинг бешигига тегманг.

— Эски бешикни бошимга ураманми, — ўшқирди келини.

— Келинжон, бу бешикда ўғлим — ана шу эрингизни катта қилганман. Танчани чиқариб ташладингиз, миқ этмадим. Аслида уям отамдан қолган эди.

— Бешик онайиздан қолганми? — заҳарли кулди тилло тишларини кўрсатиб келини, — гала исқирт тақир-туқурни ундан қолган, бундан қолган деб, мана шу дўмгаям кўчиртириб келдийиз. Қайнонам экан, деб индамадим. Энди буёғига жим ўтиринг. Шундай чиройли мебеллар орасида буларийизга бало борми?

— Келинжон, менинг уйимга олиб кириг, — ялинишга тушди кампир, — зинҳор-базинҳор буни чиқариб ташламанг.

— Бошимга ураманми?

— Бошийизга урманг, келинжон. Эртага тугсайиз керак бўлади.

— Борди-ю, туғадиган бўлсам, ота-онам янгисини карнаю сурнай билан олиб келади. Боламини эски бешикда ётқизармидим.

Кампир келиннинг қўлига ёпишди.

— Менга беринг, келинжон, ўзим кўтариб олиб чиқаман. Сизга оғирлиги тушса, қизларим келса, бериб юбораман.

— Ҳўҳў, — деди келини, — у қизларийиз даладан қачон келади. Ҳозир йўлкираси ҳам фалон сўм. Битта бешик деб пул сарфлаб қайси аҳмоқ келади?

— Чақирса келади, — кампир сўзида туриб олди.

— Э, нарироқ туриг, — жеркиб берди келини, — то сиз чақиргунча олти ой ўтиб кетади.

Келини кампирнинг ҳай-ҳайлашига қарамай, бешикни, парчаланиб ётган танча олдига олиб борди. Олиб борди-ю, бешикни қарс-қурс синдирди. Қоғозни ёндириб, бир ҳовуч ўтинга айланган танча, бешик ёғочларига тутди. Қуриб ётгани учун танча, бешик бўлаклари бирпасда лов этиб ёниб алангага айланди. Болалар учун олов ёқиш уйини бошланди. Улар хас-чўпларни йиғиб ёнаётган аланга устига ташлай бошлади. Биров буни кўрмаганга олди. Яна биров анграйиб қараб турди.

Кўп ўтмай янгайиз кампирни етаклаб бизнинг уйга олиб чиқди. Ўзимни тутолмай сўрадим:

— Нега бешикни қўлидан ололмадинг?

— Бешик билан бошимга уришдан ҳам тоймайди, бу хотин, — деди янгангиз.

— Узим тушсам бўларкан-а.

— Фойдаси йўқ, — деди кампир. — Койинманг. Боласи бир этак бўлгур бу келиним эскисан деб бир куни мениям кучага чиқариб ташлайди. Билсайиз, ўғлим, мана шу бешикда ўн учта фарзанд катта қилдим. Умри қисқа экан, тўққизта-сини тупроққа топширдим.

Ҳай, оналар, намуноча бир-бирингизга ўхшамасангиз. Сизлардан қолган болалар бугун мана шу юртнинг устунларига айланаяпти. Улар ётган бешик кимга ортиқчалик қиляпти? Темир калавотда ётган болаларнинг юраги темирга айланиб кетмаяптими? Темир барибир темир-да. Бешик синиб, парчаланиб кетганда ҳам ерга қоришади. Темир занги эса ерни занглатади.

Кампир узун энги билан кўз ёшларини артди.

— Ўғлим келса, мени ўз даламга обориб қўй, дейман.

Мен янгангизга, янгангиз менга тикилиб қолдик. Онамга ўхшаган бу кампир бизнинг бу уйда яшаса нима қилади? Кампир бир пиёла чой ичгач, чуқур ух тортди.

— Ўғлим, бешик ёнмади. Мен ёндим...

Мен шу куни қишлоққа жўнашга қарор қилдим. Тараддудимни кўрган янгангиз ҳайрон бўлди.

— Тинчликми?

— Тинчлик, тинчлик, — дедим, — бугуноқ бориб ўзим ётган бешикни олиб келаман. Унда туғилажак болам ётади.

Феълу-атворимни билган янгангиз индамади. Фақат айтган гапи шу бўлди:

— Сиз кетишийиз билан мени туғуруқхонага олиб кетишса-чи.

— Бораман-у, келаман, — дедим. Мени ҳозир ҳечким тўхтата олмайди.

Учоқда кетаётиб унинг деразасидан пастга қарайман. Далалар, тоғлар, булутлар. Разм соламану олис-олислардан қулоғимга онам айтган алла эшитилади:

Алла болам, алла-ё,  
Жоним болам, алла-ё,  
Бир кун бутун бўларми  
Ноним, болам, алла-ё.

Бордиму эрта тонгда ўз бешигимни кўтариб изимга қайтдим. Укаларим, сингилларим буни кўриб хурсанд бўлишди. Фақат, фақат тайёрагоҳдагилар елкамдаги бешикни кўриб ғалати қарашар эди. Лабини буриб, беписанд сўз қотганлари бўлди:

— Туппа-тузук ўқимишли йигитга ўхшайди-ю, кўтариб юрган нарсасини қаранг.

Имо-ишоралар, пичингларга аҳамият бермай, ўз бешигимни каттакон шаҳарга олиб келдим. Бу оддий бешик эмасди. Мен димиққан, катак уйларга дала ҳоврини, меҳр-оқибатни, болалигим, онам қиёфасини олиб келаётган эдим.



## «СОҶИБИ АСРОР БУЉҒОН ЯХШИДУР»

Адабиётшунослигимизда машҳур шоир Ҳувайдо шажарасига мансуб уч соҳибдестон ижодкор — Сирожий, Соқиб ва Самарбонуларнинг номлари яхши маълум. Биз фикр юритаётган Мулло Умрзоқ Абдували ўғли Ғарибий эса бу шоирлар авлодининг яна бир давомчиси. Ҳувайдонинг чеварасидир. Қисман XIX асрнинг охири, асосан, XX асрнинг биринчи ярмида узбек, форс-тожик тилларида ижод этиб, рангбаранг ва салмоқли адабий мерос қолдирган истеъодли шоир ижодининг юзага чиқишида, Ҳамид Сулаймонов номидаги Қулёзмалар институти Қуқон булимининг илмий ходими, филология фанлари номзоди Аҳмаджон Мадаминовнинг хизмати катта. У кишининг саъй-ҳаракатлари билан, 1977 йилда шоирнинг дастхат девони, иккита узи тузган баъзи, 1983 йилда эса, яна бир баъзи, унлаб ҳар жойда қолган асарлари ва 40 ёшида тушган нодир фотосурати музей хазинасига совға сифатида тақдим этилди. Олимнинг Ғарибий ҳақидаги мақолалари турли матбуот саҳифаларида эълон қилинди.

Ғарибийнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига оид баъзи маълумотларни Боис Қориев (Олтой), Пулатжон Қаюмов, Музайяна Алавияларнинг тадқиқотларида ҳам учратамиз. Боис Қориев узининг «Адабий таҳаллуслар ҳақида» номзодлик ишида мазкур ижодкорнинг Ғарибий, Шўҳрат, Шўҳратий, Мухбир таҳаллуслари билан шеърлар ёзгани, булардан Ғарибий ва Шўҳрат имзолари асосан адабий таҳаллуси булгани ҳақида кўрсатиб утган.

Пулатжон Қаюмовнинг Қуқон адабий муҳити вакиллари хусусидаги тазкирасида («Тазкираи Қаюмия»да) шоирнинг фаолияти туғрисида маълумот берилиб, асарларидан намуна келтирилган.

Филология фанлари доктори Маҳбуба Қодированинг Музайяна Алавия ҳақидаги рисоласида олима тилидан Ғарибийнинг қисқача таржимаи ҳоли баён қилинган. Музайяна Алавия ундан Ҳувайдо, Мавлоно Соқиб, Рожий Марғилонийлар борасидаги маълумотларни ёзиб олганини айтади. Олима Ғарибий билан учрашуви ҳақида, жумладан, шундай деб ёзади: «1959 йил, 17 июль, жума куни тарихда 82 ёшли шоир Шўҳрат билан учрашдик. суҳбатлашдик. Жула фозил, комил, шоир, мулла одам эканлар. Навоий, Фузулий, Жомий каби шоирларга мухаммас боғлаган шоир бўлиб, умрларида жула кўп нарсалар ёзганлар...»

Ғарибий 1877 йили Марғилон уездига қарашли Ёрмозор мавзеининг Ёнғоқтаги маҳалласида, ҳунарманд мулла Абдували оиласида

таваллуд топади. У Ҳувайдога она томонидан чевара. Шоирнинг онаси асли чименлик булган. Умрзоқ бошлангич таълимни, уша пайтда, Қўқон беклигининг маркази булган Ермозор мадрасасида мулла Аҳмад деган мударрис қулида олади. Ун ешлигида отаси вафот этади. Кейинроқ, Бухорога бориб, у ердаги мадрасалардан бирида тахсилини ниҳоясига етказади. У ердан қайтгач, Ермозор мадрасасида мударрислик қилади. Айни пайтда, ота қасби — гилкорлик билан шугулланади. Урушдан кейин шоир Чименга кучиб кетади ва умрининг охиригача шу ерда яшайди.

Замондошларининг хотирлашларича, Ғарибий бениҳоят камтар, камсухан, оқ кунгил ва ринд табиат киши булган. Меҳнатсеварлик, ҳалоллик, қонейлик унинг асосий фазилатларидан эди. Диний илмларни мукаммал билган, тасаввуфдан яхши хабардор булган шоир фақат қул кучи билан топилган ризққа қаноат қилган. Баъзан сават, замбар туқиб ҳам тирикчилик утказган Ғарибий Ермозордаги масжид ва бошқа ушлаб бинолар қурилишида иштирок этган. У бурдан моҳирлик билан нақшлар соладиган наққош, ояғ ва ҳадисларни биноларга ҳусниҳат билан биталитган хаттот ҳам булган. Ғарибий ҳаёти давомида 14 фарзанд курган. Шоир 1961 йилнинг 21 январида, 84 ешида, Чименнинг Олвойтар маҳалласида вафот этган. Унинг авлодлари ҳозирги кунда Чименда истиқомат қилишади.

Ғарибий қолдирган адабий мерос анча салмоқли булиб, мумтоз шеърятнинг турли жанрларида битилган. У қуйидаги таркибга эга.

1. «Девони Ғарибий». Девонни шоирнинг узи ҳусниҳат билан кучирган. Девон бошидаги иловада эслатилишича, муаллиф Тонкент босмаҳонасига девонни напир қилдиришларини сўраб мурожаат этган. Лекин айрим сабабларга кура, у босилмай қолган. Девон газал, мухаммас, маснавий, мураббаъ, мусаддас, таркиббанд, таржеъбанд, рубоий, таърих, фард, муҳтамалот (тажнис санъатига асосланган кичик жанр) жанрларида ёзилган 5647 мисрадан иборат 422 та шеърни уз ичига олади.

2. Шоирнинг узи тузган 5 та баъзга киритилган шеърлари ҳамда пароканда шеърлари. 594 тадан иборат ушбу битиклар 8000 дан зиёд-роқ мисрани ташкил этади. Мумтоз шеърятнинг 14 жанрига мансуб бу шеърлар ҳам шоирнинг уз дастхати билан кучирилган.

3. Ҳувайдо ва унинг авлодлари ҳақида шеърый йул билан ёзилган мақола. Бу мақола 1902 йилда «Туркистон вилоятининг газети»да эълон қилинган.

XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида адабиёт майдонига чиққан қушгина ижодкорлар, жумладан, Аваз Утар, Завқий, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийлар сингари Ғарибий ҳам икки ижтимоий тузум алмашувига шохид булди. Бундай ҳол шоир ижодига таъсир утказиши табиий эди.

Муҳаббат мавзуи шоир шеъриятида муҳим урин эгаллайди. Ғарибий бутун ижоди давомида унга қайта-қайта мурожаат этди. Шоир тараннумидаги ишқи ҳақиқий ва ишқи мажозий бир-биридан айри эмас, балки бири иккинчисининг юксак босқичи булган илоҳий туйғудир. Суфияна талқинга кура, борлиқ узида Худонинг санъат қудратини акс эттиради. Инсон ҳам унинг моҳиятидан бир зарра булиб, «аҳсани тақвим» — энг гузал суратда яратилган мавжудотдир. Инсонга булган мажозий ишқ эса ошиқни руҳан ҳақиқий ишққа тайёрлайди, балки узининг олий даражасига эришганда у билан тенглашади. Ҳазрат Навоий бу хусусда:

*Гар Навоий йиғласа, ишқинг мажозийдур дема,  
Ким, назар пок айлагач, айни ҳақиқатдур мажоз... —*

дейдилар. Шунга ижобат айлаган Ғарибий ҳам бошқа мумтоз шоирларимиз қатори инсоний севгини улуглайди ва маъшуқа ёр таърифиди:

*Ҳусни ҳубинг Юсуфи Канъондин вермиш хабар,  
Ул на Юсуф, жаннати ризвондин вермиш хабар.*

*Холу хатким, сафҳаи рухсори чекмишлар рақам,  
Ҳар хатеким, ояти Қуръондин вермиш хабар... —*

дея жозибали мисралар битади.

Ғарибий ижодида алоҳида урин тутадиган яна бир мавзу умумбаширий қадриятларга алоқадор жиҳатдир. Бу қадриятларни шоир инсон камолотининг тамал тоши деб билган ва меҳр билан ифода этган. Шоир инсонга булган муносабатнинг бош мезонини инсонийлик деб биледи:

*Қайси миллатдур, айирмай, ёр булгон яхшидур,  
Рамз илаким соҳиби асрор булгон яхшидур.  
Пешаси шарму ҳаё, одобу хулқи ҳуш била,  
Элни қолмай кунгли, беозор булгон яхшидур.*

Ғарибий шеърлари бадиияти, муסיқийлиги, равлонили билан назарни тортади. Аруз вазнининг турли тармоқларида битилган бу шеърларда қуллаб бадий санъатлар маҳорат билан қўлланган. Талмеҳ, мусажжаъ, муламмаъ, ҳусни таълил, ирсолулмасал, тажнис, ийҳом, лаффу нашр, тапхис, иттифоқ, тазмин кабилар шулар жумласидандир. Шу билан бирга, шоир шеърлари орасида бошидан-охиригача маълум бир бадий санъатга асослангани ҳам учрайди.

Фикримизга далил сифатида қуйида келтирилаётган мисралар, ҳар бир байти қофиятайн санъати билан ёзилган газалдан олинган бўлиб, шоирнинг бадий маҳоратини курсатади:

*Тутманг осон, дустлар, зоҳирда аҳволим кўруб,  
Келтура олмас, десам, ҳасратларим бардош дош.  
Нури ишқдин зуҳд эли рам айтаминш хилват сари,  
Чун кўеш нуридин этгондек сирин хуффош фош.*

Шоирнинг Навоий, Машраб, Ҳувайдо, Нодира, Муқимий, Фурқат газалларига узбек тилида, Ҳофиз Шерозий, Абдурахмон Жомий, Ҳозик газалларига форс-тожик тилида муваффақият билан боғлаган тахмислари унинг икки тил мумтоз адабиети анъаналарини муносиб давом эттирганини курсатади. Шунингдек, унинг шеърлятига Шарқнинг буюк шоирлари — Жалолиддин Румий ва Абдулқодир Бедиллар ижоди ҳам катта таъсир этган. Уларнинг газалларидан келтирилган тазминлар фикримиз исботидир. Ғарибий узининг моҳирона битилган ҳажвий шеърлари билан Муқимий, Завқий каби шоирлар йулини ҳам ривожлантирди.

Булардан аёнки, Ғарибий ижоди билан уз адабий муҳитида алоҳида урин тутган, унинг ривожига хизмат этган истеъдодли шоирдир. Шоирнинг номиғи китобхонлар оммасига кенг маълум қилиш, адабий меросидан баҳраманд этиш адабиетимиз тарихининг унутилган саҳифаларидан бирини тиклаш демакдир. Уйлаймизки, қуйида берилётган газаллар шоир шеърлятининг нафосати борасида сизда тасаввур пайдо этади.

Дурдона ЗОҲИДОВА

# ЯХШИЛИКДИН ҚИЛ ҰЗИНГ ОЛАМДА МАШҲУРИ ЖАҲОН

\* \* \*

*Кам эмас кўргонда Юсуфни Зулайҳо, оразинг,  
Бизларда андин зиёда, балки, жоно оразинг.*

*Рафъ этмишдур сани Тангри таоло он қалар,  
Хурлар муштоқ эрур кўрмакка зебо оразинг.*

*Юзни ҳуршиддан мунавварликка исбот икки айни,  
Келтуруб икки ҳилолни чунки баржо оразинг.*

*Маркаби ҳимматга мингөн чоғида, эй подшоҳ,  
Муича маңдек бенаволарга таманно оразинг.*

*Жон агар ушбу танимдан чиқса, чиқмоқдин на гам,  
Бир назарда, не ажаб, гар қилса, ихё оразинг.*

*Орзу қилмиш малаклар, офтоби ҳуснинг, эй,  
Кошки булса фалак устида танҳо оразинг.*

*«Нун» янглиг қад букиб, айди Ғарибий нотавон,  
Ҳасратида бу газал, эй кўзи шаҳло, оразинг.*

\* \* \*

*Қайси миллатдур, ойирмай ер булғон яхшидур,  
Рамз илаким соҳиби асрор булғон яхшидур.*

*Пешаси шарму ҳаё, одобу ҳулқи хуш била,  
Элни қолмай кўнгли, беозор булғон яхшидур.*

*Сўз билурман деб, дурушт сўз бирла дил синдурмағил,  
Қочмасун ҳеч ким, шакарғуфтор булғон яхшидур.*

*Яхшиликдин қил узинг оламда машҳури жаҳон,  
Яхшиликқа эл аро анбор булғон яхшидур.*

*Гунчаваш оғзинг, юзинг гул янглиг алвон очилуб,  
Элни шайдо айлабон, гулзор булғон яхшидур.*

*Тонимасдин тан бериб, сўргонда дар дуролқазо,  
Ҳар киши уз айбига иқрор булғон яхшидур.*

*Бефаросат булма, гафлат аҳлидин қочиб қутул,  
Онча, Шўҳрат, кўз очиб, ҳушёр булғон яхшидур.*



\* \* \*

Гул юзингни бир кўрорга боғ аро гулзор, зор,  
Оташин лаълиш хаслида сқар гулнор, нор!  
Бир кўролмай қоматинг ушшоқлар ҳажрингда доғ,  
Мазҳабингни мунча ҳам қилдинг, шакаргуфтор тор?!

Не сабабдин даргоҳингдан қувладинг, эй шоҳи хусн,  
Узлар бегона бўлди, бир неча ағер, ер?!

Дарди дил бир-бир десам олдингда, инкор айладинг,  
Кел, инонмассан, кўрорга бағрими, эй ер, ер!

Сансиз иқбол бол ичурса, эй санам, самдур манго,  
Куйса, давлат сан билан, буйнимгаким илбор, бор!

Тийги мижғонинг-ла туксанг қоними, улдур мурод,  
Халқ аро мундоғ мани қилгунча, эй хунҳор, хор!

Бежиноят Шухрат айлаб олам аҳлига мани,  
Несдур айбим, остурурга боғладинг дилдор, дор?!

\* \* \*

Соқие, юргуз шаробиш, таппадур махмурлар,  
Чикмасун базм аҳлидин оҳу фиғону шурлар.

Риндлар базмин харобот ичра бу вайропада  
Курмағон, даврида булғай Қайсару Фағфурлар.

Қайда булса дард аҳлига бузуқ вайропа ҳам,  
Булгуси ортуқ Скандар тахтидин манзурлар.

Бу жунун саҳросида бизларга басдур лайливаш,  
Манзур эрмасдур малаксиймо, париван, ҳурлар.

Соғар илгида, лаболаб бода, мийнодур багал,  
Хуснидин маҳфил мунаввар ҳам шаби дайжурлар.

Булмаса дилда муҳаббат, ринд элин кайфиятин,  
Қайда билсун завқи ҳолатни дили ранжурлар.

Марҳамат қил ним нигоҳингдин, нигоро, манга ҳам,  
Тулса қалби нурга Шухрат каби бенурлар.

\* \* \*

Хусни ҳубинг Юсуфи Канъондин вермиш хабар,  
Ул на Юсуф, жаннати ризвондин вермиш хабар.

Холу хатким сафҳаи рухсори чекмишлар рақам,  
Ҳар хатеким, ояти Куръондин вермиш хабар.

Тоза жон топмоқ недурким, ҳардамингдин минг Насих,  
Лаъли нобинг Хизра минг ҳайвондин вермиш хабар.

Қоматинг мисли аламдур даҳр нахлистонида,  
Сарву шамшод бош чекуб, ялгондин вермиш хабар.

Кузларинг жаллоди куксум узра ханжар тортдилар,  
Кузларимким қатра-қатра қондиң вермиш хабар.

Гиряи шавқинг ҳамал давруғи еткурса, нетонг,  
Сайли ашким мавжи ул туфондин вермиш хабар.

Юз ситам кўргуздилар жонимга куз мардумлари,  
Дур сочиб, лекин лабинг, эҳсондин вермиш хабар.

Ҳажри бемор айлагач, келди насими васти ер.  
Шукрим, ҳолим кўруб, дармондин вермиш хабар.

Қилки фикрим ер васфи хубидин қилмиш савол,  
Лавҳи дилға, Мухбиरो, девондин вермиш хабар.



# МАЙСАЛАР ЧЎМИЛДИ ШАБНАМГА

*Одил Шайхур*

\* \* \*

*Силтаб кет қўлларинг, ортингга дунма,  
Ҳою ҳавасларга алданма, кўнма,  
Ел теккан шам мисол сен эрта сунма,  
Оҳ, йиллар бешафқат, йиллар алдамчи!*

*Кўз ёшлар кеткизмас кўнгул доғини,  
Афсуслар беэамас умид боғини,  
Ким тусайди, ахир, хазон чоғини,  
Оҳ, йиллар бешафқат, йиллар алдамчи!*

*Ушалмас орзунинг баланддир тоғи,  
Қалбингда бева ишқ чандиқ — фироғи,  
Ҳаётнинг жавобдан кўпдир сўроғи,  
Оҳ, йиллар бешафқат, йиллар алдамчи!*

*Эрта қировланган сочларинг силар,  
Севгилинг қўлимас, дайди шамоллар,  
Кўнгул душман экан, бир ниҳо келар,  
Оҳ, йиллар бешафқат, йиллар алдамчи!*

*Йиллар алдамчими ё оқ соч ҳаёт,  
Дустгинам биргина утинчим фақат,  
Бу фоний дунёга рост гапингни айт,  
Оҳ, йиллар бешафқат, йиллар алдамчи!*

\* \* \*

*Сунбуланинг сувидек тиниқ тортмиш юзларинг,  
Қорамикда тим қора, сенинг чўлпон кўзларинг,  
Бол надур жонбахш шифо, дилга дармон сўзларинг,  
Сен сулувлар сарвари, мулки султон дилбарим.*

*Ўт нигоҳинг қошида алп қаддим бўлмиш дуто,  
Васлингга ожиз қалам, энг гўзал сўзлар хато,*

*Сени танҳо яратмиш мен учун қодир Худо,  
Сен гузаллар сарвари, мулки султон дилбарим.*

*Мен Мажнунман — Карбало даштида девонавор,  
Лайлисин излар кунгул, балки ул ёр беҳабар,  
Ё атай куйдирасан, ҳолима солмай назар,  
Сен гузаллар сарвари, мулки султон дилбарим.*

*Кел, раҳм айла, парим, бизни тарк этсин фироқ,  
Чекинсин узлат бугун, дилда ёнсин нур — чироқ,  
Булмагай бу жаҳонда иккимиздан бахтлироқ,  
Сен гузаллар сарвари, мулки султон дилбарим.*

\* \* \*

*Ёр, баланд куйгим ҳамиша энг сара сўздан сени,  
Буйнинг-а тумор булиб, асрай ёмон кўздан сени.  
Турфаранг олам аро дардманд дилим излар юпанч,  
Гоҳ қишу кўздан суроқлаб, гоҳ баҳор, ёздан сени.  
Соғиниб йулга чиқарман, шошилиб ҳар тонг саҳар,  
Юрагим сигмас қинига, деб: кўрай тездан сени.  
Ўз нигоҳинг бирла бойланди менинг бийрон тилим,  
Билмадим ё ул яратган ишваю ноздан сени.  
Бир утинчим шу менинг, дарду дилим этсам баён,  
Ёлворурман ул Эгам кўп курмасин биздан сени.  
Ишқпараст номим Очил афсонадур элга аён,  
Айб саналса майлига, сайлабки, қирқ қиздан сени.*

Муборак



*Матлуба Дехқон қизи*

\* \* \*

*Оҳ, юрак, оҳ, аланга ичра,  
Бир умр ёнасан, толмайсан нечун?  
Азобу, армону ишқ, оғриқ, кўз ёш  
Бағридасан, кунглум, тўлмайсан нечун?*

*Ҳижроннинг лаҳзаси йилдан-да оғир,  
Оҳ, висол дамлари асалдай ширин.  
Муҳаббатдан покдир руҳ ила вужуд,  
Эй дўст, ишқдан изла бу дунё сирин.*

\* \* \*

*Сен кетдинг. Ҳижроннинг заҳри — тикони  
Юрагимга ботди. Мен яна ёлғиз.*

Ажаб, мажнунтоллар бошлари эгик,  
Мен ҳам йул буйида улардай маъюс.

Эй сен, вужудимни пармалаган ҳис,  
Мени қуйиб юбор, мени озод эт.  
Қани ёруғ дунё, қани ой, юлдуз,  
Наҳот, айрилиққа тўладир ҳаёт?!

\* \* \*

Сен кетган йўлларда нигоҳим қолди,  
Оҳ, уша онларда бир оҳим қолди.  
Ишқни кимдир савоб, ким гуноҳ, деди,  
Балки, зорланганча гуноҳим қолди.

Менга бесамардир энди у гаплар,  
Фақат сен тарафдан чиқар офтоблар.  
Бошимда қиличин селпиб турганча,  
Синайди, синайди, ишқ мени тоблар.

\* \* \*

Юзимни ювади кўзимнинг ёши,  
Беҳад соғинтирди ёрнинг қароши.  
Ҳушин олдимикин балки бир малак,  
Бир ёнда гирёндир кўнглум талошиб?!

Тигдай азоб берар шубҳа — гумоним,  
Илтижо қиламан: «Эй ёри жоним,  
Узи келган ёрга қўл берма асло,  
Дегил: «Фарғонада бордир ёмоним!»

\* \* \*

Ёнимда турасан. Етмайди кўлим,  
Биламан, биламан, бошқадир йўлим.  
Бу тақдир дегани шунчалар золим,  
Барибир, барибир сенда ҳаёлим.

Минг бир чигириқдан утиб бўлди дил,  
Нетай, улдирмади ҳижрони қотил?!  
Битта нигоҳингнинг чўғида ял-ял,  
Умрим утаётир, карвон каби зил.

\* \* \*

Азоблар, оғриқлар парқуга отди,  
Оромимни қувлаб, ҳижрон уйғотди.  
Мен-ку ишқ селида бедору зорман,  
Ёр эса кўнглумни арзонга сотди.

Энди ишқ йўлида девона — менман,  
Ҳижрон саҳросида афсона — менман.  
Узим ҳам, руҳим ҳам, кўнглум ҳам ёлғиз,  
Бу ёруғ дунёга бегона — менман.

Фарғона

## Жонбахш шалола

*Разм солиб нур толаларга  
Туқийсану хонатлас,  
Борлиқ сеҳрланганин  
Билмайсан, эй гулнафас.  
Ҳа, дунё яшнаяпти,  
Бу жонбахш нигоҳингдан,  
Нафосат шалоласи  
Туш отар дастгоҳингдан.  
Оҳ, бустонни ҳис этдим,  
Баҳормисан, ургилай?!  
Дилгинамни иситдинг,  
Шарормисан, ургилай?!  
Қалби оловли, қурли,  
Навбахорий сурурли,*

*Айт, Самарқанд гўзали,  
Ёки сен узингмисан  
Дунёнинг тонг газали?  
Нечун табассумингдан  
Минг қуёш сочди шуъла?  
Нечун жисми-жонимда  
Уммон солди ғулғула?  
Ё утли оқиммисан,  
Шафақли ёлқинмисан?  
Ё бунда офтобмисан,  
Ё офтобнинг боласи?  
Ё атлас дастгоҳидан  
Сен фаввора урдингми  
Бўлиб жон шалоласи?!*

## Ҳоли паришонман бугун

*Излабон ҳамдард тополмай, лолу ҳайронман бугун,  
Бесадо дил дод солар, ҳоли паришонман бугун.  
Таъна тошин ёғдирурлар «шеъри ғамгиндир» дебон,  
Сулди ишқим бебахор, ҳоли паришонман бугун.  
Ёрсиз, бир ғамгузорсиз ҳеч ҳаво йуқдир манга,  
Бенафас хонам қафас, оҳ, сийнабирёнман бугун.  
Пора дилга дори йуқ, мендан жаҳонда зори йуқ,  
Елғизга элнинг кори йуқ, бесору сомонман бугун.  
Жайҳун умрим жушди халқ йўлинда минг тўлқин отиб,  
Энди сўрмас ҳеч киши, сувсиз Зарафшонман бугун.  
Елди оҳим оташи, Оллоҳга етса не ажаб,  
Дард ёзиб бир-бир Ғулом, қалби сирафшонман бугун.*

Самарқанд



*Баҳор Хидирова*

\* \* \*

*Бир қушиқ сеҳрида чайқалар дунё,  
Бамисли бир бешик қўйнида инсон.*

Бир кўшиқ сеҳрида гул ҳам лол, гўё,  
Шу кўшиқ сеҳрида айланар замон.

Бу шундай кўшиқки, янграса агар,  
Сузидан уфурар порлоқ келажак.  
Бу шундай кўшиқки, замонлар узра,  
Меҳр-оқибатга замин булажак.

Бу шундай кўшиқки, чирита олмас,  
Кўйнига олса-да қоп-қора тупроқ.  
Гўё тинмай чорлар бир оташ меҳри,  
О, митти юракда порлаган чироқ.

Бу сенсан «инга»лар садосин аста .  
Тиндириб, вужудга бахш этган ором.  
Бу ўша, мунисим, сен айтган алла,  
Не-не қаҳратондан утказган омон.

Бу сен, меҳринг қалқон бўлиб ҳар доим,  
Вужудни асраган ҳар не балодан.  
Бир кўшиқ янграйди, дунё чайқалар,  
Бамисли бешиқдай ушбу сабодан.

\* \* \*

Қатор-қатор кўзмунчоқлар,  
Осиғлиқ, бир дор бўлди.  
Ёмон кўзлар тийилмади,  
Дунё деган тор бўлди.

Карвон кетди, туёғининг  
Садолари ёмон-ей.  
Не бўларди асраб қолсанг  
Шул жонимни омон-ей?..

Қатор-қатор кўзмунчоқлар,  
Ел бўлгандим пойингда.  
Сени буюк жаҳоним деб,  
Гул бўлгандим пойингда.

Шул жонимнинг эвазига  
Қаторларинг тўлдиму?  
Сени паноҳ дея билсам,  
Сени ҳам кўп кўрдиму?

Қатор-қатор кўзмунчоқлар,  
Қаторларинг ситилсин.  
Сени паноҳ дея билган  
Жаҳонларим тукилсин.

Қатор-қатор кўзмунчоқлар,  
Қаторларинг ситилсин.  
Сени паноҳ дея билган  
Жаҳонларим тукилсин.

\* \* \*

Бир соҳиб хаёлсан, қўлларингда гул,  
Наинки қўлинг гул, сочларинг сунбул,  
Бу чархи гирёнда пойингда бир қул,  
Шунчалар куркамсан, забони болсан,  
Бир соҳиб хаёлсан, мунис аёлсан.

Онасан, қўлингда бешик тебранар,  
Инсонсан, қизларинг кўшиқ ўрганар,  
Иш мушкул бўлса-да, юрак чоғланар,  
Мардсан, нигоҳларда қотган саволсан,  
Бир соҳиб хаёлсан, мунис аёлсан.

Чорлайсан, шуълангдан кўзлар қамашар,  
Куз тушса нигоҳлар йўлдан адашар,

Фақат тўлиб юрмоқ сенга ярашар,  
Камалақдек куркам, соҳиб жамолсан,  
Бир соҳиб хаёлсан, мунис аёлсан.

Тушлар алдамайди, тушлар худодир,  
Умр берган Эгам бир кун тақар дур,  
Қуп ғамларга ботмай, бир ўрнингдан тур,  
Тўлмасанг дунёга буткул заволсан,  
Бир соҳиб хаёлсан, мунис аёлсан.

Қорақул



*Бозор Шўб ат-Амин*

\* \* \*

Қулим, ўзинг сила бошимни,  
болалигимда ҳеч ким силамаган.  
Қулим, ўзинг артгин ёшимни,  
болалигимда ҳеч ким артмаган.

Ва яна гўдаклар бошини сила,  
йиғласа, ёшларин суртиб ол аста.  
Қуригунча яша яхшилик ила,  
бўлмаса, менинг қўлим эмассан.

На ўзи, на ўзга кўрмаса шафқат,  
бирон гулни чангдан кўтармаса гар,  
елкага осилиб яшаса карахт,  
бундай қўл кимга ҳам, нега ҳам керак?!

Қулим, ўзинг сила бошимни,  
болалигимда ҳеч ким силамаган...

Термиз



*Яўрахон Халитова*

\* \* \*

Сен — ҳайрат тоқида афсона умрим,  
Кунгул чорбоғида фарзона умрим,



Утарсан гоҳ нолон, гоҳ ёна умрим,  
Вақт капкирида ларзона умрим.

Ким учун яралдим соҳир дунёда,  
Кунгун ёритдими кузим қароғи?  
Не учун яралдим, ахир, дунёда,  
Бу ёруғ кунларнинг бордир суроғи?!

Қаймоқ мазасини тотган гўдакдай,  
Ўзни топиб ҳушман, мастона умрим.  
Фақат, сен, шамолда тукилган баргдай  
Хазон бўлма энди, мардона умрим.

Сен — ҳайрат тоқида афсона умрим...

\* \* \*

Неча йил ухладим, кўзим қаърига  
Бу мовий кунларнинг сувратин чизиб.  
Мени олиб кетган эртақ бағрига,  
Ёсуман кунларим кўксимни узиб.

Кулсам, тишларимдан тукилган инжу,  
Кўз ёшим томарди марварид бўлиб.  
Тилсимлар томирим боғлаб, қувончу  
Кўз ёшимни ичди, дарёдек тулиб.

Ва бир кун... жодулар ичидан қочиб,  
Фаришта тонгларнинг кўксига сингдим.  
Сим-сим эшикларни дунёга очиб,  
Дунёлар кўзига гавҳардек индим.

Энди кулгуларнинг жаранги узга,  
Қаҳқаҳа эртақнинг оғзида сеҳр.  
Шеърга айланади ёшларим кўзда,  
Кулсам, лабларимдан тукилади шеър.

Балиқчи



*Муҳаммад Улун*

## Тун манзаралари

|

Майсалар чўмилди шабнамда,  
Қийқириб қизлардай қувнади.  
Нимадир дупурлар, чамамда,  
Шамоллар лолани қувлади.

Бақалар қуриллар чунонам,  
Том битди мовий кўл қулоғи.  
Тулкининг кўзидай порлар шам,  
Маъраса қўшнининг улоғи.

Кушлардай кўнади шохларга,  
Юлдузлар нигоҳи потирлаб.  
Чуққилар ув тортар тоғларда,  
Эриган қорларни хотирлаб.

Тошқин сой тўлганар илондай,  
Сув пари ойдайин сузади.  
Кишнашиб тинмагур қулунлар,  
Чувалган тушимни узади...

II

Тун қушлари қилади парвоз,  
Қанотларин уриб қирларга.  
Қоронгулик беради овоз,  
Олам тўлиб кетар сирларга.

Хотиралар яйдоқ кезади,  
Утган кунлар сўқмоқларида.  
Гулисафсар оғриқ сезади,  
Совуқ ўтган бутоқларида.

Дупур-дупур елар самода,  
Етти қароқчининг отлари.  
Кук тераклар қотган ҳавода,  
Ютиб ҳаёл гирдибодлари...

Тонг отади...  
Туннинг қушлари  
Ўзин урар олмос тигларга.  
Юлдузчалар ерга тушар-у  
Бекинади қорачиқларга!

III

Ойдин кеча,  
Ялтиллаган кўл...  
Сув бетида тарам-тарам йўл —  
Юлдузлар чайқатиб чумилар.

Фарқ очилган нилуфардай, о,  
Сузиб юрар битта оппоқ қуш.  
Гўёки кўл тунги мавж аро,  
Уйқусида кўраётган туш...

У қушчанинг кўзчаларида,  
Чўғдай порлар севинч ва ҳайрат.  
Мовий кўлнинг кечаларидан  
Топган балки гузал муҳаббат...

Олисдаги соҳилда эса,  
Шовуллайди бир туп қамишзор.  
Худди она кўнглудай нотинч,  
Худди она кўнглудай бедор...

Пойариқ



*Шарифону*

\* \* \*

Қанийди, қанийди ҳазонлар каби,  
Менинг гуноҳларим тўкилиб кетса,  
Юракнинг дарзлари сўтилиб кетса,  
Уйнасам тун уза тўзонлар каби.

Қанийди, қанийди елга айланиб,  
Сенинг атрофингда кўринмай кезсам,  
Уйноқлар жингала сочларинг тузсам,  
Сўнгра, шу сочларга қолсам бойланиб.

Қанийди, қанийди сен бунда қолиб,  
Ўзга оро бериб сурмалар била,  
Мен кетиб қололсам турналар ила,  
Сенинг кўзларингга арғамчи солиб.

\* \* \*

Сен кетдинг, айтмайин сунгги сўзингни,  
Ортингда оқ гуллар кўкариб кетди.  
Мен, ахир, кутгандим ёлғиз узингни,  
Қадамлар дунёни тунтариб кетди.

Сен кетдинг, мен эса энди маҳкумман,  
Сунгги нигоҳингни эслаб қолишга.  
Кимман мен, сочлари қоп-қора тунман,  
Маҳкумман ҳар оқшом сендан тонишга.

— Тошкент



*Махмуд Абдуллаев*

\* \* \*

Яна баҳор келди,  
Завқидан қониб —  
Кўнгул торларига жўшқин авж минди.  
Одамлар қалбига ўтли қўл солиб,  
У азиз меҳмондай кучди юртимни.  
Уйқудан уйғонган қиздек ноз билан  
У гунча лабида буртиб куринди.  
У куртак юзини сел билан ювиб,  
Ел билан уйғотиб, деди: «Тур энди».  
Бу билан тинмади,  
Кўк минбарига —  
Чўққилар саҳнига урди ўзини.  
Сўнг сой, шалоланинг тўлқинларида  
Минг бир жило билан очди кўзини.  
Бу билан тинмади,  
У қанот бўлиб,  
Элди узоқларга ел парвозини.  
Чаманлар бағрида камолга тўлиб,  
Бир-бир чалиб ўтди навруз созини.  
Ҳар бир қадамида ёшлик кулади,  
Ҳар бир қадамида бир ҳаёт гуллар.  
Яшил этагидан нур тўкилади,  
Теграсида яшаш ишқи гувиллар.  
— Салом, баҳоримиз,  
Она юртимга  
Бутун жамолингни этибсан тортиқ.  
Муҳаббатим чексиз шу сабаб сенга,  
Шу сабабдан сени севаман ортиқ.

Фаргона

\* \* \*

Нега қиздай уялади ой?  
Нега ойдан ийманади қиз?  
Сулим оқшом,  
Зулмат ҳукмрон оқшом  
Лолу ҳайронман.  
Минг тусда солланар,  
Оҳанг-муғанний бешафқат,  
Соз чалар.  
Юракни таталар минг хил  
Кайфият.  
Эрир лоҳас лабда табассум,  
Тушунуксиз ҳолат,  
Тебранар юрак.  
Хотира беланчак,  
Қиз сочида титрар  
Минг қул, минг нафас.  
Қиз ва ой...  
Уртада нимадир ухшаш?  
Қиз ойдин ийманарми  
Ва ё ой қиздан?  
Қиз бола адашми  
Само қўйнида  
Ё қиз қароғида  
Ойларми адаш?  
Ғайри бир ийманиш,  
Ғайри бир ҳолат.  
Қиз ойдан уялар,  
Ой эса қиздан.  
Ажаб бу ийманиш  
Бир-бировига жудаям уйқаш.

Жарқурғон



# ҲИКОЯЛАР

*Ҳлиббек Абдуваҳоб*

## КЎЧКИ

— Мен албатта тирик қайтаман, бувижон! — деди Султон тиришиб.

— Сен қайтиб келишинг мумкин, болам, лекин мен уламан! Сен ҳам кетсанг мен куйиб адои тамом буламан! Ахир, отанг билан акангдан бир ярим йилдан бери хат-хабар йўқ. Шунинг ўзиёқ мен бечорани соб қилди...

Ҳанифа хола кўзларидан шашқатор оқаётган кўзёшларини энгининг учи билан артиб, бурнини тортиб қўйди-да, гапида давом этди:

— Менинг жоним жон эмас, қилнинг устида титраб турган томчидир, жон болам! Буни кўра-била туриб ўз ихтиёринг билан ариза бериб кетаман дейсан. Нега бундай қиласан, нега мени кийнайсан?!

Ҳанифа хола утирган кўйи шилқ этиб ёнига йиқилди. Султон, чопиб келиб, уни суяди ва «Буви, бувижон!» дея онасининг бир бурда жуссасини силқитди. Бувисидан садо чиқмагач, отилиб дарвозадан чиқди. Бироздан кейин юраги оғзига тиқилиб қўшни кампирни бошлаб кирганда, Ҳанифа хола кўзини очган, бироқ ҳали ақлу ҳушини йигиб ололмаган эди. Кампирнинг буйруғи билан Султон бир чўмич сув келтирди. Юз-кўзларига теккан совуқ сувдан Ҳанифа хола ҳушёр тортди ва хиққиллаганча ўзини кампирнинг кафтдек бағрига отди. Кампир унинг бошу елкаларини силади. Ўпкаси тўлиб, «Элга келган тўй, нима ҳам қилардик... аммо манави зумрашанг яхши иш қилмабди ариза бериб, — кампир овозини кўтариб Султонга ўқрайди — Булар жаҳаннамга эмас, томошага кетаётгандек чопишади урушга, товба қилдим!» деди. Султон довдиради, бир-биридан муштипар, бир-биридан дардман аёлларнинг аянчли аҳволларига боқаркан, қилиб қўйган ишидан илк бора пушаймон бўла бошлади. Сўнг жовдираб онасини кузатди. Ҳанифа хола ушоққина кампирнинг қучоғида бир сиқим бўлиб жим ётарди. У гўё қимирлашга ҳам журъат этмас,

агар қимирласа ёки бирон сўз айтса, ёлғиз ўглини ҳозироқ урушга олиб кетадигандек ҳаракатсиз, садосиз қотганди. Султон онасининг ғариб ҳолида сўнгсиз мусибатнинг шафқатсиз аросатини илгади. Агар ўзи ҳам кетадиган бўлса, бувисининг сўнгги таянчи узилажагини, ўқ томирига болта теккан дарахтдай сарсилажагини, ниҳоят қулаяжагини англади. Онаси учун ёруғ жаҳон унинг ўзи эканлигини ва бу жаҳонни Султон ўз қўллари билан зулматхонага айлантиролмаслигини тушунди. Титради, юрагида нимагиндир кўчганини ҳис қилди ва гўё яраланган шердек гандираклаганча ҳовли томонга югурди. Ҳанифа холанинг кўнгли ниманидир сезди ва ўглининг орқасидан тура солиб чопмоқчи бўлди. Бироқ боши айланиб ўтириб қолди. Султон чопиб боягина ўтин ёрган жойига келди. Болтани олиб, ўтиннинг ўрнига қўлини қўйди-да, жон-жаҳди билан гурсиллатиб туширди. Сўнг яна-яна урди. Шу тобда у ўзини унутган, ақлу ҳушини йўқотаёзган эди. Ҳеч нарсени уйламай, фақат ҳайқирар, гўё ўз билагига эмас, балки ёшгина бошига тушган мусибатнинг ваҳший башарасига болта ураётгандек алфозда эди Султон. Шу пайт ҳушини йиғиб олган аёллар қичқириб Султонга ташланишди-да, қўлидаги болтани юлиб олишди. Султон пачоқ бўлиб қип-қизил қонга беланган билагига телбаларча тикиларкан, «Хотиржам бўлинг, бувижон, ўглингиз урушдан қолди!» деди, кучли огрикдан ҳушидан кетиб йиқилди. Уша йили қишда Султон кўричак касаллиги билан огриди. Қишлоқнинг биттаю битта чаласавод дўхтири келиб унинг биқинини кесди. Султонга минг бир азоб бериб нимаардир қилди-да, ипнинг йўқлигини баҳона қилиб «Ҳечқиси йўқ, бирикки ойда ўзи битиб кетади» дея чиқиб кетди. Султон эса қаттагина ёридан ўз биқинидан ичак-чавоқларини томоша қилган кўйи тақдирнинг андишасиз кўзларига бақрайиб ётанча кун ўткиза бошлади. Кечаларнинг бирида Султон ўнгайсизликдан, огрикдан уйғониб кетди ва ёнбошлаб ётиб қолгани оқибатида кесилган қориндан сирғалиб тушакка тушиб қолган ўз ичакларини кўрди. Шу тобда негадир қўрқмаётганига эътибор берди ва бундан даҳшатга тушди...

Эрталаб бувиси хабар олиш учун кирганда Султон ичакларини қориннинг кесилган жойига босганча совуқ назар ташлаб ўтирарди. Ушанда, Ҳанифа хола даҳшатдан бир зум ўзини йўқотиб, сўнг дод солиб, оч ва ялангоч қишлоқ оралаб дўхтир излаб чопганди...

Орадан йиллар ўтиб уруш тугади. Ҳанифа хола эридан ажралиб қолди, бироқ ўгли Райимжоннинг на ўлигию, на тиригидан дарак бўлди. Бировлар асир тушгандир дейишса, бошқалар ўлиб кетган, деган хулосага келдилар. Аммо Ҳанифа хола ҳамон уни кутади. Урушга кетмасдан бир йилча аввал Райимжони келтириб боқаётган итни эътибор билан парваришлайди, эркалайди, ҳатто у орқали болажони билан гаплашади. Тунгичига бериб улгурмаган меҳрини гўё шу итта — Йўлбарсга бермоқчи бўлади. Шунинг таъсиридами ёки асли зотдор ит бўлгани учунми Йўлбарс тўлишиб баҳайбат бўри келбатига кирди. Энди бу ҳовлига хоҳлаган пайтда киришга ҳатто итларнинг ҳам юраклари бетламай қўйди.

Ниҳоят, битта-яримтасига шикаст етказмасин, дея Султон Йулбарсни утган йили гўшта тортилган катта новвоснинг занжири билан яхшилаб боғлади. Бўйинтуруққа урганмаган ит ўша куни кечаси билан гиншиб чиқди. Бечора Ҳанифа хола ҳам тонггача мижжа қоқмай, тунни безовта бўлиб ўтказди, йиглади, Султонни койиди. Лекин Султон уз фикрида қатъий турди, Йулбарснинг борган сари қопогон бўлаётганини ва буш юриши хавфли эканини бувисига тушунтирмоқчи бўлиб беҳуда уринди. Чунки Ҳанифа хола унинг гапини шартга бўлди-да, кўзлари ёшга тўлди, овози ҳирқираб «Сен музсан, сенда юрак йўқ! Сен ҳатто отангдан қора хат келганда ҳам йигламагансан!» дея ярим кечаси бўлишига қарамай, ташқарига отилиб чиқди. Султон турган жойида бир муддат серрайиб қолди, сўнг юрагини аллақандай гашлик чуғаб олаётганини илғади. У илгари ҳам «Музсан!», «Совуқсан!» деган хитобларни кўп эшитган, лекин ортиқча эътибор бермас эди. Бугун эса... бугун Султон ўз онасидан эшитди бу сўзларни ва бувижониси унга «Музсан!» деган лаҳзада ҳақиқатан ҳам унинг юраги музлаб кетди. Гуё ушбу сўздан — муздан бир парча учиб Султоннинг юрагига ёпишди-қолди. У қандайдир хунукликни — бегоналикни ҳис қилди ва бутун дунёси хувиллай бошлади...

Ниҳоят, Султон одатига кўра ўзини тўплади, онасини топиб келиш учун ташқарига чиқди. Ҳовлидан овоз эшитилгач, ўша томонга аста яқинлашди ва бувисининг йиғи аралаш айтаётган сўзларини эшитди: «Сени болаган Султон эмас, одамлар. Катта акангни — Райимжонни ҳам мана шу одамлар ўлдирган, отангни ҳам. Сен Султон акангдан хафа бўлмагин, у сени яхши кўради. Яхши кўргани учун ҳам зарар етказмасин, деб Сени одамларнинг кўзидан йироқ қилди. Сен ундан ранжимагин, хўпми, бўталогим!». Ҳанифа хола Йулбарснинг бўйнига осилганча кўз ёшларига тикилди. Оёқ товушини эшиқтиб қайрилиб ҳам қарамай «Нега келдинг, бор, дамингни ол, мен Йулбарс билан дардлашяпман», деди. Султон индамади, лекин бориб онасининг олдига чўккалади. Ҳанифа хола Султоннинг бошини бағрига босиб, деди: «Ўғлим, сен Йулбарсга ит деб эмас, ўзингни уканг — менинг кенжатойим деб қара. Агар шундай қилмасанг — рози эмасман!» Султон титради, кўксининг қаърида нимадир қимирлаб қўйганини сезди, бироқ йигламади. Фақат бувисининг кўнгли учун кечасига итини занжирдан бўшатди. Йулбарс дам у ёққа, дам бу ёққа чопиб, гоҳ эса Ҳанифа холанинг, гоҳ Султоннинг оёқларини ялаб қувончини изҳор этмакка шошилди. Озод итнинг миннатдор ҳаракатларини бир зум кузатаркан, йигитнинг хаёлидан «Ажаб, бундан-да улурроқ иш қилиш мумкинми?» деган фикр ўтди.

Эрталаб Султон ўрнидан турди-да, бориб итнинг озигини берди. Кечаси билан эркинликда чопиб очикқан Йулбарс идишдаги овқатни чапиллатиб ичар экан, Султон уни яна занжирлади. Шу пайт ит идишдан бошини кўтариб куча томонга қараб хурди. Султон ҳам атрофга кўз югуртирди. Ҳеч ким йўқлигига иқрор бўлиб, Йулбарсга «Овқатингни есанг-чи, нодон!» дедию шу асно дарвозадан бир тўп бўлиб бақиршиб-чақиршиб кириб келаётган ҳамқишлоқларига кузи тушди. Сўнгра уларни шодон қийқи-

риқларини эшитди: «Ҳой Ҳанифа хола, ҳой Султон, суйинчи беринглар, қаранглар Райим келди, Райим!» Султон «Булиши мумкин» дея аста-аста юриб халойиққа яқинлашаркан, қайрилиб борган сари ўзини ҳар томонга уриб, шовқин солаётган Йулбарсни тергади: «Жим бўл!». Бироқ Йулбарс уни илк даъфа эшитмади, эшитишни хоҳламади. Шу пайт Султон куча эшигидан бошини уриб олмаслик учун энгашиб кираётган ҳарбий кийимдаги қоматдор кишини кўрди ва шу заҳотиёқ таниди: Райим! Улар қучоқлашиб кўришаркан, Райим йиғлади, укасининг юз-кўзларидан ўпди, согинчини, изтиробини изҳор этди. Султоннинг эса кўзига ёш келмади. Фақат саккиз йилдан бери хат-хабарсиз, бедарак кетган акасининг бирданига пайдо бўлганидан андак довдираганча хушхабардан ҳуши бошидан учган онасининг юзига сув сепа бошлади. Шу асно одамлар «Итга қаранглар, итга!» дея ким куча эшиги томон, ким айвон супачаси томон тисарилиди. Султон чучиб бошини кўтарди ва шу лаҳзада кўзи ўзини жон-жаҳди билан уриб занжирини чирт узганча халойиқ томон йулбарсдек отилиб келаётган итга тушди. Одамлар қий-чувлашиб ўзларини панага олдилар. Фақат Райимжонгина ўртада серрайиб қолган, ўзи томон сапчиб-учиб келаётган баҳайбат ҳайвондан кўзини узмасди. Султон қичқирди: «Йулбарс у, Йулбарс, Райим!!..» Бу вақтда Йулбарс етиб келди ва бақувват оёқларини тик кўтариб Райимнинг йўгон бўйнига солди, йиғлагансимон сас чиқариб болалик дустининг юз-кўзларини ялай бошлади. Райим ҳам итни таниб қучоқлади, ўпкаси тўлиб Йулбарснинг бошу кўзларидан ўпа кетди. Фақат Султонгина титрай бошлади. Сўнг силкинди, нақд кўксига ниманингдир кўчганини аниқ ҳис қилди ва бу кўчки гўё баҳайбат харсангларнинг гулдурашидек ваҳм солиб Султоннинг бўғзини ёриб чиқди. Ҳайқирганча отилиб бир-бирларига ютоқиб суйкалаётган икки қадрдоннинг азиз бошларини бағрига босганча ичикиб-ичикиб йиғлади... Эртасига азонда намозини қилиб ўрнидан тураётган онасининг ҳузурига кирди-да, «Мен розиман!» деди.

1995, июн





*Хулқар Шайманова*

## ОМОНАТ

Кампир аввал ингранди, сўнг қуруқшаган, қонсиз лабларини ялаб, тамшанди. Оғзида ачимтир таъм борга ўхшаб туюлди, ё алҳазар, қабоқлари узра зилдек нимадир осилиб тургандек кўзларини очолмаяпти. У нурсиз кўзларини малол келгандек очдию тепасида ўзининг пашшаларини қўриб утирган қиёматлик ўтай синглиси Рузвонни қўрди. Синглиси қўл артиладиган ислиқи сочиқни елпиган эди, пашшалар «визз» этиб кутарилишди. Умуман, бу ерда бири қуниб, бошқаси учаётган сон-саноксиз пашшаларга бас келиб ҳам бўлмасди. Шарофат момо жоним андак ором топсин дея, деразага дастурхон туттирди, барибир, қоронгиликда чивинлар уйчани тарк эттилари келмагандек, учиб қўнаверишди. Момо зикланди, «эгангни егурлар!» дея қарганиб, дастурхонни олиб ташлади.

Синглисининг жонига тўзим берсин, ўн кунча бўлиб қолди, бир ёққа жилмасдан бошида ўтирибди. Чой қуйиб узатган, бирор чўқум ул-бул едирган, ташқарига олиб чиққан ҳам шу.

— Чой берайинма, опа?

Момо рад этди, ҳадеб чой симиравергани билан ташналикни қондириб бўладими? Иштаҳасиз овқатланар, егиси келмаса-да, оч ётишни ўзига эп кўрмасди. Чойни эса, мумкин қадар камроқ ичар, ташқарилаш учун синглисига мўлтайишдан, кириб-чиқиб юрган келини Ойдинга, невараларига томоша бўлишдан уялар, назарида, ҳаммалари унинг ўлимини сабрсизлик билан қутаётгандек маъноли қарашар, шунда кампир маъюс кўзларини юмиб, нигоҳини улардан олиб қочарди.

Дард туйқусдан хуруж қилган ўша кеча Шарофат момо ажал билан олишишга кучи етмаслигини, қарилик одамнинг ожиз ва нотавон даври эканлигини, борган сари куч-мадор йўқолиб боришини тан олди. Огриқ то ўтиб кетгунча, момонинг кўз олди хиралашиб, утирган жойида қимирламасдан турди, ҳаракатсизлик гўё огриқнинг босилишига ёрдам берадигандек эди. Қорин бушлигида симллаб турган огриқ босилавермас, кампирнинг жонида қасди бордек дамба-дам кўзголарди. Момога танаси кичрайиб бораётгандек, тобора заифлашаётгандек туюлди, назарида, касаллик бутун аъзойи-баданига ўз ҳукмини ўтказаётир, омонатини топширадиган кун яқинга ўхшайди.

Кампир дастлабки пайтларда тузалишига умид қилиб, узоқ пайт дўхтирхонада ҳам ётиб чиққан, бироқ муолажалар фойда бермаганди. Унда юриш-туришга, ўзини эплашга куч-қуввати етарди. Энди эса муте, ҳеч нимага шашти йўқ. Айни дафъада етмишга етиб, тириклар қаторида юрганига ҳам шукр қилиб қўйди. Тўгрисини айтганда, касаллик кейинги ўн йилликда, балки илгарироқ бошландимикан, момо эслолмайди, уни саломатлигидан айириб қўйди.

Шарофат момо шифтга тикилганча ҳамон қорнини ушлаб ётар, қамиш поялари босиб бекитилган, лойсувоқ ҳиди гупириб турган заҳ томчага ҳеч ким бош суқмасди. Бировга кераги йўқлигидан юраги эзилиб, ичиқди. Куч-мадордан қолганда, обрў борида этакни йиғиштириш, дорилбақога рихлат қилиш керак экан. Аммо ажал кўргур келмаяпти-да, ўламан деган билан ўлолмасанг буям бир мушкул савдо экан.

Момо хонтахта устига энгашиб, қалтираган қўллари билан чойнакни авайлаб огзига олиб борди, қултиллаб яхна чойдан симирди. Дока рўмолининг учи билан терлаган юзини сидириб артди. Бошида алланима ўрмалагандай бўлди, сочига тароқ тегмаганига ҳафтадан ошиб қолди, қасабасини, кийгичини олиб, қўли билан бошини қашлади. Оппоқ сочи чигалланиб, тўзиб кетганди. Ювиб олса соз бўларди-я. Аммо Ойдиндан ярим пиёла қатиқ сурашга юраги безиллайди. «Чимилдиққа кирадиган келинмидигиз, сочини қатиқлаб ювадиган!» деб чимирилишларига кўп марта чидаб берган, энди эса ортиқча гап-сўзни юраги кўтармайди. Шу аҳволда тараб олишга ҳафсала қилсаям майлийди. Иложи йўқ, касофат огриқ жонини қийнагандан қийнамоқда.

— Вой жоним-ей, узилсанг узила қолгин-ей?!

У алаҳсираб ётаркан, тирқишларидан офтоб нури чизиқдек тушиб турган ёғоч эшикнинг гийқиллаб очилганини сезмади. Мудроқ кўзлари юмуқ эди, уйқу истаги устунлик қиялпти, аммо ярамас дард жонини нақд ҳиқилдогига келтирворди. Ёнбошига ағдарилганида, бутун танаси қақшаб кетди, зоҳиран олганда, кампир нариги дунё ҳақида сал тасаввурга эга бўлса-да, на у ёқли, на бу ёқли ётаверишдан зерикканди.

— Ҳм, жа-а инқиллаб ётибсиз?! Ундан кўра ип чийратинг, ётовурсангиз ланж бўласиз!

Кампир муралаб турган келинини гира-ширада илголмади, товушидан таниди. Унинг иддаосида ўзига нисбатан меҳрни ҳам, хайрихоҳликни ҳам сезишга уринмади, гарчанд вужудини чўяндек босиб ётган огирлик уни худди шу нарсага ташна қилиб қўяётган бўлса-да, бундай илтифотни келинидан кутиш бефойдалигини ҳам биларди. У бурчақда коптокдек думалаб ётган ипларга бепарвогина назар ташлади. Келини урчуқда йигирган ипларни думалоқлаб унга опкеб ташлайверади. Момо ҳоли етгунча уларни чийратиб пишиқлайди, чийратилган ипларни ранглаб каттагина шолча тўқиса бўлади. Тоби қочганидан бери ипларга қайрилиб ҳам қарагани йўқ.

— Вой жоним-ей! — момо чалқанча ётиб олди, устига ёпилган эски сатин тўндан унинг озгин, сертомир оёқлари чиқиб ётар, шойи лозимининг ранги ўчиб кетган жияги гарибгина бўлиб кўзга ташланарди. Қақшаётган оёқларини кўтариб, чайла қилиб ётди. Намозшомда ўринга чўзилса ёмон бўлади, дейишарди. Қадимда ўлим тўшагида ётганларни ҳам ухлатмасдан тургазиб қўйишаркан. Бунинг замирида қандай ҳикмат борлигини билмасди, ҳар тугул бу ётишимга худонинг қаҳри келмасин, дея туришга чоғланди. Қўзғолаётиб, боши айланди, ҳаял утиб, момо чироқ ёқди. Токча устига тўшалган газетада чумолилар ўрмалаб юришарди. Олма пўчоги, ўрик данаклари солинган тарелкага интилаётган чумолиларга кўзи тушиб, кампирнинг дили хуфтон бўлди. Молларнинг емиш челагига ташланадиган чиқитни Ойдин атай қолдирган. Момо эса икки букилиб, буни элтиб тукишга мадори йўқ.

Шу пайтга довури ҳеч кимни бунчалик музтар бўлиб кутмагани. Невараси Хумора уни эсидан чиқариб қўйди-ёв! Шуниси сал ийимлироқ, кўтариб, катта қилгани учунми, меҳри тушган. У пайтлар тетиккина юрар, бировга огирлиги тушмас, Ойдин рўзгор ишларини тиндирсин дея, Хуморани орқасига опичлаб, гоҳ қизи Хурсанойникига, гоҳ сойнинг нариги қиргоғида турадиган дутонаси Камбувиникига чиқиб кетар, неварасини овунтиришдан чарчаса-да, келинининг қош-қовоғига қарашдан қочиб, кеч бўлганда уйга кириб борарди.

Бурноғи йили Пичотсойда амакисининг жуфти Норгул кампир қазо қилди. Боришди, ҳамдардлик билдиришди. Қариндошлигини инобатга олдиларми, унга кўйлақлик учун сергул шойи улашдилар. Ювса гижим бўлмайдиган, хорижники экан. Қайтиб уйга келганида, келини чимирилиб, тутунга ишора қилди:

— Кийимлик буп қайтдингизма?

— Ҳм... — момо худди матони келини олиб қўядигандек кўрсатгиси ҳам келмади.

— Ишқилиб, бўхчангиздаги кийимларни сичқонлар тешиб, дабдала қилмаса бўлди! Беринг, шифонеримга солиб қўяйин, яна куя тешиб ташламасин!

Шарофат момо индамади, бермайман деб айтишга ботинолма-

ди. Агар келинига йўқ деса, жанжал иддиз отиши, узунқулоқ гаплар ўглининг қулогига етиши ҳам мумкин. Момо майда-чуйда-лар билан ўглининг кўзига ёмон кўринишни истамасди.

— Ўзингиз биласиз, куя тушмаса бўлди! Сизнинг фойдангизни ўйлаб гапиряшпан! — Ойдин мақсади амалга ошмагани учун бўшашгандек нари кетди.

Момо ўшанда бугчасидаги кийимларни куя тешиб ташлашидан эҳтиёт бўлиб, бир бог шувоқни докага ўраб, сандиқнинг ичига ташлаб қўйганди.

— Эна, мазангиз йўқма? Ҳовлига чиқиб утирарийдингиз шу маҳалда!

Кампир сергак тортди, эшик очилиб, невараси Хумора кўринди. Кўҳликкина бу невараси ўқишни битиргандан бери уйда, у ер, бу ерга берворайлик дейишса, тенги чиқмаяпти.

— Эй, қизим, ўладиганга ўхшайман! Саксонга киргач, камим қолдима? — Шарофат момо увадаси қапишиб, юпқаллашиб қолган болишдан бошини кўтариб, ёстиқни олдига қўйиб суянди. Қўққисдан момо «Вой, вой жоним!» деди-да, гужанак бўлиб олди. Бу дарднинг гадаги хуружимида ёки ажал шарпасимида, момо билолмади, шу дафъада бу ҳақда ўйлаш мавриди ҳам эмасди.

— Сизга нима бўлди, эна! — Хумора югуриб келиб, унинг пешонасини ушлаб кўрди. — Қаерингиз огрияпти?

— Ичим...

— Духтир чақиртирайликма?

— Э, нима қиласан болам, барибир ўламан!

— Қўйсангиз-чи, эна, мен ҳозир!

Момонинг бутун аъзойи-бадани қақшарди, юраги тез ва шиддат билан ураётганини ўзи ҳам сезди. Қулоқлари ҳеч нарсани эшитмаётгандек эди, тавба, ажални кутгани учунмикан, бу белгиларнинг барчаси момога ўлим қутқуси бўлиб туюлди. Афтидан, ажал атрофида изгиб юрибди. Нариги дунёга равона бўлишига эҳтимол бир соат ҳам қолмагандир...

Кампир гала-говур товушдан ҳушёр тортиб, кўзини очди. Атрофини беш-олти киши ўраб олди, кимлар экан булар? Азбаройи кўз олди тиниб кетаётганидан, кампир уларга бирма-бир разм солиб чиққанидан сўнггина таниди. Эгнида майда қавиқли қора сатин чопон, юз-кўзида тараддууд акс этган биққигина ўгли Сулаймон бўлиб, ҳали овқатланишга улгурмаган шекилли, шум хабардан сергак тортиб, югуриб келаверган. Момо ундан, шу тобда хурсанд бўлди, ҳар нечук бошқалар бўлмаса ҳам, теграсида ўглининг туриши ҳам фарз, ҳам қарз. Сулаймоннинг ёнида қўшни қишлоқда яшайдиган невараси Шоввоз унга ичи ачигандек қараб турибди. Катта ўгли Бекмондан ёдгорлик сифатида момо бу неварасини жуда суяр, унинг бир этак болаларини бирма-бир эркалар, нафақа пулидан уларга хўрозқанд олиб бўлсаям, дилларини чоғ этар, нафсиламбрини айтганда, Шоввознинг онаси, яъни катта келини Анорҳол Ойдинчалик жабру ситам утказган эмасди. Кўпинча момо Шоввозникида яшашни ихтиёр этмоқчи бўларди-ю, уларнинг жўжабирдай оиласига боқиманда

булишни хоҳламасди. Қолаверса, одатда чол-кампирлар қартайганда кенжа ўғил билан булишлари керак, деб Сулаймон ҳам уни уйдан кетгани қўймасди. Углиям ўзининг обрўсини ўйласа керак-да, ахир онаси кетиб қолса, эл-улус орасида гап-сўз тарқалмайдимми?

Шарофат момонинг негадир кўнгли бўшаб кетди.

— Эна, мунча ваҳима қиляпсиз? Ҳар доимгидек қорин оғригингизми? Духтир чақирамиз, ўтиб кетади! — жимликни бузди қизи Хурсаной.

— Ё, Олло, ўзингга шукр! Энди мени ўз даргойинга қабул қила қолгин! — деб оҳ-воҳ қилди кампир. — Мендан рози бўлинглар, болларим! Худо сенларга умр берсин!

— Қаерингиз оғрияпти ўзи, эна? — сўради Шоввоз.

— Қорним...

— Дори ичсангиз босилиб қолар!

— Дориларни ичиб тамом қилган! — гапга аралашди Ойдин.

— Топиб келасиз, шуюм гапми? — қайириб ташлади невараси ҳам.

— Раҳмат болам, ҳалак бўлма! Меники эски дард.

Шарофат момонинг оёқлари увишди, Хурсаной унинг устига кўрпача ташлади.

— Кўрпа керакмас, қизим! Таним қизиб боряпти!

Хурсаной унинг талабини бажо келтириб, кўрпачани четта олиб қўйди.

— Сизлар бораверинглар, Сулаймон! Ишқилиб, Нортош минан Холбувига хабаримни етказгин, болам! Сингилларинг келса, баринг бошимда бўлиб турсанглар! — момо мўлтайиб ўглига қаради.

— Эна, қўрқманг, сизни хор қилиб қўймаймиз! Ҳали кўп яшайсиз! — деди Сулаймон.

Момо бош ирғади.

— Хурсан болам, қорним очқаб кетди, бир бурда нон келтир, еб олай! Улишгаям куч-мадор керак экан!

— Нонам беришмадимми, бечора энам-а!

Хурсаной қоп-қора тандир нонини сувга буктириб, онасининг олдига суриб қўйди. Кампирнинг уйқусизликка, дард хуружига чидаб берган кўзлари энди юмилиб борарди.

Ўша куни Хурсаной момонинг уйчасида тунаб қолди. Момонинг саҳарда уйқуси қочиб кетди, ухлаб сал ўзига келибди, ҳартугул қорни оғримаяпти, шунисига шукр.

— Хурсан, аканг Нортош билан Холбувига хабар берармикан! Улимим олдида уларам бошимда турса яхшийди-да, болам!

— Кеча тайинладингиз-ку, етказар!

Момо кундан-кунга тушакка миҳланиб борарди, ярамас дард билан олишишдан чарчаб кетди. Ажал шарпаси сал сезилгандай бўлиши билан момонинг вужудини ваҳима қоплаб олар, ўлишини сира-сира тасаввур қилолмасди. Ён-атрофида гирдикапалак бўлиб юрганларнинг олдида ўзини гуноҳкўр ҳис қила бошлади. Фарзандлари, неваралари унинг бандаликни бажо келтиришига шай

туришибди, аммо нима қилсин, ўлим билан юзлашиш галга солин-  
япти.

Шаҳарнинг биқинида жойлашган қишлоқда яшовчи қизи юрагини ҳовучлаб етиб келганда, момонинг кўнгли тоғдай кўта-  
рилди ва тезликда аввалги ҳолига қайтди. Момо қизининг ўзига кўрсатаётган меҳрибонликларини юраги ийиб қабул қилар, гоҳо кечки пайт чорпояга қўлидан етаклаб олиб чиқишини ҳам рад этолмасди. Кампир келини, невараларининг гурунгига қўшилавер-  
мас, ҳатто ўгли Сулаймоннинг илтифотларига ҳам оғрингандек, сукут сақлаб жавоб қайтарарди. Дастурхондаги олма-ўриқларни жуда егиси келиб турса-да, нафсини тияр, бир бурда нонни чойга ивитиби, эрмак қилар, ортиқча нарса истеъмол қилиб, оқибатда дард исканжасида қолишдан чўчирди.

— Олинг, эна емайсизма? Уламан деб... оч ўтирасизма? — Нортош олма-ўриқлардан сара-сарасини унинг олдига қўяди.

Момо қизининг илтифотларида меҳрга қоришиқ туйғуни тан олса-да, ичидан зил кетди. Демак, қизи ҳам унинг ўлимини кутаётган экан-да. Арзанда жонининг узилишини илҳақ кутмоқдан эзи-  
либ, кунлар ойга уланияпти.

Эртасига Нортош қайтиш тараддудига тушди. Кампир қизини йўдан қайтармади. Тирикчилиги, рўзгори бор.

— Кўролмай қолсам, рози бўлгин, болам!

— Ундай деманг, эна, ҳали кўп яшайсиз! — Нортош онасига далда бергандек бўлди-ю, ўзини тутолмасдан, ўкириб йиглаб юборди. — Энажоним, бизни ташлаб кетманг! Невараларингизни тўйини кўринг!

Она ва қиз бир лаҳза кучоқлашиб турдилар. Кўнгилларида нелар кечаётган бўлмасин, шу тобда бу икки муштипар табиат-  
нинг азалий ва абадий қонунлари олдида ожиз эканликларига шак келтира олмасдилар. Шарофат момо қизи билан абадий видола-  
шаётганидан кўнгли алланечук галати бўлиб кетди. Чуқур хўр-  
синди.

Янги кун бошланди, бир-бирига эгизакдек кунлар ҳам сез-  
дирмай утиб борар, ҳадемай ёз чилласи тутаб, кузак шамоли эсадиган вақт яқин эди. Энди ўлимини сира ҳам кечиктириб бўлмайди.

Нортош кетиб, орадан икки кун ўтдию ўртанча қизи Холбу-  
ви етиб келди. Момо уни қайтиб кетишга ундади, ҳар доимгидек эканлигига ишонтиришга уринди.

— Яхши бўлсангиз, нур устига! Лекин бир нарса дейиш қийин-да! Олдингизда бўп турганимиз яхши, эна!

Момо қизига эътироз билдиролмади. Кейинги кунларда у чиндан ҳам ўзини анча тутиб олганди, оғриқ энди деярли безовта этмас, Шоввоз топиб келган дорилар кор қилиб, тунлари тинч ва осойишта ухларди. Аммо момо ажал ҳар қачон ва ҳар лаҳзада жонига човут солиб қолишдан хавфсирарди. Ахир буни ажал дейдилар, Худо амр этса, ҳозироқ, шу лаҳзадаёқ жон таслим қилишга мажбур, ҳа, мажбур.

Холбуви уч кундан сўнг, уйига шошилди. Момо негадир юраги аллатовур бўлиб, қизига ялинди:

— Яна икки-уч кун чидагин, болам! Балки... узилиб қоларман! Кейин кетсангам майли, Хурсан хабар олиб турар! Сенлар узоқ-дасанлар, етиб келаман дегунларингча...

Холбуви онасининг гапини икки қилолмай, яна икки оқшом тунади. Момо уни йўлдан олиб қолганига кўп афсусланди. Ҳалидан дарак йўқ, тавба, уни синаяптими, мунча илҳақ қилди-я? Ҳеч ким ажалини унингчалик интизор кутганмикан?

Момо қизига изн берди. У кетгач, ўзини ёлғиз ва гариб ҳис қилиб, кунларини санаб ўтказа бошлади. Ҳар кеч Сулаймон кириб, ҳол сўрар, кундузи Хурсаной ул-бул кўтариб кирар, шунда кампир фарзандларининг бари қобил чиққанидан мамнун бўлгандек, кўзларида табассум жонланарди.

Узоқ-яқиндан тоби қочиб қолганини эшитиб келаётган қариндош-уруғларнинг ҳам қадами сийраклашиб қолди. Кампир ўлим шарпаси ўзидан тамоман йироқлашганига амин бўлди. Қизи Хурсанойни ҳам тинчлантирди. Шунга қарамай, тўнгич қизининг бир оёғи кунда-шунда, у суйган таомларни ташигани ташиган эди.

— Уйимиз бир қадам-ку, эна! Ётсамам, турсамам хаёлим сизда! — деб кўярди қизи.

Кампир булоқбошилик ўтай сингиси Рузвонни ёнидан бир қадам жилдирмасди. Худо етказди уни, жуда зерикиб ўтирганди. Аслини олганда, Рузвоннинг аҳволи ҳам уникидан дуруст эмас, етмишга етган кампир, бечора қадди букчайиб қолибди, энкайиб таҳорат қилган бўлади-да, тиловатта ўтиради.

— Ажал келмаса, ўлишам қийин экан, Рузвонжон! Икки ойдан ошди шу аҳволда ётганимга! Бари мени ёмон кўриб қолишди! — ҳасратини тўқди Шарофат момо.

— Ундан кўраси балнисага борсангиз яхшимиди?

— Э, балнисадаям қариларни ёқтиришмайди!

Опа-сингил бир-бирига суянчиқ бўлиб, кеча-кундуз дардлашишар, кунлар бир-бирини қувиб, вақт елдимдек ўтиб борарди.

Рузвон тонг азонда туриб, қўлида офтоба ташқарига томон одимлаган пайтда момо ҳам уйгонган эди, у бир дафъа атрофга қулоқ тутди. Сокинлик. Лекин бирдан момонинг қорин бўшлиғида нимадандир огоҳ этгандай симиллаган оғриқ турди. Турдию лаҳза ўтмай момонинг вужуди алангайи оташ бўлиб ёна бошлади. Юраги қинидан чиққудай бежо урар, юзи мисдай қизиб борарди. «Ажал!» лоп этиб шу фикр кампирнинг миёсига урилди.

— Э, Худо! — илтижо қилди момо. Ёнида ҳеч ким йўқлиги ҳам момони ташвишга солмай қўйганди. Ҳарқалай, бу ўлим ёқасида турган барча қариялар учун хос бўлса-да, момо икки ой бадалида кутавериб чарчаган ўлим дақиқаси жуда ҳам яқинлигига шак-шубҳа қилмади. Майли, ёнида ҳеч ким ўтирмаса ҳам рози, фақат бандаликни бажо келтирса бўлгани. Ахир ҳаммалари ўз инсоний бурчларини бажаришди, ҳол сўрашди, руҳини кўтаришди, кези келганда далда беришди. Энди эса улардан норози бўлишга сираям ҳаққи йўқ.

Момонинг танаси чўяндек огирлашиб, қимирлашга мажол  
ҳам етмай қолди. Қорнидаги огриқ энди санчиб-санчиб давом  
этарди. Момо бу ҳолат худди аввалгиларига ўхшаб ўткинчи эмас-  
лигига ўзини ишонтиришга уринди. Ахир кўзлари тўрт бўлиб  
кетди-ку?!

Кампирнинг сон-саноксиз ажинлар босган юзи оқариб кетди.  
Кўзлари бир текис юмилган бўйича қайтиб очилмади. Юраги  
урган-урмаётганини ҳам сезиш қийин эди. У ўлими олдидан тара-  
шадек қоқсуяк, томирлари бўртик-бўртик қўлларини кўксига  
қўйишга улгурди.

Уйчага деразанинг ярмидан миҳ қоқиб тутилган оқ сури  
орқали ёруғлик тушди. Одатдагидан фарқсиз кунларнинг бири  
бошланди. Момо эса унсиз, ҳаракатсиз ва беташвиш ётарди...





---

**Бизнинг Халқ дostonларимиз турмушнинг ҳамма жиҳатларини қамраб олганини биласиз. Уларда бола тарбияси ҳақида дейсизми, душман билан муомала қилиш йуллари хусусида дейсизми, ҳар хил маросимлари давлатлар орасидаги муомалаларга ҳамма ҳаммаси ҳақида сўз юритилган.**

**От — хосиятли ҳайвон. Унинг инсонга нисбатан энг яқин ва ятоатли жонивор эканлиги ҳам кўпчиликка маълум. Шунинг учун ҳам бадиий адабиётда от ҳақида жуда кўп ёзилган. Ёш тадқиқотчи Абдумурод Тилолов ҳам анчадан буён халқ дostonларидаги от образи мавзуда иш олиб борапти. Абдумурод қилаётган ишнинг узига хос тарафи шундаки, унинг тадқиқотидан адабиётчи ҳам, адабиётга алоқаси бўлмаган чавандоз ёки оддий от ишқибози ҳам янги-янги маълумотлар олади. Биз қуйида ёш олимнинг изланишдан намуна сифатида ушбу мақолани укучилар эътиборига ҳавола этаймиз.**

**ТАҲРИРИЯТ**

---

## «...ОТЛАР ЯҚИН ҚИЛАР ЙИРОҚНИ»

«Халқ оғзаки ижодининг энг муҳим хусусияти шундан иборатки, унда сунъий қўшимчалар, уйлаб топилган нарсалар бўлмайди», дейди фолклоршунос Метин Эргун.

Дostonларимизда мукамал ва жонли ишланган тимсоллардан бири от бўлса, унинг тасвирида, дарҳақиқат, «сунъий қўшимчалар» ҳам, «уйлаб топилган нарсалар» ҳам йўқдир. Балки ҳаммаси воқеликка уйғун ҳолда тасвирланади. Бордию муболага қилинган тақдирда, ҳаётий асоси эътиборидан у муболагалар ҳам табиийдек таассурот уйғотади.

Биз куйида халқ оғзаки ижодида от тимсоли билан боғлиқ ҳаётый асослар хусусида сўз юритмоқчимиз.

Жанговар от таърифланаётганда, пойга сҳуд жанг майдонида югураётганда, унинг зоти алоҳида курсатиледи:

*Наслинг асли Райҳон араб отидан,  
Пард олиб келдинг душман юртидан.  
Неча бедов тизгинини уздирдинг,  
Минг душманнинг қургонини буздилинг.*

(«Оға Юнуснинг олиб қочилиши».)

*Маст бўлиб боради Заргар зурабор,  
Остида уйнайди араби тулпор...  
Юлдузни кузлайди араби оти,  
Белида ярқирар кескир пулати.*

(«Маликаи айёр».)

Бу «бедов тулпорлар» қаҳрамонга энг оғир дамларда ёрдам беради, ақл бовар қилмас қийинчиликларга дош бериб, вазифасини уйдалайди, жанг майдонида душманга «рад бериб», эгасини халос этади:

«Фирот жонивор Авазнинг ярадор бўлганини билиб, йиқилиб қолмасин, йиқилиб қолса, менга кун ёмон таъна ишлар булади, деб кейинга кетайин деса, қуйруғи билан суяб, илгарига кетай деса, ёли билан силаб, Авазхонни авайлаб, аста-аста суяб, Хулкар тоғининг баланд чўққисига олиб чиқди. Ул тоғнинг чўққиси така ёвмит, туркман отидан бошқаси чиқа олмайдиган ер эди», ёки

*Аслинг Чамбилнинг отисан,  
Асли туркман хоназоти.*

Келтирилган нарчалардан маълум бўляптики, дostonлардаги қаҳрамонларимиз минган отларнинг зоти арабий ва туркман наслли экан. Бу отларнинг дostonларда абжир, тadbиркор, кучли тарзда тасвирланишига асос бор, албатта. Чунки ота-боболаримиз минган зотдор бу отлар ҳаётда ҳам энг кучли, чидамли, ҳар қандай шароитга тезда мослашадиган отлардир.

Мутахассисларнинг маълумот беришича, араб отининг вужуди гузал, боши кичик, бурун тешиклари катта, буйни узун, оёқлари ингичка ва бақувват, очлик ва сувсизликка ута чидамли, «туслари кук, турик, жийрон, қисман қора» булади. Бу отлардаги узига хос белги — пешонасидан пaстроқда, бурнининг устида чуқурчаниннг борлигидир. Узоқ йиллар от тарбияси билан шуғулланган уста чавандозлар араби отларнинг дунёдаги энг зотдор, зукко, гузал ва кучли от эканини, бинобарин, бу от бошқа отларга қараганда инсонга янада яқин ва вафодор эканини алоҳида таъкидлашади. Дostonда «араби» ёки «туркман оти» деб сифатланаётган қаҳрамон оти ҳам шу хислатларга эга.

Мархум фолклоршунос олим Ҳоди Зариф «араби» атамасининг фақат араб отига нисбатангина ишлатилмаслигини, бу от насли ҳозирги Туркменистонда милоддан илгариги Парфия давлатида мавжуд ва машҳур Нисо отлари деб аталган аргумоқлар билан Шимолий Арабистон (Нажд) вилоятларидаги араб отларининг чатишишларидан пайдо бўлган бир насл эканини айтади («Пулкан шоир» китоби, Т., 1976, 67-бет).

Урта Осиё ҳудудида ва умуман туркийлар яшаган жойларда бу насли отлар жуда кўп етиштирилган ва кўпайтирилган. Улар эса, дostonларда тасвирлангани каби, эгаларига шон-шухрат олиб келган. Салоҳиддин Боту 1900 йилда Парижда утказилган халқаро от мусобақасида Онадулидан олиб борилган араби отлар биринчи ва иккинчи уринларни эгаллаганини айтади. («Турк отлари ва от етиштириш маҳорати», Анқара — 1988).

Қардон халқ дostonларидаги қаҳрамон отлари ҳам «араби» отлардир:

*Араб от майдонда йўртар,  
Мард йигитнинг ризқи ортар.  
Қон қурганда ёбинг<sup>1</sup> ҳуркар,  
Фирот сақраб лошдан утар.*

(«Авазнинг келтирилиши». Туркман халқ эпоси.)

*Қалқди, кучиб кетди Авишар эллари,  
Оғир-оғир кетган эллар бизники.  
Араб отлар яқин қилар йироқни,  
Баланд тоғдан утган йуллар бизники.*

(«Дадаугил». Турк халқ дostonи.)

Дostonларимизда тилга олинаётган туркман отлари ҳам аждолларимиз энг мақбул санаган от турларидандир. Кузатишларимиз давомида жумҳуриятимизнинг фарқли вилоятларидаги чавандозларнинг аксарияти отларининг «туркман насли» отлардан эканини айтишди.

Бу хил отлар ҳам кучли, чидамли, соғломдирлар. Йўрга юришли, тез югурадилар. Туркман отларининг териси анча қалин бўлгани учун аксар касалиққа чидамлидир. Баланига ҳам унча-мунча яра чиқмайди. Бундай отларни боқиб унча қийин эмас. «Турк Ислом Қомуси»да қуйидаги муҳим маълумотни уқиймиз: «Урта Осиёдан Онадулига келган отлар ва турклар етиштирган отлар, Салжуқий давридаги манбаларда курсатилганидек, «туркман оти» номи билан шухрат қозонган Туркистон наслидан эди. Туркман отининг узига хос жиҳати — унинг урта ва ҳатто кичик бўли, боши хушбичим ва кичик, қулоқлари қисқа, еллари қалин ва узун, кўкрак сағрларининг бақувватлигидир. Ота-боболаримизнинг бундай сифатли оти тезкор ва чидамлидир».

Аждолларимиз етиштирган отларнинг бу сифатлари хориж-

<sup>1</sup> Ёби — насли паст, қирчанғи от. — А.Т.

ликларни ҳайратда қолдирган; улар ҳам бу зотдор отларнинг «энг яхши отлар» бўлганини эътироф этишган. Жумладан, 1432—1433 йилларда турк улкаларини кезиб чиққан фарағ аслзодаси Бертрандон де ла Брогуер саёҳатномасида бундай деб ёзган: «Туркларнинг отлари жуда яхшидир. Бу отлар тез ва узоқ масофага югуради. Турклар отларга фақат кечаси эм берадилар... Бу эм беш еки олти жуфт ҳовуч тула арпа билан, шунга икки баробар сомонни аралаштириб тайёрланади... Кечаси отнинг устига қимматбаҳо ёпинчиқлар ёнадилар».

Дарвоқе, жанговар отнинг купинча голиб келиши, қаҳрамонни оғир вазиятларда қутқариб қолиши отга берилган махсус тарбия, қаровга ҳам боғлиқ. Зукко бахшии бу ҳаётий ҳақиқатни ҳам назардан четда қолдирмайди. Масалан, Гуруғлининг оти Гиротнинг бир узига тажрибали уч синчи бириктирилган. От ҳар боқилганда олти ой, қоронгу ертўлада боқилади, отбоқарлар унинг ёлини қизлар сочини тарагандай тарапади. Гиротнинг асосий симиши кишмишдан...

*Ғазо қуни майдон-майдон чошганди,  
Ҳар ким минса, мақсадини топганди,  
Рост қаддини келтирмоққа Гиротни,  
Ҳар боққанда олти ой бирдан боққанди.  
Қуриб есин, деб смини Кукгирот,  
Табласига қуша шамлар ёққанди.  
Чу, деганда қарчиғай қушга тенди,  
Кишмишдан берганди овқатман-снди.*

(«Авазхон» достонидан.)

От қоронгу ертўладан чиқарилгач, дастлаб текис, сунгра шудгор ва тошшоқ йўлдан юргизилади. Отнинг сочи аёл кишига (таъкид биздан — А. Т.) силаштирилади, от тарбиясида қизлар ҳам иштирок этади:

*Отни боқсанг, арпа бериб туллатиб,  
Ёл — қуйруғини Ҳилолжонга силатиб...*

(«Гуруғлининг туғилиши».)

Яна бир мисол:

*Пулат туёғингни жонвор, урар, деб,  
Сум тилладан сенга наҳал суктирдим.  
Шол турва, жонвор, лабинг урар, деб,  
Банот билан бахмал турва кийдирдим.  
Жонивор, сенинг арпа тишинг урар, деб,  
Кишмишдан емлар туктирдим.  
Отим хафа бўлмасин, деб, жонивор,  
Олти ойлаб қирқин қизга боқтирдим.*

(«Гуруғлининг туғилиши».)

«Алпомиш» достонидан:

*Ун икки ой сени Бойбури боқди,  
Гарданингга Қадирғоч қутос тақди.*

От тарбияси лавҳасида қуринган бу нуқтани изоҳлашда икки жиҳат эътиборга олинishi керак, бизнингча. Аввало, қадим утмишда мавжуд булган аёлпарастликнинг достонга таъсири деб қараш мумкин. Бироқ кузатишимизча, достонлардаги бу жиҳат ҳам ҳаётii асосга эга экан. Уста чавандозлар от боқимида аёл кишининг иштирок этиши, аёлнинг от ёлини силаши парваришланаётган отни «руҳлантириб юборишини» айтиб беришди.

Ана шундай ҳассослик ва меҳр билан астойдил парваришланаётган от, албатта, еган тузини оқлаб, эгасининг ишончини қозонади. Бундай отнинг куч-қудрати, хагги-ҳаракатидан одам ҳайратланади:

*Майдон кириб уйнар булса Кукғирот,  
Душман қони селдай бўлиб оққанди.  
Унга ботган қарчиғайнинг қисғи,  
Душманларга азроилдай сиғи.*

(«Авазхон» достонидан.)

От тарбиясига эътибор бермаслик эса, похуш ҳолатларга олиб келади. «Қундуз билан Юлдуз» достонида Фирқукнинг Чунтоқ отдан кейинга қолганига аччиқ қилиб:

*Бошинг айландими, қузинг тиндими,  
Қанотинг қайрилиб тагдан сиңдими?  
Етолмайсан Эрназарнинг отига,  
Емонлагур Фирқук, бир гап булдими?*

деган Авазга Фирқук шундай жавоб беради:

*Устимда булмади Гуруғли султон,  
Тарбиятлар қилар эди фаровон.  
На қултум сув бердинг, на қимтим сомон,  
Очликнинг касоди булди, Авазхон.  
Гуруғлидай қадримни билмадинг,  
Саҳарлар салмоқлаб емим бермадинг.*

УзФА Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейида сақланаётган, Тоғай шоир Маҳмон угли вариантига оид «Эр угли» достонида асирга тушган ва оғир аҳволда ётган Гуруғлининг тирик эканлигидан хабар топган Хунхор шоҳ: «Мен Гуруғлидан от боқиш (таъкид бизники. — А. Т.), чопиш, сипоҳгарчилик, душманларга рад бериш, юрт олишлик илмларини урганаман», деб Гуруғлини ҳузурига чақиртиради. Гуруғли бундан бош тортади. Жаллодлар Гуруғлини улдириб, бошини Хунхор шоҳга келтирадilar. Хунхор шоҳ эса, жаллодларни дорга остиради.

Тарихий манбалар, турли ҳужжатли васиқалар ҳам ота-боболаримизнинг отни боқип, тарбиялаш соҳасида бошқа халқларга урناк буладиган даражада катта тажрибага эга булганликларини билдирмоқда. 1554—1562 йилларда Онадулида яшпаган Австрия элчиси О. Чиселиннинг ёзишича, турк қишлоқларида яшовчилар отга меҳрибонлик, шафқат ва севги билан яқинлашадилар ва силайдилар. Улар отларни урмайдилар. Бу эса, отларнинг ҳам мулоийм феълли булишига олиб келади. Бу отлар Австрия мамлакатадаги яхши тарбияланмаган отлар каби бадфеъл, қайсар ва типлайдиган эмаслар.

Бошқа бир ғарб сайёҳи А. Томас ҳам шундай ёзади:

«Ҳақиқатан, турклар отларнинг тарбиясига катта аҳамият берадилар ва отларни энг яхши тарзда тарбиялайдилар. Зеро, улар яратилишидан отларни севган инсонлардир. Шундай қилиб, турклар узоқ вақт яшайдиган ва эгаларига хизмат қиладиган энг чиройли, энг кучли отларга эга булишади».

Ислом адабиётининг машҳур вакили Жоҳизнинг эътирофи янада эътиборли: «Туркнинг қуроли, ҳайвони, анжомлари ҳаминша ёнида булади. Шундай от чоптирадики, бошқалар ундан қолиб кетади ва турк тез югураётган от устида турт томонга қараб уқ ота олади... Турк отини узи тарбиялайди, парваришлайди. Ҳаётининг кун қисми отининг устида утади. Турк ҳам чунон, ҳам сайис, ҳам дорбоз, ҳам суворийдир». («Ислом Қомуси», «От» моддаси).

Демак, дostonларимиздаги от тарбияси билан боғлиқ уринларнинг асоси аждодларимиз тарихига бориб тақалар экан. Бинобарин, от тимсолига тегишли бу белгиларни ҳам воқеликнинг халқ оғзаки ижодидаги ифодаси, деб баҳолаш лозим.

Абдумурод ТИЛОВОВ

## Мундарижа

### НАСР

- Шукур Холмирзаев. Арбоб армони. *Ҳикоялар* 3  
Сафар Барноев. Ажиб дунё одамлари. *Ҳикоялар* 72  
Улуғбек Абдуваҳоб. Кучки. *Ҳикоя* 205  
Хулкар Тўйманова. Омонат. *Ҳикоя* 209

### НАЗМ

- Гулчехра Нур. Тиларман ҳар қалбга бокира тўзим 91  
Сайёра Самандарова. Соғинчнинг ватани эрур кўзларим 96  
Ойгул Убайдулла қизи. Кўнгул — боғдаги қўшим 99  
Наби Жалолиддин. Чиптасиз одамлар. *Достон* 164  
Оллоёр. Васлинг хаёли 169

### САОДАТ АСРИ ҚИССАЛАРИ

- Аҳмад Лутфий. Ойдинликлар сари 102

### ДУРДОНА

- Гарибий. «Яхшиликдан қил ўзинг оламда машҳури жаҳон» 189

### МУШОИРА

- Майсалар чўмилди шабнамга 195

### МЕРОС ВА ҚАДРИЯТ

- Абдумурод Тиловов. «...Отлар яқин қилар йироқни» 217

---

Техник муҳаррир Ю. Абдуллаев.

Мусаҳҳиҳ М. Зайниддинова.

---

Муаллиф фикри таҳририят фикри деб қабул қилинмасин ● Таҳририятга келган бир босма табоқча булган материаллар муаллифларга қайтарилмайди. ● Таҳририят ўз тавсиясига кура амалга оширилган таржима асарларини қабул қилади. ● Ойнома матбаасига оид нуқсонлар (саҳифалар етишмаслиги, чалқаш босилгани) буйича ушбу тапшиқотга мурожаат қилинг: Тошкент-83, Буюк Турон кучаси, 41. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. ● Обунага монёлик курсатилган ёки ойнома ўз вақтида етиб бормаган тақдирда Тошкент, 700000. Амир Темур тор кучаси, 2. Жумҳурият матбуот тарқатиш марказига мурожаат қиласиз.

---

Теришга берилди 25.02.97 й. Босишга рухсат этилди. 20.03.97 й. Қоғоз формати 84x108  $\frac{1}{32}$ . Офсет босма усулида 2-қоғозга босилди. Босма табоғи 7. Шартли босма табоғи 13,44. Нашриёт ҳисоб табоғи 18,48. Буюртма № 1015. Алади 11.023 нусха.

---

ЧАКАНА САВДОДА БАҲОСИ КЕЛИШИЛГАН НАРҲДА  
«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмаҳонаси,  
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кучаси, 41.



## Рустам Шарипов

(Фотомухбир ижодидан  
намуналар  
3—4 бетларда)

Рустам Шарипов фотомухбирликни жуда эрта, мактабда ўқиб юрган пайтларидаёқ бошлаган.

«Мактабимизга келиб турадиган фотограflарни куриб, ҳайратга тушардим. Наҳотки, шу қутича ичида бизнинг суратларимиз бўлса... Мумкин эмас! Бунда бир сир бор! — шундай деб болалик кунларини эслайди «Тошкент оқшоми» газетасида хизмат қилаётган таниқли фотомухбир Рустам Шарипов. — Дастлаб фототугаракларга қатнаб юрдим, ургандим. Кейинроқ менга бу соҳани уста фотограф, таниқли фотомухбир Валентин Ковелин меридаи сиригача ургатди. Турт йил Уз ТАГ (ҳозирги Ўзбекистон Ахборот Агентлиги)да ишладим. Газеталарга қатнаша бошладим. 1988 йилдан буён эса «Тошкент оқшоми»да ишлаб келмоқдаман».

Рустам Шариповнинг таржимаи ҳоли оддий. Бироқ унинг асарлари узига хос — бетакрор, табиий. Ҳар бир сурат сиз гуё у билан бирга нафас олиб тургандек.

Яна бир гап. Рустам Шарипов айна қирчиллама 42 ёшда бўлса ҳам, кун и кеча сурат ола бошлаган шогирддек, камсуқум, камтар, айна пайтда ҳозиржавоб, олижанобдир. Соҳанинг узига хос қийинчиликлари, муаммолари ҳар он, ҳар дақиқада Рустамни «туртиб», «турткилаб» туради. Лекин бунга у ортиқча парво ҳам қилмайди. Бу унинг ўз касбини севганидан бўлса керак. Унинг бахти ҳам шу!